ИНТЕРНЕТДАГИ ТАҲДИДЛАРДАН ҲИМОЯ

УЎК: 004.738.5:28 (075) – Интернет
КБК: 32.973.202
Я99

Ушбу ёрдамчи ўқув қўлланма Олий ва ўрта махсус таълим муассасалари талабалари учун мўлжалланган. Қўлланмада, асосан, интернет орқали амалга оширилаётган таҳдидлар, ёшлар онгига салбий таъсир этадиган бузғунчи ғоялар ва "оммавий маданият" ниқоби остидаги маданиятсизликнинг салбий оқибатлари аниқ далиллар ва ҳаётий мисоллар асосида ёритилган. Бундай таҳдидларга қарши курашиш ва ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш асослари миллий ва диний жиҳатдан баён қилинган. Шунингдек, бузғунчи ғояларнинг асл қиёфаси ҳаётий фактлар, савол-жавоблар ва психологик тестлар орқали батафсил ифодаланган.

Яҳё, Муҳаммад Амин.
Интернетдаги таҳдидлардан ҳимоя: Ёрдамчи ўқув қўлланма/ М. Амин Яҳё; Масъул муҳаррир А.Ҳасанов. – Тошкент: Movarounnahr, 2016. – 408 б.
КБК: 32.973.202
86.38

Масъул муҳаррир:
Аҳаджон Ҳасанов
тарих фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:
Ҳайдархон Юлдашходжаев
тарих фанлари номзоди.

Қобилжон Зоҳидов
тарих фанлари номзоди.

Ушбу ёрдамчи ўқув қўлланма Тошкент ислом университетининг Ўқув-услубий кенгаши (23-сонли баённома, 2015 йил 4 май) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2016 йил 16 февралдаги 904-рақамли хулосаси асосида нашрга тайёрланди.

ISBN 978-9943-12-360-1
9 789943 123601

© Муҳаммад Амин Яҳё
© "Movarounnahr" нашриёти, 2016

2016/89 A3712 Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

“...Албатта, интернет орқали дунёнинг исталган нуқтаси билан тезкор алоқа ўрнатиш, зудлик билан зарур ахборот ва маълумотларни олиш, билим ва маърифатни оширишда унинг беқиёс ўрни ва аҳамияти борлигини ҳеч ким инкор этолмайди. Биз одамларимизнинг интернет имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланишга бўлган интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз. Такрор бўлса-да, айтмоқчиман – ахборот оламида қандайдир девор ўрнатиш, ўз қобиғига ўралиб, маҳдудликка юз тутиш йўли бизга асло маъқул эмас.

Шу билан бирга, бугун ён-атрофимизда, узоқ-яқин минтақаларда юз бераётган воқеаларни инобатга оладиган бўлсак, ҳали онги, ҳаётий қарашлари шаклланиб улгурмаган ёшларни чалғитишга қаратилган ғаразли кучлар ҳам интернет имкониятларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга уринаётгани ва бундай интилишларнинг қандай салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини эътибордан соқит қилиб бўлмайди.

Жамиятда тинчлик ва барқарорликни издан чиқаришга, ўзаро адоват ва тўқнашувларга сабаб бўладиган бундай хатарларнинг олдини олишнинг битта йўли бор: ёшларимизни мустақил фикрлайдиган, оқни қорадан, дўстни душмандан ажратишга қодир бўлган, бизнинг қандай бой тарих ва меросга эга эканимизни англаб яшайдиган, имон-эътиқодли, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбия топган инсонлар этиб вояга етказишимиз, бу масалани ҳеч қачон иккинчи даражали вазифа деб билмаслигимиз керак...”

Ислом КАРИМОВ

Кириш

Интернетга бўлган эҳтиёж кун сайин ортиб бормоқда. Натижада ахборот ва коммуникация соҳасида улкан ўзгаришлар юз беряпти. Охирги 50 йилда ахборот узатиш тизимининг иши 300 минг марта тезлашди. Нарх эса минг баробар арзонлашди. Бундай ҳодиса Ер юзида улкан ахборот макони – халқаро интернет тармоғи юзага келишига омил бўлди.

Интернет оммавий коммуникация таъсирини энг баланд поғонага кўтарди. Веб-саҳифага жойлаштирилган биргина маълумотни яшин тезлигида дунё бўйлаб тарқатиш имконини берди.

Бугунги кунда интернет айрим "шахслар" учун ғоявий қуролга айланаётгани масаланинг энг муаммоли жиҳатидир. Яқин ўтмишда бирор давлатни забт этиш учун қурол, танк ва шу каби воситалардан фойдаланилган бўлса, ҳозир бундай қуролларнинг аҳамияти пасайиб боряпти. Буларнинг ўрнини оммавий ахборот воситалари, айниқса, интернет эгаллаяпти. Шундан кўринадики, ҳозир бирор халқни ёки мамлакатни тобе қилиш учун, ўша мамлакат ёшларининг онгини забт этиш кифоя. Бу фикрнинг исботи сифатида "Араб баҳори" буҳронлари ёки Европанинг айрим ҳудудларидаги нотинчликларни айтиш мумкин.

Ҳозирги таҳликали замонда интернет тармоғи орқали тарқатилаётган ғаразли маълумотлар, вайронкор ғоялар, одоб-ахлоқни емирувчи иллатлар ёш авлоднинг ҳар бирига таъсир ўтказмоқда. Кейинги пайтларда интернет орқали бузғунчиликка чақирувчилар, глобал тармоқдан қабиҳ мақсадда фойдаланувчилар кўпайиб бормоқда.

Жаҳон ахборот тармоғига кираётган ёшлар сони соат сайин ортмоқда. Масалан, Ўзбекистонда интернетдан

фойдаланувчилар сони 2008 йилда 2 миллион бўлса, 2015 йилда 10,2 миллиондан ошгани, уларнинг аксарияти ёшлар эканини алоҳида қайд этиш лозим. Асосий масала интернетдан ким қандай фойдаланишида. Ҳозир ёш бола ҳам компьютерни бемалол ишлата олади. Бир қарашда, бунинг ёмон жойи йўқдай. Аммо ҳаддан ошилса, назорат бўшашса, оқибати аянчли бўлади.

Бугун шахсни манқуртга айлантириш учун Чингиз Айтматов ёзганидек, туя терисини одамнинг тақир бошига кийдириш шарт эмас. Энди содир бўладиган урушлар жанг майдонида эмас, балки мафкура полигонида юз беради. Шу жиҳатдан қараганда, ёшларнинг кўп вақтини интернетда беҳуда сарфлаши катта фожиадир.

Афсуски, интернет тармоғи бузғунчилар ва учинчи кучларнинг асосий қуролига айланиб улгурди. Ушбу қурол бугун нафақат юртимизга, балки фарзандимизнинг чўнтагига ҳам кириб улгурган. Учинчи кучлар минглаб километр узоқликда туриб айрим оқ-қорани танишга улгурмаган ғўр ёшларни қўғирчоқ мисол ўйнатмоқда. Шунинг учун ҳам ахборот хавфсизлиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш долзарб масалага айланди.

Бугун шиддат билан ривожланаётган замонавий технологиялар жамиятга ўзининг ижобий ва салбий таъсирини кўрсатмоқда. Шу жумладан, интернет инсонларга фикр алмашиш, маълумотларни тез ва осон олиш, фойдалию зарарли хабарларни ҳеч бир монеликсиз тарқатишга имкониятлар очди, жуғрофий чегаралардан ошди ва олис масофаларни яқин қилмоқда.

Интернетни нотўғри ишлатиш хатарли оқибатларга, салбий натижаларга сабаб бўлиб, фойдасидан зарари ортиб кетмоқда. Яъни интернет бузғунчи ғоялар, ёвуз қарашлар ва беҳаё маълумотлар тарқалишига сабаб бўлмоқда. Бу эса, баркамол авлоднинг оилавий ҳаётдан, ижтимоий

муносабатлардан узоқлашувига, бузғунчи ғояларга тобе бўлиши, бефойда суҳбатларга, вақтни зое қилишига олиб келмоқда.

Айниқса, глобал тармоққа қўл телефони орқали кириш имконияти пайдо бўлгандан кейин кўпчилик унинг асирига айланмоқда. Ҳозир кўп инсонлар, айниқса, ёшлар уйда ҳам, йўлда ҳам ва ҳатто иш ва ўқишда ҳам бутун фикру зикрини телефонга қаратган. Бу ҳозирги кунда инсониятга хавф солаётган глобал муаммога айланди.

Халқаро муносабатларда "ахборот уруши", "ахборот хуружи", "ахборот босими" каби хатти-ҳаракатлар кучаяётгани сабабли, ёшларни бундай таҳдидлардан ҳимоялаш бўйича аниқ мақсадли ишлар қилишни даврнинг ўзи талаб этмоқда. Шу мақсадда ахборот ресурс марказларини кузата туриб, интернетдаги иллатлардан ёш авлодни ҳимоя қилиш бўйича ўқув қўлланмага эҳтиёж юқори эканини инобатга олиб, "Интернетдаги таҳдидлардан ҳимоя" номли ўқув қўлланмани тайёрлаш фикри пайдо бўлди ва Яратганнинг ёрдами ила ушбу иш амалга ошди.

Мазкур қўлланмада интернетдаги кўз илғамас, киши билмас ғоявий ҳамлалар аниқ мисоллар билан фош этилди. Қўлланма ўн бобдан иборат бўлиб, ҳар бир боб глобал тармоқдаги таҳдидлардан бирининг мақсад-иддаосини очиб беришга бағишланган. Шунингдек, ҳар бир иллатга қарши туриш учун аждодлар меросидан ўгитлар келтирилган, ислом дини кўрсатмалари ҳужжат-далиллар асосида батафсил баён этилган.

Ушбу ўқув қўлланма таълим муассасаларида ўтилаётган "Очиқ ахборот тизимларида ахборот-психологик хавфсизлик", "Ахборот истеъмоли маданияти" ва бошқа ижтимоий фанларнинг таркибий қисмларини тўла ўзлаштиришда, шунингдек, талабаларда вайронкор ғояларга қарши маънавий куч пайдо қилишда жуда қўл келади.

1-БОБ. СОҒЛОМ ЭЪТИҚОДГА ТАҲДИД

1.1. Эътиқод тўғрисида тушунча.

1.2. Глобал тармоқдаги таҳдидлар.

1.3. Соғлом эътиқоддан адашганларга муносабат.

1.4. Миссионерлар ёки "эътиқод овчилари" ҳамлалари.

1.5. Террорчиларнинг интернетдан фойдаланиш йўналишлари.

1.6. Исломда бузғунчиликка муносабат.

Дарснинг мақсади:

Соғлом эътиқод тушунчасининг моҳияти, тўғри ақидани ботилидан ажратиб олиш йўллари ва бугунги кунда интернет оламига урнашиб олиб, нафақат муайян шахсларни, балки бутун бир юртни тўғри йўлдан адаштиришга уринаётган кимсаларнинг қилмишлари очиб берилади. Шунингдек, ахборот уруши давридаги ғоявий тузоқлар, алдовларга учган ёшлар қисмати, залолатга етакловчи сайтлар ва буларнинг хусусиятлари тўғрисида баён этилади.

Таянч сўзлар ва иборалар:

Дин, ислом, шариат, имон, эътиқод, ахлоқ, соғлом ақида, ақида, фиқҳ, ахборот хуружи, ақидапараст, ақидаси ноқис, худкуш, ақидавий йўналишлар, фиқҳий йўналишлар, ҳанафий мазҳаби, муртад, тавҳид, Аҳли Сунна вал-Жамоа, мотуридия, ашъария, миссионер.

1.1. Эътиқод тўғрисида тушунча

Дарснинг мақсади:

Соғлом эътиқод тушунчасининг моҳияти, тўғри ақидани ботилидан ажратиб олиш йўллари ва бугунги кунда интернет оламига ўрнашиб олиб, нафақат муайян шахсларни, балки бутун бир юртни тўғри йўлдан адаштиришга уринаётган кимсаларнинг қилмишлари очиб берилади.

"Эътиқод" арабча сўз бўлиб, қаттиқ ишонч, Аллоҳ таолога бўлган имон маъноларини англатади. Эътиқоднинг мазмунини илм ташкил қилади. Чунки киши нимага эътиқод қилаётганини, нимага ишонаётганини англаши лозим. Илмсиз эътиқод йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Инсон эътиқод билан тирик, эътиқод билан азиз ва мукаррам. Эътиқоди соф инсон жамиятнинг поклиги учун кураша олади. Эътиқоди мустаҳкам инсон ўз динидан воз кечмайди.

Шунингдек, эътиқод – бир нарсани иккинчисига маҳкам боғлаш маъносини ҳам ифода этади. Ислом ақидаси мусулмон инсонни маълум бир нарсалар билан маҳкам боғлаб турадиган тушунчалар мажмуасидир. Инсон бирор нарсага эътиқод қилиши учун уни ҳеч қандай шубҳа қолдирмайдиган даражада яхши билиши лозим бўлади. Ислом динида Аллоҳнинг ягоналиги ва пайғамбарларнинг ҳақлигига эътиқод қилиш ва ишониш шарт. Бу борада Қуръони каримда: **"Эй имон келтирганлар! Аллоҳга, Пайғамбарига,** (шу) **Пайғамбарига нозил қилган Китоб**

БИЛИБ ОЛИНГ!

"Ҳаё – инсоннинг абадий гўзаллиги ва латофатидир. Ҳаёсиз юз жонсиз жасадга ўхшайди". (Абу Али ибн Сино)

(Қуръон)**га ҳамда илгари нозил қилинган Китобларга имон келтирингиз! Кимки Аллоҳни, фаришталарини, китобларини, пайғамбарларини ва "Охирги кун** (қиёмат)**"ни инкор этса, демак, у жуда узоқ** (қаттиқ) **адашибди"** *(Нисо, 136),* – деб огоҳлантирилган.

Ақида масаласида кишилар тафаккурини тўғри шакллантириш – ёшлар, қолаверса, бутун жамиятнинг эътиқодини нотўғри ақидалардан асраш, ахлоқий ва маънавий камолотга етказиш долзарб вазифадир.

Ақида эътиқод қилиш зарур бўлган нарсаларни ўрганадиган илм бўлиб, унинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд:

- қатъий далиллар билан динга бўлган ишончни мустаҳкамлаш;
- диний ақидалардаги турли шубҳа-гумонларни бартараф этиш;
- ақидада бошқаларга тақлид қилмаслик;
- тўғри йўлни сўровчиларга ҳақиқатни тушунтириш, ҳақиқатга қарши чиқувчиларга далил-ҳужжатлар билан раддия бериш;
- дин асосларини бузғунчиларнинг фитна ва фирибларидан муҳофаза қилиш.

Ақида илмининг турли номлари мавжуд: ақоид, эътиқод, калом, тавҳид, усулуд дин кабилар. Булардан ташқари, замонавий тадқиқотларда мазкур илм соҳасининг илоҳиёт, ислом назарияси, ислом теологияси каби номлари ҳам қўлланилади.

ОГОҲ БЎЛИНГ!

"Ўйламасдан қадам босиб, хатога йўл қўйган киши пушаймон бўлади. У донолар наздида аҳмоққа, яқинлари наздида бегонага айланади". (Абулқосим Фирдавсий)

Исломнинг илк даврида ақида алоҳида фан сифатида шаклланмаган эди. Шунинг учун ҳанафий мазҳаби асосчиси Имом Абу Ҳанифа ўзининг ақида борасида ёзган китобига "Катта фиқҳ" дея ном берган. Зеро, Имом Абу Ҳанифа фиқҳ илмини икки қисмга бўлган: "ал-Фиқҳул акбар", яъни катта фиқҳ ва "ал-Фиқҳул-асғар", яъни кичик фиқҳ. Бинобарин, дастлабки даврда эътиқодга оид масалалар ақида деб эмас, катта фиқҳ деб, ислом ҳуқуқшунослигига оид амалий ҳукмлар эса кичик фиқҳ деб аталарди.

Ақиданинг алоҳида фан сифатида шаклланишига IX–X асрларда юзага келган турли ихтилофлар ҳам муайян даражада таъсир кўрсатди. Мазкур давр олимлари олдида соғлом эътиқод билан бузғунчи ғояларнинг орасини ажратиб олиш ва бошқаларга ҳам тушунтириб бериш вазифаси кўндаланг бўлди. Мўътазила, қадария, жабария каби тоифаларнинг Аҳли Сунна вал-Жамоа[1] тўғри йўлидан ажралиб чиқишига сабаб бўлган омил ҳам ақидавий масалалардаги хатолари эди.

Аҳамиятли жиҳати, бу оқимлар ўз ғояларини исботлаш учун нақлий далилларнинг бузилган талқинига ва ақлий далилларга суянадилар. Оқибатда мусулмонлар ўртасида турли ихтилофлар кўпайиб кетди.

Ислом илмлари турли соҳаларга бўлиниб, ўз навбатида

[1] Аҳли Сунна вал-Жамоа — нажот топувчи йўналиш эканига уламолар иттифоқ қилишган. "Аҳли Сунна" дегани Муҳаммад (алайҳиссалом) суннатларига эргашувчилар ва "вал-Жамоа" сўзи эса, мусулмонларнинг кўпчилиги ортидан юрувчиларни англатади. Демак, Аҳли Сунна вал-Жамоа — суннатга ва жамоатга эргашувчилардир.

БИЛИБ ОЛИНГ!

Ақида билмаган шайтона элдур,
Агар минг йил амал деб қилса, елдур! (Суфи Аллоҳёр)

ҳар бир соҳа мустақил фан сифатида шаклланганидан сўнг, унда турли йўналиш ва мактаблар юзага келди. Фиқҳдаги йўналишлар "мазҳаблар" деб аталса, ақида илми соҳасидаги йўналишлар "таълимотлар" дея ном олган.

Суннийлик йўналишида икки ақидавий таълимот мавжуд. Биринчиси Имом Абу Мансур Мотуридий асос солган мотуридия таълимотидир. Имомнинг тўлиқ исми Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Мотуридий. Милодий 870 йил Самарқандда туғилиб, 944 йил шу ерда вафот этган. У ҳанафий мазҳабида бўлиб, Имоми Аъзамнинг шогирди Имом Муҳаммаднинг издошидир. Имом Мотуридий Мовароуннаҳрда Аҳли Суннанинг шайхи мақомига эришган. У аввалдан мўътадил йўлдан бориш имконини топган. Мовароуннаҳрда барча унга мурожаат қилган. Ундан фиқҳ ва бошқа диний илмларни таълим олганлар.

Иккинчиси Имом Ашъарий асос солган ашъария таълимотидир. Имомнинг тўлиқ исми Абулҳасан Али ибн Исмоил ал-Ашъарий бўлиб, милодий 873 йил Бағдодда таваллуд топган ва ўша ерда 936 йили вафот этган. Имомнинг насаби машҳур саҳобий Абу Мусо ал-Ашъарий (розияллоҳу анҳу)га боғланади. Имом Ашъарий мўътазилийларга қарши чиқиб, уларнинг хатоларини кўрсатиб берган ва Аҳли Сунна вал-Жамоанинг улуғ олимларидан бирига айланган.

Маълумки, ақида ислом илмларининг энг муҳими ҳисобланади. Ақидада адашиш мусулмонни залолат

"Эй доно одам, сен энг аввало нарсаларнинг моҳиятини бил, уларнинг алдамчи шаклига ишонма". (Жалолиддин Румий)

ОГОҲ БЎЛИНГ!

ботқоғига етаклайди. Шунингдек, оят ва ҳадисларнинг нотўғри қўлланилиши ва луғавий маънолари билан чекланиш бу илмнинг ўрнини босолмайди. Баъзи бир бузғунчи оқимларнинг ёшлар онгига таъсир этиши кўплаб салбий вазиятларни юзага келтирмоқда. Агар мусулмон кишининг ақидаси тўғри бўлмаса, унинг қилган бошқа яхши амаллари ҳам бекор бўлади. Инсонга соғлом ақида сув ва ҳаводек зарур. Ақидадан адашган киши эса, бошқалар қўлида ўйинчоқ бўлиши ҳеч гап эмас. Ақида илмининг асосий мақсади икки дунё саодатини ҳосил қилишдир.

Ақида илми ислом динининг асосини ташкил этади. Ақида гўёки дарахтнинг танаси, бошқа ибодатлар эса, унинг шохларидир. Бошқача қилиб айтганда, ақида илми иморатнинг пойдеворидир. Асос бўлмаса ёки у бўш бўлса, иморат қулаб тушганидек, ақида соф бўлмаса, қилинган ибодатлар қабул этилмайди. Сўфи Аллоҳёр "Ақида билмаган шайтона элдур, Агар минг йил амал деб қилса, елдур!" деганда ақида илмини назарда тутганлар.

Ушбу ҳикматли сўз асрлар ўтса-да, ўз қадрини йўқотмай келмоқда. Зеро, эътиқоди суст кишилар ўтмишда ҳам шайтонга эл бўлиб, унга эргашган, ҳозир ҳам баъзи адашганлар унинг измида юришда давом этмоқда. Улар ўзлари адашгани етмаганидек, ўзгаларнинг ҳам эътиқодига рахна солаётгани хатарли ҳолатдир.

Эндиликда улар тўғри эътиқодга зид, соғлом ақида борасида шубҳага соладиган, баҳс-мунозара қилувчи сайтлар очиб, соф эътиқодли ёшларга салбий

БИЛИБ ОЛИНГ!

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг йигирма уч йиллик пайғамбарлик даврининг аввалги ўн уч йили ақидани тўғри талқин қилишга бағишланди.

таъсир ўтказмоқда. Одамларни тўғри йўлдан чалғитиб, ўзларининг ботил эътиқодлари устига қурилган таълимотларини сингдиришга уринмоқда.

Жаноби Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) нинг йигирма уч йиллик пайғамбарлик даврининг аввалги ўн уч йили ақидани тўғри талқин қилишга бағишланди. Чунки ақида орқали мусулмонлар қалбларига Аллоҳ таолонинг исм-сифатлари, тавҳид, дунё ва охират тўғрисидаги таълимотлар, тақдир масаласи, гуноҳ, савоб, жаннат, дўзах, фаришталар, илоҳий китоблар ва пайғамбарларга имон келтириш асослари ўрнашгандан сўнг, пайғамбарликнинг кейинги ўн йилида намоз, рўза, закот, ҳаж ва бошқа ибодатлар фарз қилинган.

Эътиқоднинг соф бўлиши нафақат Исломда, балки бошқа самовий динларда ҳам муҳим саналган. Чунки соғлом эътиқод нафақат шахс, балки жамият ҳаётида ҳам катта ўрин тутади. Кишиларнинг эътиқоди мусаффо ва қарашлари соф бўлса, ўша жамиятда тотувлик ҳукм суради.

Мусулмон кишининг эътиқоди мусаффо бўлиши учун улуғ аждодларимиз буюк асарлар қолдириб кетганлар.

Сўфи Аллоҳёр ҳанафий мазҳаби ва мотуридия эътиқоди асосида энг тўғри ва соғлом ақидани илгари суради. Унинг имон ҳақидаги фикрлари қуйидагича: *“Эй биродарлар, билинглар, имон деб нимани айтур? Жавоб улдурки, Худони бир ва Расулни барҳақ билмакни имон дерлар”.*

Ҳадисшунос олим Абдулфаттоҳ Абу Ғудда Самарқандга келганда: "Мен арабман. Расулуллоҳ ҳам араб эдилар.

"Бекорчилик ва айш-ишрат нафақат нодонликка олиб келади, айни вақтда касалликнинг тўгилишига ҳам сабаб бўлади". (Абу Али ибн Сино)

ОГОҲ БЎЛИНГ!

Қуръон ҳам араб тилида нозил бўлган. Лекин бутун араб, мусулмон олами ўзбек фарзанди Имом Бухорийнинг "Саҳиҳ"лари орқали Исломнинг асл моҳиятини тўлиқ тушунди", – деган эди.

Албатта, бу юксак эътироф. Демак, бутун мусулмон олами Мовароуннаҳрдан етишиб чиққан алломаларнинг асарлари орқали соф эътиқодни ўрганган экан. Нима учун биз соф эътиқод излаб хорижга боришимиз керак, деган ҳақли савол туғилади.

Бугун мана шу жиҳатни ёшлар тўғри тушуниши лозим. Чунки соғлом эътиқод жамиятнинг тинчлиги ва равнақига хизмат қилади ҳамда инсонни икки дунё саодатига эриштиради.

Ташқаридаги бузғунчи кучлар эса халқни пароканда қилиб, аҳолини ҳалокатга бошлайди. Жамиятнинг ҳамжиҳатлигини бузади, халқни жар ёқасига олиб боради. Диний тушунчалардан усталик билан фойдаланиб, инсонларга уларнинг асл моҳиятини бузиб кўрсатади. Шунингдек, ёшларнинг ишонувчанлигидан фойдаланиб, оммани норозилик кайфиятида тарбиялайди. Ғўр ёшларни эса алдов йўли билан ўзининг қуролига айлантириб, жувонмарг қилади.

Замонавий технологиялар даврида ҳар бир ёшнинг тажовузлар моҳиятини тўғри англаб етиши талаб этилади. Шу билан бирга, бундай глобал тармоқлар қайси кучларга таяниши, қандай фикрларни тарғиб этишини ҳам яхши англаш лозим.

БИЛИБ ОЛИНГ!

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: "Ҳаё фақат яхшилик келтиради". (Имом Бухорий ва Имом Муслим)

1.2. Глобал тармоқдаги таҳдидлар

Дарснинг мақсади:

Ахборот уруши давридаги ғоявий тузоқлар, алдовларга учган ёшлар қисмати, залолатга етакловчи сайтлар ва буларнинг хусусиятлари тўғрисида баён этилади.

Ҳозирги кунда ахборот уруши шиддат билан авж олмоқда. Ахборот уруши (information war) – турли мақсадларга эришиш учун рақибга ғоявий таъсир кўрсатишдир. Шунингдек, ахборот хуружи рақибга таъсир кўрсатиш орқали жамоатчилик онгини ғаразли йўллар асосида шакллантиришга уринишдир.

Манфаатдор кучлар ахборот хуружи кутилган натижани бериши учун ёлғон хабар тарқатиш босимини кучайтириб, интернетни ёлғон маълумотлар, сохта иддаоларга тўлдириш каби усуллардан фойдаланишади.

Ҳозирги кунда Хитойда 500 миллиондан, Россияда 50 миллиондан, Ўзбекистонда 10,2 миллиондан ортиқ интернетдан фойдаланувчи рўйхатга олинган. Эндиликда ижобий ёки салбий мазмундаги ахборотларнинг глобал тармоққа чиқиши учун бир сония кифоя.

Афсуски, кўп ёшлар Ислом ниқоби остида олиб борилаётган бузғунчи ҳаракатларнинг қурбони бўлиб, дин душманлари қуролига айланиб қолмоқда. Улар нозик чегара чизиғини англамай, шундай тарғиботларга учиб, ўз

Дин ниқобидаги ғаразли кимсалар ёшларни ўз тузоқларига илинтиришда интернетдан усталик билан фойдаланмоқда. Ўзларини "яқин дўст" ёки "ҳидоятга чорловчи" сифатида танитиб, ёшларни тўғри йўлдан чалғитмоқда.

ОГОҲ БЎЛИНГ!

дини, диндошлари, халқи ва ўзи туғилиб ўсган Ватанига қарши исён қилишгача бориб етмоқда.

Аслида, адашган кимсаларнинг дин ва шариат борасида умуман илмлари йўқ, фақатгина тўдабошидан ёдлаб олганларини такрорлашдан нарига ўтолмайди. Бошқа томондан қараганда, улар ўз жоҳилликлари билан бошқаларни ҳам жар ёқасига тортаётганлари ва кимнингдир ноғорасига ўйнаётганларини билмайди. Бундайлар аввал дину диёнат, ибодат, жаннат ҳақида турли жозибали сўзларни гапириб, ғўр ёшларни йўлдан уриб, охир-оқибатда, разолат қурбонига айлантирмоқда.

Афсуски, ёшларнинг тўқсон фоизи диний масалаларда уламолар томонидан ёзилган адабиётлар қолиб, интернетга мурожаат қилмоқда. Албатта, бу тармоқнинг қулай ахборот манбаи экани маълум. Бироқ бу чексиз маконда қора мақсади йўлида фойдаланувчилар сони ҳам ортаётгани ташвишли ҳолат. Ҳозир бузғунчи оқимларнинг иддаоларини тарғиб қилишда интернет сайтлари асосий воситага айланди.

Оқибатда, ҳали оқни қорадан ажратишга улгурмаган ёшлар интернет орқали тарқатилаётган бузғунчи таълимот, ғояларга чалғиб, ботил фирқаларга қўшилиб қолаётгани ачинарли ҳол! Бундай ёшлар турли сайтлардан билиб-билмай маълумотларни кўчириб олиб, ўз эътиқоди ва онгини заҳарламоқда, путур етказмоқда. Бу нодонлиги фош бўлганидан кейин ўзи шарманда, ота-онаси ёмонотлиқ бўляпти.

БИЛИБ ОЛИНГ!

Ҳазрат Умар (розияллоҳу анҳу) айтадилар: "Ҳаёли инсон ўзини бир четда тутади. Ўзини четга олган банда тақводор бўлади. Тақво қилганлар омон қоладилар".

Фикримизнинг исботи сифатида қуйидаги ҳаётий воқеани келтирамиз.

Воқеий ҳикоя

"Мен Москва шаҳрига ишлаш мақсадида борган эдим. Бўш вақтларимда интернет сайтларига киришни одат қилдим", деб гап бошлайди Феруз Атоев. "Аслида рўзғоримизнинг кам-кўстини тўлдириш учун хорижга чиққандим. Аммо ишлаб, ота-онамга ёрдамлашиш ва оилам иқтисодига қарашиш ўрнига, топган пулимни кераксиз телефон аппаратларию планшет ва ноутбук сотиб олишга сарфладим. Аста-секин интернет сайтларига киришни ўрганиб, ижтимоий тармоқда ташкил этилган турли хил гуруҳларга аъзо бўла бошладим. Бу гуруҳлар орқали бир қанча янги дўстлар орттирдим. Бу "дўстларим" мени ўзларича диннинг турли аҳкомлари билан таништира бошлашди.

Кейинчалик эса Москва шаҳрида бир неча янги "биродарлар" билан танишдим. Улар менга интернет орқали олган сабоқларимни шарҳлаб берар ва баъзи жойларига қўшимчалар ҳам киритишар эди. Интернет имкониятларини ишга солиб, Покистон, Афғонистондаги мужоҳидлар лагерларида бўладиган суҳбатларни ва Сурия даги можаролар туширилган видеолавҳаларни кўрдим. Мен негадир уларнинг ишларига ўта қизиқиш билан қарардим.

2015 йилга келиб бузғунчилик, зўравонлик, экстремизм ва терроризмни тарғиб қилувчи веб-сайтлар сони 10000 тага етгани таъкидланмоқда.

ОГОҲ БЎЛИНГ!

2016/89 Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

Москвадан уйга қайтаётганимда оила аъзоларим ва дўстларимга ҳам таништириш, ўргатиш мақсадида ўзим билан бирга флешкага ёзилган диний мазмундаги маърузалар, интернетдан олинган видеолавҳаларни ҳам олиб келдим...

Минг афсуски, мен хорижда юриб, интернетда топганларим қуруқ сароб, бузғунчи маълумотлар эканини, "биродарлар" менга тушунтиришган нарсалар ҳақиқий ислом динидан буткул узоқ, таги пуч гаплар эканини кеч англаб етдим".

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, "ўргимчак тўри"ни ин тутган бузғунчи оқимлар ўзларининг сохта ғояларини ёшлар онгига сингдириш учун, соғлом эътиқодга рахна солувчи "раҳнамолари"нинг фикрларига таянади.

"Раҳнамолар" томонидан илгари сурилган ғояларнинг асосида динга сиёсий тус бериб, ҳокимиятни қўлга киритишга интилиш нияти ётади. Уларнинг кўп асарлари радикал руҳдаги шахсларга асос бўлиб, дунёқараши шаклланмаган ёшлар орасида нотўғри, ҳатто хатарли тушунчалар пайдо бўлишига олиб келади.

Шундай экан, турли хил бузғунчи кайфиятдаги веб-сайтлардан, уларда тарқатилаётган маълумотлардан ҳушёр бўлиш лозим. Соф ақида, ҳанафий мазҳабига зид бўлган сайтлардан узоқ бўлиш зарур. Зеро, эҳтиётсизлик билан кўр-кўрона олинган маълумотлар кишини адаштириб қўйиши аниқ.

БИЛИБ ОЛИНГ!

Ўзингга доимо рост сўзларни ихтиёр қил, агарда сени ростлик ўлдирса ҳам. (Умар ибн Хаттоб)

МИСОЛ:

Бахтиёр Холёров пул топиш мақсадида хорижга кетади. Ишлаб топган пулига нетбук харид қилиб, ўша ерда интернет тармоғидан диний-экстремистик мазмундаги адабиётларни кўчириб олган ва мунтазам равишда ўқиб келган. Унинг планшети ва уяли телефони ҳам диний-экстремистик материаллар билан тўла эди. Хайриятки, бундай бузуқ ғоялар мамлакатимиз ҳудудига кира олмади, унинг кирдикорлари фош этилди.

Одамлар орасида фитна-фасод қўзғаш, имон-эътиқод йўлларига тўсқинлик қилиш ва бузуқ ишлар билан машғул бўлиш оғир гуноҳдир.

Азиз ёшлар! Дўстингиз, қўшнингиз, қариндошингиз юқоридаги каби адашиб фосиқ ва бузуқ ақида соҳибларига қул бўлиб қолишида Сизнинг ҳам айбингиз борлигини инкор этманг! Чунки шу дўстингиз дарс қилиш ўрнига интернет- кафеда беҳуда ишлар билан ўтирган вақтида сиз фойдали ишлар билан банд бўлгансиз. Зеро, ҳадисда айтилишича, ***"Ўзингизга раво кўрган яхши нарсани биродарингизга ҳам раво кўрмагунингизча комил мусулмон бўлмайсиз"***. Билингки, билмай нотўғри йўлга кириб қолиб, панжара ортида ўтирган инсонлар ҳам сизу бизнинг ҳамюртимиз, ака-укаларимиздир. Ўзбекистон ёшлари ҳеч қачон ўз дўстининг ёмон аҳволга тушиб қолишига йўл қўймаган ва қўймайди!

ОГОҲ БЎЛИНГ!

Атрофдаги дўстсифат ҳийлакорларга нисбатан соддалик инсоннинг заифлигидандир. Ҳолбуки, инсон ҳар қандай ваъдага алданавермаслиги, ҳар бир йўл кўрсатувчига ишонавермаслиги лозим. (Донолар бисотидан)

1.3. Соғлом эътиқоддан адашганларга муносабат

Дарснинг мақсади:

Соғлом эътиқодда мустаҳкам туришга оид оят, ҳадис ва улуғлар ҳикмати, шунингдек, ислом ниқобидаги кучларнинг қилмишлари муборак ислом динига мутлақо зид экани баён қилинган.

Инсон қаердан, қандай маълумотларни олмасин, албатта, текшириб кўриши ва уларга кўр-кўрона эргашмаслиги керак. Аллоҳ таолонинг: "(Эй инсон!) **Ўзинг** (аниқ) **билмаган нарсага эргашма! Чунки қулоқ, кўз, дилнинг ҳар бири тўғрисида** (ҳар бир инсон) **масъул бўлур** (жавоб берур)" *(Исро, 36)*, – деган хитобига қатъий амал қилиш лозим.

Абдуллоҳ ибн Муборак (раҳимаҳуллоҳ): ***"Дин – бу илмдир, уни кимдан олаётганларингизга қаранг"***, – деган. Эътиқод илмини яхши билмаслиги боис инсоннинг ақидаси ноқис бўлиб қолади. Ислом дини таълимотига кўра, агар ақида бузуқ, эътиқод ботил бўлса, кишининг амали беҳуда кетади ва ўзи залолат ботқоғига ботади.

Соғлом эътиқод нафақат шахснинг баркамоллиги, балки жамиятнинг барқарор бўлиши учун ҳам жуда муҳимдир. Қайси жамиятда кишилар эътиқоди соф бўлса, ўша жойда тинчлик мустаҳкам бўлади. Аксинча, бузуқ эътиқодли кишилардан-да хавфли одам бўлмайди, ундайлар ҳар қандай пасткашликка тайёр туради.

БИЛИБ ОЛИНГ!

Ақал бир мушукка бўлсанг меҳрибон,
Демак саломатдир сендаги имон.
(Хусрав Деҳлавий)

Улар ҳар бир давр учун ва ҳар бир жамият учун катта таҳдиддир!

Жаноби Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобаи киромлар билан ўтирган ҳолларида ерга узун тўғри чизиқ тортиб, бу Аллоҳнинг йўлидир, деб айтдилар. Кейин унинг ўнг тарафига 36 та ва чап тарафига яна 36 та чизиқ тортиб, ***«Булар шундай йўлларки, ҳар бирининг бошида биттадан шу йўлга чақирадиган шайтон бордир»,*** дедилар-да, сўнг қуйидаги ояти каримани ўқидилар: **«Албатта, мана шу** (Менинг) **Тўғри йўлимдир. Унга эргашингиз!** (Бошқа турли) **йўлларга эргашмангиз! Акс ҳолда, улар сизларни Унинг йўлидан айириб қўяди. Тақволи бўлишингиз учун** (Аллоҳнинг) **қилган ҳукм**(лар)**и мана шу**(лар)**дир»** *(Анъом, 153)*. Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ва саҳобаларининг йўли бағрикенглик, бировга қўли билан ҳам, тили билан ҳам озор бермаслик, эзгулик, илм ва одоб йўли эди. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): ***"Мусулмон, унинг қўлидан ва тилидан бошқа мусулмонлар озор чекмайдиган кишидир",*** – деганлар.

Айни кунда аниқ ҳужжат ва далиллар келтирилгандан кейин ҳам эгри йўлдан қайтмайдиган қайсар кимсалар ўзига-ўзи зулм қилувчи, адашганлардир. Аллоҳ таоло: **"Ҳужжатлар келгандан кейин ҳам бўлиниб, ўзаро ихтилофга берилган кимсаларга ўхшамангиз! Ана ўшаларга улкан азоб бордир"** *(Оли Имрон, 105)*, – деб қаттиқ огоҳлантирган.

Бузгунчи оқимлар ўз саҳифаларида ёритилган фикрларни асослаш учун, асосан, Ибн Таймия, Абу Аъло Маъдудий, Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб, Ҳасан Банно, Саййид Қутб, Муҳаммад Илёс Кандеҳлавий, Тақиюддин Набаҳоний, Абдул Қадим Заллум, Саид Нурсий, Фатҳулла Гулен каби қўштирноқ ичидаги уламоларининг манбаларидан иқтибослар келтиришади.

ОГОҲ БЎЛИНГ!

Террорчилик билан шуғулланувчи ёвуз кучлар ўз сайтларида, куч ишлатиш йўлига ўтишга гўёки мажбур бўлганларини асослашга ва қўпорувчилик ҳаракатларини оқлашга уринади. Ёшларни эса, ушбу жиноий йўлда бирлашишга чақиради. Даҳшатли томони, ғаразли мақсадларига эришиш учун интернет сайтларига қўлбола қурол тайёрлаш, одам ўлдириш, ўзини ўзи портлатишга доир қўлланмаларни жойлаштиради. Шунингдек, бузғунчилар худкушликка умуман алоқаси бўлмаган тарихий воқеалардан ўз қилмишларини оқлаш учун фойдаланмоқда.

Ислом тарихидан маълумки, Ямома жангида саҳобалар душман дарвозасини очиши учун Баро ибн Моликка қалқонларни боғлаб, қалъа ичкарисига киргизишган. Шундай йўл билан у қалъага кириб, душман билан олишган, охир-оқибат дарвозани очишга муваффақ бўлган эди.

Ҳозир мазкур воқеани бузғунчи оқимлар ўз жиноятларини оқлаш ва асослаш учун далил қилиб келтиришмоқда. Бироқ тарихдаги воқеа жанг майдонига, икки тараф ўртасида бўлаётган уруш ҳолатига тегишлидир. Аммо ушбу воқеа тинч яшаётган аҳоли орасига махсус портловчи камарларни таққан ҳолда кириб, ўзини портлатиб юбориш ва бегуноҳ кишилар ҳаётини барбод этиш учун асло далил бўла олмайди.

Пайғамбар (алайҳиссалом) уруш ҳолатида ҳам кексаларга, ёш болаларга, аёлларга тегмасликни, дарахт-

БИЛИБ ОЛИНГ!

Ўзини портлатиб, «шаҳидлик»ни даъво қилаётганларнинг бу иши асло шаҳидлик эмас, балки худкушлик ва қотилликнинг айни ўзидир.

ларни кесиб, уйларни вайрон қилмасликни буюрганлар. Шундай экан, ўзини портлатиш орқали тинч аҳолини ўлдираётган худкушларни сира ҳам оқлаш мумкин эмас. Улар бундай хатти-ҳаракатлари билан бутун дунёда мусулмонлар номига доғ тушираётган, ислом дини ҳақида ёмон тасаввур уйғотаётган манфур кимсалардир.

Ислом қайси динга мансублигидан қатъи назар, тинч аҳолини ўлдириш у ёқда турсин, уларнинг тинчини бузишни ҳам тақиқлайди. Шундай экан, қандай қилиб мусулмон ўз мусулмон биродарининг тинчини бузиши, ўлдириши ва ёки мурдаларни хорлаши мумкин?

Ислом дини ўз жонига қасд қилиш, моли ва жонини хатарга қўйиш каби ишлардан қайтаради. Инсон ўз жонига қасд қилиши ислом таълимотига кўра ҳаром ишлардан саналади.

Жундуб ибн Абдуллоҳдан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг: ***"Сизлардан олдин ўтган қавмлар ичида бир киши бўлиб, унинг жароҳати бор эди. Жароҳатига сабр қила олмай жазавага тушди ва пичоқни олиб қўл томирини кесди. Қон оқаверди, оқаверди. Натижада ўлди. Аллоҳ азза ва жалла: "Бандам нафси борасида Мен билан мусобақалашди. Мен эса унга жаннатни ҳаром қилдим" деб айтди,*** – деганлари келтирилади.

Бировларни ўлдириш, яъни қотиллик ҳам жуда оғир гуноҳлардандир. Қуръони каримда бу борада шундай дейилган: **"Кимда-ким шу** (қотиллик)**ни адоват ва зулм**

Бузғунчилар айрим ёшларнинг соддадиллиги, эътиқоди сустлигидан фойдаланиб, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш каби баҳоналар билан ўз тузоқларига илинтиришга ҳаракат қилади.

ОГОҲ БЎЛИНГ!

юзасидан қилса, албатта, Биз уни дўзахда куйдирамиз. Бу (эса) **Аллоҳга осондир”** *(Нисо, 30).*

Инсон пичоқ, заҳар ёки бошқа нарса билан бегуноҳ бир инсонни ўлдирса, бу иши билан у инсониятни ўлдирган ҳисобланади. Аксинча, бир инсонга ёрдам бериб, унинг жони, молини сақлаб қолган одам эса барча одамларни сақлаб қолган саналади. Қуйидаги оят ҳам шунга далолат қилади: **“...Бирор жонни ўлдирмаган ёки Ерда** (бузғунчилик ва қароқчилик каби) **фасод ишларини қилмаган инсонни ўлдирган одам худди ҳамма одамларни ўлдирган кабидир. Унга ҳаёт бахш этган** (ўлимдан қутқариб қолган) **одам эса барча одамларни тирилтирган кабидир...”** *(Моида, 32).*

Юқорида келтирилган оятлар ва ҳадиси шарифлардан хулоса чиқариб айтиш мумкинки, ўзини ўзи ўлдириш, белига бомба боғлаб олиб, портлатиш асло шаҳидлик эмас, балки энг катта гуноҳдир.

Азиз ёшлар! Йўлдан адашганларга ўзини ўзи портлатиш, яъни камикадзе (худкуш)ликни ўргатаётган кимсалар: “Бу ишинг орқали тўппа-тўғри жаннатнинг энг олий мартабасига эришасан” ва шунга ўхшаш ёлғон уйдирмаларни тарқатмоқда. У манфурлар бу билан Аллоҳнинг номидан гапирмоқда! Мулоҳаза юритайлик, агар инсон ўзини ўзи портлатиб, одамларни ўлдириш орқали жаннатга эришадиган бўлса, нима учун Сизга ўргатаётган кимсанинг ўзи биринчи бўлиб бу ишни қилмайди? Нима, унга жаннатнинг юксак даражаси ва олий неъматлари керак эмасми?

Баҳслашаман деб юзларча фуқарони йўлдан оздирган кимса биргина кишини ҳақиқат йўлига бошлаган одамдан юз карра тубандир. (Абай Қунонбоев)

1.4. Миссионерлар ёки "эътиқод овчилари" ҳамлалари

Дарснинг мақсади:

Миссионерларнинг ёшларни алдаш услублари, бунинг аянчли оқибатлари, динда бундайларга бўлган муносабат баён этилади. Шунингдек, интернетдаги эътиқод овчилари найрангига учганларнинг қисмати ва бунинг олдини олиш йўллари баён қилинади.

Ўзбекистон Республикасида виждон эркинлиги – инсоннинг динга эътиқод қилиши билан боғлиқ конституциявий ҳуқуқидир. Ушбу қоида инсоннинг эътиқоди билан боғлиқ ҳуқуқи ва эркинликларини кафолатлаши билан бир қаторда унинг танлови давлат томонидан муҳофаза қилинишини ҳам эътироф этади. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир инсон динга эътиқод масаласини белгилаётган пайтда ҳамда виждон эркинлиги билан боғлиқ бошқа ҳолларда уни у ёки бу тарзда мажбур этишга йўл қўйилмайди.

Афсуски, "ўргимчак тўри"да ёшларни бошқа динларга даъват қилаётган "эътиқод овчилари" ҳам жуда кўп. Бундай кимсалар миссионерлар деб аталиб, улар кўзлаган ниятига қисман бўлса-да эришаётгани кўпчиликни ташвишга солмоқда.

"Facebook" ижтимоий тармоғидаги ғаразли гуруҳлар ёки тўдалар ўзларининг қабиҳ ниятини амалга ошириш учун

Ёвуз кучларга тегишли сайт ва саҳифаларда, улар ўзларини "озодлик курашчиси" деб атаб, тинчлик тарафдоридек кўрсатадилар.

ОГОҲ БЎЛИНГ!

ҳали онги шаклланиб улгурмаган ёшларни ақидаларидан адаштириш учун туну кун тинмай ҳаракат қилади.

Маълумки, миссионерлик муайян бир диндаги кишилар ўртасида бошқа бир динни тарғиб этиш мақсадида амалга ошириладиган ҳаракат бўлиб, унинг жамият ҳаётига аянчли таъсир кўрсатишига тарихдан кўп мисоллар келтириш мумкин.

Миссионерлар таълим ва хайрия жамиятлари, ташвиқот муассасалари орқали кишиларни тузоққа илинтириш пайида бўлишади.

Бугунги кунда ана шу хатарли кучлар ёшлар онги ва қалбини эгаллаш учун астойдил уриняпти. Дунёнинг бошқа жойлари каби юртимизда ҳам ўзларининг ғаразли мақсадларини амалга оширишга интилмоқда.

Воқеий ҳикоя

Миссионерлар тузоғига илинган Нодир исмли йигит кириш имтиҳонларидан ўтолмай, одамови бўлиб қолган кунларнинг бирида бекатда нотаниш киши учраб қолганини ҳикоя қилади. "Асабийлигимни пайқади шекилли, хушмуомалалик билан мени гапга солди", – дейди у. "Унга ўқишга киролмаётганимни айтдим. У менга кулиб қараб, сўзларимни тинглар, ниҳоятда босиқ, лекин жуда синчков эди. Автобусга чиқаётиб, интернет орқали суҳбатимизни давом эттиришга келишдик. "Сиз бахтли бўлишни истайсизми?" – унинг менга йўллаган биринчи

БИЛИБ ОЛИНГ!

Эътиқодингизга кўра яшамаётган бўлсангиз, яшаётганингиз каби эътиқод қила бошлайсиз. (Умар ибн Хаттоб)

саволи шундай эди. "Бахтли бўлишга ҳақлиман деб ўйлайсизми?" Ҳар икки саволга ҳам жавоб бераётиб беихтиёр унга тобе бўлиб қолаётганимни сезмабман. Чунки у ва унинг маслакдошлари бир жумлани кўп такрорлашарди: "Биз бахтга элтувчи йўлларни кўрсатамиз. Биз билан юринг...".

Яширин йиғилишларда қатнашиб юрдим. Бир сафар турли адабиётлар тарқатишди. Уларнинг яширин фаолияти мени шубҳалантира бошлади. Саволларимга тайинли жавоб ололмай, фикрим ўзгара бошлади. "Сен, — деди мендаги ўзгаришни сезган раҳнамолардан бири, — агар қоидаларга риоя этмасанг, четлаштириласан. Кейин эса сенга орамизда асло ўрин бўлмайди!" Унинг сўзларидан кейин мен нотўғри йўлда эканимни рўйирост тушундим. Аслида бир-бировга меҳрли бўлиш, диндошларни ҳурматлаш, тушунмаган масалаларига ойдинлик киритиш ҳар бир динга хос муҳим тамойиллардан. Улар эса бундай анъаналардан йироқ эди".

Афсуски, бундай ёшлар виртуал оламга бўлган қизиқишлари оқибатида ота-боболаримиз эътиқод қилиб келган динидан осонгина воз кечиб, ботил йўлни танламоқда.

Миссионерлар алдовига учиб, ўз динидан воз кечаётган бу каби нодонларга охиратда аламли азоб борлиги айтилган: **"Баъзи юзлар оқарадиган ва баъзи юзлар қораядиган кунни** (қиёматни) **эсланг: юзи**

ОГОҲ БЎЛИНГ!

Миссионерлар, маълум халқлар ўртасида ўз эътиқодига нисбатан шубҳа пайдо қилиб, аста-секин уларда ўз ота-онаси, миллати, Ватанига нафрат уйготишни мақсад қилганлар.

қорайганларга (ҳужжат исботи учун шундай дейилур): **“Имон келтиргандан кейин яна куфрга қайтган эдингизми? Куфрингиз туфайли мана шу азобларни тотиб кўринг, энди!”** *(Оли Имрон, 106).*

Миссионерларнинг асосий мақсади қайсидир динни тарғиб қилиш ёки қайсидир динни кучсизлантириш эмас, балки сизу биз яшаб турган юртнинг тинчлигига рахна солиш ва тараққиётини барбод қилишдир. Маълумки, миссионерлар худди шу йўл билан бир неча давлатларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётини издан чиқардилар. Яхлит бир халқ ва миллатни парокандаликка олиб келиб, уларни гуруҳ ва табақаларга бўлиб юбордилар. Оқибатда аҳолининг асрлар оша шаклланиб келган миллий ва диний қадриятлари оёқости бўлишига ва ниҳоят, йўқолиб кетишига олиб келди. Масалан, Индонезияда ҳаракат қилган миссионерлар йигирма беш йил мобайнида минглаб одамларни ўз томонларига оғдириб олишди ва улар яшаётган Шарқий Тиморни мамлакатдан ажратишди. Худди шундай ғаразли услуб Судан мамлакатининг жанубини, яъни Дарфур вилоятини ажратиб олишда ҳам қўлланилган.

Ўтган асрнинг охирида гувоҳ бўлганимиз дунёдаги туб ўзгаришлар натижасида вужудга келган мустақил давлатлар эса, миссионерлар фаолияти учун айни муддао бўлган. Бу каби ҳаракатлар ўз ғоялари орқали ўзга динларга эътиқод қилувчи шахсларни иқтисодий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан ғарб давлатлари таъсир

Ёмон фикр соҳиблари ҳам, куфрони неъмат қилувчилар ҳам ёввойи қобонлар мисоли Аллоҳ таолонинг магфиратидан йироқдирлар. (Маҳмуд Замахшарий)

доирасига тушириш, маълум халқлар ўртасида ўз эътиқодига нисбатан шубҳа пайдо қилиш ва аста-секин ишонч-эътиқодидан воз кечишга олиб келиш, ўз динидан воз кечиб, ўзга динни қабул қилган кишиларнинг янги эътиқодда собит туришини таъминлаб, шу орқали уларнинг сафини янада кенгайтириб боришни мақсад қилди.

Бундай ҳаракатлар билан улар ислом динига эътиқод қилувчи маҳаллий аҳоли ўртасида ўзлари ҳақида ижобий фикрлар туғдиришга эришади. Бу йўлда атайлаб Ислом аҳкомларини бузиб кўрсатиш, Қуръон оятларини бир-бирига қарама-қарши қўйиш, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳадисларини нотўғри талқин қилиш каби усуллардан фойдаланади. Афсуски, кўп ёшларнинг эътиборсизлиги, бефарқлиги уларнинг қабиҳ ниятларини амалга оширишда қўл келмоқда.

Миссионерлар қўллайдиган усуллар жуда кўп ва хилма-хил. Ҳозирги кунда миссионерлар одамларга таъсир ўтказиш, уларни ўз қарашларига ишонтириш учун турли услуб ва имкониятларни ишга солмоқда. Буларнинг биринчиси "маданиятга мослашув" услубидир. Бунда уларнинг таъсирига берилган киши Ислом маданияти билан алоқасини узмайди, ўз жамоасининг миссияси вакили бўлиб қолади ва тарғиботчилик фаолиятини янада кучайтиради. У энди мусулмонлар орасида миссионерлик қилар экан, ваъз, ташвиқ ва дуоларда Қуръондан, Ислом маданияти намуналаридан кўчирмалар ҳам қўллайди.

"Ҳеч қачон ёлғончилик билан мардоналик бир инсонда жамланмайди. Мардоналик самаралари ростгўйлик, вафодорлик, ҳаё ва иффатдир". (Аҳнаф ибн Қайс)

ОГОҲ БЎЛИНГ!

Эътиқод овчилари, шунингдек, ўз таълимотини бошқаларга етказишда уч муҳим унсурга катта аҳамият беришади. Булар: вазиятни яхши англаш; масалага эҳтиёткорлик билан ёндашиш; мақсадларнинг аниқ бўлиши. Мазкур унсурларни амалга ошириш учун улар кишилар билан яқин муносабатда бўлишга ҳаракат қилади. Масалан, ёшлар давралари, тунги клублар, савдо ва спорт марказлари, маданият ва хайрия жамғармалари каби одамлар гавжум жойларда ёшлар билан алоқа ўрнатиш, дўстлар орттириш, аста-секин улар онгига таъсир ўтказиш пайида бўлади. Олдиндан танлаб олинган кишилар дунёнинг турли бурчакларида ташкил этилган сайёҳлик марказларига ҳам юборилади. Булардан мақсад, бошида асл ниятларини пинҳон тутиб, уларни чўчитиб юбормай, дўстлашиш ва кейинчалик ўз таълимотини сингдиришдир.

Миссионерлар ғаразли ниятларини амалга оширишда оммавий ахборот ва алоқа воситаларидан ҳам кенг фойдаланмоқда. Миссионерлик ғояларини тарғиб қилувчи рисола, журнал ва матнлар маҳаллий тилларга таржима қилиниб, аҳоли ўртасида текин тарқатилади. Сунъий йўлдош орқали узатиладиган ўнлаб телевидение, радио, интернет орқали кенг тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилиши натижасида дунёда миссионерлик ҳаракатлари ёйилмоқда.

Айрим юртдошларимиз даромад топиш мақсадида ўз киндик қонлари тўкилган юртни ташлаб, олис ва нотаниш юртларга бормоқда. Уларнинг аксарияти айнан



“Беъмани иш уни қилган пайтда эмас, балки орадан вақт ўтгач, уни эслаганимизда бизга азоб беради, чунки унинг жароҳати кетмайди”. (Донишмандлар бисотидан)

миссионерларнинг тузоғига тушмоқдалар. Бошқа эътиқод, бошқа менталитет вакиллари орасида яшаган ёшларимиз ўз миллий маънавиятларидан узилиб, ўзгаларнинг руҳий-маънавий таъсирига тушиб қолишяпти. Ҳали имон-эътиқоди шаклланиб улгурмаган ёшлар иш жойларида изғиб юрган турли миссионерлар тузоғига илинишмоқда. Хорижда ишлаб келган йигитлар ҳикоясига кўра, айрим ватандошларимиз у ерда ўзга дин вакилларининг алдовларига учишган. Бунда диний эътиқод эмас, кўпроқ берилаётган пул ва яратилган шароитлар асосий омил бўлгани аниқ.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳар бир инсон бу каби муаммоларга бепарво, лоқайд бўлмаслиги лозим. Тинчлигимизга таҳдид солиб турган миссионерлик ҳаракатига қарши курашмоқ шу мўътабар заминда яшаётган ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Агар ёшлар бунга эътиборсиз бўлса, бу жуда улкан салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Доимо огоҳ бўлиб, дўстларимизнинг бундай тузоқларга тушиб қолишларининг олдини олсак, бу билан Ватанимизда тинчлик, барқарорликни асрашга ҳисса қўшган бўламиз. Зеро, Ватанни севиш, унинг тинчлиги учун жон куйдириш ҳам имондандир.

ОГОҲ БЎЛИНГ!

"Ҳамма шундай қилади-ку", деган сўзлар билан йўлдан оздириш оғир кулфатларни бошга соладиган энг оддий сохтагарчиликдир". (Донишмандлар бисотидан)

1.5. Террорчиларнинг интернетдан фойдаланиш йўллари

Дарснинг мақсади:

Террорчилар интернетдан фойдаланишининг сабаблари, уларнинг интернет орқали тинч юртлар осойишталигига солаётган рахналари ва интернет сайтларида Исломни ҳали яхши англамаган кишиларни, айниқса, ёшларни соғлом эътиқодидан адаштириш йўллари аниқ мисоллар билан баён этилади.

Янги аъзоларни илинтириш. Овоз, тасвир ва матн уйғунлиги мутаассиблар учун айни муддао. Улар бундай имкониятдан ўз "сўзлари"ни кенг жамоатчиликка баралла айтишда фойдаланади. Янги аъзони жалб қилишда веб-саҳифаларга кўп кирадиган одамларни кузатиб, ўрганиб ва охир-оқибат улар билан алоқага киришадилар. Шунингдек, мутаассиблар чатлар ва форумларда "ўткир" мунозарали масалаларни онлайн муҳокама этадилар ва ўзларига ўхшаш фикрлайдиганларни саралаб, улар билан алоқа ўрнатадилар.

Тарғибот мақсадида маълумот тарқатиш. Бунда террорчилар сафларини кенгайтириш учун ўзларига хайрихоҳларни танлаб, сафларига қўшиш ҳамда шу орқали жангариларни кўпайтиришни мақсад қиладилар. Улар интернет орқали сафдошларини кўпайтириш ҳамда ўзларининг ташвиқот ишлари учун веб-саҳифалар, ижтимоий

БИЛИБ ОЛИНГ!

"Ал-Қоида" террорчи ташкилоти ўз тарғиботининг 99 фоизини интернет орқали амалга оширади.

тармоқларда эса гуруҳлар, яъни ҳамжамиятлар тузиб олади. Бу каби сайт ва саҳифаларни "муайян мақсад" учун тармоқ ва шохобчаларга масъул баъзи шахслар бошқаради.

Маҳоратни ошириш. Террорчилар глобал тармоқ орқали қўлбола бомбани ясаш, ўзини ўзи ўлдириш орқали кўпчиликка талафот етказиш услубларини муттасил ўргатиб боради. Қўлланмалар видео, аудио ва электрон китоб шаклида интернетга жойлаштирилади. Мисол учун, "ал-Қоида" ташкилоти ўз сафдошларига мўлжалланган ҳажми минг саҳифадан ортиқ "Жиҳод энциклопедияси"ни интернет орқали тарқатган.

Маблағ жамғариш. Бунда веб-саҳифалар, чатлар ва форумларга ушбу ташкилотларга алоқадор банк ҳисоб рақамлари жойлаштирилади ва жиҳодий фаолиятни қўллаб-қувватлашга тарғиб этилади. Масалан, "Ҳизбут таҳрир" эҳсон қилиш ниятидаги шахслардан веб-саҳифа орқали молиявий кўмак беришларини сўрайди.

Психологик кураш. Бунда террорчилар интернетдан аҳоли орасига қўрқув-ваҳима солиш, руҳий таъсир ўтказиш ва тартибсизликка чақириш мақсадида фойдаланади. Масалан, қўпорувчи ташкилотлар муайян мамлакат қарорларини тўхтатишни талаб этади. Акс ҳолда, тўс-тўполон чиқариш билан таҳдид қилади.

Террорчиларни тайёрлаш ва кўрсатмалар бериш. Террорчилар ўз гумашталарини доимий равишда

"Сенинг қандайдир нотўғри ишларингни ҳеч ким билмаслигини истасанг, бундай ишларни ҳеч қачон қилма". (Донишмандлар бисотидан)

ОГОҲ БЎЛИНГ!

интернет орқали маълумотлар ва манбалар билан таъминлаб боради. Масофадан туриб, уларга турли хил кўрсатма ва топшириқлар беради. Веб тармоқ орқали уларнинг малака ва тажрибаларини ошириш учун "маҳорат дарслари"ни олиб боради.

Қўпорувчиликларни режалаштириш ва бошқариш. Бунда террорчилар ўзларининг жойлардаги ҳамтовоқлари билан интернет орқали террорчи ҳаракатларни режалаштиради ва уларнинг виртуал тўда-бошиси масофадан туриб ушбу ҳаракатларни бошқаради.

Европа олимлари ёшларда диний қарашларнинг шаклланиши кўп жиҳатдан глобал тармоқ орқали бўлаётганини таъкидлашмоқда. Ғарбдаги кўплаб мусулмонлар кундалик ҳаётда дуч келаётган муаммоларига жавоб олиш учун тезкор восита бўлган интернетга мурожаат қилади.

Британиялик мусулмонлар маълумот олиш учун Young Muslims UK ("Жамоати исломий" ҳаракати таъсири остида шаклланган веб-саҳифа) ёки Фатво ва тадқиқот бўйича Европа қўмитаси ("Мусулмон биродарлар" экстремистик ташкилоти шафелигидаги веб-саҳифа)га мурожаат қилади.

Афғонистонда Толибон ҳаракати ўз сафига янги аъзоларни жалб этиш, эришилган "ютуқлар"ни овоза қилиш ва зарур маълумотларни эълон қилиш мақсадида 2011 йилнинг май ойидан бошлаб дунё бўйлаб оммалашган "Twitter" ижтимоий тармоғидан фойдалана бошлаган.

БИЛИБ ОЛИНГ!

"Тартиб ўрнатилгандан кейинги ҳар қандай бузгунчилик ва вайронкорликни, унинг катта ё кичиклигидан қатъи назар, Аллоҳ ҳаром қилди". (Имом Қуртубий)

Ваҳоланки, Толибон ҳаракати телевизор, радио сингари замонавий технологияларни мутлақо инкор этиб, ўз аъзоларини булардан эҳтиёт бўлишга қаттиқ буюрар эди.

Ҳозир интернетда тарқатилаётган маълумотларнинг ранг-баранглиги ва кўплигидан уларнинг қай бири тўғри-ю, қай бири нотўғри эканини ажратиб олиш мушкул. Тармоқда миллий менталитетимизга мутлақо ёт мафкура ва дунёқарашни – экстремизм, терроризм, шовинизм, фаҳш, гиёҳвандлик ва зўравонлик каби иллатларни фарзандлар қалби ва онгига сингдиришга уринаётганлар ҳам оз эмас. Президентимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида таъкидланганидек, ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди. Шундай экан, замонавий ахборот технологиялари, хусусан, интернетдан фойдаланганда унинг салбий таъсири мавжудлигини ҳар доим ёдда тутмоқ даркор. Зеро, ҳушёрлик – инсонни муваффақиятга элтувчи энг муҳим омиллардан биридир.

ОГОҲ БЎЛИНГ!

Террорчилар ислом динини ниқоб қилиб олиб, “Биз ислоҳчилармиз”, дея, ўзларининг вайронкор гояларига эргашмаганларни “адашганлар” дея, бутун бир мамлакатни хонавайрон қилмоқдалар.

Интернет бузғунчилар маконига айланишининг асосий сабаблари

Интернетнинг тартибга солинмагани – бу сарҳадсиз оламда ҳар хил мазмундаги турфа хил маълумотлар учрайди. Интернет шу даражада инсон қалби ва онгига таъсир қилувчи кучга айландики, унда тарғиб қилинаётган тартибсиз маълумотларнинг афзалликлари ёки салбий оқибатларини ажратиб олиш жуда қийин масала.

Интернетдаги фаолиятнинг махфийлиги – ўргимчак тўрида фаолият олиб бораётган шахслар аноним, яъни яширин ҳолатда ҳам фаолият олиб боришлари мумкин. Бу каби махфий фаолиятнинг ғоявий тазйиқи ва таъсирининг ўзига хослиги шундаки, бунда "мақсадли иш" ўқувчи, тингловчи ёки томошабинга сездирилмасдан, зимдан амалга оширилади.

Матн, тасвир ва овоз уйғунлигидаги ахборотни жойлаш каби қулайликлар – ушбу ахборот оламида дастлаб маълумотлар матн кўринишида бўлган бўлса, ҳозирга келиб интернетда нафақат матн, балки фотолавҳа, видеолавҳа ва овоз уйғунлигидаги маълумотларни жойлаштириш ва уларни электрон манзилларга жўнатиш ҳам мумкин.

БИЛИБ ОЛИНГ!

Гул ҳиди сассиқ эмиш
Гўнг қўнғизлар бурнига.
Сўзи сассиқдан йироқ юр,
Хоҳ қаридир, хоҳи ёш.

Интернетга кириш осонлиги – ҳозирги кунда интернетдан фойдаланиш жуда ҳам қулай бўлиб қолди. Бунда нафақат компьютер, балки замонавий планшетлар ва уяли алоқа воситалари, яъни телефонлар орқали ҳам кириб фойдаланиш имконияти мавжуд.

Чексиз аудитория – глобал тармоқда турли фикр ва қарашдаги миллиардлаб одамлар мавжуд. Бу сарҳадсиз оламда кишилар турли мавзуларда фикр алмашади, ўзаро баҳс-мунозаралар қилади. Бундай одамлар гавжум гўшадан унумли фойдаланиш учун террорчилар виртуал маконни ўзларининг "ов макони"га айлантириб олмоқда.

Маълумотларни етказиш тезкорлиги – интернет орқали бир ахборотни яшин тезлигида дунёнинг бир бурчагидан нариги бурчагига етказиш мумкин. Ушбу қулайликдан, таассуфки, террорчи шахслар ҳам ўз манфур мақсадлари йўлида усталик билан фойдаланишмоқда.

Фисқу фасод қилувчилар ва фожирлар кўпайса, Аллоҳ таоло вабо юборади. (Маҳмуд Замахшарий)

МИСОЛ:

Мутахассисларнинг қайд этишича, "ал-Қоида" террорчи ташкилоти ўз тарғиботининг 99 фоизини интернет орқали амалга оширади. 2011 йилнинг июнь ойида "ал-Қоида" ташкилоти интернет орқали террорчилик амалиётини ўтказиш бўйича кўрсатмаларни ўз гумашталарига етказишга урингани фош этилган. Гап шундаки, ташкилотга тааллуқли бўлган веб-саҳифаларнинг бирида фойдаланувчиларга юклаб олиш учун қизиқарли журнал таклиф этилган бўлиб, унинг саҳифаларидан оддий ошхона шароитида қўлбола бомба тайёрлашни ўргатувчи кўрсатмалар жой олган. Шу орқали ташкилот бутун дунёда ўз аъзоларига ўзини ўзи портлатиш амалиётларининг сўнгги услублари ҳақида маълумотларни етказиб борган.

Шунингдек, болалар учун худкушлик амалиётини тарғиб этувчи махсус мультфильм ишланган. Фильмдан мақсад болаларда террорчилар талқинидаги "жиҳод" ҳаракатларига нисбатан мойиллик уйғотиш ва келажакда бузғунчилар сафларини ана шу ёшлар ҳисобидан тўлдиришдир.

БИЛИБ ОЛИНГ!

Билимли одам, уни қуршаб турган ҳаётнинг барча томонлари ва жабҳалари бўйича ўз дунёқараши, ўз мушоҳадасига эга булган кишидир.

1.6. Исломда бузғунчиларга муносабат

Дарснинг мақсади:

Ислом динида бузғунчилик қилиш қоралангани, муқаддас динимизни ниқоб қилиб, вайронкор ғояларни тарғиб қилаётган кимсалар фош этилади. Ёшларнинг турли ғояларга кўр-кўрона эргашиб кетиши ёмон оқибатларга олиб келиши очиб берилади.

Ислом таълимоти бузғунчиликни, одамлар қалбига ваҳима, душманлик ва фитна уруғларини сочишни қаттиқ қоралайди. Маълумки, сўнгги йилларда динни ўзларига ниқоб қилиб олган оқимлар, тоифалар пайдо бўлди. Улар ғаразли мақсадлари йўлида бузғунчилик, бегуноҳ одамлар қонини ноҳақ тўкиш каби жиноятларни авж олдириб, фуқаролар тинчлигини бузиб, халқ орасида низо чиқаришга ҳаракат қилишмоқда. Бундай кимсаларга нисбатан Аллоҳ таоло Қуръони каримда хитоб қилиб шундай дейди: “**... Аллоҳнинг ризқидан еб-ичингиз, Ер юзида бузғунчилик қилмангиз!** (дедик)” *(Бақара, 60)*.

Шунингдек, ислом динида мўмин бошқа бировга заррача бўлса ҳам, озор бермаслиги уқтирилади. Ўзлари “чин” мусулмонликни даъво қилаётган террорчилар ёшларни ўз ота-онаси, Ватани, халқига қарши қурол кўтаришга чақираётгани қайси тамойилга тўғри келади?!

Ёмон одам мисоли кўмир: мабодо куйдирмаса ҳам сени қора қилади.

ОГОҲ БЎЛИНГ!

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): ***"Қўли ва тили билан ўзгаларга озор бермаган киши мусулмондир",*** – дея таъкидлаганлар.

Динда ҳаддан ошиш, тажовузкорлик, зўравонлик қаттиқ қораланади. Бу ҳақда Қуръони каримда: **"Кимда-ким қасддан бир мўминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннамда абадий қолишдир. Яна унга Аллоҳ ғазаб қилгай, лаънатлагай ва унга улкан азобни тайёрлаб қўйгай"** *(Нисо, 93),* – деб огоҳлантирилган.

Оятда ноҳақ одам ўлдиришни ҳалол деган эътиқодда қотиллик қилган киши тўғрисидаги қатъий ҳукм баён этилмоқда.

Ислом олами уюшмаси Ислом фиқҳи кенгашининг Макка баёнотида террорчилик қуйидагича таърифланади:

"**Террорчилик** — инсонлар дини, жони, моли, номусига бузғунчилик билан душманлик қилишдир. Унинг доирасига қўрқитиш, азият бериш, таҳдид солиш, ноҳақ қон тўкиш, мол-мулкни тортиб олиш, йўлтўсарлик, зўравонлик каби таҳдиднинг барча турлари киради. Ушбу ҳаракатларнинг мақсади кишилар орасига қўрқув, таҳлика солиш, азият бериб қўрқитиш ёки ҳаётлари, эркинликлари, омонликлари, мол-мулкларини хавф-хатарга қўйишдир. Атроф-муҳитга зарар етказиш, хусусий ёки жамоа мулкини, юртини ва табиий бойликларни хавф-хатарга қўйиш ҳам шундай жиноятлар жумласидандир".

БИЛИБ ОЛИНГ!

Иллат излаганга иллатдир дунё,
Ғурбат излаганга ғурбатдир дунё.
Ким нени изласа, топгай бегумон,
Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё.
(Садриддин Салим Бухорий)

Террорчилар ислом динини ниқоб қилиб олиб, “Биз ислоҳчилармиз”, дея, ўзларининг вайронкор ғояларига эргашмаганларни “адашганлар” дея, бутун бир мамлакатни хонавайрон қилмоқдалар. Нотинч юртларда аҳоли, қариялар, аёллар ўлими тўхтамаяпти. Натижада етимлар кўпайиб, бир пайтлар буюк тамаддун бешиклари бўлган ўлкалар харобага айланмоқда. Инсонлар яхши ниятлар ила ўз қўллари билан қурган уйларини ташлаб, ўзга юртларда хор бўлиб юришга мажбур бўлмоқдалар. Аллоҳ бузғунчиларни севмаслигини, бундай ҳаракатлар муборак динимиз таълимотига мутлақо зид эканини Қуръони карим оятлари, ҳадиси шарифлар ва уламоларнинг фикрларидан ҳам англаш мумкин.

Аллоҳ таоло: **“Уларга: “Ер юзида фасод** (бузғунчилик) **қилмангиз!”, – дейилса, улар: “Албатта, биз чин ислоҳчилармиз”, – дейдилар. Огоҳ бўлингки, айнан уларнинг ўзлари бузғунчилардир, лекин** (буни ўзлари) **сезмайдилар”** *(Бақара, 11–12)*, – дея таъкидлаган.

Хулоса ўрнида шуни келтириш мумкинки, Президентимиз Ислом Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида: "Бугунги кунда ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио-телевидение, матбуот, интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмоқда. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш,

Бир миллатда ишончли кишилар озайса, динини сотиб дунё йиғувчилар кўпайса, у миллат орасида фитна болалайди. (Абдуллоҳ ибн Масъуд)

ОГОҲ БЎЛИНГ!

уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди. Нега деганда, биз юртимизда очиқ ва эркин демократик жамият қуриш вазифасини ўз олдимизга қатъий мақсад қилиб қўйганмиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз", – деб таъкидлаганлар.

Шу билан бирга, ўғил-қизларнинг интернетдан фойдаланишларини назоратга олиш, улар интернетда нималар билан машғул бўлаётганларидан хабардор бўлиб бориш лозим. Уларни интернетдан тўғри, ишончли ва зарарсиз маълумотларни олишга ўргатиш керак. Яхши-ёмоннинг фарқига бормаган ёшлар интернет орқали тарқатилган ҳар қандай маълумот-хабарларни ҳақиқат деб қабул қилаётгани жиддий хавотирга солади. Бу борада Қуръони каримда:**"Эй мўминлар! Агар сизларга бирор фосиқ кимса хабар келтирса, сизлар** (ҳақиқий аҳволни) **билмаган ҳолингизда бирор қавмга азият етказиб қўйиб,** (кейин) **қилган ишларингизга пушаймон бўлмаслигингиз учун** (у хабарни) **аниқлаб** (текшириб) **кўрингиз!"** *(Ҳужурот, 6)*, – дейилади.

Ушбу оятнинг тафсирида уламолар бу каби вазиятда ўша маълумотнинг ҳақиқат экани маълум бўлгунича кутиш лозимлиги, уни шошиб қабул қилиш мумкин эмаслигини айтадилар.

Душман иши аввал ҳийлаю найранг,
Сўнг ҳужум бошлайди, қилади гаранг.

Бу селнинг йўллари тўсилмаса гар,
Юзланар беҳисоб фитна-ю зарар.

Фитна йўлин бугун тўсмасанг маҳкам,
Эртага кучаяр бўлиб мустаҳкам!

(Хожа Самандар Термизий)

Интернетдаги эътиқодга таҳдид солувчи кучлар ташқи кўринишидан ақлли кўринсада, лекин асл мақсади ёшларни зулмат гирдобига тортиб, жувонмарг қилиб, ўзининг қабиҳ ниятига етишдир. Бу йўлда ғаламислар ҳар қандай ножўя иш ва разил йўлдан қайтмайди.

2.

"Ўргимчак тўри" орқали нобакор кимсалар ёшларни ўз тузоқларига илинтиришда усталик билан иш тутмоқда. Ўзларини гўё ҳидоятга бошловчи сифатида танитиб, ёшларни тўғри йўлдан чалғитмоқда. Аслида, ғаламисларнинг дин ва шариат ҳақида умуман илми йўқ. Бундайлар аввал дину диёнат, ибодат, жаннат ҳақида турли жозибали сўзларни гапириб, ғўр ёшларни йўлдан уришмоқда.

3.

Ушбу икки нодон дўст гўё дин йўлида ҳижрат қиламиз, деб киндик қони тўкилган юртларини ташлаб, пуч ваъдалар ва ботил ғояларга лаққа тушиб, уруш ўчоқларига йўл олди.

Ер юзида бузғунчилик қилиш, бегуноҳ инсонларнинг қонини тўкиш, уларнинг жони ва молига тажовуз этиш инсониятга қарши қаратилган энг мудҳиш жиноятлардир. Бу ёшлар ана шундай ишларга қўл урди.

Бундай ёшларнинг нодонлиги оқибатида, айримлари ҳалок бўлиб жасадлари бегона юртларда қолиб кетади. Омон қайтганлари шармандa бўлади, яқинлари эса бутун умр ёмонотлиқ бўлиб қолади.

Динда ҳидоятга эришиш осон ва қулай қилиб қўйилган бўлса-да, ўзларини хатарли йўлларга урадиган ва кимларнингдир ноғорасига ўйнайдиган кимсалар ҳалок бўлишларини аввалроқ сезишлари лозим.

Ўтилган мавзулар юзасидан савол ва топшириқлар:

1. Соф эътиқод деганда нимани тушунасиз?
2. Ботил манбаларни тўғрисидан қандай ажратиш мумкин?
3. Сўфи Аллоҳёр: "Ақида билмаган шайтона элдур" деганда нимани назарда тутганлар?
4. Адашганларга раддия бериш учун нималарни билиш лозим?
5. Бугунги кунда миссионерларнинг жамият барқарорлигига таҳдидлари ҳақида гапириб беринг.
6. Нима учун интернет олами бузғунчи ғоялар маконига айланиб қолмоқда?
7. Террорчи гуруҳлар ўзларининг ғаразли ниятларини амалга ошириш учун интернетдан қандай йўлларда фойдаланади?
8. Бузғунчилар билан дуч келиб қолсангиз ўзингизни қандай тутасиз?

Мустақил иш мавзулари

1. Интернетдаги эътиқодга таҳдид солувчи омиллар.
2. Террорчиларнинг интернет тўрига ин қуриб олганликларининг асосий сабаблари.
3. Ислом динида бузғунчилик, вайронкорлик қилувчиларга муносабат.

Фойдаланиш учун тавсия этиладиган манба ва адабиётлар

Ислом Каримов. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999.

Ислом Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. – Т.: "Ўзбекистон", 2000.

Ислом Каримов. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2000.

Ислом Каримов. Ватан равнақи учун ҳаммамиз масъулмиз. – Т.: Ўзбекистон, 2001.

Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Ўзбекистон”, 2008.

Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва изоҳлар муаллифи Шайх Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2014.

Усмонхон Алимов. Имом ал-Бухорий баракоти. – Т.: "Movarounnahr", 2007.

Айдарбек Тулепов. Ислом ва ақидапараст оқимлар. – Т.: “Sharq” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2013.

Айдарбек Тулепов. Интернетга ин қурган “ўргимчаклар”. – Т.: "Movarounnahr", 2014.

Айдарбек Тулепов. ИШИД фитнаси. – Т.: "Movarounnahr", 2015.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳиҳи Бухорий. – Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2008.

Шайх Абдулазиз Мансур. Ақоид матнлари. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2006.

Сўфи Аллоҳёр. Саботул-ожизин. – Т.: "Меҳнат", 1991.

Абу Шакур Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Солимий Кеший. Ат-Тамҳид фи баёнит тавҳид // Нашрга тайёрловчи

С.Примов. – Т.: "Movarounnahr", 2014.

Айдарбек Тулепов ва бошқалар. Тинчлик ва осойишталик – олий неъмат / Масъул муҳаррир Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: «Movarounnahr», 2013.

Очилдиев А., Нажмиддинов Ж. Миссионерлик: моҳият, мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009.

Нажмиддинов Ж. Миссионерлик кеча ва бугун. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008.

Сагдиев Ҳ. Аҳли Сунна вал-Жамоа эътиқодида "жиҳод" тушунчасининг талқини (экстремистик оқимларга раддия). Имом ал-Бухорий сабоқлари". 1/2013.

Айдарбек Тулепов. Ҳидоят деб залолатга кетманг. "Ислом нури" газетаси, 2013 йил, 3-сон, 2–4 саҳифалар.

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг muslim.uz портали ва тизимдаги интернет сайтлари.

www.ziyonet.uz

www. fikr.uz

2-БОБ. **ЖАҲОН АХБОРОТ ТАРМОҒИДАГИ ФИТНАЛАР ХУРУЖИ**

2.1. Фитнанинг мазмун-моҳияти ва хатарлари.

2.2. Диний тушунчаларни ғаразли мақсадда талқин этишнинг зарарлари.

2.3. Тўғри йўлдан адашганларнинг қисмати.

2.4. Мусулмонни кофир дейиш оғир гуноҳ.

2.5. Фитна чиқарувчиларга муносабат.

Дарснинг мақсади:

Ислом динида қораланган, инсоният тинчлиги учун катта хатар бўлган фитна чиқариш тўғрисида баҳс юритилади. Фитна сабабидан инсонлар бир-бирлари билан душман бўлиши, унинг оқибатида беқарорликлар, қирғинбарот урушлар келиб чиқиши, бугунги кундаги нотинчликлар ортида қандай фитна ётгани очиқ баён этилади.

Таянч сўзлар ва иборалар:

Фитна, шаҳидлик, жиҳод, ҳижрат, такфир, нифоқ, радикал, «Араб баҳори», шаҳидлик белбоғи, мужтаҳид, халифалик, дорул ҳарб, дорул ислом.

2.1. Фитнанинг мазмун-моҳияти ва хатарлари

Дарснинг мақсади:

Ислом динида қораланган, инсоният тинчлиги учун катта хатар бўлган фитна чиқариш тўғрисида баҳс юритилади. Фитна сабабидан инсонлар бир-бирлари билан душман бўлиши, унинг оқибатида беқарорликлар, қирғинбарот урушлар келиб чиқиши. Бугунги кунда дунёдаги нотинчликлар ортида қандай фитна ётгани очиқ баён этилади. Араб мамлакатларида содир этилган ғалаёнлар ижтимоий тармоқлар орқали уюштирилгани, унинг талафотлари ва бундай кирдикорлардан ҳушёр бўлиш таъкидланади.

"Фитна" сўзи луғатда синов, имтиҳон маъносида келади. Арабларда маъданни ўтга солиб, синаб кўриш "фитна" дейилади. Истилоҳда кишиларни диндан қайтариш, динга қарши ҳаракатга чорлаш фитна саналади. Фитна оғир гуноҳ. Инсоннинг имон-эътиқоди, ибодат қилиши, унинг инсоний фазилатлари рўёбга чиқишига тўғаноқ ёки синов бўладиган барча нарсалар ҳам фитна ҳисобланади.

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир ҳадисда марҳамат қилишларича: ***«Йўлнинг бошида бир чорлагувчи: "Эй инсонлар! Тўғри йўлга жам бўлиб киринглар ва бўлиниб кетманглар!" – деб туради. Бу чорлагувчи – Аллоҳнинг китоби. Қачонки инсон нотўғри йўл эшикларини очишни ирода қилса, йўлнинг тепасида яна бир чорлагувчи: "Эй шўринг қурғур, очма уни!" – деб туради. Бу чорлагувчи –***

Гина-адоватдан узоқ бўл, кучинг етмайдиган ишга киришма. Сўз юритувчи, чақимчиларнинг сўзларига ишонма. Чунки улар фитна-фасод йўлини излаб юрувчи ярамас одамлардир. (Абу Язид Бастомий)

ОГОҲ БЎЛИНГ!

***ҳар бир мусулмоннинг қалбидаги Аллоҳнинг насиҳат қилгувчиси** (илҳоми)**дир»** (Имом Аҳмад, Термизий, Насоий).*

Разил манфаатлар кураши – фитналарнинг энг ғирром ва жирканч кўринишидир. Ушбу жараён бугунги кунга келиб шиддат билан авж олиб бормоқда. Ҳозирги манфаатлар кураши кучайган бир пайтда глобал тармоқ ҳам унинг қурбонига айланди. Интернетга ўрнашиб олган гуруҳларнинг мақсади ёшлар ўртасида фитна, нифоқ ва шунга ўхшаш ишларни тарғиб қилиш натижасида жамият тинчлигини пароканда этишга қаратилган. Фитна эса одамларни қатл қилишдан ҳам ёмон жиноят. Глобал тармоқлар орқали ҳам ёшлар ўртасига фитна, нифоқ солиб, барқарорликни барбод қилишга интилиш кучайди.

Нофеъ (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади, *"Ибн Зубайр фитнаси пайтида икки киши Абдуллоҳ ибн Умар олдига келиб: **"Одамлар нима ишлар қилишяпти, сиз бўлсангиз Пайғамбарнинг яқин саҳобалари бўлатуриб, индамай ўтирибсиз, уларга қарши курашишингизга нима монелик қилади?"*** – дейишди. Ибн Умар: ***"Аллоҳ таолонинг ўз биродарларим қонини тўкишдан қайтаргани монелик қилади",*** – дедилар. – Боягилар: ***"Ахир, Аллоҳ таоло: "Фитна босилиб, бутун дин Аллоҳгагина бўлмагунича улар билан урушинглар" демаганми?!"*** – дейишди. Ибн Умар: ***"Биз фитна қолмагунича ва Аллоҳ таоло дини қоим бўлгунича урушдик. Нима, энди сизлар яна фитна содир бўлиб, Аллоҳ таолонинг дини барбод бўлгунича уруш қилмоқчимисиз?!"*** – дедилар" *(Имом Бухорий).*

БИЛИБ ОЛИНГ!

Ғаразгўй ағёрлар сўзига бовар қилмаким,
Дилсиёҳлик келтирур ўртада ғаммоз озгина.
(Анбар Отин)

Қуръони каримда Аллоҳ таоло хабар бериб айтади: "**Сиздан «Шаҳри Ҳаром»да жанг қилиш** (ҳукми) **ҳақида сўрамоқдалар. Айтинг: «Унда жанг қилиш катта гуноҳдир.** (Лекин одамларни) **Аллоҳ йўлидан қайтариш, Унга куфр келтириш ва** (ҳожиларни) **Масжиди Ҳаромдан тўсиш ҳамда аҳолисини қувиб чиқариш Аллоҳ наздида** (улардан ҳам) **каттароқ гуноҳдир. Фитна эса қотилликдан ҳам каттароқ** (гуноҳ)**дир. Улар имкон топсалар, то динингиздан қайтармагунларича, сизлар билан жанг қилаверадилар. Сизлардан кимда-ким ўз** (Ислом) **динидан қайтиб, кофир ҳолида ўлса, ундай кимсаларнинг қилган амаллари** (тоат-ибодатлари) **дунёю охиратда беҳуда кетар. Улар дўзах аҳлидирлар ва унда мангу қолурлар**" *(Бақара, 217).*

Бузғунчи гуруҳлар маълум доиралар манфаати йўлида дин ниқобидан фойдаланиб, ҳамма ерда фисқу фасод уруғини сочмоқда. Мазкур фирқа ва оқимларнинг мусулмонлар бирлиги ва эътиқоди мусаффолигига қарши қаратилган хуружи авж олди, турли террорчилик ва бузғунчилик ҳаракатлари содир этилмоқда. Ўз мақсадлари йўлида ҳар бир имкониятдан усталик билан фойдаланмоқдалар.

Маълумки, тунда ёритқич қаёқни кўрсатса, одамлар ўша ёққа қарайди. Одамларнинг қаёққа қараб, нимани кўришлари уни тутган кишининг хоҳишига боғлиқ бўлиб қолади.

Ҳозирги кунда ижтимоий тармоқлар ёшларнинг кундузларини "беҳуда тафаккур тунлари"га айлантирди.

Синалмаган отнинг сиртидан ўтма...

“Facebook”, “Twitter”, “Odnoklassniki” ва бошқа минглаб ижтимоий тармоқлар ўз сегменти (қавми)ни ажратиб олгач, уларнинг хулқига ҳам эгалик қилишга ўтди. Нимани кўриш, эшитиш, қандай кийиниш, ташқи кўринишда кимга тақлид қилиш, қачон ва қаерда шай бўлишни ўргатмоқда. Том маънода кимларнидир масофадан туриб бошқармоқда. Афсус, содда одамлар ёритқич (интернет, телевидение, медиа воситалар) кўрсатаётган томонга қараймиз-у, аммо у кимнинг қўлида эканини кўрмаймиз.

Дарҳақиқат, ҳозирги даврда ёритқич ушлаб турганлар “Одамларни бўлиб ташлаб, ҳукмронлик қилиш”га уринаётган, айнан қишнинг биринчи ойида “Араб баҳори”ни бошлаб берган гуруҳларнинг манфаатларини ҳимоя қилаётганини англаб етишимиз шарт.

Бузғунчи кучлар халқлар ўртасида уруш-жанжал, зиддиятлар келтириб чиқаришда “ўргимчак тўри”дан ҳам кенг фойдаланишяпти. Бунда "WikiLeaks" каби сайтларнинг “ҳиссаси” катта бўлмоқда. Бундай сайтларнинг манбалари номаълум, улар фитнага сабаб бўлувчи шов-шувли ёки ёлғон-яшиқ маълумотларни кенг оммага эълон қилиш билан шуғулланади. Шунингдек, “Facebook”, “Twitter”, “Instagram” каби ижтимоий тармоқлардан минглаб кишиларни оммавий норозилик уюштириш учун фойдаланмоқдалар.

Сиёсатчи тадқиқотчиларнинг фикрларига кўра, “Араб баҳори” бу – уюштирилган фитна. У ташкилотчиларига баҳорни, минтақа аҳолисига эса кулфат келтирди. Буни

БИЛИБ ОЛИНГ!

Зориқма хасислар суҳбат-нонига,
Ишонма нокаснинг аҳд-паймонига.

(Абулмажид Саноий)

жуда кеч англаган миллионлаб аҳоли бундай "қонли баҳор"ни уюштирганлар ва ички шерикларига лаънатлар айтмоқда.

Бу эса мафкура билан қуролланган геосиёсатнинг ёритқичини кўрсатади. Бунда ўзининг "табиий сарҳадларини кенгайтириш" мақсадини очиқ эълон қилмаса ҳам бўлади. Оломонга, интернет орқали тарқатилган чиройли ва ёқимли орзулар билан боғланади. "Фақат сен ҳақсан, бошқалар эса ноҳақ", деган фикрлар илинган миллионлаб қармоқлар ташланади. Мафкуравий ишнинг "ҳар бир такрор, болғанинг бир зарбига тенг", деган усулига амал қилинди. Ёшларнинг онгига ношукрлик экилди. Бу заҳарли уруғлар кўкариб, эгаларининг онгидаги Ватан, бирдамлик ғояларига қарши курашиш ҳиссини уйғотди.

Маънавият ожиз қолган эди. Одамлар фақат ўз манфаатлари билан яшардилар. Шахс, Ватан ва миллат манфаатларидан ажратилиб, қоядек буюк халқ аста-аста парчаланди. Ота-боболаридан қолган ўгит, мақолларга суяниб эмас, интернет тармоқларидаги "ҳамжамият"ларидан маслаҳат олиб, яшашга ўргатилди. Интернет эса мобил телефонлардан "Фақат сен ҳақсан" дея тинмай уқтириб турди. Тарбиясининг томири калта ёшлар тушуниб-тушунмай бўйсунишди. Ҳар соат кучли тарғиб қилиб турилган вайронкор ғоя ёшларни халқидан юлиб олди. Энди ёшлар ўз Ватани, давлати, ҳукуматини душман санаб, бегоналарга эргашди. Оқибатда араб мамлакатларида ҳали-ҳануз давом этаётган тўс-тўпо-

Ким ёвузлик уругини сепса, пушаймонлик йиғар.
(Саъдий Шерозий)

ОГОҲ БЎЛИНГ!

лонларни авж олдиришда, нифоқ уруғларини сочишда ҳам радикал гуруҳлар ижтимоий тармоқлардан кенг фойдаланишмоқда.

Маълумки, бутун жаҳон афкор оммасининг диққат-эътиборида бўлган "Араб инқилоби" ёки "Араб баҳори" номи остида бошланган воқеалар дастлаб Тунисда давлат тўнтаришига олиб келди. Сўнгра занжирли реакция бўйлаб, Миср, Ливия, Сурия, Иордания, Яман ва бошқа араб давлатларига тарқалди. Бу тўнтаришларни бошлаганлар аҳолининг 18–35 ёшлардаги қатлами эди.

Оқни қорадан ажрата олмайдиган ёшлар Исломга қарши бошланган ахборот урушининг қурбонига айланиб, ўзлари билиб-билмай бегона мамлакат махсус хизматларининг «бешинчи колонна»сига айланиб, «бошқариладиган тўқнашувлар»га амалий ҳиссаларини қўшмоқда.

Афсус, кўпчилик ёшлар нозик чегара чизиғини англамай, шундай тарғиботларга учиб, динига, диндошларига, ўз халқи ва мамлакатига қарши исён қилишгача борди.

Бундан ташқари, глобал тармоқда инсон маънавияти ва ахлоқига бутунлай ёт бўлган ва энг хатарли иллатларни ўз ичига олган "оммавий маданият"ни сингдиришга уриниш кучаймоқда. Ёшларни худбин ва лоқайд кимсаларга айлантириш, ахлоқий бузуқлик ва зўравонликни тарғиб қилиш, бир жинсли никоҳ, зино, гиёҳвандлик, бузуқлик, оилани муқаддас билмаслик, кўнгил истаган ишларни

БИЛИБ ОЛИНГ!

"Араб баҳори" улкан фитна. Араблар бундай «қонли баҳор»ни четдан олиб келиб ёйган бузгунчиларни лаънатламоқда.

қилиш орқали “эркин бўлиш” каби зарарли иллатларни ёйишни асосий мақсад қилиб олган бу “маданият” жамиятдаги маънавий ҳаётни издан чиқаради, ёшлар ахлоқига жиддий салбий таъсир кўрсатади.

Бундан бир аср муқаддам атоқли ўзбек маърифатпарвари Абдурауф Фитрат: *“Кимки болаларни бадахлоқ қилиб тарбия этса, инсониятга катта душманлик қилган бўлади”*, – деган эди. Бундай фитналардан ёшлар ҳам ниҳоятда огоҳ бўлишлари лозим.

Ҳозир зулм ва истибдод, террор ва бузғунчиликлар, ахлоқсизлик ва маънавий инқирозлар ҳар қачонгидан хатарли тус олмоқда. Ёшлар бундай шароитларда ҳар қачонгидан кўра ҳушёр ва огоҳ бўлишлари, дўст киму, душман кимлигини яхши ажрата олишлари, ғанимлар фитнасига учмасликлари, ёвуз кучлар қўлида қўғирчоқ бўлиб, диндошлари ва миллатдошлари қотилига айланмасликлари зарур.

Хулоса ўрнида таъкидлаш зарурки, бугунги кунни интернетсиз тасаввур қилиш қийин. Интернет узоғимизни яқин, оғиримизни енгил қилмоқда. Аммо аксарият ёшлар интернетни ҳамон беҳуда вақт сарфланадиган чексиз макон деб тушуниб, ўзининг гулдек умрини хазон қилмоқда.

Душман сўзларига ишонса киши, Пушаймон тортишдир оқибат иши! (Хожа Самандар Термизий)

ОГОҲ БЎЛИНГ!

2.2. Диний тушунчаларни ғаразли мақсадда талқин этишнинг зарарлари

Дарснинг мақсади:

Бузғунчи оқимлар "жиҳод", "ҳижрат", "шаҳид" каби тушунчаларни бузиб талқин қилаётгани ва бу йўлга ҳали Исломни яхши тушунмайдиган кишиларни, айниқса, ёшларни жалб этаётгани тўғрисида фикр юритилади. Шунингдек, бу каби тушунчалар аслида қандай изоҳланиши ва уларни ғаразли талқин этишнинг оғир гуноҳ экани баён этилади.

Ислом динини ниқоб қилиб олган бузғунчилар ўта нозик ва ҳассослик билан ёндашиш талаб этиладиган "такфир", "жиҳод", "ҳижрат", "шаҳид", "халифалик" каби тушунчаларни турли шахсларнинг фатволарига таянган ҳолда интернет сайтларида ғаразли талқин этишмоқда. Бундай талқин ёшлар онгида Ислом гўё, ёвузликка, жангу жадал, қон тўкиш, бошқа диндагиларга қарши муросасиз кураш олиб боришга асосланган ботил тасаввурларнинг шаклланишига сабаб бўлмоқда.

Ҳозирда интернет тармоғида экстремистик руҳдаги кўплаб сайтлар фаолият юритмоқда, уларнинг ҳомийлари инсонларни "жиҳод" қилишга, сабабсиз ўз юртидан "ҳижрат" қилиб, чиқиб кетишга чақириб, ислом дини ниқоби остида ўзларининг манфур ниятларини амалга ошириш пайида бўлмоқда. Уларнинг мақсади дин йўлида хизмат қилиш эмас, балки дунёвий манфаат, мол-дунёга

БИЛИБ ОЛИНГ

"Шаҳид-камикадзе" тўппа-тўғри жаннатга кирадиган бўлса, нима учун экстремистик ташкилотлар раҳбарлари ўзларини портлатиб, биринчилардан бўлиб жаннатга киришга ҳаракат қилмайди?

эришишдир. Ҳали тафаккури шаклланмаган, илми ва тажрибаси етарли бўлмаган ёшлар бундай сайтларга кириб қолса, алдовига учса, оқибати қандай аянчли якунланиши кундай равшан.

Шунинг учун қуйида ушбу диний тушунчалар аслида қандай изоҳланишини батафсил баён қиламиз.

"Шаҳид" тушунчаси. Ушбу сўз араб тилидан олинган бўлиб, "ҳозир, гувоҳ, ўз билганлари ҳақида хабар берувчи" маъноларини ифодалайди. Шунингдек, "Шаҳид" Аллоҳ таолонинг исм-сифатларидан бири бўлиб, "гувоҳлиги ишончли, ҳар доим ҳозир бўлувчи Зот" деган маъноларни англатади.

Кишининг ўзини ўзи ўлдириши, гарчи ниятини дин йўлида деб эълон қилса-да, барча ўринларда шаҳидлик ҳисобланмай, "ўз жонига суиқасд" қилиш деб баҳоланади. Ўзини ўзи ўлдириш бу – шахс томонидан ҳаёт фаолиятини қасддан тўхтатишдир. Шариат нуқтаи назаридан бу ҳаракат қаттиқ қораланиб, Парвардигор томонидан берилган ҳаётга тажовуз қилиш ҳисобланади.

Ҳозирги кунда баъзи террорчи ташкилот аъзолари ўзини ўзи портлатиш билан шаҳидлик мақомини олишни иддао қилмоқдалар. Ўзини ўзи портлатиш шаҳидлик даражаси эмас, балки ўз жонига ва ўзга бегуноҳларнинг жонига қасд қилишдир. Бундай шахс шаҳидлик мартабасига эмас, балки гуноҳкор бандалар қаторига қўшилиши аниқ ва муқаррардир.

"Аҳли қиблани кофирга чиқариш йўқ". (Абдуллоҳ ибн Умар ва ҳазрат Ойша (розияллоҳу анҳум)

ОГОҲ БЎЛИНГ!

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўз жонига қасд қилишни қаттиқ қоралаб, ҳаёт аталмиш улуғ неъматнинг қадрига етиш лозимлигини уқтирганлар. Ўз жонига қасд қилганларга аламли ва қаттиқ азоб борлигидан огоҳлантириб: ***"Ўзини бирор нарса сабабидан ўлдирган шахс, албатта, жаҳаннамда абадий, доимий азобланади",*** – деганлар *(Имом Бухорий).*

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): ***"Ким ўзини тоғдан ташласа ва ўзини ўлдирса, у жаҳаннам ўтида абадий, доимий йиқилиб, азобланади. Кимки заҳар ичиб, ўзига суиқасд қилса, жаҳаннам ўтида қўлидаги заҳарни ичиб, абадий азобланади. Ким ўзини темир билан ўлдирса, жаҳаннам ўтида темирини қорнига уриб, абадий азобланади",*** – деб огоҳлантирганлар *(Имом Бухорий).*

Демак, динимизда ўзини турли йўллар билан ўлдириш мутлақо мумкин эмас. Афсуски, айрим кимсалар бузғунчиларнинг алдовига учиб, ўзларини портлатиб юбораётгани ўтакетган ақлсизлик ва манқуртликдир. Бу ишни қилаётганлар икки карра катта гуноҳга қўл уришяпти, чунки улар бу қабиҳлик билан қанчадан-қанча айбсиз кишиларнинг ҳам умрига зомин бўлишмоқда. Қуръони каримда: **"...Бирор жонни ўлдирмаган ёки Ерда** (бузғунчилик ва қароқчилик каби) **фасод ишларини қилмаган инсонни ўлдирган одам худди ҳамма одамларни ўлдирган кабидир..."** *(Моида, 32),* – дейилган.

БИЛИБ ОЛИНГ!

Мусулмон мусулмонни қайсидир гуноҳи сабабли, гарчи у кабира (катта) гуноҳ бўлса-да, имондан чиқариши ҳалол эмас. Чунки кабира гуноҳлар Исломни заифлаштирса-да, буткул йўқ қила олмайди.

Шунингдек, Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Вадо хутбасида: ***"Эй одамлар, хоҳ ўзингизнинг ва хоҳ бир-бирларингизнинг қонингизни тўкишингизни Аллоҳ ҳаром қилди..."***, деганлар.

Ақида илмига кўра, киши тақиқланган гуноҳ ишни ҳалол деб эътиқод қилса ёки фарзлардан бирини инкор этса, кофир бўлади. Ушбу оятда ноҳақ қон тўкишни ҳалол деган эътиқодда қотиллик қилган киши тўғрисидаги ҳукм баён этилмоқда. Ҳадиси шарифда: ***"Қиёмат куни биринчи савол ноҳақ тўкилган қон тўғрисида бўлади"***, – дейилган *(Имом Бухорий).*

Демак, бу кимсаларнинг "тўппа-тўғри жаннатга кириш" ҳақидаги ваъдаларига алданиб, худкушликка қўл ураётганлар, аслида кимларнингдир манфаатлари йўлида беҳуда ўлим топишдан бошқа нарсага эриша олмайдилар.

"Жиҳод" тушунчаси. "Жиҳод" сўзи луғатда ғайрат қилмоқ, ҳаракат қилмоқ, интилмоқ, зўр бермоқ, бор кучини сарфламоқ, меҳнат қилмоқ каби маъноларни ифодалайди. Шунингдек, бор имкониятини ишга солиб, бирор ишни бажаришга ҳаракат қилиш маъносини англатади. Мисол, шаръий масалаларни ечишда бор имконини ишга солиб, ҳаракат қилган йирик олим "мужтаҳид" деб аталади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, "жиҳод" сўзи айрим кимсалар иддао қилаётганидек "уруш" маъносини англатмайди. Араб тилида уруш бошқа сўзлар билан

"Ироқ ва Шом ислом давлати" террорчи ташкилотининг кўринмас мақсадларидан бири уламоларни кофирга чиқариб, уларни йўқ қилишдир.

ОГОҲ БЎЛИНГ!

ифода этилади. Уруш маъносини англатиш учун, асосан, "қитол" сўзи ишлатилади. "Жиҳод" сўзининг луғавий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, маълум даврларда халқларнинг босқинчиларга қарши жон-жаҳди билан жанг қилиши ҳам жиҳод дейилган. Кейинчалик ушбу охирги маъно бошқаларидан устун келиб, "жиҳод" кўпроқ қўлланиладиган бўлди.

Бир ҳадиси шарифда Пайғамбар (алайҳиссалом): ***"Жиҳоднинг энг афзали кишининг ўз нафсу ҳавосига қарши курашмоғидир",*** – деганлар *(Ибн Можа)*. Макка даврида Пайғамбар (алайҳиссалом) Аллоҳ таолонинг: "(Эй Муҳаммад**), Раббингизнинг йўли** (дини)**га, ҳикмат ва чиройли насиҳат билан даъват этинг! Улар билан энг гўзал услубда мунозара қилинг!"** *(Наҳл, 125)*, – деган кўрсатмаси асосида фаолият олиб борганлар.

Ҳозир эса бузғунчи тоифалар ўзлари илгари сураётган ёвуз мақсадга эришиш учун янги "жиҳод" турларини ўйлаб топишяпти. Улар "жиҳод – муқаддас уруш" деган тушунчани тарғиб қилиб, айбсиз одамларнинг қони ноҳақ тўкилишига сабабчи бўлмоқда. Бунга дунёнинг турли нуқталарида "жиҳод" ёки "шаҳидлик" ниқоби остида амалга оширилаётган қўпорувчиликлар мисол бўлади. Айниқса, Афғонистон, Покистон, Сурия ва Ироқ давлатларида бўлаётган худкушликлар оқибатида бегуноҳ қариялар, аёллар ва ёш болаларнинг ўлими кўпайгани жуда ачинарли ҳолдир. Ироқ ва Сурияда дин пешволари, имом-хатибларнинг ҳаётига суиқасд уюштирилгани ва

БИЛИБ ОЛИНГ!

Ислом тарихидаги умавийлар, аббосийлар, усмонийлар давлатлари шартли равишда "халифалик" деб аталган бўлса-да, аслида улар амирлик ёки империя (салтанат)лар эди.

ҳатто Аллоҳнинг уйи – масжидларда ҳам қўпорувчилик содир этилаётгани, минглаб бегуноҳ гўдаклар ҳаётдан кўз юмгани каби жуда оғир мусибатлар террорчи кучларнинг динга ва инсониятга қарши нақадар шафқатсиз уруш очганини кўрсатади.

Ислом душманлари мусулмонлар ўртасида фитна чиқариш учун интернет – "ўргимчак тўри"дан жуда усталик билан фойдаланишмоқда. Биргина "Facebook" ижтимоий тармоғида турли тилларда бир қанча гуруҳлар очиб, сохта ғояларини мунтазам равишда тарқатиб, кўпайтириб боришяпти.

Террорчилар ўзларига тегишли веб-саҳифа ва ижтимоий тармоқларда "шаҳидлик", "жиҳод", "ҳижрат", "такфир", "халифалик" каби тушунчаларни бузиб талқин қилиш натижасида айрим ёшларни ўзларининг тузоқларига илинтиришга муваффақ бўлишаётгани ачинарли ҳол, албатта.

Шу ўринда машҳур олим, марҳум Муҳаммад Саид Рамазон Бутийнинг террорчилар хусусида айтган қуйидаги сўзларини келтириш лозим: *"Улар бир вақтнинг ўзида бирор айби йўқ мусулмонларни кечаси бўғизлаб кетишни "шариат рухсат берган иш" дейдилар. Улар оддий йўловчилар тўла самолётни ичидаги айбсиз инсонлар билан қўшиб портлатиб юборишни ҳам "шариатда бор иш" дейдилар. Ҳар ким кўзларини юмиб, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бугун орамизда юрибдилар, деб хаёл қилсин. Ул зот шундай разил ишларга рози бўлармидилар?"*

ОГОҲ БЎЛИНГ!

Бирор ҳудудни босиб олган бир тўда жиноятчиларнинг "халифалик" даъвосини қилиши ёки байъат олиши динимиз таълимотига бутунлай зиддир.

Муқаддас ислом динида бегуноҳ инсон қонини тўкиш бузғунчиликнинг энг улкан кўриниши ҳисобланади. Ислом дини ҳатто чумолига озор беришдан ҳам қайтаради. Бундай ваҳшийликни қилаётганлар динга эътиқод қўйгани ҳақида қанча лоф урмасин, қилган ёвузликлари бу даъволари сохта эканини фош этмоқда.

МИСОЛ:

2014 йилда оммавий ахборот воситаларида тарқалган бир хабар барча мусулмонларнинг нафратини қўзғади. Ўзини "халифа" деб эълон қилган "ИШИД" террорчи ташкилоти раҳбари Абу Бакр Бағдодий, айнан муборак рамазон ойида "жиҳод" қилишга чақирди ва бу ой "жиҳод" қилиш учун энг мақбул вақт дея таъкидлади.

Ҳатто, Исломдан аввал жоҳилият даврида ҳам Рамазон ойида жанг қилиш ҳаром қилинган эди.

"Ҳижрат" тушунчаси. Бу сўз луғатда "кўчиш, тарк этиш" демакдир. У икки хил бўлади. Биринчиси, фарз ибодатларини бажаришга умуман имкон бўлмаганида, зулмлар кўпайганида дин ва ҳаёт муҳофазаси йўлидаги маконий ҳижратдир. Иккинчиси, гуноҳ-маъсиятларни тарк этиш маъносида. Шу маънодаги ҳадисларда Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг қатор кўрсатмалари баён қилинган. Жумладан, Абдуллоҳ ибн Умар (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган ҳадисда: ***"Ҳижратнинг энг афзали – Аллоҳ таоло қайтарган нарсани тарк этмоқдир",*** – дейилади *(Имом Аҳмад).*

БИЛИБ ОЛИНГ!

Ислом манбаларида, хусусан, Қуръони каримда халифаликни барпо қилиш бўйича ҳеч бир далил ҳам, қатъий кўрсатма ҳам мавжуд эмас.

Ўзлари ўз юртларида кечириб бўлмас жиноятларни содир қилганлари учун ўзга юртга қочиб мусулмонларни, азон айтилаётган, жума ва ҳайит намозлари ўқилаётган, хуллас, Исломнинг барча арконлари эмин-эркин адо этилаётган осуда Ватанни тарк этишга тарғиб қилмоқдалар. Ҳолбуки, она-Ватани — киндик қони тўкилган юртига қарши қурол кўтариш ёки исён қилиш Ислом таълимотига бутунлай зид экани барчага маълум. Зеро, "Ватанни севмоқ имондандир", деб бежиз айтилмаган.

Бугун бузғунчи кучлар Қуръони карим Тавба сурасининг 24-ояти мазмунини ўзларининг ғаразли мақсадларига буришга интилмоқда. Ваҳоланки, бу оятнинг ҳукмига кўра, Пайғамбар (алайҳиссалом) даврларида маккалик мўминлар динларини ҳимоя қилиш учун Мадинага ҳижрат қилиш буюрилган эди. Муфассирларнинг таъкидлашига кўра, бу оятнинг ҳукми ўша пайтда Макка фатҳ бўлгунга (эгаллангунга) қадар давом этган. Ушбу оят ўша вақтда Маккадан Мадинага ҳижрат қилишдан бош тортган мусулмонларга таҳдид сифатида нозил бўлган. Зеро, ўша пайтда Мадинага ҳижрат қилиш Аллоҳ таоло томонидан фарз қилинган бўлиб, ўша пайтда Маккада қолиш гўё Исломдан қайтиш, мусулмонлар сафини камайтириш ва мушриклар сонини кўпайтириш, деб ҳисобланган.

Аммо ҳозир бу оятнинг мазмунидан ўз ёвуз мақсадлари йўлида фойдаланаётган кимсалар борлиги ташвишли

Ислом душманлари, диний билими саёз бўлган ёшларни ўз тузоқларига илинтириш учун "ўргимчак тўри"да бир неча тўдалар тузган. Бу гуруҳларнинг номи эшитган қулоққа хуш ёқадиган "Кун ҳадиси", "Салафлар ҳикмати", "Тавҳид" каби беозор кўринишларда бўлиб, кишида бу гуруҳлар фақат яхшиликка ундайди, деган алдамчи тасаввурларни уйғотади.

ОГОҲ БЎЛИНГ

ҳолат. Нобакор ва нонкўр кимсалар ўз Ватанига тош отиб, туҳмат уюштириб, халқига қурол ўқталмоқда.

Набий (алайҳиссалом) бир ҳадисда: ***"Макка фатҳидан кейин ҳижрат қилиш йўқ",*** – деганлар.

Шу ўринда кўр-кўрона ҳижрат қилаётган, Аллоҳ таолонинг эмас, балки кимнингдир "исломи" учун, "халифаси" учун уруш қилмоқчи бўлган кимсалар залолатга кетаётганини, ҳақ йўлдан оғиб, ҳидоятни залолатга алмаштирмоқдалар. Ахир улар уйларида фарзандлари, хотинлари, кексайиб қолган ота-оналарини ташлаб кетмоқдалар. Уларнинг кўз ёшларига, илтижою нолаларига парво қилмаяптилар.

Юқоридагилардан маълумки, ҳижрат қилиш ўрнига ўз Ватанини обод қилиш зарур. Аллоҳ таоло томонидан юкланган мажбуриятларни адо этиш лозим. Жумладан, ота-она, қариндошлар ва фарзандлар олдидаги ҳақ-ҳуқуқлар ҳамда кўрсатмаларни адо этиш шарт.

"Такфир" тушунчаси. Бу ибора араб тилидаги "куфр" сўзининг ўзагидан олинган бўлиб, луғатда инкор қилиш, осий бўлиш, тан олмаслик каби маъноларни англатади. Истилоҳда эса икки хил маънода келади. Бири – динда, яъни Аллоҳ ва Унинг Расулини тан олмаслик, иккинчиси, инъом этилган неъматни менсимай, инкор этишга нисбатан қўлланилган.

Мусулмонни кофирга чиқаришдан келиб чиқадиган хатарлар боис Қуръон ва ҳадисда ўзга одамни асоссиз

БИЛИБ ОЛИНГ!

Панду насиҳатдан ким ўгирди юз,
Заҳмати минг бўлур, пушаймони – юз.
(Абулқосим Фирдавсий)

кофирга чиқаришдан қайтарилган. Жумладан, Аллоҳ таоло шундай дейди: **“Эй имон келтирганлар! Аллоҳ йўлида сафарга чиққанингизда, аниқ иш тутингиз! Сизларга салом берган** (ёки таслим бўлган) **кишига бу дунё матоҳини** (ўлжани) **кўзлаб: “Мўмин эмассан”, – демангиз! Аллоҳнинг ҳузурида кўп ўлжалар** (бордир). **Илгари сизлар ҳам шундай** (имонингизни сир тутар) **эдингиз,** (сўнгра) **сизларга Аллоҳ неъмат ато этди. Бас, аниқлаб иш тутингиз! Албатта, Аллоҳ** (барча) **ишларингиздан хабардордир”** *(Нисо, 94).*

Абу Зарр Ғифорий (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) яна шундай деганлар: ***“Ҳеч бир киши бошқа кишини фосиқ, кофир деб айбламасин. Агар у киши бундай бўлмаса, айтган гапи ўзига қайтиб келади”.***

Уламолар иттифоқига кўра, ҳеч бир мусулмонни кофирга чиқариб бўлмайди. Имом Абу Ҳанифа (раҳматуллоҳи алайҳ) ҳам: “Қибладошларингизни кофирга чиқарманглар”, – деб таъкидлаганлар.

Ақида китоблари, жумладан, имом Аҳмад ибн Муҳаммад Абу Жаъфар ат-Таҳовийнинг ақида борасида ёзган машҳур китобларидан бири “Таҳовий ақидаси”да: *“Қибла аҳлидан бўлган бирор-бир мусулмонни гуноҳи туфайли кофир санамаймиз”,* – дейилади. Шунингдек, бошқа ақида китоблари ва уларга ёзилган шарҳларда катта гуноҳ қилган кишилар, гарчи уни содир этиш пайтида вафот этса ҳам,

ОГОҲ БЎЛИНГ!

Ўзини ўзи портлатаётганларнинг иши асло шаҳидлик даражаси эмас, балки ўз жонига ва бошқа бегуноҳларнинг жонига қасд қилишдир. Бундай шахс шаҳидлик мартабасига эришмайди, балки гуноҳкор дўзахий бандалар қаторига қўшилиши аниқ ва муқаррардир.

қилган ишини ҳалол санамаса, кофир бўлмаслиги, агар ўз уқубатларини дунёда олса, катта гуноҳи учун каффорат бўлиши, мабодо вафот этса, бу мукофотлаш Аллоҳнинг хоҳиши эканлиги баён этилган.

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) аҳли қиблага куфр нисбатини бермасликни таъкидлаганлар. Бундан ташқари, машҳур саҳоба Абдуллоҳ ибн Умар ва мўминларнинг онаси Ойша (розияллоҳу анҳум): ***"Аҳли қиблани кофирга чиқариш йўқ",*** – деганлар.

Ислом тарихида такфир тушунчаси буюк саҳоба Али ибн Абу Толиб (розияллоҳу анҳу) даврида пайдо бўлган хорижийлар фирқаси томонидан ўзларига эргашмаганларга нисбатан қўлланилган. Улар дастлаб ҳазрат Алининг тарафдори бўлиб, "Сиффин" жангидан сўнг ҳазрат Алидан ўн икки минг қўшин билан ажралиб чиқиб, кураш бошлаган.

Хорижийлар қурол ишлатиш орқали ўз эътиқодини тарқатиш ва ҳокимиятга эришишни мақсад қилиб қўйган. Улар мусулмонларни ўлдиришни ҳалол санаганлар. "Жамал воқеаси" иштирокчилари, буюк саҳобийлар Али ибн Абу Толиб, Муовия ибн Абу Суфён, Амр ибн Ос, Абу Мусо Ашъарий каби саҳобаларни ҳам куфрда айблаганлар. Катта гуноҳ қилган кишини кофирга чиқариб, уларнинг авлоди, моли ва жонини ўзларига ҳалол санашган. Таъкидлаш ўринлики, хорижийларнинг мазкур такфир тушунчаси орқали минглаб мусулмонлар, жумладан, ҳазрат Али (каррамаллоҳу важҳаҳу)нинг ҳам ҳаётига суиқасд қилинган.

БИЛИБ ОЛИНГ!

Ақидапараст оқимлар "ҳижрат" тушунчасини гаразли талқин этиб, мутаассиб шахсларни нотинчлик ҳукм сурган минтақаларга жамлашга ва шу орқали қабиҳ режаларини амалга оширишга уринадилар.

Уламолар хорижийларнинг катта гуноҳ бўйича даъволарини таҳлил қилиб, умуман, уларнинг исломий тушунчалардан йироқ эканини таъкидлайдилар. Жумладан, мусулмонлар содир этилган гуноҳлар сабабли Исломдан чиқмаслиги ҳақида қатор далиллар мавжуд.

Жумладан, «Ислом шаҳодат калимасидир», у билан инсон мусулмон бўлади, – дейилган. Бунга Убода ибн Сомит (розияллоҳу анҳу)нинг Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан ривоят қилган ҳадислари далил бўлади: ***"Ким Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад Унинг Расули эканига гувоҳлик берса, дўзах унга ҳаром бўлади"*** *(Имом Муслим).* Яна Абу Зарр (розияллоҳу анҳу)нинг Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан келтирган ҳадислари далил бўлади: ***"Умматимдан бирор киши Аллоҳга ҳеч бир нарсани шерик қилмаган ҳолда вафот этса, жаннатга киради"*** *(Имом Бухорий).*

Ислом тарихида хорижийлар томонидан қўлланилган услуб бугунги кунда баъзи террорчи жамоалар мафкурасида давом этиб, улар фаолиятида ўзларига эргашмаган шахслар ва тузумларни кофирликда айблаш тамойили марказий ўринни эгалламоқда.

Шайх Юсуф Қаразовий мусулмонни кофирга чиқариш хусусидаги гапларни рад этиб: *"Ким Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад (алайҳиссалом) Унинг Расули эканига қалби билан тасдиқлаган ҳолда гувоҳлик берса, мусулмондир. Унга тўлалигича мусулмонларга қилинадиган муомала қилиниши шарт"*, – деб таъкидлайди.

"Ироқ ва Шом ислом давлати" террорчи тўдаси аъзоларидан бири: "Ҳозирги вақтда дунёнинг барча жойи куфр диёридир, ҳатто Макка ва Мадина ҳам", – деб бўҳтон тарқатган.

ОГОҲ БЎЛИНГ!

Машҳур ҳанафий уламо Ибн Нужайм (раҳматуллоҳи алайҳ): *"Агар бу масалада бир инсонни амалига қараб кофирга чиқариш учун тўқсон тўққизта далил бўлса-ю, кофир демаслик учун биргина далил бўлса, тўқсон тўққизтасини қўйиб, ўша бир далилни олиш керак"*, – деган.

Инсон шаҳодат калимасини ихлос билан айтганидан ташқари бажариши лозим бўлган фарз амаллар бор. Лекин ўша амалларни бажармай, шаҳодат калимасининг ўзи билан кифояланса ҳам мусулмонлигича қолади. Чунки Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шаҳодат калимасини айтган кишини мусулмон деб эътиборга олганлар.

"Халифалик" тушунчаси. "Халифа" сўзи араб тилида ўринбосар деган маънони англатади. Истилоҳда эса бир лавозимда бирор кишига ўринбосар бўлишини билдиради. Уламолар ушбу сўз бир неча маънода қўлланилишини билдирганлар:

Биринчи маъноси – Қуръони каримда "Аллоҳнинг халифаси" тарзида ифодаланган. Жумладан, Бақара сураси 30-оятида Аллоҳ таоло қуйидагича марҳамат қилади: "**Эсланг,** (эй Муҳаммад!) **Раббингиз фаришталарга: "Мен Ерда халифа** (Одам) **яратмоқчиман ...".** Ушбу оятдаги халифа сўзидан Одам (алайҳиссалом) назарда тутилган. Чунки у зот Аллоҳнинг ердаги халифасидир.

Муфассир уламолар мазкур оятдаги "халифа" сўзи икки хил маънони ифода этишини баён қиладилар: биринчи маъноси бу, Одам (алайҳиссалом) ўзларидан олдин ерда

2005 йил июль ойида ислом дунёсининг етакчи уламолари томонидан қабул қилинган фатвода: "Тўрт сунний мазҳабга эътиқод қилувчиларнинг барчаси мусулмон ҳисобланади, уларни имонсизликда айблаш, жонига, номусига ва мулкига қасд қилиш мумкин эмас", – деб эълон қилинган.

БИЛИБ ОЛИНГ!

яшаган жинлардан халифа бўлган дейилса, иккинчи маъноси – мазкур оятдаги "халифа" сўзи бирлик бўлиб, ундан кўплик, яъни Одам авлодлари назарда тутилгани уқтирилади.

"Халифа" сўзининг яна бир маъноси Пайғамбар (алайҳиссалом)дан сўнг ўринбосар бўлган тўғри йўлдаги тўрт саҳобадир. Сафийна (розияллоҳу анҳу)дан Саъид ибн Жумҳон ривоят қилади. У киши Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг: ***"Халифалик мендан сўнг ўттиз йил. Ундан сўнг подшоҳлик ва амирликлар бўлади",*** деганларини эшитдим дедилар. Сўнгра Сафийна (розияллоҳу анҳу): ***"Абу Бакр икки йил, Умар ўн йил, Усмон ўн икки йил ва Али олти йил халифа бўлди",*** – дея қўшимча қилди.

Пайғамбар (алайҳиссалом) вафотларидан кейин саҳобаларнинг келишувига биноан халифада тўртта сифат мужассам бўлиши шарт қилинди:

1. Қурайш қабиласидан бўлиши;
2. Биринчилардан бўлиб Исломни қабул қилган бўлиши;
3. Мадинага ҳижрат қилган бўлиши;
4. Бадр жангида қатнашган бўлиши.

Шу боис бўлса керак, мазкур тўрт халифа тарихда тўғри йўлдан борган халифалар, яъни "ал-хулафо ар-рошидун" деб аталган. Уламолар фақатгина ушбу халифаларда мазкур шартлар мужассам бўлгани учун уларни ҳақиқий халифа деб тан олганлар.

Набий (алайҳиссалом) вафотларидан сўнг мусулмонларга тўрт халифа раҳбарлик қилди. Саҳобалар давлат

ОГОҲ БЎЛИНГ!

ИШИД фитначилари маълум бир давлатни "куфр диёри" деб атаб, у ердан ҳижрат қилиш лозим, шунингдек, бундай "куфр диёрлари"га қарши уруш олиб бориш керак, деган алдамчи гояларни илгари суришмоқда.

ишларини бир неча тузилмалар орқали бошқаришни илгари сурдилар. Абу Бакр Сиддиқ (632–634), Умар ибн Хаттоб (634–644), Усмон ибн Аффон (644–656) ва Али ибн Абу Толиб (656–661) (розияллоҳу анҳум) даврида ҳокимият вазифаларининг (суд, молия ва ҳ.к.) бўлиниши, уларнинг тақсимланиши юз берди. Бу жараёнда давлат бошқаруви тизими аста-секин динийлик қиёфасини йўқотиб, дунёвий тус олиши узил-кесил амалга ошди.

Хулафои рошидиндан кейинги замонларда муайян диний арбоблар – муҳаддислар, қорилар, муфассирлар, фақиҳлар, қозилар қатлами вужудга келдики, энди диний масалалар бўйича жамоатчилик фикрини халифа эмас, балки ўша арбоблар шакллантирадиган бўлди.

Демак, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳадисларига кўра, ўттиз йиллик халифалик тугаб, ундан кейин подшоҳлик ва амирликлар даври давом этган. Ислом тарихидаги умавийлар, аббосийлар, усмонийлар давлатлари шартли равишда "халифалик" деб аталган бўлса-да, аслида улар амирлик ёки империя (салтанат)лар эди. Шунингдек, ўтмишда ер юзининг турли ҳудудларида, масалан, Мисрда мамлуклар, Испанияда Қуртуба ва Шимолий Африкада фотимийлар халифалигининг вужудга келгани "халифалик жаҳонда якка-ягона (бошқарув) бўлиши керак", деган тушунчага янгича талқин бахш этади.

Афсуски, ҳозирги кунда халифаликни даъво қилаётган айрим террорчи ташкилотлар, хусусан, "Ироқ ва Шом ислом давлати" (ИШИД) жангариларининг қайси бир хатти-

"Дорул ислом – ислом арконлари амалда бўлган ёки унда яшовчи мусулмонлар ислом арконларини бажаришларига монелик бўлмаган ҳудуддир. (Абдулқодир Авда)

ҳаракати муқаддас ислом дини аҳкомларига тўғри келади? Ахир, Исломда бировни ноҳақдан ўлдириш тугул, унга заррача озор бериш ҳам қаттиқ қораланади-ку!

Четдан туриб бошқарилаётган ушбу тўда "Ислом давлати" шиори остида гўёки ўзини Ислом тартиб-қоидаларига "тўлиқ" риоя этувчи қилиб кўрсатиб, динимизга буткул зид ишларни амалга оширмоқда. Ўзини халифа деб атаган тўдабоши Абу Бакр Бағдодий (асл исми Иброҳим ибн Аввод ибн Иброҳим Бадрий) маҳаллий аҳолини байъат беришга мажбур қилди, рад этганларни эса ваҳшийларча ўлдирди.

Зеро, ҳазрат Умар (розияллоҳу анҳу): ***"Кимки мусулмонлар маслаҳатисиз, бир одамга байъат қилса, бас, унга эргашилмайди",*** – деганлар. Бирор ҳудудни босиб олган бир тўда жиноятчиларнинг "халифалик" даъвосини қилиши ёки байъат олиши динимиз таълимотига бутунлай зиддир. Энди эса, халифалик тузишнинг шаръан ва мантиқан асло имкони йўқ.

Байъат тушунчаси. "Байъат" арабча сўз бўлиб, "келишиш", "битим тузиш" деган маъноларни англатади. Ислом динида байъат тушунчаси Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га ва у зотнинг тўғри йўлида бўлган тўрт халифа (ўринбосар)га хосдир. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га байъат қилиш – Исломни қабул қилиш, унинг амалларини бажариш, Аллоҳ таоло ва Унинг Расулига содиқ бўлишда аҳднома маъносини ифода этган. Шунингдек, байъат ўтмишда фуқаро томонидан

ОГОҲ БЎЛИНГ!

Ёвуз кучлар мусулмонлар бирлигига путур етказиш, порокандалик келтириб чиқариш мақсадида мусулмонлар орасига фитна солиб, фисқ-фасод ва бузуқ эътиқодларни ёйишга уринмоқдалар.

давлат бошлиғига итоат этиш, хиёнат қилмаслик, исён кўтармаслик, машаққатга сабр, неъматга шукр қилиш ҳақида бериладиган ваъда, аҳд ҳам ҳисобланган.

Бугунги кунда эса байъатнинг асл кўриниши ва моҳияти бутунлай ўзгарган. Мусулмон мамлакатларида ҳам фуқаролар давлат бошлиқларига қўл бериб, байъат қилишмайди. Балки сайлов орқали давлат бошлиғи тайинланишининг ўзи шаръан ва қонунан унга итоат қилишни тақозо этади.

Ҳозирги кунда ҳам айрим сохта тариқатчилар ва бузғунчи оқимлар аъзоларида диний масалалар, хусусан, "байъат" тушунчасини нотўғри талқин қилиш кўзга ташланмоқда. Масалан, "Ироқ ва Шом ислом давлати" террорчи ташкилоти "байъат"ни ўзларича талқин этиб, қора ниятлари йўлида одамларни тўдабошиларига байъат қилишга мажбурламоқда. Ислом уламолари наздида, бундай тўдабошиларга байъат қилиш асло мумкин эмас. Зеро, уламолар бундай байъатни бидъат деб, ундан қайтаришган.

Ҳатто тариқат шайхларига қилинадиган байъат хусусида ҳам уламолар ижобий сўз айтишмаган. Зеро, асл моҳиятидан келиб чиқилса, олдинги даврларда "байъат" фақат бир одамга, яъни, давлат бошлиғига бўлган эди. Тариқат шайхлари эса жуда кўп бўлиб, уларнинг ҳар бири муридларидан ўзига байъат олади. Шу боис сохта тариқатчилар орасида: "Шайхга байъат қилиш керак, ким байъат қилмаса, фалон бўлади, уни бузиб бўлмайди, ким

БИЛИБ ОЛИНГ

Мустақилликнинг илк даврларидан то шу кунга қадар 200 мингга яқин мўмин-мусулмон ватандошимиз муборак ҳаж ва умра сафарларга бориб келишди.

байъатини бузса, фалон бўлади”, — деган уйдирмалар ҳам тарқалиб кетган.

Тариқат пирларига бериладиган байъат асло Пайғамбар (алайҳиссалом)га қилинган байъат сифатида қабул қилинмаган. Шунинг учун ҳам кўп фақиҳларнинг фатво китобларида пирларга қилинган байъат шаръий аҳамиятга эга эмаслиги таъкидланади. Мисол учун ҳанафий мазҳабининг кўзга кўринган фақиҳларидан бири, шунингдек, шозилия тариқатининг йирик намояндаси бўлган Муҳаммад Амин ибн Обидиннинг “ал-Уқуд ад-дуррия” номли асарида шундай дейилади: “Суфийлардан бир киши бирор пирга қўл берган бўлса, кейин бошқа пирни ихтиёр қилса, биринчи шайхнинг байъатига амал қилиши лозимми ёки иккинчисига? – деган саволга жавоб шуки, биринчи байъатга ҳам, иккинчи байъатга ҳам амал қилиш шариат бўйича вожиб бўлмайди. Чунки бу иш шариатда асосга эга эмас”.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бугунги кунда “байъат” масаласида тортишаётганлар, унга шаръий тус беришга уринаётганлар ушбу мавзуга доир оят ва ҳадисларни тўғри англамаган ёки уларни тартибли равишда ўрганмаган ҳолда баҳс олиб бормоқда. Бундан ташқари, маълум бир ҳудудни босиб олган бир тўда ғаламисларнинг сохта “халифалик” даъвоси билан байъат олиши динимиз таълимотига бутунлай зид. Зеро, ҳазрат Умар (розияллоҳу анҳу): ***“Кимки мусулмонлар маслаҳатисиз бир одамга байъат қилса, бас, унга эргашилмайди”,*** – деганлар.

Абдуллоҳ ибн Умар (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ёлғон гувоҳлик берувчининг икки оёғи қўзғалмай туриб, Аллоҳ унга дўзахни вожиб қилади”, – деганлар. (Ибн Можа, Ҳоким)

2.3. Тўғри йўлдан адашганларнинг қисмати

Дарснинг мақсади:

Тўғри йўлдан адашганларнинг аччиқ қисмати ва пушаймонликлари ҳаётий воқеалар мисолида ҳикоя қилинади.

Кейинги пушаймон ўзингга душман

Бир йигит бошидан ўтганларини шундай ҳикоя қилади:

– Мен дўстларим билан пул топиш мақсадида Россияга бордим. Москвада ёлланма ишчи бўлиб юрган кезларим, Абдуваҳҳоб исмли шахс билан танишиб қолдим. Дастлаб у менга ислом дини арконларига доир тушунчаларни ўргатди. Мен эса бу ҳолатга табиий қизиқиш билан қарадим.

Кейинчалик у мени Солижон, Абдулаҳад, Турғун каби одамлар билан таништирди. Янги дўстлар билан суҳбатларимиз қизғин тус олар, баъзан тундан тонггача давом этарди. Айниқса, интернетдаги "Odnoklassniki" ижтимоий тармоғида кун сайин янги дўстлар орттирар ва «эркинлик, адолат учун кураш ғоялари»ни тарғиб этар, бошқалар онгига сингдириб борардик. Улар менга доимо Ислом динига садоқатли бўлиш ва бу йўлда жиҳод қилиш, ҳатто жонимни ҳам фидо этишдан ҳам қўрқмасликни алоҳида уқтириб борарди.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ким "Лаа илаҳа иллаллоҳ", деса ва қалбида арпа вазнича яхшилиги бўлса, у дўзахдан чиқарилади. Сўнгра яна ким "Лаа илаҳа иллаллоҳ", деб қалбида бўғдой вазнича яхшилиги бўлса, у ҳам дўзахдан чиқарилади», – дедилар.

БИЛИБ ОЛИНГ!

Охир-оқибат мен уларнинг Россиядан Покистонга ҳижрат қилиш ва Сурияда бўлаётган қуролли тўқнашувларда жиҳодчи сифатида қатнашиш ниятида эканидан хабар топдим. Охирги кунларда Худо сақлаб, ота-онам меҳри ва яқинларим соғинчи бузғунчилар билан бирга сафарга чиқиб кетишдан кўра устун бўлди.

Мен бугун қанчалар адашган, гўл ва аҳмоқ эканимни, дин йўлида фидойилик деб, халқимга душманлик қилганимни, ота-онам ва Ватанимга қарши чиққанимни тушуниб етдим.

Зулматдан нур излабман...

Бошқа бир йигитнинг ҳикояси:

– Мен ўз бошимдан ўтган воқеаларни ибрат учун бошқаларга сўзлайман:

"Кунларнинг бирида айримлар каби мен ҳам "Чет элда ишлаб, осон пул топиш ва тез бойиш" фикрига тушиб қолдим. Шу мақсад билан Санкт-Петербург шаҳрига бордим. У ерда мени укам Шавкат кутиб олди. Ишга жойлашиб, оиламнинг моддий аҳволини яхшилашга иштиёқим кучли эди. Аммо у ердаги ҳаёт мен ўйлаганчалик осон эмас экан. Укам Шавкат ва атрофидагилар алланиманидир режалаштирар, тундан тонггача суҳбатлашиб, кундузлари эса уйқудан бош кўтаришмасди.

Шундай кунларнинг бирида телефонимга Нисо сурасининг 97-оятини ўқинг, деган хат келиб қолди.

Ёмон одамга яхши кўринадиган яхши нарсанинг ўзи йўқ, у фақат ёмонликдан "баҳра олиб", умрини ўтказади...

ОГОҲ БЎЛИНГ!

Хатнинг давомида, ҳижрат қилишга оид сўзлар ёзилган экан. Мен бу оят мазмунини укам Шавкатдан сўрадим. Укам ва унинг шериклари менга бу оятнинг мазмунини шарҳлаб, халифаликка асосланган Ислом давлатини барпо қилиш зарурлигини айтишди.

Шу тариқа мен ҳам уларнинг даъватларига қизиқадиган ва интернет орқали бўладиган мулоқотларни интизорлик билан кутадиган бўлдим. Ниҳоят, мен укам билан бирга жиҳод қилишга тайёргарлик кўриш ва Сурияда бўлаётган қуролли тўқнашувларда бевосита иштирок этиш мақсадида Истанбул шаҳрига йўл олдик. Истанбулдан Урфага, сўнгра чегарани бузган ҳолда симтўрлар тагидан Сурия ҳудудига ўтдик. Сурияда бўлаётган қонли тўқнашувларда иштирок этиб, укамдан айрилдим.

У ерда кўрган қора кунларим менинг кўзимни очмади. Қарийб беш ой сарсон-саргардонликда юрганимдан кейин ортга қайтишга қарор қилдим. Мақсадим юртимга келиб, ҳалқни жиҳод қилишга тарғиб этиш эди. Суриядан чегарани бузган ҳолатда Урфага ўтиб, у ердан Истанбул шаҳрига етиб олдим. Истанбулдан Қирғизистонга келиб, Ўш орқали Фарғона водийсига ўтиб олдим. Она-Ватаним Ўзбекистон тинчлигини, одамларнинг хотиржам яшаётганини кўриб, қувондим, лекин шунда ҳам кўзим очилмаганидан афсусдаман.

Мен бугун суднинг қора курсисида ўтириб, бир нарсани айтмоқчиман. Аслида мен зулмат оламидан нур

БИЛИБ ОЛИНГ

Ўзини бенуқсон ҳисоблаш адашишнииг энг осон йўлидир.

излабман, оёғим остида турган нурли ва чароғон йўлни кўрмасдан охири йўқ, боши берк кўчага кириб қолганимни билмаган эканман".

Жирканч жиноятчилар манфур мақсадлари йўлида ёш болалар ва аёлларни ҳам ўлдириб юборишдан тап тортишмаяпти.

ОГОҲ БЎЛИНГ!

2.4. Мусулмонни кофир дейиш оғир гуноҳлиги тўғрисида

Дарснинг мақсади:

Соф эътиқодли инсонларни кофирликда айблаш кечирилмас гуноҳ эканлиги оят, ҳадис ва уламоларнинг фатволари билан асослаб берилади. Қадимдан инсоният душмани бўлган фитна сабабидан ноҳақ қони тўкилаётгани ва ҳатто муқаддас Рамазон ойининг ҳам ҳурмати оёқости этилаётгани ҳақида маълумотлар берилади.

Бугунги интернет тармоқлари орқали адашган фирқалар мусулмонларни кофирга чиқариш билан энг оғир гуноҳга ботмоқда. Уларнинг бундан кўзлаган асосий мақсади эса, инсонларни кофирликда айблаш орқали уларга қарши уруш эълон қилишга баҳона топишдир.

Жумладан, “ИШИД” террорчи тўдаси аъзоларидан бири: “Ҳозирги вақтда дунёнинг барча жойи куфр диёридир, ҳатто Макка ва Мадина ҳам”, — деб бўҳтон тарқатган.

Аллоҳдан қўрққан, Исломдан хабари бор ҳар қандай инсон бу гапларни айтишдан ўзини тияди. Чунки бир диёрда яшайдиган кишиларни ёппасига кофирга чиқариш ҳамда бутун бошли мамлакатларни "куфр диёри" дейиш ўта нодонлик бўлиб, бундай сўзларни фақат гумроҳ, илмсиз, жоҳил кишигина айтиши мумкин.

Зеро, ислом дини кўрсатмаларида бир инсонни кофир дейишга шошилмаслик, унга қилаётган иши

Ғанимат тут жамолу ҳусн даврин,
Масалдурким: «Яна бу дам топилмас».
Вафо қилким, йигитлик бўстони
Ҳамиша тозаю хуррам топилмас...
(Атойи)

нотўғри эканини ётиғи билан тушунтириш лозимлиги таъкидланади.

Аллоҳнинг ягоналиги, Пайғамбар (алайҳиссалом) Унинг элчиси эканига имон келтирган, ислом динига эътиқод қиладиган ҳар қандай киши мўмин ҳисобланади. Ҳеч кимга инсоннинг имонини ўлчаш, унинг мусулмон ёки кофирлигини аниқлаш ҳуқуқи берилмаган. Чунки имон қалбда бўлади. Қалб эса фақат Аллоҳнинг ҳукмидадир.

Интернет тармоғи орқали бугун "Ироқ ва Шом ислом давлати" террорчи тўдаси фитначилари мусулмонларга "кофир" деб айб қўйиб, диндошларига қарши уруш эълон қилишга чақирмоқда. Улар ўз жамоатларидан четлашган, ҳижрат қилмаган, ИШИДчилар "кофир" деган кишини кофир ҳисобламайдиган одамларни ҳам "куфр"да айблаб қатл қилмоқда. Ваҳоланки, ислом таълимотига кўра, ширкдан ташқари ҳар қандай гуноҳ қилган инсон токи ўша гуноҳини ҳалол деб ҳисобламас экан, кофир бўлмайди.

Мусулмон кишини кофирга чиқариш мумкин эмаслиги борасида Имом Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади: ***«Уч нарса имоннинг аслидир: «Лаа илаҳа иллаллоҳ (Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ!)» деган кимсага тегмаслик; гуноҳи боис уни куфрда айбламаслик; амали учун уни Исломдан чиқармаслик»***.

Шунингдек, шаҳодат калимасини айтиб, ўзининг мусулмонлигини билдириб турган кишининг жонига, молига зарар етказмаслик шарт. Зоҳирида мусулмон

Эй йигит! Азиз умрингни ғафлат билан ўтказсанг, бундан ҳам оғирроқ шармандалик ва нобакорлик бўлмайди! (Муҳаммад Жабалрудий)

бўлиб кўриниб, Ислом амалларини қилаётганлар билан яхши муомала қилинаверади. Кишиларнинг ички сирлари Аллоҳнинг Ўзига ҳавола. «Лаа илаҳа иллаллоҳ»ни айтиб, мусулмон бўлган одамни қилган гуноҳи боис кофирга чиқарилмайди. У кофир эмас, балки гуноҳкордир. Тавҳид калимасини айтиб турган одамни амали учун динидан чиқарилмайди. Эътиқоди бузилмаса, Исломдан чиққан ҳисобланмайди.

Ҳазрати Ойша (розияллоҳу анҳо): "Қибла аҳлини кофирга чиқариш йўқ", деганлар. Абу Ҳанифа (раҳматуллоҳи алайҳ) эса: "Мусулмон киши, бир гуноҳни қилгани билан, ўша гуноҳни ҳалол санамаса, уни кофирга чиқармаймиз", деб таъкидлаганлар.

Юқорида келтирилган фикрлар асосида айтиш мумкинки, ҳеч кимга бошқа бир кишини «кофир»ликда айблаш ҳуқуқи берилмаган. Чунки инсон қалбида кечаётган ҳис-туйғуларни Яратгандан бошқа ҳеч ким билмайди.

Бутун дунё глобал тармоғи орқали ИШИД фитначилари ҳозир барча ислом диёрларида амал қилаётган шаръий аҳкомлар шайтоннинг ҳукмларидир, дея даъво қилишмоқда. Ҳатто уларнинг эътиқодларига кўра, бугунги кунда Маккаи мукаррама "Дорул ислом" эмас, балки "Дорул ҳарб" эмиш. Улар фақат ўзлари турган жойнигина "дорул имон" ва "дорул ҳижрат", деб атаб, бошқа жойларга эса мунофиқона тарзда куфр ва муртадлик диёри, дея нисбат беришмоқда.

Муваффақиятни саъй-ҳаракатда, муваффақиятсизликни лоқайдлик ва дангасаликда, балони тилда, ҳаловатни сукутда кўрдим. (Нажмиддин Кубро)

Мазҳабимизда мўътабар саналган Имом Муҳаммад Амин ибн Умар ибн Абдулазиз Ибн Обидин (1784–1836)нинг "Раддул мухтор" асарида *"Ислом диёри фақат қуйидаги учта шарт жамлангандагина куфр диёрига айланади", деб ёзилган:*

1. Ширк аҳлининг ҳукмлари ошкор юритилиб, мусулмонларнинг ҳеч бир ҳукми юритилмаса.

2. Ислом диёри куфр мамлакатларига қўшилиб, бирлашса.

3. Мамлакатда бирорта ҳам хавфдан холи мусулмон қолмаса".

Мазкур уч шартнинг ҳаммаси бир мамлакатда жам бўлса, у жой куфр диёрига айланади. Агар улардан бири ёки иккитаси топилиб, қолганлари топилмаса, Ислом юрти бўлиб қолаверади. Ислом ҳукмлари деганда, масжидлар обод бўлиб, у ерда азон чақирилса, беш вақт намоз, жума ва ҳайит намозларини адо этиш, муфтий сайлаб, унга эргашиш, ҳаж сафарига шароит яратиш кабилар ҳам тушунилади.

Бугунги кунда дунёда Японияндан тортиб Жанубий Америка мамлакатларида ҳам мусулмонлар учун масжидлар бино қилинмоқда ва ҳаж сафари учун шароитлар яратиб берилмоқда. Чунончи, "Раддул мухтор" китобида ёзилганидай: *"Дорул ҳарб мусулмонларнинг жума намози ва ҳайитларига ўхшаган ҳукмлар юритилиши билан Ислом юртига айланади, гарчи у ерда кофирлар бўлса ҳам, гарчи ислом давлатига қўшни бўлмаса ҳам".*

"Дорул ислом" ва "дорул куфр" каби сўзларнинг луғавий, истилоҳий маънолари ҳамда уламоларнинг бу борадаги фикрларини ўрганиш ҳам муҳимдир. "Дорул

Қўлдан кетган нарсани хафагарчилик билан топиб бўлмайди, азиз умрни эса мол-дунё шодлиги билан беҳуда ўтказиб бўлмайди. Шундай экан, нега энди фойдасиз нарса учун ғам чекай, менга бир умр вафо қилмайдиган нарса билан қувонай?! (Муҳаммад Жабалрудий)

ислом” луғатда “ислом диёри” деган маънони англатади. Истилоҳда эса, ислом арконлари амалда бўлган ҳудудга нисбатан қўлланилади.

“Дорул ҳарб” ёки “дорул куфр” иборалари эса уруш диёри, куфр диёри мазмунини билдириб, юқорида айтилган ҳолатга зид бўлган, яъни ислом арконларини бажаришга умуман йўл қўйилмайдиган ҳудудга нисбатан қўлланилади.

Мутаассиб гуруҳлар эса бу каби тушунчалардан ўзларининг қабиҳ мақсадлари йўлида фойдаланиб, мусулмонлар эркин ибодат қилаётган, замонавий, адолатли қонунлар асосида яшаётган диёрларни “куфр диёри” деб атайди ва уларга қарши жанг қилишга буюради.

Алоуддин Косонийнинг “Бадоеус саное” асарида: *“Куфр диёрида намоз ўқиш, рўза тутиш каби ислом аҳкомларига амал қилиниши билан у ислом диёрига айланади”,* – деб таъкидланган.

Машҳур уламо Муҳаммад Абу Заҳра шундай дейди: *“Баъзи кишилар каби шариат аҳкомлари жорий қилинмаганини ҳисобга олган ҳолда, бу ҳудуд "дорул ислом", бошқаси "дорул куфр" деб айта олмаймиз. Ҳозир мағрибдан то машриққача жойлашган давлатларда шариат аҳкомлари татбиқ қилинмаса ҳам, барчаси "дорул ислом" ҳукмидадир. Чунки у жойларда яшаётган мусулмонлар омонликда ҳаёт кечиришяпти ва уларнинг динига ҳеч қандай хавф йўқдир”.*

Бекорчининг ҳунари — гийбат.

2.5. Фитна чиқарувчиларга муносабат

Дарснинг мақсади:

Фитна чиқариш Қуръон оятлари, ҳадиси шарифларда қоралангани, бундай ишлар билан шуғулланганларга азоб борлиги таъкидланади. Шунингдек, юртимизда фитна чиқариш ниятида нохолис хабарлар тарқатаётганларнинг асл мақсади очиб берилган.

Фитна чиқариш катта офат экани ва ундан сақланиш шарт экани қуйидаги ҳадиси шарифда очиқ баён қилинган.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): ***"Келажакда кўп фитналар бўлади. У вақтда (жим) ўтирувчи тик турувчидан яхши, тик турувчи (фитнага қараб) юрувчидан яхши, юрувчи шошилувчидан яхши. Ким унга (фитнага) интилса, фитна уни ўз гирдобига тортиб, ҳалок қилади. Ким бирор паноҳ ёки сақланиш жойини топса, бас, ўзини ўша ерда сақласин",*** – дедилар (*Имом Бухорий ва Имом Муслим).*

Аллоҳ таоло Муҳаммад (алайҳиссалом)ни турли фитналардан огоҳлантирган. Биргина Бақара сурасининг тўртта оятида мушриклар ва мунофиқларнинг фитналаридан огоҳ бўлиш ҳақида сўз боради: **"Огоҳ бўлингки, айнан уларнинг ўзлари бузғунчилардир, лекин** (буни ўзлари) **сезмайдилар"** *(Бақара, 12).*

Аллоҳ таоло мўминларни мунофиқларнинг бузғунчи ва фитначи эканини яхши билиб олишга чақирмоқда. Зеро,

"Odnoklassniki" каби ижтимоий тармоқлар лоқайдлик, ҳаёсизлик, тубанлик тарғиботига "хизмат" қилмоқда. Улар тафаккурни заифлаштиришга, онгни заҳарлашга қаратилган.

ОГОҲ БЎЛИНГ!

Ер юзида бузғунчилик қилиб юриш, кишилар ўртасида фитна-фасод уруғларини сочиш, дин ниқоби остида бегуноҳ одамларга зулм қилиш, уларнинг жони ва молига тажовуз этиш инсониятга қарши қаратилган энг мудҳиш жиноятлардир.

Террор, бузғунчилик, зулм, урушлар, одамларнинг жабр-ситам кўришлари ва хўрланишларига сабаб бўлувчи барча тажовузкорликлар Ислом динида қаттиқ қораланади. Аллоҳ таоло шундай дейди: **"Сизлардан фақат золимларгагина хос бўлмаган** (балки ҳаммаларингизга оммавий бўладиган) **фитна** (азоб)**дан сақланингиз ва билиб қўйингизки, Аллоҳ жазоси қаттиқ** (зот)**дир"** *(Анфол, 25).*

Шунингдек, кишиларнинг ихтилофга тушиб, қалблари ҳар хил бўлиб қолиши, парокандалик ва тафриқа ҳам фитнадир. Аллоҳ таоло айтади: (Улар) **олдин ҳам фитна қўзғатмоқчи бўлган ва улар ёқтирмаган ҳолларида то ҳақ** (ғалаба) **келиб, Аллоҳнинг амри** (дини) **ғолиб бўлгунича ҳам ишларингизни** (макр-ҳийла, иғво билан) **остин-устун қилган эдилар."** *(Тавба, 48).*

Ушбу оятда "фитна" сўзи билан кишилар орасига ихтилоф ва тафриқа солиш назарда тутилади. Фитна деганда кўпинча ёлғон-яшиқ, туҳмат, бўҳтон ва ҳоказолар орқали муайян юртда, ҳар хил ниқоблар остида ижтимоий парокандаликни юзага келтириш тушунилади.

Золим кимсалар ҳамиша инсонлар ўртасига фитна, нифоқ солиб, жамиятнинг тинч ҳаётини пароканда қилишади. Фитна эса одамларни қатл қилишдан ҳам ёмон жиноятдир.

Умрини дангасалик билан ўтказган одамга ҳеч қачон муваффақият ёр бўлмайди. (Оталар сўзи)

Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жамият осойишталигига таҳдид солувчи фитна-фасод ва бузғунчиликлар ҳақида хабар бериб, шундай деганлар: ***"Умматимдан қайси бири умматимга қарши чиқса, унинг яхшиси ва ёмони фарқига бормаса, мўминга зарар беришдан ўзини тиймаса, берган ваъдасига вафо қилмаса, у менинг умматим эмас!"*** *(Имом Муслим).*

Бугунги кунга келиб, бутун дунёда фитналар кўпайди, уларнинг моҳияти ўзгарди, қиёфаси бошқача тус олди. Уларнинг мақсади дин ниқобидан фойдаланиб, мамлакатлар ва халқларни бўлиб ташлаб, бир-бирига қарши гижгижлашдир.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади. ҳазрат Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): ***«Охирзамонда дажжоллар,*** *(фирибгарлар)* ***ёлғончилар*** *(жамоаси)* ***бўлади. Улар сизлар ҳам, ота-боболарингиз ҳам эшитмаган гапларни гапирадилар. Бас, сизлар улардан ўзларингизни узоқ қилинглар ва ўзларингиздан ҳам уларни узоқ қилинглар. Сизларни адаштириб ва алдаб, фитнага*** *(ширкка)* ***солиб қўймасин»,*** – дедилар *(Имом Муслим).*

Бу ҳақда Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): ***"Фитна ухлаб ётган бир нарсадир. Кимки уни ўйғотиб юборса, унга Аллоҳнинг лаънати бўлсин",*** – деганлар.

Уйдирмалар ва асл воқелик. Мустақил Ўзбекистондаги тинчлик ва осойишталикни кўролмаётган ҳасадгўй кимсалар аҳоли орасида норозилик кайфиятини

Нодон ва ялқов — душман учун катта ов.

ОГОҲ БЎЛИНГ!

уйғотиш мақсадида, гўёки бу диёрда "диний эркинлик йўқ, ибодат қилувчилар таъқиб остида, исломий билим олиш чекланган" деган уйдирмаларни фитна чиқариш илинжида интернет сайтларида тарқатишмоқда.

Бу кимсалар жаннатмакон диёр тинчлигини, мусулмонларнинг эркин ибодат қилаётганларини кўролмай, ҳар хил фитналар тарқатишмоқда. Лекин бугунги кунда бутун жаҳон Ўзбекистонда олиб борилаётган одилона сиёсатга тан бермоқда.

Бугун бу юртда икки мингдан зиёд масжид намозхонлар билан тўла. Тошкентдаги "Ҳазрати Имом" жоме масжидида ҳайит намозида бир пайтнинг ўзида эллик мингга яқин намозхон ибодат қилиш имконига эга. Пойтахт марказида энг замонавий кўринишда "Минор" масжиди қад ростлади. Масжидларда намозхонлар учун қулай шароитлар яратилган.

Кези келганда айтиш керакки, мустақилликнинг илк даврларидан то шу кунга қадар Ўзбекистондаги ислом ўқув юртларини етти мингга яқин талаба муваффақиятли битирди ва турли ташкилотларда фаолият кўрсатмоқда.

Демак, шундай хайрли, бунёдкорлик ишларини кўрабила туриб, кўрмасликка олиш, аксинча, ёлғон, туҳмат ва бўҳтон гапларни тарқатиш айни бузғунчиликдир. Оқни қора дейиш, ёлғон гувоҳлик бериш динда қаттиқ қораланади.

БИЛИБ ОЛИНГ!

"Нафсингни фойдали нарсалар билан машғул қил, акс ҳолда уни зарарли нарсалар эгаллаб олади". (Ҳазрат Умар (розияллоҳу анҳу)

1.

Афсуски, Ҳозир "дунё ўргимчак тўри" – интернет тармоғида турли кўринишдаги фитна ва таҳдидлар жуда кўпайган. Бу глобал тармоқ киберқаллоблар, экстремистлар, террорчилар, бузғунчилар ва беҳаёликни тарғиб қилувчи шахслар учун очиқ майдон вазифасини ўтамоқда.

Ўлжа илинтириш мақсадида интернетда сайр қилиб юрган террорчилар ақидаси заиф, илми саёз, ҳали дунёқараши шаклланмаган ғўр йигитни моддий маблағ ваъда қилиб, ўз йўлига жалб этмоқда.

Тезда бойиб кетаман деб алдовга учган ғўр йигит, ёвуз душман нағмаларига учиб, дарҳол унинг ёнига боради... Ғаним найрангига чув тушган бу жоҳил йигит ўзини нималар кутаётганини билса қанийди...

Террорчилар ўз "ўлжалар"ини турли усуллар, масалан, наркотик модда истеъмол қилдириш, ҳар хил дорилар қабул қилдириш орқали манқуртга айлантиради.

Ғанимлар таъсирида манқуртга айланган ғўр йигит ўзини ўзи порлатишгача бориб етди. У, кўриб турганингиздек, нафақат ўз умрига, балки бошқа бегуноҳ одамларнинг ҳам ҳаётига зомин бўлди.

Тўғри йўл очиқ-ойдин, аниқ бўлганидан кейин ҳам эгри, таҳликали йўлларга кириш айни адашишдир. Шунинг учун ёшлар доимо эзгуликка бошловчи ҳидоят йўлини танлашлари керак.

Ўтилган мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Нега интернет оламидаги бузғунчилар, асосан, ёшларни ўз тўрларига илинтирмоқда?
2. Фитна ҳақида тушунча беринг.
3. Мусулмон киши фитна вақтида нима қилгани маъқул?
4. "Шаҳидлик" ва "жиҳод" тушунчаларини қандай тушунасиз?
5. "Ҳижрат" ва "такфир" тушунчаларига таъриф беринг.
6. Мусулмонни асоссиз кофир дейиш жоиз эмаслиги тўғрисида оят ва ҳадислардан далил келтиринг.

Мустақил иш мавзулари

1. Жаҳон ўргимчак тўридаги адаштирувчи маълумотларнинг салбий оқибатлари.
2. Диний тушунчаларни бузиб талқин қилишнинг оғир гуноҳлиги.
3. Фитнага сабаб бўлувчи хабарларни тарқатишнинг зарарлари.

Фойдаланиш учун тавсия этиладиган манба ва адабиётлар

Ислом Каримов. *Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда.* – Т.: "Ўзбекистон", 1999.

Ислом Каримов. *Миллий истиқлол мафкураси* – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: "Ўзбекистон", 2000.

Ислом Каримов. Ватан равнақи учун ҳаммамиз масъулмиз. – Т.: "Ўзбекистон", 2001.

Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: "Ўзбекистон", 2008.

Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва изоҳлар муаллифи Шайх Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2014.

Айдарбек Тулепов. Ислом ва ақидапараст оқимлар. – Т.: "Sharq" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2013.

Айдарбек Тулепов. Интернетга ин қурган "ўргимчаклар". – Т.: "Movarounnahr", 2014.

Айдарбек Тулепов. ИШИД фитнаси. – Т.: "Movarounnahr", 2015.

Шайх Абдулазиз Мансур. Ақоид матнлари. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2006.

Ислом энциклопедияси. – Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2004.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳиҳи Бухорий. – Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2008.

Сўфи Аллоҳёр. Сабот ул-ожизин. – Т.: "Меҳнат", 1991.

Ал-Бағдодий. А. Ал-Фарқ байн-ал-фирақ. – Байрут: Дорул-маърифа, 1986.

Аш-Шаҳристоний. А. Ал-милал ван-ниҳал. – Қоҳира: 1961, 2-жилд.

"Ўзбекистон миллий энциклопедияси". – Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2002. 12 жилдли. 3-жилд.

Айдарбек Тулепов ва бошқалар. Тинчлик ва осойишталик – олий неъмат / Масъул муҳаррир Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: «Movarounnahr»

Оқилов С. Мотуридия таълимотида "имон" масаласи: "мўмин" тушунчасининг талқини // Фан ва инновация фаолиятини ривожлантиришда ёшларнинг роли. – Т., 2010.

Юлдашходжаев Ҳ., Каримов А., Саидаҳмедов А., Аҳмад М. Ислом маърифати: аслият ва талқин. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011.

Очилдиев А., Нажмиддинов Ж. Миссионерлик: моҳият, мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари. Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009.

Нажмиддинов Ж. Миссионерлик кеча ва бугун. Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008.

Тўйчибоев А. Исломга ёт жамоа. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010.

Уватов У. Халқаро терроризм: тарихи ва замонавий муаммолари. – Т.: "Академия", 2002.

Шермуҳаммедов К. Жаҳолат тўри. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010.

Сафарова Н.О. Терроризм (тарихий-фалсафий таҳлил) – Тошкент: "NOSHIR", 2009.

Ғойибназаров Ш. Халқаро терроризм: илдизи, омиллари ва манбаи. – Т.: "Ўзбекистон", 2009.

Меликўзиев Ж. Ҳалокат тузоғи. — Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010.

Йўлдошхўжаев Х. "Тариқатчиликнинг замонавий кўринишлари". — Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010.

Айдарбек Тулепов. “Ҳидоят йўлига насиҳат билан чорланг”, “Ислом нури” газетаси, 2013 йил, 17-сон, 2–5 саҳифалар.

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг muslim.uz портали ва тизимдаги интернет сайтлари.

ziyonet.uz.

fikr.uz

3-БОБ. **БЕКОРЧИЛИК ВА БУЗУҚЛИК ТЎРЛАРИ**

3.1. Бекорчилик ва унинг аянчли оқибатлари.

3.2. Бузуқлик ўчоқлари.

3.3. Бузуқликка берилганлар тўғрисида.

3.4. "Оломонча маданият"нинг офатлари.

3.5. "Оломонча маданият" тобеларига муносабат.

Дарснинг мақсади:

Инсон учун катта хатар бўлган бекорчилик боис юзага келаётган салбий ҳолатлар ҳақида фикр юритилади. Инсон бекор қолганида унинг дўсти шайтон бўлиб, натижада у бузуқлик гирдобига тушиб қолиши баён этилади. Ислом динида бузуқлик, фаҳш ишлар билан машғул бўлишдан қаттиқ қайтарилгани таъкидланади.

Таянч сўзлар ва иборалар:

Бекорчилик, бузуқлик, вабо вируси, виртуал олам, миллий ва диний қадриятлар, мода, ғоявий тузоқлар, оломонча маданият, тақлид, глобал ахборот тизими, вақт исрофи, вақт қадри, вақт тушунчаси.

3.1. Бекорчилик ва унинг аянчли оқибатлари

Дарснинг мақсади:

Бекорчиликнинг зарарли оқибатлари, унинг олдини олиш йўллари ёритилган. Вақтни зое кетказиш гуноҳ эканига оят ва ҳадислар асосида мисоллар келтирилган.

Бекорчиликнинг зарари. Ҳаёт вақтлардан иборат, ким вақтини бекор ўтказса, ҳаётини беҳуда ўтказибди. Буюк алломалардан бири: *«Эй Одам фарзанди, сен вақтлардан иборатсан, агар бир кунинг беҳуда ўтса, сенинг бир қисминг кетибди»*, – деган.

Гоҳида дангаса одам, аслида омади чопмаганидан эринчоққа айланади. Баъзан қизиқишни тўғри тақсимлаш қанчадан-қанча инсонлар ҳаётини бахту омадга тўлдиради. Аксинча, айримларнинг қизиқиши сўнгани уни оёғидан янада ортга тортади.

Бекорчилик кўпайган сайин дангасалик кучаяди. Инсон кўп ҳаракатда бўлса, дангасаликдан асар ҳам қолмайди. Қисқаси, кўп меҳнат қилинса, тана ва онг шунга ўрганади. Нафақат онг танани бошқаради, балки тана ҳам бошқаришга қодир. Онг ва тана бир-бирини бемалол тарбиялашга қурби етади. Вазият ва хоҳиш ўзаро боғлиқ. Вазият тақозо қилса, меҳнат ўз самарасини кўрсатади.

Масъулият, жиддият, журъат, ҳаракат бир-бирига боғлиқ. Улардан бири бўлган инсонда бошқа учтаси

БИЛИБ ОЛИНГ!

Муваффақият — меҳнат ва саъй-ҳаракатдадир.

ҳам бўлади. Барча улуғ зотлар ўз вазифаларига жуда жиддият ва катта масъулият билан ёндашишган, бутун диққатларини шу ишларга қаратишган.

Ер юзини ободу кўркам қилиш одам фарзандининг азалий бурчидир. Дунё ҳаётида яхши яшаш учун муомала, ҳалол меҳнат, тирикчилик билан умр ўтказиш керак. Албатта, шундай гўзал амаллар Аллоҳ таолонинг розилигини топишга сабаб бўлади. Жумладан, Қуръони каримда: **«Бас қачонки, намоз адо қилингач, ерда тарқалиб, Аллоҳнинг фазли** (ризқи) **дан истайверингиз. Аллоҳни кўп ёд этингиз! Шояд** (шунда) **нажот топсангиз"** *(Жума, 10),* – деб таъкидланган.

Меҳнат қилиш, касб-ҳунар ўрганиш ҳақида бир ҳадисда Пайғамбар (алайҳиссалом) айтганлар: ***"Аллоҳ таоло ҳунарманд бандани яхши кўради"***.

Бу эса инсонни камолот сари етаклайди. Бугун ёшларнинг аксарияти бекорчилик оқибатида хулқи бузилиб, вақтини исроф қилмоқда. Бежизга: *"Бекорчидан Худо безор"* дейилмаган. Кўп ҳолларда ёшлар интернетдан кўнгилочар восита сифатида фойдаланиб, эртаю кеч ғанимат вақтини сарф қилмоқда. Афсуски, турли ижтимоий тармоқлар бузғунчилик, ҳаёсизлик, лоқайдликка тарғиб қилади. У ёшлар тафаккурини заифлаштириб, онгини бузуқ ғоялар билан заҳарламоқда.

Телефон хотирасидаги турли видеолавҳалар, интернет орқали намойиш этилаётган ҳар хил маълумотлар ёшларни манқуртликка етаклаяпти. Бундай ҳолатлар йигит-қизлар охир-оқибат оғир гуноҳ содир этишига, шармандаликка

Ҳаё, номус имона далилдур,
Ҳаёсиз доимо хору залилдур.
(Абдулла Авлоний)

ОГОҲ БЎЛИНГ!

сабаб бўляпти. Ахир умр, вақт, ёшлик, соғлик ғанимат эмасми? Буларни исроф қилиш эса оғир гуноҳдир.

Бекорчи одам ҳаётда ўз истагига эришолмаслиги аниқ. Ваҳоланки, бу ҳаёт доимий ҳаракатда, ўзгариш ва янгиланишда бўлиб, қотиб турмайдиган жараёндир.

Бекорчилик иллати қайси халқда илдиз отса, албатта, уни заифлаштиради, тараққиёт карвонидан ортда қолдиради. Бу касаллик қайси шахсга етса, уни хор қилади, обрўсидан айиради.

Бекорчилик энг зарарли офатлардан биридир. Ақлли инсон бу дунёда бекор турмайди. Ҳатто бўш вақтини зое қилмайди, балки дунё ёки охират учун фойдали бўлган ишларга сарфлайди.

Бекорчилик секин-аста инсонни ишдан чиқаради, ҳаётини вайрон қилади. Тана аъзолари ҳаракатсиз қолса, ишдан чиқади, заифлашиб қолади. Спорт эса танани чиниқтиради. Худди шу каби қалбнинг ҳам ўз риёзати (спорти) бўлиши керак. Зеро, бекорчилик биринчи галда қалбга, нафсга ҳужум қилади. Шу боис ҳам ҳазрат Умар (розияллоҳу анҳу): ***"Нафсингни фойдали нарсалар билан машғул қил, акс ҳолда уни зарарли нарсалар эгаллаб олади",*** – деб огоҳлантирганлар.

Пайғамбар (алайҳиссалом) шундай деганлар: ***"Кучли мўмин кучсиз мўминдан яхшироқ ва Аллоҳга маҳбуброқдир, лекин ҳар иккисида ҳам яхшилик бор. Сенга фойдали бўлган ишларга ҳарис бўлгин ва (ишингда) Аллоҳдан ёрдам сўрагин, лекин ҳаргиз ожизланмагин!"*** *(Имом Муслим,*

БИЛИБ ОЛИНГ!

"Албатта, банда Аллоҳ таолога бир маъсиятни ёлгиз ҳолида қилса, Аллоҳ таоло у бандаси сезмаган ҳолда мўминларнинг қалбига ўша гуноҳини билдириб қўяди". (Абу Дардо (розияллоҳу анҳу)

Имом Аҳмад ва Ибн Можа). Ушбу ҳадисда Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мўминларни фойда ва манфаат келтирадиган ишларда Аллоҳдан мадад сўраган ҳолда фаол, ғайратли ва пешқадам бўлишга тарғиб қилганлар, ожизланиш ва бекорчиликдан қайтарганлар.

Вақт кушандаси. Инглизларда: "Вақт – пул", – деган мақол бор. Бу мақол бироз мантиқсиздек, назаримда, вақтни пул ва шу каби моддий нарсалар билан таққослаб бўлмайди. Чунки вақт – бебаҳо, уни ҳеч қачон, ҳеч қандай восита билан орқага қайтариб бўлмайди. Демак, вақтни фақатгина бебаҳолик мезони билан ўлчаш керак.

Вақт аслида ҳаммага бир хилда берилади. Ундан унумли фойдаланиш ёки умуман беҳуда нарсаларга сарфлаш эса, ҳар кимнинг ўз танлови. Вақтимизни эзгу мақсадлар, хайрли ишлар, бунёдкор ғоялар йўлида сарфлаш-ку яхши. Аммо уни ҳеч бир самарасиз, на инсониятга ва на жамиятга фойдаси тегмайдиган ишларга сарфлаб, бекорга ўтказиш, Яратган томонидан инсонга берилган бу бебаҳо неъматга нисбатан ношукрлик ва уни исроф қилишдир. Зеро, Аллоҳ таоло: **"... Шунингдек, еб-ичингиз,** (лекин) **исроф қилмангиз! Зеро, У исроф қилувчиларни севмагай"** *(Аъроф, 31)*, – деб огоҳлантиради.

Бугунги кунда дунё "ўргимчак тўри" дея номланаётган интернет кундалик турмушга кўп қулайликларни олиб келди. Зеро, ҳозир 30 ёшгача бўлган ёшлар орасида интернетдан фойдаланмайдиган ёки фойдаланишни билмайдиганлар жуда озчиликни ташкил этади. Улар

Тараллабедод қилиб юриш инсоннинг фикр-хаёлини бузуқликка бошлайди. Бузуқ фикр-хаёл эса қайғу-ҳасрат келтиради. (Ануширвон)

ОГОҲ БЎЛИНГ!

орасида ўз эзгу мақсадлари, илмий салоҳиятлари, назарий билимларини ошириш учун фойдаланаётганлар талайгина. Бироқ минг афсуски, 15–45 ёшгача бўлган аксар инсонлар бу сарҳадсиз оламда мақсадсиз сайр қилиб, вақтини, умрини бекорчи нарсаларга сарфлаётгани ҳам сир эмас. "Ўргимчак тўри" вақтни бекорга сарфлаш учун асосий маконга айланиб қолди десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Чунки бу виртуал оламда кишини ўзига турли йўллар билан жалб қиладиган сайтлар ва саҳифалар шу даражада кўпки, одам ўзи билмаган ҳолда гулдек умрини сарфлаб қўяди. Тўғрироғи, интернетдаги сайтлар шу даражада жозибадор шакл ва кўринишга эгаки, киши вақтини беихтиёр "беҳуда сарфлаш"га мажбур қилишга қаратилгандек, гўё.

Масалан, бутун кунини, ҳаттоки тунини ҳам турли ижтимоий тармоқларда, хусусан, "Odnoklassniki" сайтида қизларнинг расмларига "класс" босиб, уларнинг расм ва "статус"ларига изоҳ ёзиш билан ўтказаётганлар ҳам кўплаб топилади.

Сарҳадсиз интернет дунёсига кирган шахс, умр ғанимат эканини доимо ёдда сақламоғи лозим. Зеро, бу глобал тармоқ бепоён ҳудудларга эга бўлиб, унда инсон адашиб соатлари, кунларини самарасиз ўтказиб юбориши мумкин.

Ҳозирги кунда ёшларнинг интернетга муккасидан кетиб, турли хил бетамиз, маънисиз ўйинлар домига шўнғиб, ўзларининг саломатликларига ҳам жиддий зарар етказишмоқда. Тиббиёт ходимларининг таъкидлашича,

БИЛИБ ОЛИНГ!

Бир кунда қидирувга берилаётган сайтларнинг 25 фоизини айнан беҳаёлик сайтлари ташкил этади. Ушбу сайтларга "саеҳат" қилаётганларнинг асосий қисмини 12–17 ёшли ўсмирлар ташкил этмоқда.

узоқ вақт давомида, саккиз-ўн соатлаб интернетда ўтирганлар ўзига хос сурункали хасталикларга чалинади.

Беҳуда иш. Бугун мактаб ўқувчиларининг ҳам қўлида уяли телефон бор, уларнинг аксарияти интернетга уланган. Бу митти матоҳ ёрдамида дунёни кафтда кўргандек кузатиш мумкин. Истаган одам интернетга кира олади. Бироқ глобал "ўргимчак тўри"даги тузоқлардан бирига илиниб қолиш хавфи ҳам катта. Шу тариқа, ҳар хил беҳуда маълумотлар бола онгини заҳарлайди.

Ёшларнинг кўп ҳолларда интернетдан фақат кўнгилочар восита сифатида фойдаланиши ташвишлидир. Улар эзгу мақсадлар қолиб, мусиқа кўчириш, клиплар ва кинолар кўриш, "йигит ва қиз танишуви" билан овора бўлмоқда.

Ваҳоланки, Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда: ***"Ўзингга манфаатли бўлган нарсага иштиёқманд бўл ва Аллоҳдан ёрдам сўра",*** – дейилган. Ижтимоий тармоқларда вақтни беҳуда сарфлаш, ҳеч бир фойдасиз суҳбатлар қуриш исрофдан бошқа нарса эмас. Вақтни исроф қилиш эса гуноҳдир. Аъроф сурасининг 31-оятида: **"У исроф қилувчиларни севмайди"**, – деб огоҳлантирилган. Шунингдек, Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда: ***"Беҳуда ишларни тарк этиш, киши исломининг гўзаллигидандир",*** – дейилган.

Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: "Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: ***"Қиёмат***

"Беодоблик шундай селки, у обрў ва виқор қасрини қўпориб, идрок бўйнини ҳар хил арқонлар билан боғлаб ташлайди". (Алишер Навоий)

ОГОҲ БЎЛИНГ!

куни то беш нарса ҳақида: умрини нимага сарфлагани, ёшлигини нимага кетказгани, молини қаердан касб қилгани ва сарфлагани, билганига қандай амал қилгани ҳақида сўралмагунича банданинг қадами Рабби ҳузурида *(олдинга)* ***силжимайди”*** *(Имом Термизий).*

Ҳасан Басрий айтадилар: *“Банданинг кераксиз нарсалар билан машғул қилиб қўйилиши Аллоҳ таолонинг ундан юз ўгирганига далолат қилади”.*

Ҳақиқатан ҳам ҳозир кўпчилик ижтимоий тармоқларларда беҳуда ишлар билан шуғулланмоқда. Масалан, одамларнинг ўз саҳифаларига турли сафар ва саёҳатларда ва емакхоналарда тушган суратларини жойлаштириши, уни ўзгаларга тарқатиши, таниш ва нотаниш инсонларнинг суратларини томоша қилиши, уларга изоҳлар қолдириши, ўрни келганда мақташи ва ҳақоратлаши ёки мазах қилиши каби ҳолатлар кузатилади.

Шунингдек, аксарият кишилар тармоқдаги тўғрию нотўғри маълумотларни ўқиш билан, ақли ва онгига салбий таъсир қилувчи виртуал ўйинларни ўйнаш билан машғул бўлади. Агар уларнинг бирортасидан тармоққа кириб ўтказган вақтидан қандай “фойда” олгани ҳақида сўралса, “Вақтни зое қилишдан бошқа ҳеч нарса”, деган жавобни олишингиз тайин.

БИЛИБ ОЛИНГ!

Керакли нарсаларга аҳамият бериш буюк санъат ҳисобланса, кераксиз нарсаларга аҳамият бермаслик санъатларнинг шоҳидир.

3.2. Бузуқлик ўчоқлари

Дарснинг мақсади:

Ёшларни огоҳлантириш мақсадида "ўргимчак тўрида"ги ҳаёсизликка чақирувчи сайтларнинг сифатлари, уларнинг белгилари, тубанликка ундаши ҳақида сўз юритилади.

"Ўргимчак тўри"га тобелик. Бугун интернетдан фойдаланувчиларни шартли равишда икки тоифага ажратиш мумкин. Биринчи тоифадагилар касби талабидан келиб чиққан ҳолда зарур маълумот ва ахборот олиш мақсадида интернетга мурожаат қилса, иккинчи тоифадагилар шунчаки қизиқишига кўра, дейлик, беҳаёлик, танишув сайтларига кириб ёки турли ўйинлар билан кун ўтказиш кайфиятида бўлганлардир.

Ислом динида бузуқлик, инсонларга фақат зарар келтирадиган, жамият номини қора қиладиган ишлар қаттиқ қораланади. Қуръони каримда бу каби бузуқликлардан қайтариш учун: "зинога яқинлашманг", "фаҳшга яқинлашманг" дея уқтирилади: **"Зинога яқинлашманглар! Чунки у фаҳш ва ёмон йўлдир"** *(Исро,32),* – деб огоҳлантирилади.

Жозибадор жилолар. Илмий сайтга кириб, керакли манбани ўқиб турган пайтингизда бирданига танишув ёки порнографик сайтлар рекламаси экранда пайдо бўлади. Руҳий таъсир қувватига эга бу рекламаларга

Бекорчилик ва айш-ишрат нафақат нодонликка олиб келади, айни вақтда касалликнинг туғилишига ҳам сабаб бўлади. (Абу Али ибн Сино)

ОГОҲ БЎЛИНГ!

эътибор қаратиш, ортиқча маълумотлар ортидан қувиш инсон вақтини беҳуда сарфлаш демакдир. Шунинг учун, фарзандлар виртуал оламда нима яхши-ю, нима ёмонлигини ўрганишлари, интернетдан тўғри фойдаланиш маданиятини эгаллашлари керак.

Бугун интернет имкониятларини, унинг фойдали жиҳатларини ҳеч ким инкор этолмайди. Фақат ундан фойдаланиш маданиятини шакллантириш, болаларни унга ўргатиш зарур. Бинобарин, ёшларнинг руҳий-маънавий оламини зарарли унсурлардан ҳимоя қилиш орқали тараққиёт пойдевори тикланади. Маънавий баркамоллик эса жамият тараққиётининг муҳим омилидир.

"Вабо вируси". Интернетда кишиларнинг шаънига, обрў-иззатига тегадиган видеолавҳалар ёки суратларни томоша қилиш, ёхуд уларнинг шахсий ҳаётларига тегишли маълумотларни ўғринча билишга ҳаракат қилиш, уларни ёйиш инсон ҳақ-ҳуқуқларини бузишдир. Бу тўғрисида Қуръони каримда шундай дейилади: **Айтинг: «Раббим, албатта, фаҳш ишларнинг ошкораю пинҳонасини, гуноҳ** (ишлар)**ни, ноҳақ тажовузкорликни ва Аллоҳ ҳеч қандай ҳужжат туширмаган нарса**(лар)**ни Унга шерик қилишингизни ҳамда Аллоҳнинг шаънига ўзингиз билмаган нарсаларни гапиришингизни ҳаром қилди»** *(Аъроф, 33)*.

Агар бу ҳаракатлар беҳаё суратлар, ахлоқсиз фильмлар томоша қилиш билан боғлиқ бўлса, бундай ҳолатларга ҳар томонлама тақиқлар бор. Чунки бундай нарсаларни

БИЛИБ ОЛИНГ!

Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: "Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шундай дедилар: ***"Фаҳш*** *(беҳаёлик)* ***бирон нарсада бўлса, уни айбли қилади, ҳаё бир, нарсада бўлса, уни зийнатли қилади".***

томоша қилиш фаҳш эшиклари очилишига сабаб бўлади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтадилар: ***"Бирор-бир қавмнинг ичида фаҳш зоҳир бўларкан, унинг сабабидан қавм лаънатга учрайди. Олдинги умматларда бўлмаган касалликлар ва ўлатлар тарқалади"*** *(Ибн Можа).*

Бундай гуноҳ касридан киши шу ёруғ дунёда бериладиган жазо билан қутулолмайди. Қандай ёмон ишни қилган бўлса, охиратда, албатта, сўроққа тутилади, лойиқ жазо олади.

Ижтимоий тармоқлар содда бўлиб, фотоальбом тузиш ва мулоқот қилиш учун жуда қулай. Икки инсоннинг реал ҳаётда юзма-юз мулоқотга киришуви айрим ички кечинмаларни бекитиб туради. Масалан, бири андишага бориб, суҳбатдошининг гапини аранг тинглайди ёки беадаблик қилмайди. Сабаби, инсоннинг кўзида ҳосил бўлган биоқувват суҳбатдошининг кўзи орқали унинг онгига таъсир ўтказади. Шунинг учун юзма-юз гаплашиш виртуал мулоқот қилишга қараганда жуда қийин. Ўз навбатида, кишининг овозида ҳам шундай хусусиятлар бор. Овоз қулоққа етиб боргач, унинг пардаларини тебратади. Ва у ўз навбатида киши онгида ижобий ё салбий уйғонишни содир этади. Ҳикматларда бундай дейилади: *"Кўз билан қилинган гуноҳнинг қалбга таъсири катта. Чунки кўз қалб билан боғлиқдир"*.

Ёлғизнинг улфати шайтон. Интернет тармоғида ўтирган киши кўпинча ёлғиз бўлади. Томоша қилаётган,

"Зинога яқинлашмангиз! Чунки у фаҳш ва ёмон йўлдир". *(Исро, 32)*

ОГОҲ БЎЛИНГ!

ўқиётган нарсалари ахлоқ меъёрларига мувофиқ ёки мувофиқ эмаслигини билиши даргумон. Хусусан, Аллоҳ таоло қарашни ҳаром қилган беҳаё суратлар ёки видеолавҳаларни томоша қилиш қатъий тақиқланади. Бундай ишлардан Аллоҳ таоло қайтарган. Юқорида айтилганидек, фаҳш иш улкан қабиҳликдир. Бундай ишлар хоҳ ошкора, хоҳ яширин бўлсин, барча-барчасини Аллоҳ ҳаром қилган.

Аллоҳ таоло мўмин бандаларини васф қилганида уларнинг бузуқликдан четда бўлишларини таъкидлаган: **"Улар катта гуноҳлардан ва бузуқликлардан четланадиган, ғазабланган вақтларида эса кечириб юборадиган зотлардир"** *(Шўро, 37)*.

Имом Ҳоким ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): ***"Беш нарсани беш нарсадан олдин ғанимат бил: ёшлигингни қариликдан олдин, соғлигингни беморлигингдан олдин, бойлигингни камбағаллигингдан олдин, бўш вақтингни машғул бўлишдан олдин ва ҳаётингни ўлимингдан олдин"***, – деб марҳамат қилганлар.

Шу билан бирга, беҳаё нарсаларни томоша қилувчи Аллоҳ таолонинг лаънатига учраши ҳақида ҳадиси шарифлар келган. Бу ҳақда Ҳасан Басрийдан (раҳматуллоҳи алайҳ) ривоят қилинади: "Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): *"(Номаҳрамга)* ***қаровчини ҳам, қаралган одамни ҳам*** *(шунга рағбат қилса)*, ***Аллоҳ лаънатласин"***, – деганлар" *(Имом Байҳақий)*.

БИЛИБ ОЛИНГ!

Ҳазрат Али (розияллоҳу анҳу) дедилар: ***"Фаҳш сўзни гапирувчи ва тарқатувчилар гуноҳда бир хилдирлар".***

Энг ёмон йўл. Виртуал оламда компьютер тугмачасини икки марта босиб, исталган беҳаё фильмни томоша қилиш мумкин. Бундай беҳаёликни тарғиб қилувчи интернет сайтлари сони миллионларни ташкил этади.

Маълумотларга қараганда, уяли телефон орқали беҳаё фильмларни тайёрлаш ва тарқатиш энг тез ривожланаётган бизнес турига айланган. Афсуски, ҳозир оммалашиб бораётган ижтимоий тармоқларда ҳам бу каби фильмлар, суратлар, видеолавҳалар хоҳлаганча топилади. Айниқса, "Odnoklassniki", "Мой мир", "Facebook" ҳамда "Twitter" ижтимоий тармоқларидаги порнография, ваҳшийлик ва бузғунчи ғоялар таъсири ёшларни ҳар томонлама тубанлаштириши ҳеч гап эмас. Сабаби уларда тарғиб этилаётган беҳаё материаллар ёшлар ахлоқини бузиб, келажагига рахна солаётгани аниқ.

Абдулла Авлоний ёш авлодни гўзал ахлоқли қилиб тарбиялашга чақириб: *"Агар бир киши ёшлигида нафси бузилиб, тарбиясиз, ахлоқсиз бўлуб ўсдими, бундай кишилардан яхшилик кутмак, ердан туруб юлдузларга қўл узатмак кабидир. Дин ва эътиқоди саломат бўлмаган кишилар ҳақни ботилдан, фойдани зарардан, оқни қорадан, яхшини ёмондан айира олмас, бундай кишилардан на ўзига ва на бошқа кишиларга ва на миллатига тариқча фойда йўқдур"*, – деб таъкидлайди.

Беҳаёлик авж олган "бозор". Интернет – бу шундай бир катта бозорки, бу ердан харидор ўзига

"Ким ўзини бирон қавмга ўхшатса, бас, у ўшалардандир". *(Абу Довуд, Аҳмад, Табароний ва Баззор ривояти)*

ОГОҲ БЎЛИНГ!

керакли нарсани топади. Ушбу бозорда савдоси чаққон, кўп харидорларни жалб қилаётган ўйинлар, клиплар, фотосуратлар ва видеолавҳалар жуда кўп, қисқаси, глобал тармоқда беҳаёлик авж олмоқда. Сир эмаски, бугунги кунда ушбу сарҳадсиз оламда сайр қилиб юрган ўсмирларнинг аксарияти бундай сайтларнинг энг фаол аъзолари ҳисобланишади.

Бугунги кунда интернет, уяли телефонлар орқали шахсни бадном қилувчи беҳаё тасвирларнинг тарқалиб, оммалашиб бораётгани дунё жамоатчилигини ташвишга солмоқда. Афсуски, ҳозирги пайтда интернетдан фойдаланувчилар, хусусан, ёшлар орасида кенг оммалашиб бораётган ижтимоий тармоқларда ҳам бу каби беҳаё фильм, видеолавҳа ва фотосуратлар "исталганча" топилади.

Интернетдаги беҳаёликни тарғиб қилувчи сайтлар, жамиятларга аъзо бўлиб, уларни доимий кўриб, кузатиб борувчи инсонлар, хусусан, ёшлар у ердаги фотосуратлар, видеолавҳаларни кўриш нақадар салбий оқибатларга олиб келишини билмоғи лозим. Бунинг хатарли эканини замонавий тиббиёт ҳам таъкидламоқда, динимиз ҳам бундай жирканч ишлардан қайтаради. Зеро, инсон азиз, унинг соғлиги бебаҳо неъмат. Арзимаган, лаззатни деб азиз умр, бебаҳо соғлиққа хиёнат қилиш ярамайди. Зотан, биз мукаррам қилиб яратилдикми, шунга муносиб ҳаёт кечирайлик. Интернетдаги турли хил бузғунчи, беҳаё маълумотларга чалғиб, вақтимизни зое қилмайлик.

БИЛИБ ОЛИНГ!

Али (розияллоҳу анҳу) дедилар: ***"Фаҳш сўзни гапирувчи ва тарқатувчилар гуноҳда бир хилдирлар".***

Ҳар бир кун одам боласига қуйидаги сўзларни айтиб ўтади: *"Эй одам боласи, мен янги кунман ва қиладиган амалингга гувоҳман. Агар ўтиб кетсам, қайтиб келмайман. Хоҳлаган ишингни қил, унинг самарасини қариганингда топасан ва хоҳлаган ишингни кечиктир, у сенга асло қайтиб келмайди".*

Воқеий ҳикоя

Ўқитувчи ўйлари. *Бундан беш-ўн йил олдин уйлар атрофидаги ўйин майдончалари болалар, ўсмирлар билан гавжум бўлар эди. Ҳозир эса болаларни кўпроқ ҳар қадамда учрайдиган интернет-кафеларда кўрасиз. Болалар ҳаракатли ўйинлардан кўра компьютер ўйинларига кўп қизиқмоқда. Албатта, фарзандларимизнинг замонавий ахборот технологияларига доир билим ва кўникмалари эрта шаклланиб бораётгани қувонарли. Аммо бу маълум бир йўқотишларга сабаб бўлаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.*

Биз талабалик чоғимизда кутубхоналарда китоб излаш билан вақтимиз ўтар эди. Бугунги талаба эса истаган адабиётининг электрон нусхасини интернетдан топа олади, ортиқча вақт ва меҳнат сарфламайди. Бу таҳсинга лойиқ.

Психолог сифатида талабаларимни кузатиб, шундай хулосага келдимки, интернет шахсда фикрий ривожланишни, мушоҳада, таҳлил қилиш қобилиятини, изланувчанликни ва хотирани сусайтиради. Биз ва биздан

ОГОҲ БЎЛИНГ!

«Эркин ҳаёт тарзи» сифатида тарғиб қилинаётган ахлоқсизлик, ҳаёсизлик, тажовузкорлик ва бошқа иллатлар инсон ҳаёти, оила мустаҳкамлиги ва ёшлар тарбиясига улкан хавф солаётганидан барчани огоҳ этиш керак.

олдинги авлод вакиллари Навоийнинг, Фузулийнинг юзлаб сатрларини ёд билган. Ҳозир эса тўрт қатор сатрни хотирасида сақлаб қололмайдиган ва шахсий компьютерининг хотирасига суяниб қолган, усиз умуман фикрлай олмайдиган ёшлар оз эмас. Компьютер, хусусан, интернет фарзандларимизни ўйламай, фикрламай яшашга ўргатмаяптимикан, дея хавотирга тушасан киши...

Умумий психология фанидан яратилган электрон дарсликни талабаларга тавсия қилдим. Мазкур дарсликка маърузалар матни, лаборатория топшириқлари ва психологик тестлар билан бирга дам олиш учун мўлжалланган интеллектуал ўйинлар ҳам киритилган эди. Бир ҳафтадан сўнг талабаларнинг дарслик ҳақидаги фикрларини сўрадим. Афсуски, кўплаб талабалардан "Ўйинлари зўр экан... ", "Анови ўйинда ўнинчи турдан чиқиб кетиш йўли қандай?" деган сўзларни эшитдим, холос. Бу аксарият ёшларимизнинг интернетга ахборот манбаи сифатида эмас, кўпроқ дам олиш воситаси сифатида қараётганидан далолатдир. "Юлдузлар" ҳаёти, кино олами, танишув, порнографияга оид сайтлар, моҳияти зўравонликка, тажовузкорликка асосланган ўйинлар виртуал олам ҳали шахс сифатида шаклланиб улгурмаган болаларимизни, ёшларимизни домига тортиб кетаётганига қўл қовуштириб қараб турмаслигимиз лозим.

БИЛИБ ОЛИНГ!

Айрим ғоявий тузоқлар кўринишидан аср янгилигига ёки «маданият»ига ўхшаса-да, улар кишиларга, айниқса, ёшларга ёқиши билан янада хатарлидир.

Воқеий ҳикоя

Она таажжуби. *Ўғлим компьютер олиб беринг, деди. Олиб бердик. Интернетга уланайлик, деди. Бу истагини ҳам бажардик, – дейди бир она. Ҳаддан ташқари серсавол, ҳамма нарсага қизиқувчан ўғлим аста-секин ўзгара бошлади. Мактабдан келибоқ компьютерга ёпишар, ундан соатлаб ажралмас эди. Аввалига хурсанд бўлдим, кўча-кўйда тентираб юрганидан кўра, дарслардан сўнг уйда, кўз ўнгимда ўтиришидан хотиржам тортдим. Ўғлимнинг ҳаракатларини кузата бошладим. Ундаги руҳий ўзгаришни ўсмирлик даврига хос, деб бўлмасди. Одамови, лоқайд, ёлғизликни хуш кўрадиган ва худбин бўлиб қолаётгандек туюлди. Бир куни компьютерида даҳшатли фильмни томоша қилиб ўтирганини кўриб қолдим. Одатда бунақа дискларни уйга келтирмасдим. Кейин билсам, интернетдан олибди...*

Ўзи яхши инсон ҳамма нарсанинг аввало яхши томонини кўради, ёмон томони ҳам чиқиб қолган тақдирда, уни албатта яхшилашга ҳаракат қилади.

ОГОҲ БЎЛИНГ!

3.3. Бузуқликка берилганларга муносабат

Дарснинг мақсади:

Фаҳш ишларга яқинлашмаслик, беҳаёликнинг жирканч оқибатлари ва ёшларни булардан огоҳ этиш масалалари баён этилади.

Ҳар замонда бузуқликни, фаҳшни, беҳаёликни ҳар хил номлар, ялтироқ шиорлар билан хаспўшлашга, оқлашга интиладиган, тарғиб қиладиган ахлоқсиз тоифалар чиқиб турган. Аммо уларнинг қилғилиғи инсоният бошига фақат кулфат келтирган, жамиятни боши берк кўчага олиб кирган. Бугун эса интернет тармоғи орқали бу иллат турли-туман шаклларда тарғиб этилмоқда. Бу жуда ташвишли ҳолдир.

Бузуқлик аслида инсон зоти учун ор-номус топталиши, азоб-уқубатдир. Шунинг учун ислом дини таълимотларида зино қаттиқ қораланган ва унинг ёмон оқибатлари очиқ айтилган.

Қуръони карим оятларида зино ва фаҳш ишлардан қайтарилса, доим: “Зинога яқинлашманг”, “фаҳшга яқинлашманг”, дейилган. Бундан зинонинг нақадар хавфли гуноҳ эканини тушуниш мумкин.

Зино тарқалган жамиятда ҳеч қачон оила мустаҳкамлигига эришиб бўлмайди. Зино тарқалган юртда турли

Кўз ҳаромга қараганида виждонни, қалбни ғамаламлар, бузуқ заҳарли фикрлар, хароблик ва разолат қоплайди. Шаҳвоний кучлар ҳаракатга келгудек бўлса, одам ўзи билмаган ва сезмаган ҳолда ҳалокатга, разолатга ва бузуқ ўй-фикрлар гирдобига тушиб қолади. (Муҳаммад Нуруллоҳ Сайдо Жазарий)

БИЛИБ ОЛИНГ!

касалликлар урчийди, мисли кўрилмаган бало-офатлар юз беради. Энг даҳшатлиси, зино кишини Аллоҳ таолонинг ғазабига, охиратда энг оғир жазоларга гирифтор қилади. Зино кишининг оиладаги, жамиятдаги обрў-эътиборини ҳам ер билан яксон этади.

Мисрнинг Мансура университети ўқитувчиси Доктор Ризо Иброҳим Муҳаммад Ашрам "Ижтимоий тармоқларнинг таъсири" борасида 50 нафар талаба ўртасида тажриба ўтказди. Тадқиқот натижасига кўра, ижтимоий тармоқларда энг кўп тарқалган ҳолатлар – ўз суратларини кўз-кўз қилиш ва ўзгалар сурати ва видеолавҳаларини томоша қилиш, янги "дўст"лар билан хабарлар алмашиш ҳамда одамларнинг шахсияти тўғрисида маълумот қидириш экани аниқланди.

Воқеий ҳикоя

Ҳикоя қилинишича, бир заргар кечқурун уйига келса, хотини шикоят қилибди: "Бугун хизматкор ғалати иш қилди. Сув олиб келишни буюрган эдим, челакни ёнимга қўйиб, билагимдан ушлади-да, қайтиб кетди. Уни бир тергаб қўймасангиз...". Шунда заргар: "Бу сенинг айбинг эмас, менинг айбим. Бугун бир аёл билагузугини тузатиб беришимни сўраб келди. Қарасам, соҳибжамол экан. Нафсим ғолиб келиб, билагидан ушлаб олдим. Кейин дарҳол ўзимга келиб, қўлимни тортдим. Аллоҳга тавба қилдим..."

Бу шунчаки ўтмишдан ҳикоя эмас. Бугун ҳам шундай ҳолатлар учрамайдими? Бундай ишларга йўл

Ҳикоят: Бир куни номус ўз кийимини йўқотиб қўйди. Завқ-сафо, бойлик ва куч-қувватга мурожаат этиб, улардан йўқолган кийимини талаб қилди. Буларнинг ҳаммаси унинг кийимини топиб беришдан ожиз эдилар. Ниҳоят, номуснинг кийимини надомат, пушаймонлик топиб келтирди.

ОГОҲ БЎЛИНГ!

қўймаслигимиз ва тегишли хулоса чиқаришимиз керак. Бир онлик лаззатни деб ор-номусни поймол қилмаслик зарур.

Бузуқликнинг олдини олиш йўллари динимизда батафсил баён этилган. Бунинг учун ҳар бир оилада одоб-ахлоқ тарбиясини яхши йўлга қўйиш, фарзандларни бузуқликка тортадиган интернет зарарларидан муҳофаза этиш керак.

Афсуски, айрим шахслар одамлар кўз ўнгида қилиш уят бўлган ишларни "ўргимчак тўри"да бемалол қилишяпти. Бунинг устига, улар сайтда номини ҳам ўзгартириб, гўё ҳеч ким танимайдиган бўлиб олади. Демак, унинг динимиз талабларига амал қилиши хўжакўрсинга, аниқроғи, ёлғончиликка асосланган. Одамлар кўрмаса ҳам, Аллоҳ таоло кўриб турганини эсдан чиқармаслик лозим. Аллоҳ таоло шундай дейди: "(Аллоҳ) **кўзларнинг хиёнатини** (қараш ман этилган нарсага ўғринча кўз ташлашини) **ҳам, диллар яширадиган нарсаларни** (ёмон ниятларни) **ҳам билур"** *(Ғофир, 19).*

Аллоҳ таоло билмайдиган ҳеч нарса йўқ. У Зот ҳамма нарсадан хабардор. Ҳатто кимнингдир бировга айтилмасдан, ўғринча кўз қирини ташлаганини ҳам кўради, билади. У Зот ҳеч кимга билдирмасдан, дилга тугиб қўйилган нарсаларни ҳам жуда яхши билади.

Инсоннинг диний эътиқоди унинг одобли бўлиб камол топишида муҳим ўрин тутади. Одоб, биринчи навбатда, оила муҳитида, қолаверса, таълим-тарбия, ижтимоий фойдали меҳнат, амалий тажриба жараёнида шаклланади.

БИЛИБ ОЛИНГ:

"Болаларингизга одоб беринглар ва одобларини чиройли қилинглар". *(Ҳадиси шариф)*

Одоб – инсонни маънавий камолотга етказувчи жараён, у болаликдан шаклланади. Ёши улғайган сайин инсоннинг одоб даражаси кенгайиб боради. Одоб киши фаолиятини, маънавий етуклиги, маънавиятини белгилайдиган мезон. Одоб "тарбияли" деган маънони ҳам англатади. У таълим-тарбия маҳсули, ақл суянчиғи, барча фазилатлар ибтидоси ҳисобланади.

Халқимизда *"Одоб бозорда сотилмас"*, *"Одоб ақлли киши учун улуғлик ва фазилатдир"*, *"Одоби йўқнинг ақли йўқ"*, *"Одоблига имон ҳамроҳ"* каби нақлларнинг кенг тарқалиши бежиз эмас. Шундай экан, ақл ва одоб бир-бирига боғлиқ муштарак тушунчалардир. Инсонда ҳар иккови мавжуд бўлсагина, у камол топади.

Одобли бўлиш, эл ўртасида одоб сақлаш, насиҳатларга амал қилиш, инсоф, имонли бўлишнинг асосий омилидир. Одоб илм эгаллаш, адабий-маърифий, ахлоқий асарларни мутолаа қилиш асосида шаклланади. Одобли киши яхши амалларни одат қилади, қўни-қўшни, дўст-биродарлар, ота-оналар ҳурматини жойига қўяди. Демак, тилини одоб билан қуроллантирган, қўлини тўғриликка одатлантирган кишигина камолотга етади.

Имони мустаҳкам, эътиқоди соғлом инсон Аллоҳ таоло яратган барча нарсаларни кўриб, эшитиб турганига чин қалбдан ишонади. *"Халқ кўрмаса ҳам, Холиқ кўриб турибди"*, деган эътиқоди уни гуноҳ ишлар қилишдан, бузуқликлардан тўсиб туради.

Фарзанд одобли, ота-онаси, оиласи, Ватани, дини ва халқига муносиб хизмат қиладиган комил инсон бўлиб улғайиши учун оиладаги назорат жуда муҳимдир.

ОГОҲ БЎЛИНГ!

3.4. "Оломонча маданият" офатлари

Дарснинг мақсади:

Ёшларнинг кўр-кўрона "оломонча маданият"га эргашиб кетаётганлари, бунинг оқибатида уларнинг одоб-ахлоқлари ёмонлашиб, имон-эътиқодга зид бўлган ғарбга тақлидлар кириб қолаётгани ҳақида маълумот берилади.

Ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда. Кўпчилик бутун жаҳонга тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканини англаб олмоқда.

XXI асрда мафкуравий курашларнинг ақл бовар қилмайдиган турлари пайдо бўлмоқда. Айрим ғоявий тузоқлар кўринишидан аср янгилигига ёки «маданият»ига ўхшаса-да, улар кишиларга, айниқса, ёшларга ёқиши билан янада хатарлидир. Бугунги кунда ҳеч бир халқнинг миллий-маънавий анъаналарига асосланмаган, фақат шаҳватларга, инсоний ахлоққа терс ҳаёт тарзига чақирувчи оммавий маданият ёки салбий жиҳатини ҳисобга олиб айтганда, "оломонча маданият"нинг ана шундай ташвишли томонлари жуда кўп. Булар оммавий маданият деб аталса-да, аслида, у бутун ер юзи, ҳатто ҳар бир киши онгига чанг солиб, маънавият кушандасига айланмоқда.

БИЛИБ ОЛИНГ!

"Оломонча маданият" жамиятда бузғунчилик ва зўравонликни тарғиб этиш ҳамда болаларга гуё истаган ишини қилиш – «эркинлик бериш» каби бемаъни одатларни ёйиш билан уларни манқуртга айлантириб, маънавий ҳаётни оғир инқирозга дучор қилади.

Ачинарлиси, кўп инсонлар мазкур «маданият» таъсирига берилиб қолгани ёки унинг қурбонига айланаётганини ҳам сезмайди.

Сўнгги пайтларда ҳар хил ғаразли кучларнинг интернет орқали асл маънавиятга зид бўлган ва оммавий маданият ниқоби остида хатарли иллатлар билан йўғрилган ғояларни ёшлар онгига сингдиришга уринишлари кучаймоқда. Бундай жирканч «маданият» таъсирига тушган ўсмир лоқайд, енгил-елпи ҳаётга ошно, юрт равнақи ва халқ тинчлигига бефарқ кимса бўлиб вояга етади.

Бугун мафкуравий курашлар ва зўравон ғояларнинг «ўйин»лари авж олди. Ёшлар бундай шароитда ҳар қачонгидан ҳам ҳушёр ва огоҳ бўлиши, дўсту душманни ажратиши, ғанимлар фитнасига учмаслиги, ёвуз кучлар қўлида қўғирчоқ бўлмаслиги зарур. Чунки ҳар бир фасод иш ортида разил мақсадлар, манфаатдор кимсалар турганини бир лаҳза ҳам унутмаслик керак.

Одоб-ахлоқ, ҳаё-ибо, ор-номус ва диёнат каби фазилатлар азалдан халқимиз маънавий оламининг ажралмас қисмига айланган. Бугунги глобаллашув шароитида оммавий маданият ниқоби остида ёшларимизга турли ёт ғояларни, маънавий тубанликларни тарғиб этишга уринаётган қабиҳ ниятлилар айнан ана шундай қадриятларимизга болта уришга уринаётгани сир эмас.

Ғарбда дин ва одобга зид бўлган қарашларнинг кўпчиликка сингдирилиши оқибатида оммавий маданият

Оммавий маданиятни сингдиришга уринаётганлар, Ёшларни худбин ва лоқайд кимсаларга айлантириш, ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, бир жинслилар никоҳи, зино, гиёҳвандлик каби иллатларни тарғиб этишни мақсад қилишган.



тушунчаси юзага келди. У кўп шаклларда ўзини намоён этади. Масалан, заррача бадиий қимматга эга бўлмаган нарса ва буюмларга юксак андоза тусини бериш; тагига қисқа матн ёки луқмалар битилган ҳаёсиз матбаа-расм маҳсулотлари; эҳтиросларга берилувчан шоу-бизнес вакиллари ва бошқаларни асоссиз кўкларга кўтариш; тўсатдан уюштириладиган «кескин» томошалар ёхуд оммавий «кўнгил очиш»ларни ўтказиш ва ҳоказо.

Ёшларнинг ахлоқи ва маънавиятига салбий таъсир кўрсатаётган "оломонча маданият"нинг баъзи кўринишлари қуйидагилардир:

Биринчиси, ҳозир жаҳон медиа бозорининг тўртдан уч қисмини ғарб телевизион дастурлари эгаллаган. Уларнинг тумтароқ мусиқалари, маъносиз ва ғайритабиий қўшиқларига бутун дунё тақлид қилаётгани ачинарли ҳол. Бундай кўринишлар ёшларни маҳлиё қилиб, ўз домига тортмоқда. Оқибатда, айрим ўсмирлар уйда, мактабда ва ҳатто йўлда ҳам ана шундай зарарли нарсалар билан банд бўлишяпти.

Иккинчиси, бугун Ғарбда аксарият ёшлар маънавияти таназзулга учраётгани аниқ. Шунга қарамай, айрим оммавий ахборот воситаларида уларнинг турмуш тарзи тарғиб этилаётгани ажабланарли. Гарчи бундай вазият мамлакатимизда кузатилмаса-да, хотиржам бўлишга

"Оммавий маданият" деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм гояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуши, маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамларни ташвишга солмай қўймайди". ("Юксак маънавият – енгилмас куч")

БИЛИБ ОЛИНГ!

асос йўқ.

Учинчиси, хорижда ишлаб чиқарилаётган андозасиз кийимлар ва уларда акс эттирилган маъносиз сўзлар ёки ёвузликка чорловчи суратлар ёшлар онги ва феълига билмаган ҳолда салбий таъсир ўтказади. Масалан, хорижда тайёрланган кийимлардаги «killer» (қотил), «danger» (даҳшат) каби сўзлар ва ҳаёсизликни ифода этувчи манзараларнинг туб моҳиятига эътибор қаратиш керак. Акс ҳолда, фарзандларда зўравонлик ва жонга қасд қилиш каби иллатлар оддий ҳолатга айланиб қолиши мумкин.

Тўртинчиси, Ғарб ёшларида уюшган жиноятчилик ва зўравонликка берилиш ҳолатлари анча юқори. Бунга сабаб – болаларга меъёридан ортиқ эркинлик берилганидир. Бунинг устига, "оломонча маданият" эрхотин ва болаларнинг оиладаги вазифалари, бурч ва масъулиятларидан «озод» этиб, оилавий бирлик, меҳр-мурувватни йўққа чиқаряпти, оилани инқирозга олиб келмоқда.

Бешинчиси, ғарб турмуш тарзида ғурур-ор, эркаклик шаъни, аёллик иффати деган нозик тушунчалар емирила бошлаганига анча бўлди.

Ер юзидаги ахборот алмашинуви шиддатли тус олган ҳозирги шароитда, Ғарбдаги "марказлар" бундан унумли фойдаланиб, бошқа давлатлар ва халқлар ўртасида Ғарб ҳаётининг бузғунчи "жозибалари"ни, жумладан, "оломонча маданият" таъсирини "эркинлик шабадалари" тарзида имкон қадар кенг ёйишга енг шимариб ҳаракат

"Оломонча маданият"ни тарғиб этишдан асл мақсад аслида ёшларни беҳаёлик ва бузуқлик, ахлоқсизлик ва маданиятсизлик билан тўғри йўлдан адаштириш, онгини заҳарлашдир.

ОГОҲ БЎЛИНГ!

қилаётгани ҳеч кимга сир эмас. "Натижалари" эса яққол кўриниб турибди, масалан, Ғарб давлатларининг айрим мактабларида содир этилаётган портлашлар, болаларнинг савдойи, васвос кимсалар қўлида қурбон бўлаётгани, ёшлар феълида тажовузкорлик кучайиб бораётгани ҳар бир оқил инсонни ўйга толдиради.

"Оломонча маданият" маҳсулотлари ёшлардан фикр юритишни талаб этмайди, аксинча, уларни ҳар хил ҳаёт ташвишларидан, турмуш муаммоларидан гўё «халос» этади. Ўқишга, билим олишга эмас, балки бир марта бериладиган ҳаётда «яйраб қолиш»га чақиради. Ҳолбуки, бунинг салбий натижалари – меҳр-оқибатнинг йўқолиб бораётгани, одоб-ахлоқ мезонларига путур етаётгани, беҳаёлик ва зўравонликнинг авж олаётгани бутун дунё аҳлини ташвишга солмоқда.

Беҳаёларча кийиниш, ташқи кўринишлари, кийимлари, бадбашара соқол қўйишлари, қулоқ ва бурунларига зирак тақиб олишлари билан ўзларининг қиёфаларини қўрсатишади. "оломонча маданият" мафкурачилари зўр бериб тарқатаётган ғоя ва тавсияларнинг ташвишли жиҳатлари кўп. Яъни айрим масалаларда бундай маънавий таҳдидларнинг дунё бўйлаб таъсир доираси кенглиги ва кучайиб кетиши кузатилади.

Юқорида таъкидланганидек, "оломонча маданият" мафкурачилари, анъанавий маданиятни ўзгартириш ва бошқариш орқали ўзларининг бузғунчилик ахлоқларини сингдириб, мамлакатларни маънавий таназзулга учратиш

БИЛИБ ОЛИНГ!

"Оломонча маданият" одамларда истеъмолчилик кайфиятини авж олдириб, нафсга салбий қувват беришдан ўзга нарса эмас. (Шайх Абдулазиз Мансур)

мақсадларини амалга оширмоқдалар. "Оломонча маданият"нинг энг мукаммал таърифи шу фикрда яширин. Яъни, "оломонча маданият" бу – бизга четдан кириб келаётган, ўзбекона қадриятларимизга мутлақо ёт маънавий ва ахлоқий тубан иллатларни ўз ичига олган хуружлар йиғиндисидир.

"Оломонча маданият" мафкурачилари "ўргимчак тўри" орқали ота-боболаримиз "қора" деган нарсаларни "оқ", "оқ" деган нарсаларини "қора" деб уқтирмоқда. Улар қора юзига оқ ниқоб тақиб олиб, қора ниятларини амалга оширмоқда. Телевидение, газета, журналлар, интернет ва реклама одамларда ана шундай, фикр ва муносабатларни тарбиялашга қаратилади. Масалан, реклама ақлга эмас, туйғуларга, онг остига қаратилади. "Агар сиз шу товарни сотиб олсангиз, ҳаётингиз бутунлай ўзгариб кетади", – дейилади. "Оломонча маданият" товарлари, аввало, оддий ва кўча одамига мўлжалланган. Албатта, бундай маҳсулотлар интеллектуал жиҳатдан етарлича ривожланмаган одамлар учун хос эди.

Аллома Абулбаракот Қодирий тарбия масаласида кишиларни уч тоифага бўлади: "*Биринчиси* – ҳануз оқ-қорани танимаган бола. Унинг табиати ҳали ёмонлик ғубори билан булғанмаган, юраги эса, ботил ишлар зулмати билан қораймаган бўлади. Бундай болага насиҳат тез таъсир қилади. Бундай болани тўғри йўлга осонлик билан солиш мумкин.

Иккинчиси – оқ билан қорани ажратадиган бўлиб

Беҳуда иш, нимага қаратилганидан қатъи назар, доимо инқироз билан тугайди. (Гёте)

ОГОҲ БЎЛИНГ!

қолган бола. Улардан баъзилари ўз нафсининг ғалабаси билан яхши томонга бурила олмай юрган бўлади. У қилаётган ишининг ёмонлигини билади. Нуқсонларини эса эътироф этади. Бундай одамни тарбиялаш биринчисига нисбатан қийин, аммо уни доимий назорат қилиб, ҳар хил насиҳатлар ва танбеҳлар бериб борилса, албатта, яхши йўлга кириб кетади.

Учинчиси – оилада ботил хаёл ва фосид фикрлар билан улғайган киши. У умр бўйи ноҳақ ишларни ҳақ деб билиб келган ва шунга астойдил эътиқод қўйган киши бўлади. Ёмонлик қилса ҳам, уни ўзича яхшилик деб ўйлайди. Бундай кишини тарбия қилиш жуда оғир. Унинг тарбиясига киришиш – тирноқ билан қудуқ қазиш ёки ҳали қизиб чўққа айланмаган темирни қуруқ қўл билан боғлашга баробар".

"Оломонча маданият"нинг мақсади, аввало, иқтисодий бойлик орттириш, одамларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш. "Оломонча маданият" шахснинг дидини ўлдириб, миллионлаб одамларни мустақил фикрдан жудо қилади. Бу замонавий маънавий таҳдид нафақат ахлоқий бузуқлик, балки зўравонлик, индивидуализм ва эгоцентризмнинг ҳам кенг оммалашувига хизмат қилмоқда. Чунки "оломонча маданият" мафкурачилари маънавий тубан одам кимгадир сўзсиз бўйсунишига ишонади-да.

Бу ҳақда фикр юритганда, бизнинг улуғ аждодларимиз ўз даврида комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий мезонлар мажмуини, замонавий тилда айтганда, шарқона

Одам қанчалик маърифатли бўлса, эл-юртга шунчалик кўп фойдаси тегади.

ахлоқ кодексини ишлаб чиққанларини эслаш ўринлидир. Ота-боболаримизнинг онгу тафаккурида асрлар, минг йиллар давомида шаклланиб, сайқал топган ор-номус, уят ва андиша, шарму ҳаё, ибо ва иффат каби юксак ахлоқий туйғу ва тушунчалар бу кодекснинг асосий маъно-мазмунини ташкил этади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, уят – ўлимдан қаттиқ, деган гаплар халқимиз тилида ўз-ўзидан пайдо бўлмаган, аксинча, бундай иборалар эл-юртимизга мансуб эзгу ва гўзал ахлоқий қадриятларнинг асл мазмунини ифода этади.

Дарҳақиқат, уят ва ор-номусини йўқотган одам, Аҳмад Яссавий бобомиз айтганидек, худдики ҳайвон жинсига айланиб қолади. Буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг:

"Олдиға қўйганни емак – ҳайвон иши,

Оғзига келганни демак – нодон иши", деган чуқур маъноли сўзлари ҳам бу фикрни тасдиқлаб беради.

Шундай одамлар борки, муҳаббат бўстонини оралаб, уйланишга қадам қўймайдилар ва бу файз боғининг гулзоридан гуллар термайдилар, доимо ғам уйида ўзлари яккаю танҳо ўтирадилар. (Бархурдор ибн Маҳмуд)

ОГОҲ БЎЛИНГ!

3.5. "Оломонча маданият" тобеларига муносабат

Дарснинг мақсади:

Бошқаларнинг ёвуз одатларига тақлид қилиш, жамият учун катта таҳдид бўлиши ва бундай ҳолатлардан сақланиш йўллари баён қилинади.

Ибн Умар (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан ривоят қилади: ***"Ким ўзини бирон қавмга ўхшатса, бас, у ўшалардандир"*** *(Абу Довуд, Аҳмад, Табароний ва Баззор).* "Ким ўзини бирон қавмга ўхшатса", жумласидан, ким қайси қавмнинг кийиниши, юриш-туриши, умуман, ҳаёт тарзига эргашса, деган маъно тушунилади.

Ҳар бир халқнинг миллий урф-одатлари, диний қадриятлари бўлади. Ҳар ким ўз эътиқоди тақозо қиладиган йўлдан юриши керак. Агар ким ўзга дин ва миллат вакилларига тақлид қиладиган, уларнинг урфини устун қўядиган бўлса, ўшалардан ҳисобланади. Чунки маънан улар билан биргадир. Танаси бошқа жойда, ўзга юртда бўлгани билан қалби уларга мойил, вақти келса, Ватанига хиёнат қилиб бўлса ҳам, уларнинг манфаатларини ҳимоя этишга шай туради. Кишилардаги бундай манқуртлик иллати "оломонча маданият" номли оғу таъсирида шаклланади. Бундан ташқари, "оломонча маданият" ёшларни аср вабоси – гиёҳвандликка, ОИТС хасталиги каби офатларга мубтало қилади.

БИЛИБ ОЛИНГ!

Дили бузуқ, ўзгаларнинг покдомон ва иффатли қизжувонларига кўз олайтирувчи нопок кишилар ҳақиқий разил ва ифлос кишилардир. (Муҳаммад Жавҳар Заминдор)

Ҳаммага маълум, одоб ва ҳаё инсонийликнинг ажралмас қисмидир. Инсон доим бузуқ ва нопок ишлардан йироқ бўлиши зарур. Қуръони каримда: **"Эй имон келтирганлар! Шайтоннинг изидан эргашмангиз! Ким шайтоннинг изидан эргашса, бас, албатта,** (шайтон) **бузуқлик ва ёвузликка буюрур..."** *(Нур, 21),* – деб огоҳлантирилганини унутмайлик.

Муҳаммад (алайҳиссалом): ***"Агар уялмасанг, истаганингни қил!"*** *(Имом Бухорий)* – деб беҳаёликдан қайтарганлар.

Халқимизнинг миллий маънавияти, оилаларда амал қилинадиган тартиб-қоидалар ёшлар тарбиясида муҳим аҳамиятга эгадир. Улар оила мустаҳкамлигини таъминлашда улкан пойдевор вазифасини ўтайди.

Жамиятнинг энг муҳим бўлаги ҳисобланган оила мустаҳкамлиги никоҳ воситасида юзага келиши, кўп асрлар мобайнида халқимиз орасида риоя қилиниб келинаётган никоҳ асл умуминсоний қадриятлар асосида оилани мустаҳкамлашга қаратилгани, никоҳ туфайли оилада барқарорлик ва соғлом муҳит ҳукм суриши, бу эса жамият ва давлат тараққиётининг асоси эканига катта эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Фарзанд келажакда гўзал ахлоқли ва чиройли тарбияли бўлишида ота-она фарзанди ҳақига қиладиган хайрли дуоларнинг ўрни беқиёсдир. Чунки ота-онанинг фарзанди ҳақига қилган дуоси мустажобдир. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Пайғамбар

Бўшамаса тили ғийбатдан,
Бўшамайди дил уқубатдан.
(Фаридуддин Аттор)

ОГОҲ БЎЛИНГ!

(соллаллоҳу алайҳи ва саллам): ***"Уч кишининг дуоси қабулдир: отанинг фарзандига қилган дуоси, мазлумнинг ва мусофирнинг дуоси",*** – деганлар.

Тарбия борасида Имом Ғаззолийнинг "Иҳёу улум-ад-дин" китобида шундай дейилади: *"Бола ота-она қўлида бир омонат. Қалби турли нақш ва расмлардан пок, нима нақш солинса, қабул қилади, нимага мойил қилинса, мойил бўлаверади. Агар яхшиликка ундалса ва ўргатилса, унинг устида ўсаверади, дунё ва охиратда саодатли бўлади, ота-онаси ҳамда одоб, таълим-тарбия берганлар барчаси савобига шерик бўлишади. Агар ёмонликка ундалса ва бўш қўйилса, ёмонликка учрайди, ҳалок бўлади ва унга қараб турган киши зиммасига гуноҳ тушади".*

Фарзанд одобли, ота-онаси, оиласи, Ватани, дини ва халқига муносиб хизмат қиладиган комил инсон бўлиб улғайиши учун оиладаги назорат жуда муҳимдир.

Кўп йиллар давомида ота-боболаримиз қалбига сингиб кетган ушбу қадриятларни бугун янада сайқаллаш кераклигини замон талаб этмоқда. Айниқса, шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги замонда бемаъни хуружлар кўпайиб, уларнинг инсон ва жамият ҳаётига салбий таъсирлари мисли кўрилмаган даражада кучайиб бормоқда.

Тинимсиз ахборот оқими муҳитида миллий қадриятлар, азалий анъаналар завол топишининг олдини олиш мақсадида ахборот хавфсизлигини таъминлаш керак. Хорижий телеканалларда нима намойиш этилса ёки интернетда нима тарғиб қилинса, барчасини қабул

БИЛИБ ОЛИНГ!

Фарзандга уйда хоҳлаганича телевизор кўриш ёки компьютер ўйнашга рухсат бериш яхши эмас. Бу орқали улар таъсирли манзара, ёшларига муносиб бўлмаган турли кўрсатувлар, ахлоқсиз томошаларнинг гувоҳи бўлиб, фикрлари ва хулқлари бузилиши тайин.

қилавериш асло мумкин эмас. Улар орасидан имон-эътиқод, анъанаю қадриятларга мос келадиганларинигина саралаб олиш шарт. Бу мақсадга эса ёшларга телевидение ва интернетдан оқилона фойдаланиш йўлларини ўргатиш, уларнинг мазкур ахборот манбаларидан фойдаланишларини назорат қилиш орқали эришиш мумкин.

Шайх Абдулазиз Мансур бу ҳақда шундай дейдилар: *«Ислом дини руҳий-маънавий комилликка даъват этувчи дин ўлароқ нозил бўлган ва аввало, шу йўлдаги энг хавфли ғаним бўлмиш нафсга қарши кураш руҳи билан йўғрилган».*

Шу жиҳатдан, "оломонча маданият" Исломнинг туб моҳиятига зид ҳодиса десак, сира янглишмаган бўламиз. Асосан ғарбдан кириб келаётган "оломонча маданият" турфа усуллар билан инсон ақлини зойил этиб, унда нафсу шаҳватга меъёр ҳиссини сусайтиради. Нафсу шаҳватда меъёрни сақлаш, асосан, ҳар бир инсоннинг ўзига, унинг имон-эътиқодига боғлиқ бўлгани каби, "оломонча маданият" домига тушиш ёки сақланиб қолиш ҳам унинг ўзига боғлиқдир. Шунинг учун ислом дини таълимотларидаги пурмаъно ибора билан айтганда, ҳар бир инсон "тазкиятул нафс", яъни нафсни поклаш билан машғул бўлмоғи лозим".

Албатта, халқимиз, жумладан, ёш авлод ғарб фан-техникаси, маданияти, адабиёту санъатининг илғор жиҳатларини инкор этмайди. Бироқ ғарб зиёлиларининг ўзи "ғарбнинг муаммоси" сифатида баҳолаётган "оломонча маданият"нинг маънавий-ахлоқий тубанликларини ёшлар қанча тез англаса, шунча яхши.

Ҳаё ва андиша дунёда тартиб сақлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Ҳаё йўқолса, ҳеч кимда виждон ҳам қолмайди. (У ҳолда) дунёда тартиб бузилади. Кишилар бир-бирига бефарқ қарайдиган бўладилар. (Ҳусайн Воиз Кошифий)

ОГОҲ БЎЛИНГ!

1.

Ёшлар беҳаёликни тарғиб қилувчи сайтлар, ижтимоий тармоқлардаги ахлоққа зид суратлар, видеолавҳаларни кўриш мумкин эмаслигини билишлари ва салбий оқибатларга олиб келишини англашлари лозим. Бугун интернет, уяли телефонлар орқали ҳаёсиз тасвирларнинг оммалашиб бораётгани жаҳон жамоатчилигини жиддий ташвишга солмоқда.

2.

Глобал тармоқда тарғиб этилаётган беҳаё материаллар ва суҳбатлар ёшлар ахлоқини бузиб, ёмон йўлга бошлаётгани ва келажагига раҳна солаётгани хавотирлидир.

3.

"Ўргимчак тўри"да қурилган бемаъни суҳбатлар оқибатида, кўпчилик ёшлар ахлоқсиз "дўстлар" орттиради ва тубан ишларга қўл уради.

4.

Интернет тармоғидаги пардасиз суҳбатлар мана шундай аянчли, жирканч оқибатларга олиб келади.

5.

Мана шундай хунук воқеалар натижасида тинч-тотув оилалар пароканда, инсоннинг ўзи эса шарманда бўлади, фарзандлар тирик етим қолади.

Интернетдаги ижтимоий тармоқлар ёшларда ёвузлик, қўпорувчилик, бекорчилик ва беҳаёлик каби мудҳиш иллатларнинг авж олишига хизмат қилмоқда. Буни ёшлар доим ёдда тутишлари керак.

Ўтилган мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Бугунги кундаги "аср вабоси" деганда нимани тушунасиз?
2. Беркорчилик қандай ёмон оқибатларга олиб келади?
3. Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда умр, вақт исрофи борасида нималар дейилган?
4. Бузуқликнинг салбий оқибатлари ҳақида гапиринг.
5. "Оломонча маданият" деганда нимани тушунасиз?
6. "Оломонча маданият"нинг жамиятга салбий таъсирларини гапиринг.
7. "Оломонча маданият" иллатларидан сақланишда диний-миллий қадриятларнинг ўрни.

Мустақил иш мавзулари

1. Глобал тармоқда бекор вақт ўтказиш – маънавий иллат.
2. Исломий ва миллий қадриятларда ибо-ҳаё тўғрисидаги ўгитлар.
3. "Оломонча маданият" хуружларидан сақланиш асослари.

Фойдаланиш учун тавсия этиладиган манба ва адабиётлар

Ислом Каримов. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Т.: "Ўзбекистон", 1999.

Ислом Каримов. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: "Ўзбекистон", 2000.

Ислом Каримов. Ватан равнақи учун ҳаммамиз масъулмиз. – Т.: "Ўзбекистон" 2001.

Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: "Ўзбекистон", 2008.

Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва изоҳлар муаллифи Шайх Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2014.

Усмонхон Алимов. Оилада фарзанд тарбияси. – Т.: "Movarounnahr", 2014.

Усмонхон Алимов. Ёшлар келажагимиз. – Т.: "Movarounnahr", 2008.

Айдарбек Тулепов. Ислом ва ақидапараст оқимлар. – Т.: "Sharq" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2013.

Айдарбек Тулепов. Интернетга ин қурган "ўргимчаклар". – Т.: "Movarounnahr", 2014.

Айдарбек Тулепов. ИШИД фитнаси. – Т.: "Movarounnahr", 2015.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳиҳи Бухорий. – Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2008.

Шайх Абдулазиз Мансур. Ақоид матнлари. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2006.

А.Тулепов ва бошқалар. Тинчлик ва осойишталик – олий неъмат/ Масъул муҳаррир Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: «Movarounnahr».

Ислом энциклопедияси. – Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2004.

А.Очилдиев ва бошқалар. Ҳидоят ортига яширинган залолат. Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010.

Юлдашходжаев Ҳ., Каримов А., Саидаҳмедов А., Аҳмад М. Ислом маърифати: аслият ва талқин. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011.

А.Тулепов. Оломонча маданият – маънавият кушандаси, “Ислом нури” газетаси, 2012 йил, 14-сон, 8–11-саҳифалар

А.Тулепов. Аллоҳнинг омонатига эътиборли бўлинг, “Ҳидоят” журнали, 2014 йил 2-сон, 10-12, 18–19-саҳифалар.

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг muslim.uz портали ва тизимдаги интернет сайтлари.

ziyonet.uz

fikr.uz

4-БОБ. ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАР ТАҲДИДЛАРИ

4.1. Ижтимоий тармоқлар тўғрисида тушунча.

4.2. Ижтимоий тармоқларнинг зарарли оқибатлари.

4.3. Глобал тармоқнинг замонавий хатарлари.

4.4. Ижтимоий тармоқлардаги иллатларнинг олдини олиш йўллари

Дарснинг мақсади:

Ижтимоий тармоқларнинг пайдо бўлиши, оммалашиш сабаблари, имкониятлари ва ёшларга салбий таъсирлари баён қилинган. Ижтимоий тармоққа ўрнашиб олиб, ўзларининг бузуқ эътиқодлари билан ёшларни йўлдан адаштираётган кимсалар кирдикорлари, айримларнинг бу ишларга лоқайдлик билан қараётганлари таъкидланади.

Оқибатда кўплаб инсонлар бузғунчилар ёлғонларига алданиб қолаётганлари ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, ижтимоий тармоқлар орқали нобакор кимсалар тинчлик-осойишталикни издан чиқараётгани аниқ мисоллар билан баён қилинган.

Таянч сўзлар ва иборалар:

Ижтимоий тармоқ, "Odnoklassniki", "Facebook", "Мой мир", "Twitter", блоггерлар, лоқайдлик, танбаллик, бепарволик, компьютер зарарлари, интернетнинг руҳий касалликлари, носоғлом сайтлар, Джеймс Барнсон, Арик Сигман.

4.1. Ижтимоий тармоқлар тўғрисида тушунча

Дарснинг мақсади:

Ижтимоий тармоқларнинг пайдо бўлиши, оммалашиш сабаблари, имкониятлари ва ёшларга салбий таъсирлари баён этилади.

"Ижтимоий тармоқ" атамасини 1954 йили Англиядаги "Манчестер" мактаби ўқитувчиси Джеймс Барнсон одамлар билан алоқа ўрнатишнинг бир воситаси сифатида жорий этган. Ижтимоий тармоқлар интернетга 1995 йилда кириб келиб, 2003–2004 йилларда кескин оммалашди.

XX аср охири ва асримиз бошларида интернетга кирувчиларнинг кўп қисми, асосан, чатлардан фойдаланиб, кераксиз гап-сўзлар билан интернетда ўтирар эди. Бу чатлар ҳозирги кунга келиб, кенг имкониятларга эга бўлган махсус дастурлар ва ижтимоий тармоқларга айланди. Ижтимоий тармоқлар орқали сўзлашувлар олиб бориш, видеолавҳалар, аудио ёзувлар, турли расмлар юбориш имконияти мавжуд. Булардан ташқари, дўстлар орттириш, бир хил қарашга, фикрга эга бўлганлар учун турли гуруҳларга аъзо бўлиш каби қулайликлар бор.

Ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш 2007 йил охирига келиб, жуда кенг тарқала бошлади. Оламда юз бераётган хабарларни катта тезликда, суратлари билан жонли тарзда тарқатиш каби хусусиятлари борлиги сабабли ижтимоий тармоқлар тез оммалашиб кетди. Улар

БИЛИБ ОЛИНГ!

Ғийбат қабиҳ феъллардан биридир. Ғийбат оз бўлса-да, келтирадиган зарари денгиз каби бепоён. Бирор кишининг орқасидан гапириш, айбини топиш, ёмонлаш, бола-чақаси, хотини, хулқи, бойлиги ҳақида бемаза гапларни гапиришнинг барчаси ғийбат ҳисобланади. (Хаёлиддин ал-Ҳасаний)

одамларга ўз истаклари, талаблари ва орзуларини ҳеч бир чегарасиз, ҳатто одоб-ахлоқ меъёрларисиз ифода этиш имконини берди.

Ижтимоий тармоқлар олдинги анъанавий оммавий ахборот воситалари ўрнини эгаллаб, интернет орқали маълумотлар, суратлар ва видеоларни жўнатиш, алмашиш оддий ҳолга айланди. Ўсмир ёшлар кўп вақтларини ижтимоий тармоқларда ўтказа бошладилар. Тадқиқотлар кўрсатишича, ижтимоий тармоқлардан энг кўп фойдаланувчилар ҳам асосан ёшлардир.

Интернетдаги ижтимоий тармоқлар кишилар орасида тез оммалашиб бормоқда. Айниқса, ёшларнинг кўпи "Odnoklassniki", "Facebook", "Vkontakte", "Мой мир", "Twitter" кабилардан фойдаланишади. Шунингдек, ижтимоий тармоқлар интернетга кирувчиларнинг ўзаро мулоқот қилиш ва маълумот алмашишлари учун жуда қулай воситадир.

Ўтган йиллар давомида ижтимоий тармоқлар ривожланиб, такомиллашиб борди. Илк босқичда улар ёрдамида фақат ёзишмалар амалга оширилган бўлса, сўнгги йилларга келиб, иштирокчилар мусиқа ва видео файлларни қўшиш ва кўчириш имконига ҳам эга бўлишди.

Инсонларни ўзига тортувчи омиллардан бири бу шовшувлардир. Бунда ижтимоий тармоқлар ва мессенжерлар жуда қулай восита бўлиб бормоқда. Мисол учун, "WhatsApp" мессенжери орқали автоҳалокатга учраб "вафот этган" Голливуд актёрининг сурати тезда оммага тарқалиб кетди. Бу машҳур актёрнинг вафотидан қайғурган шинавандалар

ОГОҲ БЎЛИНГ!

Икки кишининг бирга ўтириб қилган суҳбатидаги гаплари амонатдир. Суҳбатдошининг сирини фош қилиш ҳаромдир. *(Ҳадис)*

ўзларининг идеаллари учун фикрларини баён қилиб, тирик актёрнинг янада машҳур бўлишига ёрдам берганлар.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин, ҳатто ўзимизнинг баъзи актёр, хонанда, ҳатто ижод аҳллари ҳам бундай сохта тарғиботлар йўлида кўп куч-имконият сарф этишларига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Британиялик биолог олим Арик Сигман фикрига кўра, ижтимоий тармоқдан ҳаддан ташқари кўп фойдаланиш, реал оламда одамлар билан суҳбатлашишнинг кескин камайиши соғлиқ учун катта зарар бўлишини таъкидлаган.

Меҳнатсиз эришилган ютуқнинг қадри паст бўлади. Ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари деярли барча маълумотларни интернет тармоғидан олиб ўқишга ўрганганлар, гарчанд бу маълумотлар аниқ асосга эга бўлмаса ҳам. Турли гуруҳлар учун бу айни муддао, ўзларига зарур маълумот олиш учун сўров юборса, бир зумда маълумотлар базаси мониторда намоён бўлади. Виртуал олам улар учун қадрдон маскан саналади. Аммо меҳнат қилиб, зарур маълумотлар реал ҳаётдан излаб топилса, келажакда ижобий натижа беради.

Ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари виртуал суҳбатдошлар билан мулоқот қилганда деярли ҳамма нарса ҳақида очиқ-ойдин гаплашадилар. Бу ҳол ўз навбатида ўзаро ҳурмат чегарасини бузиб ўтади, суҳбатдошлар ўртасида салбий муомала муҳити пайдо бўлади. Шундай бўлганидан кейин бу одам реал ҳаётга ҳам шу кўз билан қарашга интилади.

БИЛИБ ОЛИНГ!

"Facebook" ижтимоий тармоғида кунига 3 миллиарддан ортиқ шарҳ қолдирилиб, 300 миллиондан ортиқ фотосурат жойлаштирилади, 125 миллионга яқин виртуал "дўстлик" алоқалари ўрнатилади.

4.2. Ижтимоий тармоқларнинг зарарли оқибатлари

Дарснинг мақсади:

Ижтимоий тармоққа ўрнашиб олиб, ўзларининг бузуқ эътиқодлари билан ёшларни йўлдан адаштираётган кимсалар кирдикорлари, айримларнинг бу ишларга лоқайдлик билан қараётганлари, оқибатда кўплаб инсонлар бузғунчилар ёлғонларига алданиб қолаётганлари ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, ижтимоий тармоқдан нобакор кимсалар мамлакатда тинчлик-осойишталикни издан чиқараётгани аниқ мисоллар билан ошкор қилинган.

Жамиятшунос Шерри Теркл "Alone together" (Биргаликдаги ёлғизлик) номли китобида: *"Ижтимоий тармоқлардаги суҳбатлар инсонийликни барбод қилаётган аҳмоқликнинг янги шаклидир"*, – дея таъкидлайди.

Ҳақиқатан, одамларнинг ижтимоий тармоқларда шиддат билан суҳбатдош излаши замонамиз авлодига хос аҳмоқликнинг янги туридан бошқа нарса эмас. Виртуал оламда ёшларнинг қанча фаоллигига қараб, уларнинг феъл-атворига баҳо берса бўлади.

Оила кушандаси. Ижтимоий тармоқларнинг жамиятга солаётган энг катта таҳдидларидан бири – кўп тинч-тотув оилалар барбод бўлиб кетаётганидир.

Биз учун оила муқаддас ҳисобланиб, ундаги тартиб-қоидалар долзарб аҳамиятга эга. Умуман, унда ўрнатилган

Ёлғон ва бўҳтон ахлоқ бузилишидан дарак берувчи феъллардандир. Бу феъллар энг қабиҳ феъллардан ҳисобланади. Бундай феъл соҳиблари одамлар ҳақида турли-туман бемаъни сўзларни сўзлаб юрадилар. (Хаёлиддин ал-Ҳасаний)

ОГОҲ БЎЛИНГ!

ўзига хос қоидалар оила мустаҳкамлигини таъминлашда муҳим бўлиб келган. Масалан, Марказий Осиё ҳудудига ислом дини ёйилгач, оилага доир қонун-қоидалар ушбу дин таълимотлари асосида шаклланди. Яъни, оилада эрнинг мавқеи баландлиги, шу билан бир қаторда, хотин ҳам тенг ҳақ-ҳуқуқларга эга экани, фарзандлар билан ота-оналари ўртасида одоб, ҳурмат чегараси борлиги, ўзаро яхши муомалада бўлиш кабилар.

Ижтимоий тармоқдаги турли кимсалар азалдан шаклланиб келаётган ана шундай қоидаларни фарзандлар онгида ўзгартиришга ҳаракат қилишмоқда. Бу билан уларни ўз ота-оналарига қарши қилиб қўйишмоқда. Натижада ана шундай руҳда катта бўлган ўғил-қизлар вақти келиб, оила қурганларида ҳаёт синовларига чидолмасдан, енгил ҳаётни афзал кўриб, оилалар бузилишига сабаб бўлмоқда.

"Санкт-Петербург таҳлил маркази" мутахассислари ўтказган тадқиқот натижаларига кўра, ажрашган оилаларнинг 15 фоизи ижтимоий тармоқларни сабаб қилиб кўрсатмоқда.

Ғанимлар ноғорасига ўйнама! Интернет жамоатчилик фикрини эгаллашга қаратилган курашларни ўзгартириб юборди. Эндиликда ҳеч қандай куч сарфламасдан, қаршилик ва чекловларга дуч келмай, омма онгига осонгина таъсир кўрсатиш, бошқаларнинг қарашларини ўз манфаатлари сари йўналтириш мумкин.

Дастлаб, ижтимоий тармоқларга махсус хизмат қилувчи блоггерлар жамоатчилик онгига кучли таъсир

БИЛИБ ОЛИНГ!

Бир кунда ўртача 30 миллион киши "Odnoklassniki" сайтига ташриф буюради. Уларнинг 62 фоизи 15—25 ёшдаги кишилардир. Ўзбекистонлик фойдаланувчилар эса "Odnoklassniki" аъзоларининг 3,5 миллионга яқин қисмини ташкил этади.

қилувчи воқеа-ҳодисаларни бўрттириб, қўшиб-чатиб етказишади, бошқалар эътиборини жалб этиб, уларни ҳам фаол фикр алмашишга чорлайди. Миш-миш, бўҳтону ёлғон етарли даражада тарқатилгач, секин амалий ишларга ўтилади. Ҳаммани муайян жойга тўпланишга чақирилади, воқеа-ҳодисаларга бўлган муносабатига қараб, жавобгарлик талаб қилиниши уқтирилади.

Шу тариқа, бир-бирини кўрмаган, фақат интернет орқали танишган бекорчилар тўдаси шаклланади. Блоггерлар эса олов устига мой сепишда давом этаверади. Қарабсизки, жамоатчиликдан, онгу шууридан айрилган оломон кўр-кўрона бузғунчи-буюртмачилар ноғорасига ўйнай бошлайди. Ижтимоий сайтлар, микроблоглар, глобал тармоқдаги уйдирмалар кибер макондан реал воқелик бўлиб ҳаётга кўчганидан сўнг, бузғунчилар гижгижлашни янада кучайтиради.

Воқеа жойидан тўғридан-тўғри репортажлар — мобил воситалари орқали аудио, видео ва фотолавҳалар тайёрланиб, энг таъсирлилари ижтимоий сайтларга жойлаштириб борилади.

Айрим давлатларда бўлиб ўтган ҳодиса деб кўрсатилаётган лавҳалар махсус суратга олиш майдонларида сунъий равишда ҳосил қилингани кишини ўйлантиради. Шу йўл билан одамлар ҳақиқат билан ёлғон ўртасидаги чегарани пайқашдан маҳрум этилади.

Тажрибасиз, ҳали оқ-қорани ажрата олмайдиган ўқувчи кибер дўстларига шахсий ҳаёти, ўй-кечинмалари,

Ёлғончиликдан сақланинг, чунки ёлғончилик фитна-фасодга олиб боради. Ростлик йўлини ихтиёр қилинг, барча эзгуликка етасиз! (Ибн Хатиб)

ОГОҲ БЎЛИНГ!

ўтмиши, келажаги ҳақидаги барча маълумотларни, сирларини ишониб айтаверади. Уларнинг далдаси, ширин алдовлари, сохта мулозаматлари кун сайин уни интернет билан мустаҳкамроқ боғлайверади. Бориб-бориб у интернетсиз яшаёлмай қолади.

Интернетдаги қаллоблардан яна бири ёш болаларни зўрловчи педофиллардир. Интернет тармоғи уларнинг айнан жирканч ниятларини амалга ошириши учун қулай восита бўлиб қолди. Исроил полицияси давлат тарихида энг хатарли саналган Авиноам Браверман исмли педофилни қўлга туширган. У, асосан, болалар учун махсус сайтлардан ҳамда ижтимоий тармоқлардан фойдаланган. Бир нечта ўнлаб сайтларга турли ник (ном) лар билан рўйхатдан ўтган, ёшини ҳам 25 дан ошмаган деб кўрсатган. Ижтимоий сайтларда танишган қизлари билан тезкор хабарлар алмашиниш учун ICQ, MSN каби дастурлардан фойдаланишни таклиф этган ва шулардан фойдаланиб, шаҳвоний характердаги суҳбатларни амалга оширган. Минглаб қизларни ўз домига тортган бу жирканч инсон асосан 14 ёшдан 17 ёшгача бўлган қизларнинг номусини топтаган. Маҳаллий полициянинг хулосасига кўра, болаларга биргина юмшоқ қўғирчоқ бериб, улар билан "ҳисоб-китоб" қилган.

Кўп қизлар ўзларининг чиройли суратларини интернет тармоғидаги турли ижтимоий сайтларга жойлаштиришади, буни кўрган эркак кишилар дарров худди биринчи муҳаббатини кўриб қолгандай гаплашишни ихтиёр қилиб

БИЛИБ ОЛИНГ!

Ижтимоий тармоқлардан доимий фойдаланувчиларда инсонларга бўлган ҳурмат, андиша, одамийлик йўқолиб бораверади, лоқайдлик ортиб, маъсулият ҳисси пасайиб кетади.

қолишади. Қиз виртуал оламда топган кишисини ўзининг қидираётган маҳбубидек хаёл қила бошлайди ва ўзига тегишли барча маълумотларни бирин-кетин "дастурхон" қилади. Кейинчалик қаллоб қизнинг дугоналари, яқинлари тўғрисидаги маълумотларга қизиқа бошлайди. Натижада шахсий суратларини ҳар хил кўринишда намоён қиладилар. Бу интернет қаллобларининг қўрқитиш (шантаж) йўли билан мақсадга эришишларига яхшигина "кўмакчи" бўлади. Бундай суҳбатлар йиллар мобайнида давом этиши мумкин, қиз ўз-ўзидан виртуал оламдаги севгилисига боғланиб қолганини билмай ҳам қолади, ҳамда реал оламдаги учрашувни сабрсизлик билан кута бошлайди. Учрашув куни келганида хушсурат йигитни эмас, балки бошқа суратдаги қарияни ёки умуман бошқа кўнгилхушлиги учун суҳбатлашган кишини кўради, бунчалик бўлишини тасаввур қилмаган қизнинг аҳволи не кечишини тахмин қилиш қийин эмас.

Бирор нотаниш киши эшик ортидан туриб сиздан исмингизни сўраса, ўқиш жойингиз, иш жойингиз, яқинларингиз, дўстларингиз ҳақида сўраса, сиз дарҳол сергак тортиб, у кишига ҳеч нимани айтмаслигингизни билдириб ҳайдаб юборасиз, нега энди бу ҳолатни монитор қаршисида ўтирганда амалга оширмайсиз? Бундай суҳбатлар виртуал оламда бўлиши билан бир қаторда қайси жинс вакили билан гаплашилаётганини ҳам билиб бўлмайди. Реал ҳаётдаги дўстингиз билан уни кўрмай туриб, суҳбат қурмоқдасиз, суҳбатда жудаям сирли

Фарзандни жаҳл зимистонидан рўшнолик томон етакла, илм – инсоннинг фахри, жоҳиллик эса ғафлатдир. (Муҳаммад ал-Жомий)

ОГОҲ БЎЛИНГ!

маълумотларингизни ёзма йўлламоқдасиз, бирор ҳолат рўй бериб, дўстингизнинг пароллари жирканч ниятли хакерлар тузоғига тушиб қолади. Сиз унинг кимлигини қаердан биласиз? Баъзилар ижтимоий тармоқларда GPS навигатор тизими орқали қаерда юргани ҳақида аниқтиниқ маълумот бериб боришади, бир ками чўнтагимда фалон минг сўм пулим бор, энди шароитга қаранглар. Уйимнинг калити фалон гилам тагида, деб айтиш қолди, холос.

МИСОЛЛАР:

— Канадалик Амар Закариё "Торонто–18" номли бузғунчи гуруҳни ташкил этгани етмаганидай, интернет тармоғи орқали махсус чизмалар ёрдамида ҳақиқий портловчи қурилма ясашга ўргатган. Умрбод қамоқ жазосига тортилган Амар Закариё бу ҳаракати билан фонд биржасини, мудофаа вазирлигини ва бошқа махсус объектларни портлатишни режалаштирган эди.

— Норвегия аҳолисини ларзага солган шафқатсизларча қўпорувчилик ҳаракатини амалга ошириб, етмиш етти кишининг оламдан кўз юмишига сабабчи бўлган террорчи Андерс Брейвик ҳам ўз режаларини "Facebook" тармоғида доимий ёритиб борган.

— Лондон шаҳрида футбол бўйича Англия биринчилигининг очилиш маросимида ишқибоз ўсмирлар қилган тўс-тўполон ва тартибсизликлар сабаб муҳим ўйин

БИЛИБ ОЛИНГ!

Нодонликдан ёмонлик келади фақат,
Нодонга ёндошма, босмасин ғафлат.
(Абдулқосим Фирдавсий)

ўтказилмаслигига бир бахя қолди. Уларнинг бетартиб ҳаракатлари пойтахтни буткул хонавайрон қилиб ташлаши мумкин эди. Бу тўполонда ҳам ижтимоий тармоқлар жуда қулай восита бўлиб хизмат қилди. Ғаламислар ўзларининг барча ишларини ва режаларини "Facebook" орқали амалга оширишди. Ушбу тартибсизликлар ташкилотчилари тармоқ орқали иштирокчиларга бузғунчи кўрсатмалар ва йўл-йўриқлар бериб туришди.

— Ижтимоий тармоқдан фойдаланиб, дўстларига қайдномасини намоён қилган белгиялик аёл дўстларидан ҳеч бири олқишламагани учун руҳий касалхонага тушган. Касалликка чалинишига қаттиқ стресс, инсоннинг индивидуал талабига ижтимоий ҳаётда бошқаларнинг бефарқлиги ва ўзини ниҳоятда хўрланган ҳис қилиши сабаб бўлган.

— Бузғунчи, вайронкор ғояни бир киши икки кишига ёйса, унинг зарари кам бўлади. Лекин бир лаҳзада миллионлаб кишига ёйилган вайронкор ғоя мамлакатнинг маънавий майдонини қора рангга бўяйди. Айрим сиёсий-молиявий гуруҳлар интернет тизимининг мана шу имкониятидан фойдаланишади.

— Мисрда бўлган тўқнашувларда "Олтинчи апрель ёшлар ҳаракати" ҳал қилувчи роли ўйнаган. Миср блоггерлари "Facebook"да шу ном остида уларни қўллаб-қувватлаган. Яна бир мисол. Миср ёшлари

Агар номинг халқ орасида ҳурмат билан ёд этилишини истасанг, оилангнинг доимий роҳатини кўзласанг, болаларингга гўзал тарбия бер, бирор ҳунар эгаси қилиб етиштир. Уларнинг юриш-туришларини текшириб тур. Ёмон одамлардан узоқ бўлсинлар, яхшилар билан суҳбатдош бўлиб, баҳра олсинлар. (Низомиддин)

ОГОҲ БЎЛИНГ!

ўзларига "Кифая (етар)", серб ёшлари "Отпор!", Грузия ёшлари "Кмара (етар)!" каби даъватларни шиор қилиб олишган. Демак, буларнинг ҳаммаси Миср ва бошқа мамлакатлардаги ғалаёнлар ташқи таъсир асосида бўлганини тасдиқлайди.

Ижтимоий тармоқлар бузғунчи ғояларнинг тез тарқалишига сабаб бўлаётгани ҳамда ёшлар тарбиясига салбий таъсир этаётгани кўпчиликни жиддий ташвишга солмоқда. Мисрлик Иймон Абдурраҳим ҳуқуқ-тартибот ходимлари, тадқиқотчилар, академиклар ҳамда ОАВ ходимларидан иборат 119 нафар жамоа ўртасида "Замонавий оммавий ахборот воситалари ва террорчилик ҳаракатлари ўртасидаги алоқалар" мавзуида суровнома ўтказди. Натижаларга кўра, сўралганлар ҳозирда ижтимоий тармоқлар – террорчи гуруҳлар ўз аъзолари билан боғланадиган, янги аъзоларни жалб қиладиган энг муҳим восита эканини таъкидлашган. Асосан, "Facebook" тармоғи, ушбу гуруҳлар ўз мақсадларини амалга ошириш учун энг кўп ишлатадиган ижтимоий тармоқ эканини баён қилишган. Шунингдек, улар "Youtube" медиа порталидан террорчилар даъватларини тарқатиш учун энг қулай восита сифатида фойдаланаётганларини айтишган. Шунингдек, тадқиқотчилар ҳозир ёт гуруҳлар тузоғига илинганларнинг аксарияти – ҳаётий тажрибаси етарли бўлмаган, билим савияси паст ва моддий алдовларга тез учадиган ёшлар эканини ҳам маълум қилишди.

БИЛИБ ОЛИНГ!

Ижтимоий тармоқлардан ҳаддан зиёд кўп фойдаланиш инсон танасининг иммун тизимига, гормонал баланси ўзгаришига, қон томир тизимига салбий таъсир қилади, натижада саратон, юрак-қон томир касалликлари ҳамда ақли заифликка ҳам олиб келади.

4.3. Глобал тармоқнинг замонавий исканжалари

Дарснинг мақсади:

Глобал тармоқдаги хатарлар, хусусан, ижтимоий тармоқлар ёшларнинг маънавий таназзулига сабаб бўлаётгани ёритилади. Шунингдек, ижтимоий тармоқлар ёшлар ҳаётида қандай ўрин тутиши ҳақида сўз боради.

Ёшлар ижтимоий тармоқлар оламига қанчалар чуқур шўнғиб бораётганини қуйидаги рақамлар орқали ҳам билиб олса бўлади. Бугунги кунда дунё аҳолисининг 3 миллиардга яқин қисми ижтимоий тармоқлар аъзосидир. Ўзбекистонда эса ҳозир 10,2 миллиондан зиёд аҳоли интернетдан фойдаланадиган бўлса, уларнинг 5 миллиондан кўпи ижтимоий тармоқларга аъзо.

Биргина "Facebook" ижтимоий тармоғида ҳозир 1 миллиард 366 миллиондан ортиқ фойдаланувчи бор, улардан 140 минг нафари ўзбекистонлик. "Facebook"ка доир статистика маълумотларига кўра, бир кунда 500 миллиондан ортиқ киши глобал тармоққа уяли телефон орқали киради.

Ўзбекчада “чуғурламоқ”, “валжирамоқ” каби маъноларни англатувчи "Twitter" ижтимоий тармоғи жаҳонда энг машҳур кичик блогли хизмат турларини тақдим этувчи тармоқ ҳисобланади. "Twitter" тармоғи дунё миқёсида 284 миллиондан ортиқ фойдаланувчига эга. Ҳозиргача уларнинг салкам 100 минг нафари ўзбекистонлик.

— Йигит йигитдан нимаси билан ортиқ?

— Ҳушёрлиги билан!

Ҳушёрлик улкан бойлик, танбаллик эса вақтни бекорга ўтказишдир. (Оталар сўзи)

ОГОҲ БЎЛИНГ!

Бўҳтон жарчиси. Ижтимоий тармоқлар кишилар ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб бораётгани кундай равшан. Жумладан, "Twitter" ижтимоий тармоғи бугун 284 миллион инсоннинг доимий ҳамроҳига айланди. 140 тагача ҳарф, белги ва пробеллар ахборотнинг энг ўзак қисмини ташкил этади. "Twitter" аудиторияси бўлаётган воқеа-ҳодисаларни сониялар ичида кузатиб бориш имкониятига эга. Ушбу ижтимоий тармоқ фаолият механизми билан яқиндан танишар экансиз, унда ахборотлар ҳеч бир масъулиятсиз (асос-далилсиз, ёлғон-яшиқ миш-мишлар) тарқатилишига гувоҳ бўласиз.

"Twitter"да ахборотларни ўқиш учун ҳеч қандай тўсиқ мавжуд эмас. Бошқа фойдаланувчилар манзилига дастлабки ташриф ундан ҳеч қандай рухсат сўрамасдан, розилик олинмасдан амалга оширилиши мумкин. Кимдир жўнатган қисқа хабарлар бошқалар томонидан қайта жўнатилиши, изоҳ ва баҳо берилиши мумкин.

Шунингдек, қисқа хабарларнинг батафсил баёни, ахборотларнинг бошқа кўринишлари (сурат, аудио-видео репортажлар) илова қилинади. Қисқа вақт ичида фойдаланувчи ўқиган ва унинг бошқалар томонидан ўқилган "твит"лари кўпайгандан-кўпайиб бораверади. Шунчаки қизиқиш билан бошланган виртуал ҳаёт саргузаштлари турли-туманлиги, тезкорлиги, шов-шувли экани билан кишини тобора мустаҳкам исканжага ола бошлайди.

БИЛИБ ОЛИНГ!

Миср, Саудия Арабистони ва Хитой Халқ Республикасидаги 55 фоиз иштирокчилар ҳафтасига 5,2 соат ижтимоий тармоқлардан фойдаланишлари, электрон почтага эса 4 соат вақт ажратишлари маълум булди.

"Odnoklassniki" сайти бугунги кунда аъзо йиғиш тезлиги бўйича рекорд натижаларга эришмоқда. Бугунги кунда унинг салкам 150 миллион ўқувчиси мавжуд. Ушбу сайт фойдаланувчилари, асосан, 14 ёшдан 55 ёшгача бўлган одамлардир.

Таассуфки, ота-онасига, оиласига, раҳбарига бўйсунмаган ёшлар смартфон олдида мулойим бўлиб қолади. Уни эркалаб, юзларидан силаб авайлайди. Ўзи овқатланиши эсдан чиқиши мумкин, лекин эркатой смартфончасининг "овқатини" беришни сира унутмайди. Ёш фарзанд мактаб даргоҳида фойдали илм олиш ўрнига, ўртоқлари билан бекорчи гаплару кераксиз видеоларни кўриш билан вақтларини ўтказишлари жуда аянчли.

"Темир қути" асирлари. АҚШдаги "Boston Consulting Group" тадқиқот маркази олиб борган изланишлар шуни кўрсатдики, дунёнинг энг йирик тўрт мамлакати — Хитой, Бразилия, Россия ва Ҳиндистонда интернетдан фойдаланувчилар сони 2015 йилда 1 миллиарддан ошади. Уларнинг 60 фоиздан ортиғи 35 ёшгача бўлган кишиларни ташкил қилади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳар йили интернетдан фойдаланувчилар дунё бўйича кескин ортиб бормоқда.

Cisco компанияси дунёнинг илғор 14 та мамлакати ўртасида сўровнома ўтказди. Ижтимоий сўровлар объекти сифатида мактаб ўқувчилари танланди. Хулоса шу бўлдики, иштирок этганларнинг ҳар учинчиси интернетни "Инсон учун энг керакли воситалардан бири" сифатида

ОГОҲ БЎЛИНГ!

Кумушнинг ташқи кўриниши оппоқ бўлса ҳам, қўлда ва чўнтакда кўп ушланса, қора юқтиради. Шунга ўхшаш баъзи одамларнинг сўзлари зоҳирида кумуш каби порлоқ ва тоза кўринса ҳам, лекин қайғу ва зарар келтиради. (Жалолиддин Румий)

кўрсатган. Сўровномада қатнашган мамлакатларнинг ҳар биридан 200, жами 2800 нафар вакил иштирок этган. "Сиз учун интернет қай даражада аҳамиятли?" деган саволга қатнашчиларнинг 62 фоизи "Интернет мен учун сув, ҳаво, овқат ва бошпана каби", деб жавоб берган. Қолган 33 фоиз иштирокчи интернетни кундалик эҳтиёж сифатида кўрсатган бўлса, сўралганларнинг энг кам миқдори интернетни ахборот олиш ва фикр алмашиш манбаи деб баҳолаган.

Тадқиқотчиларнинг ижтимоий тармоқ ҳақидаги хулосасига кўра, яқин ўтмишдаги авлод вакиллари мулоқот воситаси сифатида sms хабарларини афзал кўришган бўлса, ҳозирги авлод online тартибидаги суҳбатларни устун қўймоқда. Сўровномада иштирок этган вакилларнинг аксарияти ижтимоий тармоқдаги суҳбатни турли зиёфат ва учрашувлар, мусиқа ва дўстлар даврасидан-да устун қўйиши маълум бўлди.

Мавзуга доир навбатдаги факт бундан ҳам ўтиб тушади. Вашингтон университети профессори Фредерик Зиммерман 4 ёшдан 11 ёшгача бўлган 1266 нафар бола ўртасида тадқиқот ўтказиб, бундай хулосага келди: "Аслида боладаги жиззакилик, жаҳлдорлик, бетгачопарлик ҳолати ваҳший теле-видео, компьютер ўйинлари таъсирида эмас, ота-онанинг бепарволиги боис келиб чиқади. Гўдак ўзига шу тарзда эътибор тортишга уринади. Ота-онасидан топа олмаган меҳрни митти қалб, албатта, "темир қутилар"дан излайди-да!"



Қайд этилаётган ҳар бешта ажримдан биттасига ижтимоий тармоқлар сабаб бўлмоқда.

Сўров натижалари. Пойтахт мактаблари ўқувчилари орасида ўтказилган ижтимоий тармоқлар ҳақидаги сўровномада 110 дан зиёд ўқувчидан салкам 27 фоизи тармоқлар дўстлар орттириш учун керак, деган фикрни маъқуллаган. Яна шунча фойдаланувчи эса ушбу тармоқларнинг ёшлар тарбиясига салбий таъсирини таъкидлаган. Сўровнома натижалари қуйидагича:

Савол: Ижтимоий тармоқлар ёшлар ҳаётида қандай ўрин тутади?

1. Дўстлар орттиришга ёрдамчи – 26,9 %;
2. Ўз фикрини билдириш имконияти – 20,2 %;
3. Тарбияга салбий таъсир қилади – 26,9 %;
4. Ғаразли ниятни амалга ошириш воситаси – 8,4 %;
5. Бекорчиликдан бошқа нарса эмас – 17,6 %.

Ҳозир ижтимоий тармоқлардан фойдаланмайдиган ёшлар деярли қолмади. Қанча маблағ, вақт ва ҳис-туйғулар мана шу бутунжаҳон "ўргимчак тўри"га ўралашиб, беҳуда сарф бўляпти.

Ёшларнинг бўш вақтларини ижтимоий тармоқларда ўтириш билан ўтказиши катта хатодир. Чунки ҳеч нарса жонли, ҳақиқий ва реал мулоқотлар ўрнини боса олмайди. Ижтимоий тармоқдаги фаоллик инсон маънавиятида деярли ҳеч нарсани белгиламайди. Аслида инсон реал ҳаёт билан виртуал ҳаётни фарқлай билиши лозим.

Ёмондан ошна тутма, зинҳор йироқ тур, ёмон дўст сени йўлдан оздиради. Ўзинг эзгу отли бўлайин десанг, ёмонга қўшилма, ҳушёр бўл, ўйла. (Юсуф Хос Ҳожиб)

ОГОҲ БЎЛИНГ!

Воқеий ҳикоя

Ғафлатда қолдим...

Қизим табиатан тортинчоқ. Олий ўқув юртига ўқишга киролмаганидан кейин ўзини тенгдошларидан умуман олиб қочадиган бўлиб қолди. Шунинг учун интернет орқали янги дугона орттирганини эшитиб, мамнун бўлдим. Қизим унинг ажойиб суҳбатдош экани, одоби, тақвоси ҳақида тўлиб-тошиб гапириб берди. Анора (қиз ўзини шундай таништирди) қизимга араб алифбосини ўргатиш баҳонасида уйимизга тез-тез келиб турадиган бўлди. Меҳмонимизнинг ёшгина бўла туриб, ҳаётда кўпни кўриб қўйган онахонлардек насиҳатомуз гапиришига ғашим келди-ю, билдирмадим. Чунки ўзим ислом динидан у қадар хабардор эмасман. Аммо илмли, шариат ҳукмларига амал қиладиган инсонларни жиддий ҳурмат қиламан.

...Фарзандим қачон ўзгарди? Нега бунчалик ўйчан, камгап бўлиб қолди?! Мен нодон вақтимни ўткинчи юмушларга кетказиб, ўз жигарбандимга сирдош бўлолмабман. Сенга "илм" бераётган ким ўзи, нималарга бошлаяпти сени, деб бир оғиз сўрамабман. Қизим динимиз, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) нинг ҳаётларини ўрганаман, деса, йўл-йўриқ кўрсатсам бўлмасмиди?! Қанча ишончли китоблар, қанча ҳаққоний манбалар бор эди-ку! Ғафлатда қолганим учун ўзимни ҳалиям кечиролмайман.

БИЛИБ ОЛИНГ!

Ким ўз қадрини билса, тилини тийса, фойдасиз нарсалардан юз ўгирса, ўзгаларнинг обрўсини тўкмаса, доимо омонда бўлади, кам надомат чекади.

Ўша машъум куни қизим дугонасини кузатиш баҳонасида чиқиб кетди. Шу бўйи қайтиб келмади. Анора қўшни тумандаги маҳалладан эканини айтгандек бўлувди. Айтган жойига бордик. Кирмаган эшигимиз қолмади. Қидирдик, елиб-югурдик – бари бефойда. Ҳеч қаердан қизимнинг ҳам, Аноранинг ҳам дараги чиқмади. Топганимиз – кийимлари орасига яшириб қўйилган, нусха кўчирилавериб хира тортиб кетган қандайдир китобчалар, рисолалар бўлди. Ҳаммасининг мазмуни ўхшаш: дин йўлида қурбон бўлиш, шаҳидлик "бахти"... Кўнглимиздан, бошимиздан ўтганларни Аллоҳ кўрди, ўзимиз билдик.

Икки йил деганда олис юртдан қўнғироқ бўлди. Қизим на ҳужжати, на пули борлиги боис уйга қайтолмаётганини йиғлаб-сиқтаб гапириб берди. Дадаси ўша куниёқ сафарга отланди. Не азобларда фарзандимизни Ватанга келтирдик.

Қизим "дугона"сининг даъвати билан гўёки динга хизмат қилиш учун уйни тарк этган экан. Аноранинг акалари уни ноқонуний равишда мамлакатдан олиб чиқиб кетиб, араб давлатларидан бирида жангари гуруҳга қўшиб қўйишган. У ердагилар қўлига Қуръон эмас, қурол тутқазиб, бундан буён ҳаётини курашга бағишлаши, "дин йўлида" ўзини қурбон қилиши лозимлигини уқтиришган. Қисқаси, "шаҳидлик"ка, муқаррар ўлимга тайёрлай бошлаганлар. Унинг омон қолишига сабаб... Гуруҳ "раҳнамо"ларидан бири қизимни никоҳига олган экан.

ОГОҲ БЎЛИНГ

Бузуқ киши билан юрма, чунки у сенга ҳам бузуқликни ўргатади.

Оғироёқ экани аён бўлганда, маълум муддат жанговар ҳаракатларга жалб қилмай турган. Қизим енгиллагач, пайтини пойлаб жангарилар қароргоҳидан қочган, чақалоғи ҳам кўзига кўринмаган. Анча саргардон юриб, кўчада ҳушидан кетган. Маҳаллий шифохонада ўзига келган. Ўша ердан қўнғироқ қилган...

Дадаси буларни кўтаролмай, ётиб қолди. Қизимнинг боши хам, дарди ичида. Кўрган-кечирганларини унутай дейди-ю, иложи йўқ. Буёқда бизга қараб куяди – узоқ вақт мавҳумликда, хавотирда яшадик, яна қанча гап-сўзларга қолиб кетдик. Мусофир ўлкаларда қолиб кетган гўдагини ўйлаб, баттар ўзини ейди. Энди юрагининг парчаси кимларнинг қўлида, қандай инсон бўлиб вояга етиши ёлғиз Яратганга маълум...

Илмсиз одам куролмаган, курганда ҳам унинг бирор томонини кўриб, шу ҳақда мулоҳаза юритган жойда билимли одам унинг барча қирраларини кура олади.

4.4. Ижтимоий тармоқлардаги иллатларнинг олдини олиш йўллари

Дарснинг мақсади:

Ижтимоий тармоқлардаги беҳуда мулоқотлар натижасида шарқона урф-одатларимиз, оила муқаддаслиги, одоб-ахлоқ каби қадриятлар емирилаётгани, глобал тармоқнинг мисли кўрилмаган замонавий хатарлари ва ижтимоий тармоқлар сабабидан юзага келаётган салбий оқибатлар, уларнинг олдини олиш йўллари борасида сўз боради.

Интернетга муккасидан кетиш ёшларда бир қанча маънавий иллатларни урчитмоқда. Минг афсус, ҳозир ёшлар орасида лоқайдлик оғир бир дард, худди тузалмас бир хасталикдай илдиз отиб бораётганга ўхшайди. Ҳатто: "Қушнининг уйи ёниб кетса, менга нима, меники омон қолди-ку", – дейдиганлар ҳам учраб туради.

Лоқайдлик тобора кучайиб, секин-аста ижтимоий аҳамият касб этиши ҳам мумкин. Кеча боласининг ахлоқсизлигига индамаган ота бугун жамият аъзоларининг жиноятларига ҳам кўз юмиши, ўғлининг одоб-ахлоқи ҳақида қайғурмаган оила бошлиғи бугун айрим юртдошларининг адашган оқимлар, миссионерлар тузоғига осонгина илинаётганига бепарво бўлиши мумкин.

Юртимизга ғарб ўлкаларидан шиддат билан кириб келаётган, ёшлар ахлоқига заҳарли ханжар бўлиб урилаётган фаҳш ва бузуқликларни тарғиб қилувчи

Ҳийла-найранг ва алдамчилик(нинг жойи) дўзахдадир.

ОГОҲ БЎЛИНГ!

фильмларнинг фарзандлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётганига ҳам кўпинча бепарвомиз. Гўё бу нарсалар бизга тааллуқли эмасдек, лоқайдликка бериламиз. Аслида эса шу каби оддий лоқайдлик катта жиноятларга, кулфатларга йўл очиб беришини унутиб қўямиз.

Қаерда бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг зарур масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, оқибати ҳалокат деяверинг. Лоқайд одамлардан ҳеч қачон яхшилик чиқмайди. Чунки уларда на сидқ ва на ирода бўлади. Улар ҳатто ўз халқи, Ватани тақдирига ҳам бамисоли бегонадек қарайди. Набий (алайҳиссалом): ***"Мўмин зийрак, эҳтиёткор ва оқил бўлади",*** – деб таъкидлаганлар.

Биз қуйида ижтимоий тармоқлар чиқараётган асосий маънавий иллатларга тўхталиб ўтамиз.

Лоқайдлик – жамият ишига бепарво ва совуққонлик билан ёндашишни ифодаловчи маънавий иллат. "Темур тузуклари"даги: *"Тажрибамда кўрилганким, азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир",* – деган сўзлар бугунги кунда ҳам маънавий жиҳатдан нақадар долзарб аҳамиятга эга.

Барчамизга аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча – қаерда ҳушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақл-идрок ва

БИЛИБ ОЛИНГ!

Шахсий манфаат йўлида ўзини ўзи алдаш қалбакилик; ўзгалар манфаати учун алдаш сохталик; зиён етказиш учун алдаш бўҳтон, бу ёлғоннинг энг ёмон заҳридир. (Донолар бисотидан)

тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади. Шу маънода, инсоннинг маънавияти юксалиши билан унинг иродаси ҳам кучайиб боради десак, янглишмаган бўламиз. Ирода бу аслида мустаҳкам ишонч демакдир. Иродаси бақувват одам ўзига ишонади ва ҳар қандай мураккаб вазифани ҳам зиммасига олишдан қўрқмайди. Шунинг учун ҳам юксак иродали инсонга суяниш мумкин. Бундай кишилар бошингизга бирор-бир ташвиш ёки муаммо тушгудек бўлса, лоқайд қараб туролмайди. Ҳеч иккиланмасдан, ёнингизда туриб, қўлидан келганча ёрдам беришга, қийинчиликларни сиз билан биргаликда енгишга ҳаракат қилади.

Азалдан маълумки, бепарво одам душмандан ҳам хавфлироқдир. Чунки душманнинг кимлиги, асл қиёфаси сиз учун олдиндан маълум бўлади. Бироқ лоқайд ва бепарво одамнинг қиёфасини бирданига билиб бўлмайди. Шунинг учун у ичингизда юриб, сизга қарши тиш қайрайдиган душманлар учун имконият яратиб беради. Лоқайдликка қарши кураш, замон даъватларига ҳозиржавоб ва давр билан ҳамнафас, маънан баркамол кишиларни тарбиялаш бу соҳадаги долзарб вазифадир.

Танбаллик – ишёқмаслик, дангасалик каби маънавий иллатларни ифодаловчи тушунча. Танбаллик инсонлардаги салбий хусусият ҳисобланади. Танбал киши ёлчитиб меҳнат қилмаса-да, яхши яшашни хоҳлайди, бировларнинг меҳнати эвазига кун кечиришдан асло уялмайди. Танбаллик тушунчаси маълум маънода

ОГОҲ БЎЛИНГ!

Мўминнинг ҳақини ейиш унинг қонини тўкиш билан баробардир. *(Ҳадиси шариф)*

сурбетликка ўхшаб кетади. Танбаллик турли ёшдаги ҳар бир инсонга нисбатан қўлланиши мумкин. Чунки айрим инсонлар борки, бутун ҳаёти давомида "тирик товон", яъни ўлик-тиригини ҳам бошқа кишининг зиммасига юклаб қўяди. Ҳолбуки, бу инсон "тўрт мучаси соғ", жисмонан бақувват, ҳатто "ақлли" ҳам. Айёрлик, меҳнат қилмай кун кўриш каби салбий хусусиятларга эга бўлади. Танбаллик "меҳнатсеварлик", "ишчанлик" каби сўзлар билан қарама-қарши маънода келади. Меҳнатсевар кишилар ҳалоллик, пешона тери эвазига кун кўради. Танбаллар эса бунинг акси ҳисобланади, танбаллар бора-бора одамлар нафратига учрайди.

Бепарволик – кишидаги ўзгалар ҳаётига, атроф-воқеликка эътиборсизлик, лоқайдликни англатувчи тушунча. Айниқса, давлат ва жамият ҳаётида жиддий ўзгаришлар содир бўлаётган, Ватан равнақи йўлида кишидан юксак фаоллик, масъулият талаб қилинган шароитдаги бефарқлик нафақат иллат, балки жиноят. Бугунги кунда ҳам Ўзбекистон келажагини ғайратшижоатли, иродаси бақувват, имон-эътиқоди бут, Ватан тақдирига бефарқ бўлмаган инсонларсиз тасаввур этиб бўлмайди. "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида: *"Бировнинг ҳаётига, ён-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бетараф ва бепарво қараб, шунчаки кузатувчи бўлиб яшайдиган одамдан қўрқиш керак. Улардан ҳеч қачон яхшилик чиқмайди. Чунки уларда на имон ва на ирода бўлади. Улар ҳатто ўз халқи ва Ватани тақдирига ҳам бамисоли бегона*

БИЛИБ ОЛИНГ!

Дўстлар фикридин ва душманлар макридин бепарволиг жоиз эрмас ва бу иш надоматдин ўзга натижа бермас. (Алишер Навоий)

одамдек қарайди. Азалдан маълумки, бепарво одам душмандан ҳам хавфлироқдир. Чунки душманнинг кимлиги, асл қиёфаси сиз учун олдиндан маълум бўлади. Бироқ лоқайд ва бепарво одамнинг қиёфасини бирданига билиб бўлмайди. Шунинг учун у ичингизда юриб, сизга қарши тиш қайрайдиган душманлар учун имконият яратиб беради. Машҳур файласуфлардан бири ана шу ҳаётий ҳақиқатни чуқур таҳлил этиб, қуйидаги ҳаққоний фикрларни баён қилган: Душманлардан қўрқма – нари борса, улар сени ўлдириши мумкин. Дўстлардан қўрқма – нари борса, улар сенга хиёнат қилиши мумкин. Бефарқ одамлардан қўрқ – улар сени ўлдирмайди ҳам, сотмайди ҳам, фақат уларнинг жим ва бепарво қараб туриши туфайли ер юзида хиёнат ва қотилликлар содир бўлаверади”, – деб таъриф берилган.

Демак, бепарволик – иродаси заиф, қатъиятсиз одамларга хос бўлиб, инсонни маънавиятдан, умуман, инсонлик мартабасидан маҳрум этадиган иллатдир.

Булардан ташқари, ижтимоий тармоқ орқали тарқатилаётган хабарларнинг барчаси ҳам тўғри эмас. Балки, мазкур маълумотларнинг аксарияти ёлғон десак, муболаға бўлмайди. Минг афсуски, кўп кишилар бу маълумотларга ишониб, уларни одамлар орасида тарқатиб юрадилар ва ўзлари билмаган ҳолда ёлғончи бўлиб қоладилар. Ҳа, бу ҳам ёлғоннинг бир кўриниши. Зеро, Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан ривоят қилган ушбу ҳадисда шундай дедилар: ***“Кишининг барча эшитганларини гапиравериши унинг ёлғончилигига етарли далилдир”*** *(Имом Муслим).*

Сизга узатилган ҳамма қўлни тутаверманг, чунки инсон ниқобидаги неча шайтонлар бордир. (Жалолиддин Румий)

Яна Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан ривоят қилган бошқа бир ҳадисда у зот: ***"Кишининг барча эшитганларини гапираверииши унинг ёлғончилигига етарли далилдир"***, – деганлар *(Имом Муслим)*. Мазкур ҳадисдан эса ўзи ҳали аниқ текшириб, ўрганмаган ижтимоий тармоқ орқали келган маълумотларни тарқатиш ва "ўзгалар билан баҳам кўриш" гуноҳ эканлиги тушунилади.

Ижтимоий тармоқларнинг салбий таъсиридан бутун миллат, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳимоя қилиш ҳар бир онгли инсоннинг муқаддас бурчи эканини таъкидлаш лозим.

Ёшлар ўртасида интернет тармоғидан фойдаланишнинг суиистеъмол қилиниши оқибатида турли кўнгилсизликлар, оиласига хиёнат, фаҳш суратлар ва киноларни томоша қилиш, юздан ҳаё пардасининг кўтарилиши каби нохуш ҳолатлар кўпайгани кузатилмоқда. Булар ҳаммаси оилалар тинчлигига рахна солмай қолмайди. Агар бу камчилик вақтида ислоҳ қилинмас экан, оилавий ажралишлар сони янада кўпайиш хавфи каттадир.

Ҳозир баъзи ижтимоий тармоқларда турли ўйинлар ва пул топиш воситалари ташкил этилиб, мўмай даромадни оз муддатда қийинчиликсиз қўлга киритиш имкони борлиги ваъда қилинмоқда. Қолаверса, турли сайтлар, ижтимоий тармоқлар ва электрон почта хизмати орқали "фалон ишни қилсанг, фалон миқдорда пулга эга бўласан", деган маънода пуч ваъдалар берилмоқда.

Бузуқ ниятли ва ёмон ахлоқли кишилар ўртага кириб олиши билан иш тўғри бўлмайди. (Абу Райҳон Беруний)

Бундай аврашларга учганлар, биринчидан, енгил-елпи ҳаётга мойил бўлиб қолади, иккинчидан, улар алдов қурбони бўлиб, ҳатто бор-будидан ҳам айрилиб, ота-онасини ҳам қийин аҳволга солиб қўйишлари мумкин.

Ижтимоий тармоқларда тарқатилаётган маълумотлар кичик бир оиладан тортиб, мамлакатни ҳам саросимага солиб қўйиши ҳеч гап эмас.

Соф эътиқод соҳиби бўлган мусулмон киши хабарнинг тўғри ёки ёлғон эканини ажрата олиши ҳамда миллий қадриятларга эътиборсиз ва шу билан бирга шарм-ҳаё, ор-номусни унутган кишилардан узоқ бўлиши лозим.

Ислом дини таълимоти бандага амалларининг хоҳ диний, хоҳ дунёвий амал бўлсин меъёрини, тарозисини тақдим қилган. Аниқроқ қилиб айтсак, Аллоҳ таоло бандага бажарадиган ибодатлари тартиб-интизомини ва меъёрини белгилаб берган.

Инсон теварак-атрофда бўлаётган барча воқеа-ҳодисаларга, тўғри ёндашуви, хусусан, интернет тармоқларидаги ҳар қандай маълумотни тўғри деб қабул қилавериш хатарли эканини яхши билмоғи керак. Зеро, уларнинг ҳаммаси ҳам инсон ҳаётига фойда бера-вермайди.

Интернет тармоғига боғланиб турадиган киши бу борада ҳам ўзига яраша одоблар, ахлоқий кўрсатмалар борлигини ёддан чиқармаслиги керак. Чунки бу одобларни билмаса, интернетдан фойдаланиш мақсадида боғланиб, ўзига зарар келтириб қўйиши мумкин.

Зийраклар суҳбати этар бахтиёр,
Нодон нафида ҳам доим зарар бор.
(Носир Хусрав)

Ҳар қандай хабарни эшитиб ёки кўриб, у ҳақда одамлар орасида сўзлаб юрувчиларни Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ёлғончи кишилар қаторига қўшганлар.

Ёлғон гувоҳлик бериш ёлғоннинг энг хатарли турларидандир. Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу) шундай деган: ***"Ёлғон гувоҳлик бериш Аллоҳга уч маротаба ширк келтиришга тенглаштирилган"*** *(Табароний).*

Демак, оят ва ҳадислардан ёлғон гапириш, уларни ўзгаларга ҳам ижтимоий тармоқ орқали жўнатиш ёки уларни тармоқлар орқали ўқиб, одамларга гапириб юриш катта гуноҳ эканлиги англашилади. Ақлли, зийрак, дини ва Ватани олдида садоқатли инсон бу каби гуноҳ ишларни қилмайди ва бундай ишларни қилиб юрганларга ҳам лоқайд бўлмайди.

Инсон у ёки бу ахборотни эшитар экан, адашмаслиги учун ҳеч бўлмаганда: "Бу ахборотни ким узатяпти?", "Қандай мақсадда узатяпти?" деган саволларни, аввало, ўзига бериши, уларга асосли жавоб топишга ҳаракат қилиши керак.

БИЛИБ ОЛИНГ

Бўлма инъоми бирла хомтамаъ,
Дўстим деганига алданма.
(Мирий)

Ижтимоий тармоқлар ёшларни ўз домига тортиб, қимматли вақтини беҳуда ўтказишга сабаб бўлмоқда. Шунингдек, улар ёш авлодни виртуал оламдаги маънавий тубанликларга етакламоқда. Бу каби иллатлардан ёшларни огоҳ бўлишга чақирамиз.

Ижтимоий тармоқлар ёшларнинг бутун фикру зикрини зарарли иллатлари билан заҳарлаб, онгини қуршаб олмоқда. Оқибатда, виртуал оламдаги бузғунчиликлар реал ҳаётга кўчиб, нохуш ҳолатлар юзага келмоқда.

Дўстим, сен кўп вақтингни ижтимоий тармоқларда ўтказар экансан-а?
Ҳа, ҳаёт интернет билан завқли ва қизиқарлидир.
Сен шундай деб ўйлайсанми?
Албатта, “odnoklassniki” ва “facebook” билан вақтим чоғ ўтмоқда.
Ундан кўра, дўстлар билан учрашиб, суҳбатлашганинг ёки фойдали иш билан шуғулланганинг яхши эмасми?
Йўқ, ҳозир барча ишларимни витуал оламда бажармоқдаман, реал ҳаёт менга қизиқ эмас.
Ҳаа, интернетдаги кибер "дўстларинг" сирли ёзишмаларингни ошкор қилишгани сабабини энди тушундим, уятга қолдинг!
Йўғ-е-е ..., шунақами, ҳаммасини-я?!

Ўтилган мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Ижтимоий тармоқ деганда нимани тушунасиз?
2. "Twitter" ва "Facebook" каби ижтимоий тармоқлар сиз учун қандай аҳамиятга эга?
3. Ёлғон хабар тарқатувчилар тўғрисида ислом динида нима дейилган?
4. Бугунги кунда ижтимоий тармоқлар хавфи қай даражада?
5. Ижтимоий тармоқларнинг ёшлар ҳаётига қандай зарарлари бор?
6. Ижтимоий тармоқлар хатарлари олдини олиш учун нималарга эътибор қаратиш лозим?

Мустақил иш мавзулари

1. Ижтимоий тармоқларнинг фойда ва зарарлари.
2. Глобал тармоқдаги хатарларнинг замонавий кўринишлари.
3. Ижтимоий тармоқлар салбий таъсирининг олдини олиш йўллари.

Фойдаланиш учун тавсия этиладиган манба ва адабиётлар

Ислом Каримов. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999.

Ислом Каримов. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2000.

Ислом Каримов. “Ватан равнақи учун ҳаммамиз масъулмиз”. – Т.: “Ўзбекистон”, 2001.

Ислом Каримов. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. – Т.: "Ўзбекистон", 2002.

Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Ўзбекистон”, 2008.

Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва изоҳлар муаллифи Шайх Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2014.

Усмонхон Алимов. Оилада фарзанд тарбияси. – Т.: "Movarounnahr", 2014.

Айдарбек Тулепов. “Ислом ва ақидапараст оқимлар”. – Т.: "Sharq" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2013.

Айдарбек Тулепов. Интернетга ин қурган “ўргимчаклар”. – Т.: "Movarounnahr", 2014.

Айдарбек Тулепов. ИШИД фитнаси. – Т.: "Movarounnahr", 2015.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. “Саҳиҳи Бухорий”. – Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2008.

"Ўзбекистон миллий энциклопедияси". – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2002. 12 жилдли. 3-жилд.

Шайх Абдулазиз Мансур. Ақоид матнлари. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2006.

Очилдиев А., Нажмиддинов Ж. Миссионерлик: моҳият, мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009.

Нажмиддинов Ж. Миссионерлик кеча ва бугун. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008.

Пардаев А. Эътиқод дурдоналари. — Т., 2013.

Абу Шакур Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Солимий Кеший. Ат-Тамҳид фи баёнит тавҳид // Нашрга тайёрловчи Примов С. – Т.: "Movarounnahr", 2014.

"Ислом энциклопедияси". – Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2004.

Ал-Бағдодий. А. Ал-Фарқ байн-ал-фирақ. – Байрут: Дорул-маърифа, 1986.

Аш-Шаҳристоний. А. Ал-милал ван-ниҳал. – Қоҳира, 1961. 2-жилд.

Оқилов С. Мотуридия таълимотида "имон" масаласи: "мўмин" тушунчасининг талқини // Фан ва инновация фаолиятини ривожлантиришда ёшларнинг роли. – Т., 2010.

Сагдиев Ҳ. Аҳли Сунна вал-Жамоа эътиқодида "жиҳод" тушунчасининг талқини (экстремистик оқимларга раддия). "Имом ал-Бухорий сабоқлари". 1/2013. – 54–56-бетлари.

Тўйчибоев А. Исломга ёт жамоа. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010.

Уватов У. Халқаро терроризм: тарихи ва замонавий муаммолари. – Т.: "Академия", 2002.

Шермуҳаммедов К. Жаҳолат тўри. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010.

Сафарова Н.О. Терроризм (тарихий-фалсафий таҳлил) – Тошкент: "NOSHIR", 2009.

Ғойибназаров Ш. Халқаро терроризм: илдизи, омиллари ва манбаи. – Тошкент: "Ўзбекистон", 2009.

А. Ҳасанов ва бошқалар. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари: Ўқув қўлланма. / — Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2013.

Алиев Ж. Зулмат гирдоби. — Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009.

Мелиқўзиев Ж. Ҳалокат тузоғи. — Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010.

Юлдашходжаев Ҳ., Каримов А., Саидаҳмедов А., Аҳмад М. Ислом маърифати: аслият ва талқин. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011.

Йўлдошхўжаев Х. Тариқатчиликнинг замонавий кўринишлари. — Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010.

Айдарбек Тулепов. Ўргимчак тўридаги тузоқлар, “Ислом нури” газетаси, 2014 йил, 13-сон, 6–9 саҳифалар.

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг muslim.uz портали ва тизимдаги интернет сайтлари.

ziyonet.uz интернет сайти.

fikr.uz интернет сайти.

5-БОБ. К

5.1. Кибертеррор

5.2. Виртуал жин
йўллари.

5.3. Кибертеррор

5.4. Глобал тармо

К
хатарл
асосида
олиш й
олиб б
ҳақида

Таянч су

Виртуал, хакер, к
UZCERT, хакерлар ҳуж
Барри Коллин, Валдир

5.1. Кибертеррорчилик тўғрисида тушунча

Дарснинг мақсади:

Кибертеррорчиликнинг келиб чиқиши, хавф солаётган хатарлари ва унинг зарарлари статистик маълумотлар асосида баён этилади.

Кибертеррорчилик – махсус хакерлик дастурлари орқали компьютер бошқаруви тармоқларини эгаллаб олиш, вируслар ёрдамида компьютер тармоғини ишдан чиқариш каби хунрезликларни амалга оширади. Бугунги кунда айнан ушбу тушунча ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги кўп турдаги жиноятларни ўзида бирлаштирган. Вирус ва бошқа зарарли дастурлар, қонунга зид ахборотлар тайёрлаш ва тарқатиш, электрон хатларни оммавий тарқатиш (спам), хакерлик ҳужуми, веб-сайтларга ноқонуний кириш, фирибгарлик, муаллифлик ҳуқуқини бузиш, кредит карточкалари рақами ва банк реквизитларини ўғирлаш (фишинг ва фарминг) ҳамда бошқа турли виртуал жиноятлар шулар жумласидандир. Ушбу ҳолатларда жиноятчилар ўзларини қизиқтирган "объектлар"га моддий ва маънавий зарар етказишни ўз олдига мақсад қилиб қўймоқда. Бундай кимсалар доираси эса йилдан-йилга кенгайиб бораётганини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Кейинги пайтларда интернет тизими имкониятларини ишга солиб, ўта ишонувчан ва содда одамларни лақил-

Интернетдаги илк жиноят 1983 йили содир этилган. Ўша пайтда глобал тармоқ "Arpanet" деб аталар эди.

латаётган, уларни алдаб, маблағларини осонлик билан ўзлаштираётган фирибгарлар ҳам кўпайиб қолди.

Виртуал жиноятчилар ўзларининг бундай хатти-ҳаракати билан 110 миллиард доллардан зиёд молиявий зарар етказмоқда. Бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун йилига 270 миллиард доллардан ортиқ маблағ сарфланмоқда. Тадқиқотчилар қиёс учун қуйидаги далилни қайд этади: дунёда энг кўп қинғир даромад келтирадиган ноқонуний бизнес – наркотик моддалар савдосининг йиллик ҳажми 288 миллиард долларни ташкил қилади ва бу рақам кибержиноятчилик келтираётган зарардан камдир.

Бу эса кибержиноятчилик нафақат фуқаролар ёки ташкилотлар, балки иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини тўлиқ компьютерлаштирган ҳар қандай давлатнинг миллий хавфсизлигига бевосита таҳдиддир. Шу боис кибержиноятчилик бутун дунёда одатдаги жиноятларга тенглаштирилган ва уларни содир этган шахслар қонун бўйича таъқиб қилинади.

Бугунги кунга келиб, интернет орқали инсонларга моддий ва молиявий зарар етказаётган қаллоб кимсалар "кибертеррорчилар" деб номланмоқда. Дастлаб, бу атамани 1980 йилда АҚШнинг хавфсизлик ва қидирув институти катта илмий ходими Барри Коллин қўллаган эди. Илмий ходим бу атамани киритишига сабаб сифатида дунё тараққий этган сари террорчилик виртуал оламга ҳам кириб борганини таъкидлаган. Кибертеррорчилик

Интернет орқали шахсий суратларни нотаниш шахсларга юборманг! Бу интернет қаллоблари учун қўрқитиш (шантаж) йўли билан ўз манфур мақсадларига эришишларига яхшигина кўмакчи бўлишини унутманг.

инсонларнинг мулкларига, ҳаётларига ва соғлиқларига таҳдид қилиш баробарида давлат инфратузилмаларининг фаолияти бузилишига ҳам олиб келади.

Кибертеррорчилар ахборот технологияларидан фойдаланиб сиёсий, диний ва идеологик мақсадни амалга ошириш учун маълумот узатиладиган объектларни йўқ қилиш билан ҳам инсонларни хавотирга солмоқда. Булар орасида хакерлар асосий ўринни эгаллайди. Кўп хакерларнинг асосий мақсади бошқа бировнинг пулларини, бойликларини тубан қобилиятидан фойдаланган ҳолда ўзлаштириб олиш.

Бугунги кунда интернетдан фойдаланаётган хакерлар дунёнинг кўплаб мамлакатларида ҳукумат идоралари, халқаро ташкилотларнинг маълумот захираларига тинимсиз ҳужумлар уюштираётгани ҳақида хабарлар кўпаймоқда.

Хусусан, вирусларга қарши дастурлар ишлаб чиқарувчи McAfee компанияси маълумотларига кўра, ҳар куни компьютер ва тармоқлар учун зарарли бўлган ана шундай 60 минг вирус ишлаб чиқарилади. Бу рақам аслида бундан ҳам кўп бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас.

Кишилар интернетдан маълумотлар олади, ёзади, яна кимдир дўсти билан қўнғироқлашади, кимлардир турли медиа маҳсулотлардан фойдаланади ва яна кимдир турли тўловларни амалга оширади. Мисол тариқасида интернет дўконни кўрадиган бўлсак, кишилар уйидан чиқмасдан туриб, ўзлари учун керакли бўлган маҳсулотларни



Америкадаги "Symantec" компаниясининг ахборот хавфсизлиги тўғрисидаги "Norton Report" ҳисоботига кўра, ҳар йили дунё бўйича 400 миллиондан ортиқ интернет фойдаланувчиси кибержиноятчилар қурбонига айланмоқда.

махсус сайтлар орқали рўйхатдан ўтиб, сотиб оладилар. Қарабсизки, етказиб берувчилар жуда тез фурсатда бу ишни амалга оширади, бундай қулайлик кимга ёқмайди дейсиз?

Масаланинг иккинчи томони бор, ишончли бўлиб кўринаётган айрим хорижий сайтларни юритувчиларнинг мақсади нима эканини билмаймиз. Кейин кўпгина интернет дўкон-сайтлар олдиндан тўловни амалга оширишни таклиф қилишади. Кўрмаган ва билмаган одамга пул бериб юбориш жуда катта хатодир.

Ижтимоий тармоқ сайтларидан фойдаланувчилар орасида бундай қаллобларнинг найрангларига учраган кўп инсонларнинг надоматларига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Бу дегани ҳеч кимга ишонманг дегани эмас, балки "Ўзингга эҳтиёт бўл, қўшнингни ўғри тутма" қабилида иш юритиб, интернет дўконнинг сайтларда берилган телефон рақамлари, юридик манзиллари, сайтдан фойдаланувчи бошқа харидорларнинг фикрларини тўлиқ ўрганиб, кейин буюртма берилса, айни муддао бўлади.

Зеро, сўнгги вақтларда оммавий ахборот воситаларида ҳам интернет, хусусан, ижтимоий тармоқлар орқали товламачилик қилган, бировларнинг шахсий маълумотларини оммага тарқатган, туҳмат уюштирган, ёлғон ва ваҳимага сабаб бўлганлар ҳақидаги хабарлар, ушбу жиноий ишларга оид янгиликлар тез-тез қулоққа чалиниб тургани бизни янада огоҳ бўлишга ундайди.

ОГОҲ БЎЛИНГ!

Интернетдан фойдаланувчиларнинг шахсий маълумотларини турли ижтимоий тармоқлар, блогларга, электрон почталарга киритишлари, ёвуз ниятли кишиларга айни муддао бўлиб хизмат қилади.

5.2. Виртуал жиноятчиликка қарши кураш йўллари

Дарснинг мақсади:

Кибержиноятчиликнинг олдини олиш йўллари ҳамда виртуал ҳамкорлар билан музокаралар олиб боришда нималарга эътибор берилиши кераклиги ҳақида сўз юритилади.

Ўзбекистон ҳам халқаро ахборот-коммуникация жараёнларида фаол иштирок этмоқда. Президентимиз раҳнамолигида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш устувор йўналишлардан бири этиб белгиланган. Бу борада қабул қилинган қатор қонунлар, давлатимиз раҳбари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ, ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси янада такомиллаштирилмоқда, ушбу бозор субъектлари ўртасидаги муносабатлар тартибга солиняпти.

Кибержиноятчиликдан ҳимоя қилиш мақсадида шундай меъёрий-ҳуқуқий базани шакллантиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Ахборот маконида интернетнинг ўрни ортиб бораётгани эътиборга олинган ҳолда инсон ва жамият ҳуқуқ-эркинликларини зўравонлик ва шафқатсизлик, уларга ёлғон, ишончсиз ахборотни мажбуран қабул қилдириш, ёш авлоднинг дунёқарашини салбий таъсирлардан ҳимоя қилиш зарурати пайдо бўлмоқда.

БИЛИБ ОЛИНГ!

Бойликни топишибди-ю ақл-идрокни йўқотишибди. Ажабо, топган нарсалари билан йўқотган нарсаларининг баҳоси бир хилмиди? (Абу Али ибн Сино)

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, *"Бугунги кунда дунёда кибержиноятчилик, коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда салбий информацион таъсир ўтказиш каби халқаро хавфсизликка нисбатан илгари учрамаган хавф-хатарларнинг авж олаётганига етарли баҳо бермасдан, уларнинг олдини олмасдан, бепарво бўлиб яшаш мутлақо мумкин эмас".*

Бутун дунё компьютер қаллобларига қарши курашиш учун йилига бир неча юз миллиард доллардан ошиқ маблағ сарф қилади. Ўғриликларнинг деярли 95 фоизи компьютер дастурлари орқали амалга оширилади, яъни виртуал ўғрилар турли трафик тўловлар, интернет-дўконлар ҳамда аукционлар учун махсус тўлов тизимидаги кодлар ва паролларни ўзлаштириб, ўзларининг жиноий мақсадларига эришади.

Кибержиноятчилар, одатда, миллий чегараларни четлаб ўтган ҳолда жаҳон тармоғига уланган ҳар қандай компьютерга ҳужум қилади. Ёки гўё бошқа манбалардан ёхуд бундай хатти-ҳаракатлар жиноят ҳисобланмайдиган мамлакатдан туриб, шундай ҳужумни амалга оширади. Бу эса, ўз навбатида, қатор ҳуқуқий зиддиятларни келтириб чиқармоқда.

Бундай жиноят тури глобаллашиб бораётгани эътиборга олинадиган бўлса, бугун ҳеч қайси мамлакат ушбу хавфга нисбатан мустақил равишда бир ўзи қаршилик кўрсата олмайди. Бундай шароитда кибержиноятчиликка қарши биргаликда курашиш ва ўзаро ҳамкорликнинг

Пулнинг қаердан ва қандай келаётганини билмоқчи бўлсанг, қаерга сарф қилинаётганига қарагин. (Имоми Аъзам)

халқаро ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш ягона йўлдир.

Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида халқаро хавфсизлик тизимига Марказий Осиёда биринчи бўлиб қўшилгани диққатга сазовордир. Шунингдек, "Uzinfocom" компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази ҳузурида "UZCERT" компьютер ҳодисаларига чора кўриш хизмати ташкил этилгани муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Истиқлол йилларида соҳани юқори малакали кадрлар билан таъминлаш масаласи ҳам муваффақиятли ҳал этилмоқда. Бугун Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг ҳудудий филиалларида шундай мутахассислар тайёрланяпти. Мазкур ўқув муассасаси телекоммуникация ва ахборот тизимлари соҳасидаги Марказий Осиёдаги йирик олий ўқув юртидир.

Шу тариқа кибержиноятчиликка қарши кураш бўйича Ўзбекистонда мунтазам такомиллашиб бораётган тизим яратилди. Мамлакатимиз ушбу йўналишда халқаро ҳамкорликни самарали йўлга қўйган. Ахборот ва компьютер таҳдидлари йўлига ишончли тўсиқ қўйиш учун эса барча зарур восита ва тажрибали кадрлар етарли. Шундай бўлса-да, интернетдан фойдаланишда ҳамма, айниқса, ёшлар жуда огоҳ ва эҳтиёт бўлиши даркор.

БИЛИБ ОЛИНГ!

Мол-дунё ҳасрати қилмасин абгор,
Мангу яшар киши қани, қайда бор?!
(Умар Хайём)

5.3. Кибертеррорчилар келтирган зарарлар

Дарснинг мақсади:

Кибертеррорчиликнинг зарарли оқибатлари, виртуал олам қаллобларининг қилаётган фириблари ҳақида сўз юритилади. Уларнинг бу борада қилаётган жирканч ишлари тўғрисида маълумот берилади. Ҳозирги пайтда кибертеррорчиларнинг қилаётган ишлари, улар ёшларни, ҳатто ёши катталарни ҳам ўз тўрларига илинтираётгани тўғрисида маълумотлар берилади.

Интернет йўли билан содир этилаётган жиноятлар сони ва улар келтирадиган зарар миқдори йилдан-йилга ортиб бормоқда. Мутахассислар таъкидлашича, 90-йиллар охирида кибержиноятлардан йилига 10 миллион долларга яқин зарар кўрилган бўлса, 2010 йилга келиб, бу рақам 500 миллион долларни ташкил этди. Қуйида интернет орқали содир этилган энг катта жиноятларнинг қисқача баёни билан танишасиз.

Интернетдаги илк жиноят 1983 йили содир этилган. Ўша пайтда глобал тармоқ "Arpanet" деб аталар эди.

2014 йилнинг ёзида Европа Марказий банкининг интернетдаги расмий сайтига хакерлар гуруҳи томонидан ҳужум уюштирилди. Натижада кибержиноятчилар молия муассасасининг 20 мингга яқин мижозига тегишли маълумотларни қўлга киритишган. Кейин эса улар банкка катта миқдордаги маблағ эвазига ҳужжатларни қайтариб беришлари ҳақида хат юборишган.

Бойликнинг яхшиси ҳалолдан топилгани ва савобли ишлар учун сарф этилганидир. Бойликнинг ёмони ҳаромдан топилгани ва ҳаром ишлар учун сарф этилганидир. (Муҳаммад Зеҳний)

ОГОҲ БЎЛИНГ!

2010 йилнинг ёзида Буюк Британияда 12 кишидан иборат жиноятчилар гуруҳи қўлга олинди. Бу шоввозлар банкларнинг дебет ва кредит карталаридан ўмарган пулларини интернет ёрдамида "қонунийлаштириш" билан шуғулланишган. Бунинг учун фирма ташкил қилиб, мусиқий композицияларни "Amazon" интернет-дўконига ва "iTunes" медиаплеерига жойлаштирган. Кейин худди шу композицияларни ўзлари "сотиб олишган". Шу йўл билан улар 2008 йилдан 2010 йилгача 300 минг доллар маблағни ноқонуний ўзлаштиришга улгурган.

2009 йилнинг кузида Германия банкларининг юзлаб мижозлари жуда нохуш бир ҳолатга дуч келишди. Улар ўз ҳисобрақамларини текшириб, ҳеч вақо қолмаганидан ҳайратга тушишди. Бунга URLzone номини олган вирус сабабчи эди. Бу вирус уч ҳафта давомида онлайн банк хизматидан фойдаланувчи мижозларнинг депозитларини «қуритган». Мижозлар банк веб-сайтини очишганида вирус уларнинг компьютерларига ўтиб олган. Шундан кейин вирус мижознинг пулларини ўмарган. Вирус тарқатувчилар 100 мингга яқин компьютерга кириб, жами 300 минг еврони ўзлаштирган.

Интернет воситасида энг йирик ўғирликлардан бирини 2007 йилнинг январида хакерлар амалга оширишган. Улар Скандинавиянинг "Nordea" банклар гуруҳи мижозларининг пулларини ўзлаштиришган. Бунинг учун аввал оддий фишинг-ҳужум уюштиришган, яъни банк номидан мижозларнинг электрон почталарига

БИЛИБ ОЛИНГ!

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан ривоят қилади: ***"Мўмин (банда) бир чуқурга икки марта йиқилмайди"*** *(Имом Бухорий).*

хат жўнатиб, турли интернет-ҳужумлардан асровчи дастурни таклиф қилишган. 250 нафар мижоз дастурни ўз компьютерларига ўрнатишга рози бўлган ва шу йўл билан ўзлари билмаган ҳолда ҳисоб рақамлари, логинлари ва паролларини жиноятчилар ўзлаштиришига имкон берган. Хуллас, хакерлар ҳаммаси бўлиб 8 миллион швед кронаси (тахминан 1,1 миллион АҚШ доллари)ни ўғирлаган.

2005 йили Бразилияда машҳур фирибгарлардан бири Валдир Пауло де Алмейда қўлга олинди. Унинг 18 нафар хакердан иборат жиноий гуруҳи банк ҳисоб рақамларидан 37 миллион доллардан ортиқ пулни ечиб олган. Улар онлайн банк хизмати фойдаланувчиларига вирусли хат жўнатиб, уларнинг маълумотларини ўзлаштирган. Гуруҳ кунига 3 миллиондан ортиқ вирусли хат жўнатган.

Интернет воситасида бундай фирибгарлик қилиш ҳоллари, афсуски, жуда кўп учраяпти. Фирибгарлар олдиндан турли хил мактублар йўллашади, телефон рақамларини маълум қилишади. Сўралган пуллар юборилгач эса, улар дом-даракси ғойиб бўлишади.

Йигирма биринчи аср – техника асри. Замонавий фирибгарлар ана шу техникадан ўз қаллобликлари йўлида фойдаланмоқда. Интернетда дўст орттиришга қизиқадиган ёшларни айёрлик билан ўз тўрларига илинтиришга устаси фаранг. Улар ҳали суяги қотмаган, дунёда тўғрилик билан бирга эгрилик ҳам борлигидан бехабар ёшларни тўғри йўлдан тойдиришга уринадиганлар ҳам ана шулардир.

Одамлар ичида энг бўлмаґури истаги йўқ кишидир.
(Абай Қунонбоев)

ОГОҲ БЎЛИНГ!

Бундай пайтда асло лоқайдлик қилманг, алданиб қолишингиз ҳеч гап эмас. Огоҳ бўлинг, "Текин пишлоқ фақат қопқонда бўлади!".

МИСОЛЛАР:

— Яқинда дўстимнинг интернетдаги электрон почтасига Африканинг Того давлатидан Абрахам Смит деган кимсадан хат келибди. Ўзини адвокат, деб таништирган бу номаълум шахс рус тилида саводсизларча битилган мактубида 93 ёшли бадавлат Вероника Палмер исмли аёл номидан иш юритиб, унинг топшириғига биноан муносиб меросхўр топиш кераклигини маълум қилган.

Жаноб Абрахам Смит ўз хатида "меросхўр"ни топиш борасидаги кўп йиллик изланишлардан сўнг "Facebook" ижтимоий тармоғида дўстимнинг анкетаси ва қизиқишлари билан танишгач, турли номзодлар орасидан айнан уни танлаганини билдирган. Хатда адвокат дўстимдан ўзи ҳақидаги барча зарур маълумотлар, жумладан, мобил ва уй телефони рақами, паспорт маълумотлари, банкдаги ҳисобрақамини иложи борича тезроқ юборишни илтимос қилган. Буларнинг барчаси гўё васиятномани "расмийлаштириш" учун керак бўлар эмиш.

Гап нима ҳақида бораётганини яхши англаган дўстим, бу қизиқ воқеанинг оқибатини билиш мақсадида ёлғон ахборот жўнатди. Жавоб ҳам ўзини кўп куттирмади. Бир неча кун ўтгач, адвокат "меросхўр"ни

БИЛИБ ОЛИНГ!

Ғазаб бошқаларга қанчалик ёқимсиз бўлмасин, ғазабланаётган одамга кўпроқ оғир. Ғазаб билан бошланган нарса уят билан тугайди. (Донолар бисотидан)

васиятномани расмийлаштиришга оид барча жараёнлар "муваффақиятли бажарилгани" билан табриклаб, "Web Money" электрон тўлов тизими орқали ўз хизматлари учун 2 минг АҚШ доллари тўлаб қўйишини сўрайди. "Палмер хоним ҳозирги пайтда ўз маблағини тасарруф этадиган ҳолатда эмас ва унинг вафотидан сўнг бу маблағ сизга мерос бўлиб ўтади. Кўрсатилган маблағни тўлаганингиздан кейин бу ерга келиб, хоним билан танишишингиз мумкин", – деб ёзилган ўша қалбаки мактубда...

Афсуски, дунёда кутилмаган мерос ёки лотереядан ютуқ чиққани ҳақидаги бундай электрон мактублар домига тушиб қолаётган одамлар кам эмас. Улар хорижда ҳеч қандай қариндошлари йўқлиги ёки лотерея ўйинида ҳеч қачон иштирок этмаганини яхши билса-да, кутилмаган омадга лаққа ишониб, интернет фирибгарлари қурбонига айланмоқда *("Инсон ва қонун" газетасидан олинди).*

– Бир киши бундай ҳикоя қилади: "Интернетдаги электрон манзилимга келган инглизча матнга кўзим тушди. Бу ўзини англиялик хоним деб таништирган аёл номидан ёзилган мактуб бўлиб, мазмуни қуйидагича эди: «Азиз дўстим, Худонинг номи билан сизга салом йўллаяпман. Менинг исмим Маргарет Терторн. Мен давосиз касалга йўлиққанман ва марҳум эримдан қолган бойликларимни мерос тариқасида сизга хатлаб бермоқчиман. Мен ўз бойлигимни мерос сифатида қолдириш учун тинчлик ҳукм сурган мамлакатларнинг

Ким мусулмон бўлиб, бадани ҳам соғлом бўлса, унда дунё ва охират неъматларининг каттаси жамланибди. Чунки дунё неъматларининг саййиди – саломатлик, охират неъматларининг саййиди – Исломдир. (Бакр ибн Абдуллоҳ Мазаний)

ОГОҲ БЎЛИНГ!

бирида яшаётган, ҳалол ишлайдиган одамни аниқлашни ҳамширамга топширган эдим. Тахмин билан бахтли тасодиф туфайли аниқланган соҳа кишиси сиз бўлдингиз ва мен сизга ўз бойлигимни мерос қилиб жўнатмоқчиман. Истардимки, сиз менинг номимдан хайрия ишларини бажарсангиз. Мен сизга берадиган бойликнинг 40 фоизини ўзингизга сарфлашингиз, 60 фоизини эса фақат хайрия тадбирларига ишлатишингизни илтимос қиламан. Атрофимда эримнинг қариндошлари пайт пойлашяпти. Шунинг учун сиз билан учрашиб, гаплашолмайман ва бундан кейин барча ҳужжатлар, расмиятчиликлар билан шахсий адвокатим шуғулланади. Агар мен қолдирадиган меросни ўзим айтгандек сарфлашингизга тўла ишонч ҳосил қилсангиз, шахсий адвокатим билан боғланинг...”

Албатта, бундай мактубни ўқиган одам, аввалига, касал ётган бойвачча хонимнинг ҳолатини кўз олдига келтириши, унинг мерос ҳақидаги айтганларига ишонишни ё ишонмасликни ўйлаб, ҳайратга тушиши тайин.

– Электрон манзилимга: «Сизга юз минг доллар юбораман...», деб Африкадан хат келибди, дейди андижонлик бир танишим. Унда айтилишича, ўша нотаниш одам Африкада юз минг доллар ишлаб топибди-ю, уни олиб чиқиб кетиш йўлини тополмаётган эмиш. Агар ўз манзилини аниқ ёзиб юборса, ўша одам Африкада ишлаб топган маблағини юбормоқчи бўлибди ва тенг шерик бўлишни таклиф этибди. Фақат пулларини

Тўрт нарсанинг қадрини тўрт киши билгай: ёшликнинг қадрини ёши ўтиб қолганлар, тинчлик-хотиржамлик қадрини бошига бало тушганлар билади. Соғлиқ-саломатлик қадрини касал бўлиб, ҳеч нарсага ярамай қолганлар, тириклик қадрини ўтганлар билади. (Ҳотами Асом)

БИЛИБ ОЛИНГ!

юбориши учун Африкадаги "бойвачча"нинг номига тўрт юз доллар жўнатишим лозим экан...

Демак, бугунги таҳликали замонда ҳар бир инсон зийрак ва ҳушёр бўлиб қаллобларнинг алдовларига учмаслиги лозим.

Дўстлар фикридин ва душманлар макридин бепарволиг жоиз эрмас ва бу иш надоматдин ўзга натижа бермас.

(Алишер Навоий)

ОГОҲ БЎЛИНГ!

5.4. Глобал тармоқ қаллобларига муносабат

Дарснинг мақсади:

Киберқаллобларнинг қилаётган ножўя ҳаракатларига оят, ҳадис ва уламоларнинг фатволари орқали раддия берилади ва мусулмон киши жуда эҳтиёткор бўлиши кераклиги баён қилинади.

Аллоҳ таоло инсонларга Ер юзида ризқни ҳалолидан талаб қилишни амр этди. Ҳалол ризқланиш эса ўзгаларнинг ҳақидан ҳазар қилиш, бировнинг молини ноҳақ йўл билан олишдан сақланиш демакдир. Қуръони каримда шундай дейилади: **"Мол** (ва бойлик)**лари-нгизни ўрталарингизда ботил** (йўллар) **билан емангиз! Шунингдек, била туриб, одамларнинг ҳақларидан бир қисмини гуноҳ йўли билан ейиш** (ўзлаштириш) **мақсадида уни ҳокимларга ҳавола этмангиз!"** *(Бақара, 188).*

Ушбу оят тафсирида Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) шундай деган: ***"Яъни, ноҳақ, ёлғон қасам билан кишининг ўз биродари молини ўзиники қилиб олишдан қайтаради".*** Бошқа бир оятда шундай илоҳий амр келади: **"Эй имон келтирганлар! Мол-мулкларингизни ўртада ноҳақ** (йўллар) **билан емангиз! Ўзаро розилик асосидаги тижорат бўлса, у бундан мустасно"** *(Нисо, 29).*

Ҳазрат Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шундай деганлар: ***"Ким қаердан мол топаётганига***

Инсон нафси ёмон сифатларга эга бўлса, ундан қутулмагунича ҳис оламидаги маъноларни, борлиқнинг ортидаги ақл ва хаёл чегараларини мушоҳада қилолмайди. (Муҳаммад Нуруллоҳ Сайдо Жазарий)

БИЛИБ ОЛИНГ!

эътибор бермаса, Аллоҳ ҳам унинг дўзахнинг қайси эшигидан киришига парво қилмайди".

Уламоларнинг фатволарида қуйидаги сўзлар бор: *"Бошқаларнинг ҳақини ноҳақ еювчилар сирасига хоин, алдоқчи, ўғри, баттол, фоиз олувчи (судхўр) ва берувчи, етим молини еювчи, ёлғон гувоҳлик берувчи, қарзга бир нарса олиб, ундан тонувчи, порахўр, ўлчов ва тарозидан уриб қолувчи, молининг айбини яшириб сотувчи, қиморбоз, сеҳргар, мунажжим, фоҳиша, азада дод солиб йиғловчи, сотувчидан сўрамай, ҳақини олиб қолувчи даллол, ҳур-озод одамни сотиб, пулини ейдиганлар киради".*

Улуғлар ўзганинг ҳатто бир чўпини ҳам олишдан эҳтиёт бўлишган. Бировнинг ҳақини ноҳақ олиш у ёқда турсин, ҳатто ўзлари билмаган ҳолатда, тасодифан келиб қолса, ундан воз кечишган.

Имоми Аъзам (раҳматуллоҳи алайҳ)нинг ўзгалар ҳақидан астойдил сақлангани машҳур бўлиб кетган. У савдогарлик билан шуғулланиб юрганида молнинг нуқсонини айтишни унутиб, сотиб юборгани учун ўттиз йиллик шериклари Ҳафс ибн Абдураҳмон билан савдо алоқасини узган ва ўша молдан келган даромадни садақа қилиб юборган.

Бировнинг ҳақини зулм билан ейиш ҳаром экани Қуръони карим ва суннати набавия ҳукми билан собит бўлган. Бир ҳадиси шарифда: ***"Мўминнинг ҳақини ейиш унинг қонини тўкиш билан баробардир",*** – дейилган.

Инсонлар ичида энг аблаҳ инсон
Нафс-ҳаво кетидан бўлади сарсон.
(Фаридуддин Аттор)

ОГОҲ БЎЛИНГ!

Ким ўзини бу ҳукмга итоатли санаса, ҳаромдан ҳазар қилсин, ўзганинг ҳақига тажовуз қилишдан тийилсин.

Шунингдек, макр-ҳийла ишлатиб, ўзгаларни алдаб, уларнинг молини ноҳақдан еган кишининг макри ўзига уриши ҳақида Қуръони каримда бундай дейилади: **"Ёмон макр эса, фақат ўз эгаларини ўраб олур** (ҳалок қилур)" *(Фотир, 43).*

Турли ёлғонлар ишлатиб, бошқаларни алдаб, уларнинг мол-мулкини ўзлаштириш ҳам улкан гуноҳдир. Зеро, Абу Бакр Сиддиқ (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган ҳадисда, Расулуллоҳ (саллоллоҳу алайҳи ва саллам): ***"Алдоқчи, миннатчи ва бахил жаннатга кирмайди",*** *деганлар" (Имом Термизий ривояти).*

Шунингдек, динимизда мўмин киши бировларнинг алдовига учмаслиги ва ҳушёр бўлиши кераклиги кўп бор таъкидланган. Зеро, Набий (алайҳиссалом): ***"Мўмин зийрак, эҳтиёткор ва оқил бўлади",*** деб уқтирганлар.

Инсон ўзига берилган неъматларни қадрига етиб, уни яна зиёда бўлиши, мустаҳкамланиши йўлида астойдил меҳнат қилиши, доим зийрак ва огоҳ бўлиши лозим. Динимизда доим зийрак бўлиш фатонат, дейилади. Мана шу фатонат сифати, омонат, садоқат сифатлари каби ҳар бир мўмин--мусулмонда бўлиши лозим. Мўмин фатонатли бўлади. Буюк мутафаккир олим Жалолиддин Румий огоҳлиги йўқ кимсани руҳи йўқ жасадга тенглаб: *"Ғофилу мурда, иккалови бирда"*, – дейдилар. Зеро, бугунги кун, айни воқелик ҳар бир ақли салим, қалби салим инсондан, ҳар бир ота-она, ҳар бир

БИЛИБ ОЛИНГ!

Ширин бўлса ҳам, қанд касалга зарар,
Даво бўлгай аччиқ, тахир дорилар.
(Саъдий Шерозий)

зиёлидан огоҳлик ва ҳушёрликни талаб этади. Шунинг учун ёшлар ҳушёр, зийрак ва огоҳ бўлиши лозим.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан ривоят қилади: ***"Мўмин (банда) бир чуқурга икки марта йиқилмайди"*** *(Имом Бухорий).*

Бу ҳадис ҳақида Хаттобий: *"Бу ҳадис дарак гап бўлса-да, аммо маъноси буйруқни ифодалайди. Яъни, унда мўмин эҳтиёткор, ақлли ва зийрак бўлсин, ғафлатда қолмасин, кетма-кет алданиб қолмасин, дейилмоқчи. Бу дунё ишида бўлгани каби, дин ишида ҳам бўлиши мумкин"*, **деган.**

Баъзилар: *"Бу ерда комил мўмин ҳақида гап кетмоқда. У келиши мумкин бўлган зарардан эҳтиёт бўлади. Аммо ғофил мўмин эса бир неча бор алданиб қолиши мумкин"*, – дейишган.

Мусулмон одам хоҳ диний, хоҳ дунёвий ишда бўлсин ақл-заковат ва фаҳм-фаросат билан ҳаракат қилишга буюрилган. Инсон ҳаётда турли қийинчиликлар ва машақ-қатларга дучор бўлиши, азобу уқубатлар тортиши табиий ҳолат. Бироқ шу билан бир қаторда унинг ишлари фақат орқага кетавериши ҳам мумкин эмас. У зийраклик ва оқиллик билан чин мўмин бўлишга интилар экан, ҳар қадамда қоқилавермайди, Аллоҳ унга албатта ёрдам беради.

Бу ҳадисда ғофиллик ва бепарволикдан огоҳлантириш ва ақлни ишга солиш лозимлигига ишора бор. Абу Убайданинг фикрича, ҳадиснинг маъноси шундан иборатки, мўмин агар бир ишда мусибатга учраса, у яна ўша нарсага қайта дучор бўлиши керак эмас. Унинг ўрганган,

ОГОҲ БЎЛИНГ!

Айрим содда одамлар интернетдаги фирибгарларнинг алдовига учиб, 200–300 АҚШ долларини ўзи билмаган, танимаган одамга почта орқали юбориб, чув тушишмоқда.

билган нарсалари ишларининг яширин жиҳатларини ҳам англаб етадиган қилиб қўяди ва у содир бўлиши мумкин бўлган кўнгилсизликлардан эҳтиёт бўладиган инсонга айланади.

Бепарво мўмин эса, қайта-қайта зарарга йўлиқаверади. Ибн Баттол айтади: *Ҳадисда Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) оқибати ёмон бўлиши мумкин бўлган ишлардан қандай эҳтиёт бўлиш кераклигини кўрсатиб, ўз умматларига чиройли таълим бердилар" ("Фатҳул Борий").*

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мўмин асло алданиб қолмасин, ақлни ишлатмаслик оқибатида ўзи сезмаган ҳолда кўнгилсиз ва ёмон ишларга тушиб қолмасин, ҳушёр ва огоҳ бўлсин, дейдилар.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мўмин одам илм, ақл, тажриба ва фаросатда бошқалардан устун бўлиши керак. У ишларнинг қай бири фойдали, қай бири зарарли эканини олдиндан кўра билиши лозим. У лақма бўлмаслиги, ғанимларнинг алдовлари ва ширин ваъдаларига учмаслиги шарт.

БИЛИБ ОЛИНГ!

Агар одам эсанг огритма одам кўнглини зинҳор,
Ки аҳли маърифат наздида Каъба қалби мўминдур.
(Толибий)

1.

Кейинги пайтларда интернет орқали ўта ишонувчан ва содда одамларни лақиллатиб, уларни алдаб, маблағларини осонлик билан ўзлаштираётган кибер фирибгарлар кўпаймоқда.

Кибер қаллоб содда йигитни ўз тузоғига илинтириш пайида. Йигитга у оғир дардга чалинганини, ҳеч кими йўқлигини, лекин жуда ҳам кўп бой одамлигини, агар баъзи ҳужжатлар учун кетадиган харажатларни электрон пул кўринишида юборса, йигитга катта бойликни васият қилиб қолдиришини айтмоқда.

Виртуал қаллоб яна бир ўлжани қўлга киритиб, ҳаром пули кўпайишидан мамнун. Ғўр йигит эса, осон бойиб кетиш мумкинлигидан сармаст бўлиб, хаёлан миллионерга айланиб, фирибгар айтган пулни жўнатишга тайёр.

Фирибгарнинг найрангига учиб алданган йигит, ёлғондан ваъда қилинган миллионларга эга бўлиш ва миллионерга айланиш учун виртуал қаллобнинг чўнтагини қаппайтириш учун унга пул жўнатмоқда.

Текин пишлоқ қопқонда бўлади, деганларидек, фирибгар ўз мақсадига етганидан сўнг, ваъда қилинган миллионлар у ёқда турсин, ҳатто, у берган электрон манзил ҳам тармоқдан йўқ бўлди.

Четдан суқулиб кирган нобакор кучлар обод ва фаровон юртни фитналар ўчоғига айлантириб, ўзларининг мальун ниятларига етишни кўзлайди. Оқибатда қанча-қанча бегуноҳ инсонлар, ёш гўдаклар ва аёллар ҳалок бўлмоқда.

Ўтилган мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Виртуал қаллоблар деганда кимларни тушунасиз?
2. Ҳозирги кунда виртуал оламда алдовларнинг қандай турлари мавжуд?
3. Кибертеррорчиликнинг зарарлари ҳақида гапиринг?
4. Ислом динида қаллоблар тўғрисида нима дейилган?

Мустақил иш мавзулари

1. Кибертеррорчилар найрангига учмаслик чоралари.
2. Виртуал жиноятчиларнинг алдамчи ҳаракатлари.
3. Бировнинг ҳақини ноҳақ ейиш оғир гуноҳ экани тўғрисида.

Фойдаланиш учун тавсия этиладиган манба ва адабиётлар

Ислом Каримов. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999.

Ислом Каримов. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2000.

Ислом Каримов. Ватан равнақи учун ҳаммамиз масъулмиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2001.

Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Ўзбекистон”, 2008.

Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва изоҳлар муаллифи Шайх Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2014.

Айдарбек Тулепов. Ислом ва ақидапараст оқимлар. – Т.: "Sharq" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2013.

Айдарбек Тулепов. Интернетга ин қурган “ўргимчаклар”. – Т.: "Movarounnahr", 2014.

Айдарбек Тулепов. ИШИД фитнаси. – Т.: "Movarounnahr", 2015.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳиҳи Бухорий. – Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2008.

Ислом энциклопедияси. – Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2004.

Ўзбекистон миллий энциклопедияси. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2002. 12 жилдли. 3-жилд.

Айдарбек Тулепов. “Маърифат жаҳолатни енгади”, “Ҳидоят” журнали, 2012 йил, 3-сон, 1, 10–12 саҳифалар.

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг muslim.uz портали ва тизимдаги интернет сайтлари.

ziyonet.uz интернет сайти.

fikr.uz интернет сайти.

6-БОБ. КОМПЬЮТЕР ЎЙИНЛАРИ МАНҚУРТЛИК ВОСИТАСИ

6.1. Виртуал ўйинларнинг зарарлари тўғрисида.

6.2. Манқуртга айлантиришнинг замонавий воситалари.

6.3. Компьютерга мутеликнинг руҳий ва жисмоний хатарлари.

6.4. Виртуал ўйинларнинг асоратлари.

6.5. Виртуал тутқунликка қарши кураш чоралари.

Дарснинг мақсади:

Виртуал ўйинларнинг мазмун-моҳияти, уларнинг оммалашуви сабаблари ва хатарлари тўғрисида таъкидланади. Ёшлар онгини заҳарлаб, уларни манқуртга айлантираётган компьютер ўйинлари нақадар хатарли эканлиги ҳақида сўз юритилади. Бугунги кунда фарзандлар компьютер ўйинларига мубтало бўлиб, ундан ажралолмай, муте бўлиб қолаётгани баён этилади.

Таянч сўзлар ва иборалар:

Виртуал, Norton report, компьютер ўйин, онлайн ўйин, манқурт, электромагнит тўлқинлар, стресс, билак туннели, манипуляция, виртуал ўйин, геймер.

6.1. Виртуал ўйинларнинг зарарлари тўғрисида

Дарснинг мақсади:

Виртуал ўйинларнинг мазмун-моҳияти, уларнинг оммалашув сабаблари ва хатарлари тўғрисида сўз юритилади.

"Виртуал" (лотинча virtualis – имконият) реал кўринишга эга эмас, лекин маълум шартлар қўйиши мумкин деганидир. Виртуал сўзи IV асрда қадимги Византия фалсафасида қўлланилган. Ҳозирги кунга келиб, виртуал сўзи реаллик кўринишига етиб келди. Компьютер ҳудди магнит металлни тортгани каби, кишиларни ундан-да кучли ўзига тортмоқда.

Компьютер ўйинлари оқибатида ёшларнинг мия фаолиятида ўзгаришлар кузатилган. Яъни, катта ёшли кишининг мия фаолияти ёш боланики каби ўзгариб қолиши, боланинг мия фаолияти эса аксинча анча катта ёшдагиларникига ўхшаб ўзгариши кузатилган. Виртуал оламда болалар руҳий ҳолати ҳамда компьютер қаршисида катталар каби ўзини тутиши намоён бўлган. Минг афсуски, болалар ўзларининг беғубор ва такрорланмас болалик деган бебаҳо дунёсини виртуал оламга алмаштириб қўймоқдалар. Кўплаб олимлар компьютер ўйинлари зарарли экани ва ҳатто ҳалокатга олиб келишини таъкидлашган.

БИЛИБ ОЛИНГ!

Электромагнит тўлқинларидан нурланиш болалар учун икки баравар хавфлидир. Бола, мия фаолияти бузилиши ва иммунитет сусайиши билан боғлиқ эндокрин касалликларга мойил бўлиб қолади, ҳатто онкологик хасталикларга ҳам чалиниши хавфи юқори.

МИСОЛ:

2005 йилнинг октябрь ойида хитойлик қиз бир неча кун тинимсиз компьютердаги "World of Warcraft" ўйинини ўйнаши натижасида вафот этган.

Худди ичкиликбозлик, гиёҳвандлик иллатлари каби компьютер ва виртуал ўйинлар ҳам ўз ноғорасига ўйнатиш хусусиятига эга. Катта ёшдаги кишилар реал ҳаётда ҳам ўзларини болалардек тутиб, масъулиятсиз бўлиб қолади. Бир боланинг айтишича, отаси шу қадар интернетдаги ўйинлар уммонига шўнғиб кетганки, натижада оилавий зиддиятлар келиб чиққан. Германиянинг Чарите университети илмий ходимларининг 20 кишидан иборат гуруҳ ичида ўтказган тажрибасида шу нарса намоён бўлдики, иштирокчиларга машҳур ўйинлардан олинган суратлар намойиш қилинганда, уларда худди ичкилик, гиёҳвандликка ружу қўйганлар каби патологик ўзгаришлар рўй берган.

"Нотингем тренд" университети илмий ходимларининг 7000 кишилик кузатув тажриба гуруҳида олиб борган тадқиқотлари натижасида гуруҳдагиларнинг 12 фоизида компьютер ўйинларига тобелик аниқланган.

Ўйинга тобе бўлганлар ҳар доим руҳшунос маслаҳатига муҳтож бўлиб қолади. Ўзларини шахсий ҳаётлари ўзгариб бораётганини, қилаётган ишларидан қониқиш сезмаётганини, оддий инсонийликни йўқотиб қўяётганини, кайфияти тушкун бўлиши, фаоллик йўқолиши, жиззакилигидан шикоят қилади.

Бутун умрингизда ҳар бир ёмонликдан ва бекорчиликдан сақланинг. Инсон ўз уйининг эшигини бекитиб, вужудини сақлай олади-ю, лекин қалбининг эшигини бекитишдан ожиз бўлади. Қалбига қайғу, алам кўп вақт ҳужум қилиб туради. (Абул Аъло ал-Маарий)

ОГОҲ БЎЛИНГ!

Олимлар компьютерга тобеликни 4 босқичга бўлишади: биринчи мослашиш, ундан кейин тезда киришиш, инсоннинг шахсий омилларига таъсири, сўнгги босқичда инсонлар компьютер ўйинларини ҳаётининг ажралмас бир бўлаги сифатида кўрадилар.

МИСОЛ:

Ёшлар қизиқиб ўйнайдиган ГТА (GTA) ўйинига назар солсак, биринчи қиладиган иши шуки, зўравонлик билан шаҳар ичидаги автоулов ҳайдовчисининг йўлини тўсиб, автоуловни олиб қўяди. Кейинги иш полициядан қочиш билан бир қаторда йўлида учраган кишиларни ваҳшийларча уриш, тепиш, ҳаттоки ўлдиришгача боради. Шу йўсинда охири йўқ босқичлардан ўтиб, олға юраверади.

Компьютер ўйинлари – бирмунча зиддиятли ҳодиса. Уйда, ўқиш ва ҳатто иш жойида ҳам берилиб компьютер ўйнайдиганлар кўпчиликни ташкил этади. Компьютер ўйинларини соатлаб ўйнаш, уларга муккасидан кетиш асло ярамайди. Чунки виртуал олам ажойиботларини ҳақиқий ҳаётнинг қувонч ва ташвишларидан устун билиш алалоқибат шахснинг инсонийлик қиёфаси йўқотилишига олиб келади.

Ғарб давлатларида ёшлар ўртасида компьютер ўйинларининг зарарини камайтириш мақсадида бир қанча ишлар амалга оширила бошланди. Францияда компьютер ўйинларида тўкиладиган қоннинг қизил рангда эмас, яшил

БИЛИБ ОЛИНГ!

Жангари ўйинлар болаларни баджаҳл ва шафқатсиз қилади, уларда кибр, бошқаларни назар-писанд қилмаслик, салбий ҳиссиётларга эрк бериш каби хатарли иллатларнинг шаклланишига ҳам сабаб бўлади.

рангда бўлиши жорий этилгани, Бельгияда компьютер клубларида порнографик ўйинларни тарғиб қилиш қамоқ жазоси билан жазоланиши ана шу ислоҳотларнинг бир кўринишидир.

"Virtual Image Productions" компаниясининг директори: *"Компьютер ўйинлари оддий ўйинчоқ бўлмай қолди. Улар жаҳолатни ўргатиш воситасига айланиб кетди ва биз болаларимизни тепкини босиб роҳатланишга ўргатяпмиз. Аммо биз реал ҳаётда бунинг оқибати қандай бўлишини ўргатмаяпмиз".*

Хўш, нега улар ғимирлаб қолишди, нега бошида ўзлари бу ўйинларни тарғиб қилишди-ю, энди пайтаваларига қурт тушиб қолди? Чунки улар асл ҳақиқатни англаб етишди. Бола онги бузилса, келажак ҳам бузилишини бироз кеч англашди.

Виртуал олам инсонни манипуляция[1] қилмоқда. Ҳозир болалар ёки ўсмирларнинг интернет-кафени "иккинчи уйи"га айлантириб олаётгани сир эмас. Кузатишлар шуни кўрсатадики, онлайн ўйинларини ўйновчилар ҳам, асосан, ўсмирлар. Ўсмирлик шахснинг физиологик ва ижтимоий ривожланишидаги ўзига хос давр ҳисобланади. Агар шу даврда ўғил ёки қиз агрессив руҳдаги онлайн ўйинларига берилса, бу нохуш оқибатларга олиб келиши турган гап.

[1] Манипуляция – фикрий қарамлик орқали ўзига бўйсундириш.

Компьютер ўйинлари пайтида одамнинг фақат кўриш ва хаёлий ҳаракатга масъул асаблари фаолиятда бўлади. Бу эса фикрлаш фаолиятининг сусайишига олиб келади.

ОГОҲ БЎЛИНГ!

6.2. Манқуртга айлантиришнинг замонавий воситалари

Дарснинг мақсади:

Ёшлар онгини заҳарлаб, уларни манқуртга айлантираётган компьютер ўйинлари нақадар хатарли эканлиги ҳақида сўз юритилади. Бугунги кунда фарзандлар компьютер ўйинларига мубтало бўлиб, ундан ажралолмай, манқуртга айланиб қолаётгани баён этилади.

Ҳозир ёшлар онгига таъсир қилиб, улар қалбига ўз бузғунчи ғояларини сингдиришни ёки уларни тўғри йўлдан оздиришни мақсад қилган кучлар жуда кўп. Бу ҳолат оддий компьютер ўйинларидан тортиб, интернет сайтлари, ижтимоий тармоқлар, мобил алоқа дастурларида ҳам очиқ кўзга ташланади. Юзаки қараганда, арзимас туюладиган бу ҳаракатлар вақт ўтган сари жиддийлашиб, қатъийлашиб бораверади.

Интернет ва компьютер ўйинлари асирига айланиш касаллигига чалинган ўсмирлар ҳаётдан, маънавий қадриятлардан тамоман узилиб, бутунлай ўйинларга берилиши ёки балл йиғишга, қиморга ва ютуқ-совға олиш каби ўткинчи, қадрсиз ишларга муккасидан кетиши мумкин.

Болалар берилиб ўйнаётган компьютер ўйинларининг илдизи-негизида ҳам худди шу иллатлар бор. Миясида ўйинлардан тинимсиз завқланиш ҳиссини туяётган

БИЛИБ ОЛИНГ!

Оқил, доно киши ақл ишлатиб, маъносиз, беҳуда ишлардан четланади. (Абдий)

бола учун бундай "севимли" машғулотидан бўлак ҳамма нарса аста-секин аҳамиятсиз бўлиб қолади. Катталарга қараганда болаларда бирор нарсага боғланиб қолиш кучли, уларнинг соғлигига етадиган зарар ҳам бир неча баравар кўп.

Руҳиятшунослик бўйича халқаро ҳайъат раиси Турман Сорнурис: "Замонавий технология инқилоби олдин маълум бўлмаган компьютер ва интернетга қарамлик каби руҳий касалликларни келтириб чиқарди. Бу касалликлар хатари омма хулқ-атворига салбий таъсир кўрсатишда гиёҳвандликка берилишдан асло кам эмас. Кейинги йилларда руҳий-асаб ва бошқа касалликлар кўпайди. Бунга компьютер, интернет, видео ва уяли телефоннинг оммалашгани сабаб бўлди. Чунки булар инсоннинг ёлғизланишига, оилавий алоқаларнинг узилишига олиб келади. Булар инсонни бошқаларга эътиборсиз, фақат ўзи билан ўзи банд бўладиган қилиб қўйди", деб таъкидлайди.

Бундай ҳолатнинг белгилари, асосан, қуйидагиларда кўринади:

- Бола компьютерда банд бўлишига ажратилган вақт чегарасини буза бошлайди. Ундан компьютерни олиб қўйиш фақат жанжал, йиғи-сиғи билан якун топади.
- Ҳамма уй ишларини рад этади. Ҳатто хонасини тозалаш, кийимини шкафга илиш каби ўзигагина тегишли бўлган ишларни бажаришдан ҳам бўйин товлайди.
- Яқинлари, ўртоқлари билан кўришиш, суҳбатлашиш ва байрамлардан ҳам интернетда ўтиришни афзал

ОГОҲ БЎЛИНГ!

Агар инсон мувозанатнинг бузилишига сабаб бўладиган ёмон йўлларга қадам қўйса, омонат қилиб топширилган жон ва ақл неъматига хиёнат қилган бўлади ва ўзини ҳалокат чўғига отган бўлади.

кўради.

- Ҳатто овқатланаётган пайтда ҳам интернетдан узила олмайди.
- Янги виртуал танишувларга жуда ўч бўлиб қолади.
- Ўқиши орқага кетади. Уй вазифаларини бажармайди, ўқитувчилари унинг орқада қолаётгани, бепарволиги ва паришонхотирлигидан шикоят қила бошлайдилар.
- Интернетга кириш имкони берилмаса, жуда тажанг ва жиззаки бўлиб қолади.
- Интернетга уланиб турмаса, бошқа бирор иш билан шуғулланишни асло хоҳламайди.

Сиз ўз дўстингизнинг ҳар куни одам ўлдиришини тасаввур қила оласизми? Буни ҳатто ақлингизга ҳам сиғдира олмайсиз, тўғрими? Лекин бу ҳақиқат бўлса-чи? Ҳа, сизнинг дўстингиз кимнидир пичоқлаяпти, автоматдан отяпти, заҳарлаяпти... Фақат бошқача йўл билан қилмоқда бу ишларни, яъни “ўйин”да амалга оширмоқда. Минг афсус, компьютер ўйинлари бугунги кунда болалар ҳаётининг ажралмас қисмига, ҳатто севимли машғулотига айланди.

Бундай ўйинларнинг камида саксон фоиз қаҳрамонлари ўта шафқатсиз. Бу ҳолат ўз-ўзидан бола онгига салбий таъсир кўрсатади. Виртуал ўйиннинг қаҳрамони боланинг яқин кишисига, “дўсти”га айланади. Турли хил жанглардан ва қийинчиликлардан, ана ўша "яқин киши"сини тирик олиб ўтиш учун, ўша бола қанчадан-қанча "қон тўкади", қанчадан-қанча "шафқатсизликлар"

БИЛИБ ОЛИНГ!

"Facebook" ижтимоий тармоғидан 250 миллион фойдаланувчининг 19% и кучли ўйин оғушига тушиб қолганларини тан олишган.

қилади. Тўғри, буларнинг бари виртуал оламда содир бўляпти, лекин кейинчалик мана шу боланинг ҳеч нарсадан тап тортмайдиган, совуққон, бешафқат инсонга айланиб қолиши ҳеч гап эмас.

Шайтон одам боласини йўлдан уриш, хароб этиш учун уни гуноҳ қилишга мажбурламайди. Балки гуноҳни унинг кўнглига, кўзига чиройли қилиб кўрсатади, холос. Ғоявий урушлар ҳам иблиснинг ана шундай иш тутиш тамойилига асосланган.

Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган ҳадиси шарифда шундай дейилади: "Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ерга бир тўғри чизиқ чиздилар ва: ***"Бу Аллоҳнинг йўлидир", дедилар. Сўнг унинг ўнг ва чап тарафига бир нечта чизиқлар чиздилар ва: "Бу уларнинг бошида шайтон туриб, унга чақирадиган йўллардир",*** дедилар".

Ушбу ҳадисдан кўриниб турибдики, шайтоннинг йўллари кўп бўлиб, уларга ҳар турли ҳийлалар билан чақиради ва инсон бири бўлмаса, бирига тушиб қолиши мумкин. Шунинг учун ҳар доим сергак ва ҳушёр яшаш керак бўлади.

Ҳар бир инсон зое қилган вақти, яъни умри нимага сарфлагани хусусида Парвардигор олдида жавоб беришини унутмасин.

6.3. Компьютер мутелигининг руҳий ва жисмоний хатарлари

Дарснинг мақсади:

Баъзи фарзандлар кундан-кунга компьютер ўйинлари қулларига айланиб боришаётгани таъкидланади. Бундай ўйинларнинг салбий оқибатлари фақатгина фарзандларимизнинг руҳияти билангина эмас, балки уларнинг жисмоний ҳолатларига ҳам хавф солаётгани ҳаётий воқеалар асосида ёритилади.

Бола катталарга қараганда руҳан ва жисмонан кучсиз ва мўрт бўлади. Агар компьютер, интернет масаласига етарлича эътибор берилмаса, фарзанд тарбиясида катта муаммолар юзага келиши аниқ. Мутахассислар фикрича, виртуал олам асирига айланган болаларда қуйидаги касалликлар кўзга ташланади:

Фарзанд руҳий зўриқиш – "стресс" остида қолади. Виртуал оламга "кириб кетган" бола ҳеч нарсани эшитмайди, кўрмайди, ҳамма нарсани унутади. Бундай пайтда унинг руҳияти кучли ҳаяжон таъсирида бўлади.

Айниқса, маънавий зарар бедаво хасталикдир. Бола гўё пластилинга ўхшайди. Четдан олаётган ахборотлари таъсирида унинг қарашлари турли ўзгаришларга учрайди. Интернетга боғланган болалар, табиийки, асосий маълумотни виртуал оламдан олади. Болаларнинг ноутбук

БИЛИБ ОЛИНГ!

Ҳар бир бола бирор тасодиф туфайли хатога йўл қўйса, дарҳол бу хатони тўғрилашга киришиши, бутун куч-қудратини ишга солиб, ўзини оқлашга, иккинчи марта бундай ишга қул урмаслик учун жон-жаҳди билан курашиши лозим.

ёки компьютерлардан билим олиши, ақлни ўстирувчи ўйинлар ўйнаши ёки китоб ўқиш учун фойдаланиши жуда кам учрайдиган ҳолат. Одатда, у ота-онаси, ўқитувчилари реал ҳаётда қайтарадиган, маънавий тўсиқ бўладиган ахборотларни эгаллашга интилади. Интернетдан оқиб кирган бузғунчилик, зўравонлик, ахлоқсизлик боланинг онгига қаттиқ ўрнашиб қолади.

Китобга, ўқишга қизиқиш унинг онгидан сиқиб чиқарилади. Унинг саводхонлик даражаси тушиб кетади, дунёқараши ўйинлар, ижтимоий тармоқлар ва виртуал мулоқотлар билангина чекланиб қолади. Бола фикрлашни тўхтатади, чунки у истаган нарсасини интернетдан топиб олаверади.

Болада атрофдаги одамлар билан мулоқот эҳтиёжи йўқолади. Реал дунё иккинчи ўринга тушиб қолади. Ҳаётдаги дўстлар ва яқинлар ижтимоий тармоқлардаги минглаб дўстлар ва расмлар олдида аҳамиятини йўқотади.

Боланинг одамлар билан муомала қилиш лаёқати сўнади. Интернетда ўзини "қаҳрамон" ҳис этадиган бола ҳаётда иккита гапни бир-бирига қовуштира олмайди, одамови бўлиб қолади, тенгқурларига аралашиб кетолмайди. Барча ахлоқий қадриятлар унинг учун маъносини йўқотиб, ўрнига шалоқ тил, жазодан чўчимаслик, масъулиятсизлик ҳисси ва тубан истаклар шаклланади, куч олади. Интилишлар сўнади. Булардан

Эй азизим, сенинг бу нафсинг еб туймайдиган хасис нарса. Агар унга йўл берсанг, сени балолар домига туширади. Унга қарши курашсанг, уни енгишинг мумкин. Йўқса сени офатлар чоҳига гарқ қилиши муқаррардир. (Муҳаммад Жабалрудий)

ОГОҲ БЎЛИНГ!

ҳам хавфлиси, боланинг бузғунчи ғояларни тарғиб этувчи сайтлар таъсирига тушиб қолишидир.

Боланинг кўриш қобилияти жуда тезлик билан пасайиб кетади. Каттагина, сифатли монитордаги тасвирларни ҳам яхши илғай олмасликдан шикоят қилади.

Камҳаракат ҳаёт тарзи бола умуртқа поғонаси ва мушакларининг рисоладагидек ривожланмаслигига сабаб бўлади. Мушаклар кучсизланади, кичрайиб, шалвирагандай бўлиб қолади. Умуртқа поғонаси қийшайиб, аста-секин букрилик ва сколиоз юзага келади. Улар ортидан эса остеохондроз хасталиги эргашуви тайин. "Билак туннели" синдроми ҳам компьютер асирларига хос касалликдир. Бу касалликка чалинганларнинг билак ва тирсакларида кучли оғриқ пайдо бўлади.

Тез толиқиш, серзардалик ва ғазабланиш кучаяди, тананинг касалликларга қарши курашиши сусайиб кетади.

Боши мунтазам оғрийдиган, уйқуси кўп бузиладиган, кутилмаганда боши айланадиган ва кўз олди қоронғилашуви тез-тез кузатиладиган бўлиб қолади.

Юрак-қон томир тизимининг фаолияти бузилади. Бўйин соҳаси зўриқиши сабабли мияда қон яхши айланмайди ва унинг кислородга бўлган эҳтиёжи керагича қондирилмайди. Бу эса бош оғриғи, доимий лоҳаслик, фикри тарқоқлик, ярим ҳушсизлик, карахтлик ва бошқа нохуш ҳолатларга олиб келади.

БИЛИБ ОЛИНГ!

Энг кичик, энг арзимас, энг сезилмас ишда инсоннинг сифати намоён бўлади; аҳмоқнинг кириб-чиқиши ҳам, ўтириб-туриши ҳам, сукут сақлаши ҳам, фаолияти ҳам ақлли кишиникига ўхшамайди. (Донолар бисотидан)

МИСОЛ:

Россиянинг Екатеринбург шаҳридаги маҳаллий ўйинхоналардан бирида 12 соат компьютерда ўйин ўйнаган мактаб ўқувчиси шифохонага ҳушсиз ҳолда келтирилди ва кучли инсульт хуружи боис оламдан ўтди. Врачларнинг фикрича, бу фожиага боланинг виртуал махлуқлар билан "жанг қилиш"га ҳаддан ортиқ даражада киришиб кетгани сабаб бўлган.

Компьютерга асир бўлиб қолган боланинг яшаш тарзини ўзгартириш кейинчалик жуда қийин кечади. Унинг нафақат спорт билан шуғулланишга, балки очиқ ҳавода сайр қилишга ҳам қунт-иродаси етмайди. Иштаҳаси пасайиб, ўсиши секинлашади, тананинг бўйи, вазни билан боғлиқ муаммолар юзага келади.

Зўравонлик, фаҳш ва шафқатсизлик акс эттирилган компьютер ўйинларини мунтазам ўйнаш кўплаб болаларнинг тарбиясига жуда катта салбий таъсир кўрсатмоқда.

ОГОҲ БЎЛИНГ!

Инсон зурриёти Аллоҳ буюрганидай яшаши учун жони, ақли ва жисмининг соғлом бўлиши учун қайғуришга масъулдир.

6.4. Виртуал ўйинларнинг асоратлари

Дарснинг мақсади:

Виртуал ўйинлар келтириб чиқараётган иллатлар, ёшларни ҳалокатга гирифтор этиши ва нобуд қилиши баён қилинади. Шунингдек, Ислом динида бундай ишларга берилмаслик ҳақидаги кўрсатмалари баён этилади.

Америка тиббиёт уюшмаси видеоўйинларга берилиб кетишни ҳам расман ақлий заифлик касалликлари қаторига киритиш ниятида. Шифокорларнинг фикрича, бу касаллик кунига икки соатдан ортиқ ўйин ўйнайдиган ҳар қандай киши саломатлигига хавф солади. Бу интернетдан кўнгилхушлик излайдиганларга ҳам тегишли. Компьютер ўйинларининг керагидан ортиқ машҳур бўлиб, оммалашиб кетгани ва ёшларга салбий таъсири тиббиётчиларни кўпдан бери ташвишга солиб келаётган муаммолардан биридир. Ҳозир дунёдаги жуда кўп минтақалар, жумладан, Европа мамлакатларида интернетга асирлик хасталигини даволайдиган махсус шифохоналар бор.

Тадқиқотчи Ҳилмий Хидир Сорий "Интернет орқали боғланишнинг ижтимоий муносабатларга таъсири" мавзуида 471 киши ўртасида ўтказган сўровлар натижаларига кўра, интернетга мутелик оқибатида ижтимоий ва руҳий ёлғизлик муаммоси кўпайгани аниқланган. Саросима, тушкунлик, хавотир, фарзандларнинг интернет билан бандлиги сабабли ёш оилалардаги келишмовчиликлар,

БИЛИБ ОЛИНГ!

Сенинг ҳар бир хулқ-атворинг бошқа кишиларга таъсир этади; ёнингда инсонлар борлигини унутма. (Донолар бисотидан)

ёшларнинг оила аъзолари билан алоқалари беқарорлашуви ушбу муаммонинг асосий белгилари сифатида кўрсатилади.

Biohazard ("Обитель зла" – ёмонлик тарқатувчи) номли фильм асосида ишланган бу даҳшатли ўйинни асаби бўш одам ўйнай олмайди. Чунки фильмнинг ўзи ниҳоятда қўрқинчли бўлиб, томошабинга салбий психологик таъсир ўтказади. Ўйин ҳам шундай мудҳиш лавҳаларни, манбаларни ўз ичига олади. Ундаги қўрқинчли манзаралар, пессимистик мусиқалар ва бизнинг шарқона маънавиятимизга қарши қаратилган хатти-ҳаракатлар боланинг онгига салбий таъсир ўтказади ва уни қайсидир маънода шафқатсиз "вампир"га айлантиради.

МИСОЛ:

Жанубий Кореяда ҳарбий-стратегик ўйинлар қулига айланган 28 ёшли йигит оламдан ўтди. Маълум бўлишича, у уч кеча-кундуз давомида ўйинхонадан чиқмаган. Фақат ҳожатхонага чиқиш ва гоҳида озгина мизғиб олиш учун ўйин столидан нари кетган, холос. Бунгача ўғли неча кундан буён бедарак кетганидан хавотирга тушган она ёрдам сўраб, боласининг собиқ ҳамкасбларига мурожаат қилади. Ўғил ўйинларга берилиб кетгани оқибатида бир ой олдин ишдан ҳайдалган эди. Собиқ ҳамкасблар "ўйин бандаси"ни жуда осон топишди. У яқин орадаги ўйинхонада эди. Ўйинлар қули дарҳол уйга етиб бориши кераклиги ҳақидаги илтимосларга: "Ўйиннинг шу босқичини охирига етказиб қўяй, албатта бораман", – деб жавоб беради. Бироқ бу гапидан бир неча

Ҳар киши ўз ақлидан огоҳ бўлар,
Ўзидан гумроҳлиги гумроҳ бўлар!
(Муҳаммад Зеҳний)

ОГОҲ БЎЛИНГ!

дақиқа ўтиб, у юрак хуружидан вафот этади. Ташхисга кўра, юрак хуружи қаттиқ чарчоқ ҳолатининг ҳаддан ортиқ чўзилиб кетиши боис юзага келган.

Компьютерда соатлаб, кунлаб ўтириб, турли виртуал мукофотчаларни, ютуқларни "қўлга киритган" киши учун улар чинакамига қимматли маъно касб эта бошлайди. Бундай балл ва ютуқлар "содиқ" ўйинчилар орасида сотилади, харид қилинади. Бундай ишга эса аямай пул сарфланади. Масалан, "Project Entropia" ўйинига муккасидан кетган австралиялик Дэвид Стор исмли талаба 35 минг АҚШ доллари эвазига виртуал орол сотиб олди. Бу оролда эски қалъа, бир қанча чўмилиш ва турли махлуқларни овлаш учун махсус жойлар бор. Лекин бу жойлар фақат тасаввурда, компьютер экранидагина, холос.

Жуда кўп ўйинлар одамларни, ҳайвонларни шафқатсизларча ўлдириш, қон тўкиш саҳналари асосига қурилган. Бундай аянчли лавҳалар нафақат ёшларнинг, ҳатто ёши катталарнинг онгига ҳам жуда кучли салбий таъсир кўрсатади. "GTA", "Снайпер" ва "Қотил" каби ўйинларга берилганларнинг баъзилари кейинчалик ҳақиқий қотилга айланишгани фикримиз далилидир.

МИСОЛ:

— 2002 йили америкалик Шон Вилли исмли 21 ёшли йигит ўзини ўзи пешонасидан отиб ўлдирди. Аниқланишича,

БИЛИБ ОЛИНГ!

Собиқ мустабид тузум: "Бир юртни босиб олиб, тўлиқ итоат остига олай десанг, энг аввало уларнинг онгу шуурини эгалла!" деган мустамлакачилар қоидасини яхши ўзлаштирган эди.

у "EverQuest" номли компьютер ўйинига муккасидан кетган экан. Унинг ўша ўйинда ютқазиб, йиғган баллари ва мукофотларидан ажралганига чидаёлмай, ўз жонига қасд қилгани маълум бўлди.

— 2004 йили Буюк Британияда 17 ёшли Уоррен Леблан 14 ёшли Стефан Пакирнинг жонига қасд қилди. Суд жараёнида айбланувчи "Manhunt" компьютер ўйини таъсирига тушиб қолганини айтади.

— 2007 йилнинг 16 апрелида АҚШнинг Виржиния политехника институтида мисли кўрилмаган оммавий қотиллик юз берди. Талаба Чо Син Хи 32 нафар тенгдошига қарата ўқ узди. Аниқланишича, у кучли тинчлантирувчи воситаларни узлуксиз қабул қилиб келган. Бу воқеадан бир неча ҳафта бурун эса хонасига ўт қўйиб юборишига сал қолган эди. Ҳодисани ўрганиб чиққан руҳиятшунос Фил Мак Гроу жиноятни талаба қаттиқ берилган видеоўйинлар, улардаги ваҳшийлик ва қотилликни тарғиб этувчи саҳналар билан боғлади.

Японияда Нихон университети ижтимоий ва табиий фанлар коллежи профессори Акио Мори 6 ёшдан 29 ёшгача бўлган компьютер ўйинлари ишқибозларини ўрганиб чиқди. Кузатишлар, тажрибалар шуни кўрсатдики, муккасидан кетган геймерлар кўпинча асаблари таранглиги, фикрларини жамлаб ололмаётгани, атрофдагилар билан мулоқотга кириша олмаётганидан шикоят қилади. Ўйин пайтида одамнинг фақат кўриш ва хаёлий ҳаракатга масъул асаблари фаолиятда бўлади.

ОГОҲ БЎЛИНГ!

Пайғамбар (алайҳиссалом): ***"Қайси бирингиз тонгда уйқудан уйғонганда оиласи тинч, тани соғ ва уйида бир кунлик егулиги бўлса, билсинки, унда дунёдаги барча неъматлар мужассам экан",*** *– деганлар. (Имом Термизий).*

Бу эса фикрлаш фаолиятининг сусайишига олиб келади. Бош миянинг ҳиссиётлар ва ижодий қобилиятга жавоб берадиган олд қисми виртуал ўйинлар пайтида деярли ишламайди.

Бундан ташқари, оммавий ахборот воситалари орқали тез-тез эшитиб қоламиз: ғарб мамлакатларида мактаб ўқувчилари, ўсмир йигит-қизлар ўз ота-оналари, ўқитувчилари, тенгдошлари ўлимига сабаб бўлишяпти. Бундай даҳшатли воқеалар ғарб болаларига виртуал олам бераётган "тарбия"нинг заҳарли меваси экани аччиқ ҳақиқатдир.

Компьютер ўйинлари каби беҳуда ва талафотли ишларга шўнғишни ислом дини қоралайди. Чунки бунинг натижасида боланинг имон-эътиқоди заифлашиб, шайтоннинг қулига айланади ва унинг найранглари бўйича иш қилади. Оқибатда ўзи ҳам ҳалок бўлади. Шунинг учун ёшларнинг имон-эътиқоди, иродаси мустаҳкам бўлса, турли бемаъни ишларга чалғимайди. Аммо компьютер ва интернет тутқунига айланган инсон бутун умрини тубанликка сарфлайди. Гўёки яратилишдан мақсад йўқдек. Ахир Аллоҳ таолонинг: "**Ёки сизларнинг гумонингизча, Биз сизларни беҳуда яратдиг-у, сизлар Бизнинг ҳузуримизга қайтарилмайсизми?!**" *(Муъминун, 115)*, – деган ояти шунчаки дунёга келтирилмаганимизни айтиб турибди.

БИЛИБ ОЛИНГ!

Ёлгонлиги аввалдан маълум гапни ҳақиқат дейишдан ҳам ортиқ ҳаёсизлик йўқ. (Қобус)

6.5. Виртуал тутқунликка қарши кураш чоралари

Дарснинг мақсади:

Баъзи жойларда компьютер қаршисида бир неча кун қолиб кетган болалар охир-оқибат ҳалок бўлаётгани гапирилади. Бугунги кунда виртуал тутқунликка қарши ҳар бир киши курашиши лозимлиги таъкидланади. Бу борада ҳеч ҳам лоқайдликка йўл қўйиб бўлмаслиги ва уларга қарши кучли иммунитет ҳосил қилиш кераклиги тўғрисида сўз юритилади.

Фарзанд истиқболи, ёрқин келажаги учун ҳар бир киши тарбия масаласига жиддий эътибор бермоғи зарур. Бола тарбияни турли компьютер ўйинлари, интернет ва ижтимоий тармоқлардан эмас, энг аввало ота-оналаридан, бобо-момоларидан, эзгуликка, покликка ва дину диёнатга чақирувчи яхши китоблардан олсин.

Бола инсон зое қилган вақти, яъни умрини нимага сарфлагани хусусида оламлар Парвардигори олдида жавоб беришини билсин. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): ***"Қиёмат куни бўлганда банданинг қадами умрини нима билан ўтказиб юборгани, илмига қанчалик амал қилгани, молини қаердан топиб, каерга сарфлагани ва жисму жонини нима билан қаритгани тўғрисида сўралмагунча жойидан қўзғалмайди",*** – деганлар.

Компьютер ўйинларига муккасидан кетган бола Ислом дини буюрган касб-ҳунар эгаллаш, илм олиш, ота-онага яхшилик қилиш, қариндош-уруғчиликни боғлаш ва бошқа

Жангарилар гуё ислом йўлида "қурбон" бўлаётганлар акс этган фотосурат ва видеолавҳалардан тарғибот мақсадида фойдаланишмоқда.

ОГОҲ БЎЛИНГ!

муҳим кўрсатмаларни бажариш учун "банд бўлгани" боис вақт топа олмайди.

Аллоҳ таоло барча мавжудотлари ичида инсонни энг азиз ва мукаррам суратда яратган. Унга Ердаги кўп нарсаларни бўйсундириб қўйган ва саноғига етиб бўлмас неъматларини ато этган. Инсонларга илоҳий амрларни сўзсиз бажаришни, қайтарганларидан четда бўлишни, Аллоҳ буюрганидай турмуш кечиришни амр этган.

Компьютер ва интернет ўйинларига боғланиб қолиш шахснинг юриш-туришида беқарорликни келтириб чиқарадиган касалликдир. Виртул оламга боғланиб қолиш зерикишдан, ўзини ёлғиз ҳис қилишдан, бекорчиликдан ва интернетнинг ўзига тортадиган кўп жиҳатларидан келиб чиқади.

Америкалик руҳшунос олима Кимберли Ёнг "интернетга қарамлик" иборасини биринчи бўлиб ишлатган. Олима ушбу касалликнинг қуйидаги белгиларини санаган:

1. Интернетга боғланиб қолган киши ваҳимачи, саросимага берилувчи бўлиб, интернетга боғланмаса, тушкунликка тушади.

2. Оилавий вазифаларга, ижтимоий муносабатларга бепарво бўлиб, жамиятдан бегоналашади.

3. Ўз вазифасини бажаришда суст бўлади.

4. Уйқудан тўсатдан уйғониб, бирдан интернетга уланишни истайди.

БИЛИБ ОЛИНГ!

Эътиқодга айланмаган гоялар, тизимларнинг умри қисқа бўлиб, бугун бўлса, эртага бўлмаслиги тайин. Инсон Худога, охиратга ишонмаса, диний гоя унинг эътиқодига айланмайди. (Абдурауф Фитрат)

5. Муаммоларга қарши туриш, уларни ҳал этишда ожизлик қилади, ҳаёт қийинчиликларига бардош беролмайди.

6. Ўқишда ўзлаштириши пасайиб кетади.

7. Ихтирочилик қобилияти йўқолади.

Ҳақ таоло Қуръони каримда инсонни бошқа мавжудотлардан кўра ақлли ва мукаррам қилиб яратиб, унга жуда кўп неъматларни ато этганини, покиза нарсалардан ризқ-рўз берганини эслатиб, айтади: **"Дарҳақиқат,** (Биз) **Одам фарзандларини** (азиз ва) **мукаррам қилдик ва уларни қуруқлик ва денгизга** (от-улов ва кемаларга) **миндириб қўйдик ҳамда уларга пок нарсалардан ризқ бердик ва уларни Ўзимиз яратган кўп жонзотлардан афзал қилиб қўйдик."** *(Исро, 70).*

Аллоҳ таоло мавжудотларни бир-биридан афзал қилиб яратган. Жумладан, одам боласини борлиқдаги ҳамма нарсадан азизу мукаррам қилиб яратганини ушбу оятда хабарини бермоқда. Аввало одамнинг шакли, барча аъзоларининг тузилиши азизу мукаррамликдан далолат беради: **"Ҳақиқатан, Биз инсонни хушбичим ва хушсурат** (шаклда) **яратдик"** *(Тин, 4),* – дейилган.

Бундай шарафга ҳеч бир жонзот муяссар бўлган эмас. Шу боисдан инсон мукаррам. Бас, шундай экан ҳеч бир инсоннинг юқорида айтилгани каби, ўз нафсига зулм қилишга ва озор етказишга ҳаққи йўқ.

Ислом инсонларни бир-бирига зарар етказиш ва ҳатто ўзини ҳам қийинчиликка солишдан қайтаради.

Зулматдаги бу "тўр"лар бир кун келиб "арқон"га айланиб онгингиз, бутун вужудингизни чирмаб, ҳалок қилмасин!

ОГОҲ БЎЛИНГ!

Аллоҳ таоло бу ҳақда шундай дейди: **"...Ўз қўлларингиз** (бахиллигингиз) **билан ўзларингизни ҳалокатга ташламангиз"** *(Бақара, 195).*

Ушбу ояти карималар билан Парвардигор инсониятни барча ёмонликлардан сақланишга, илоҳий амрларни адо этишга, жамият ва дин манфаати йўлида яхши амалларни қилишга, жисми соғлом, дини ва жамиятга наф келтирувчи, зиммасига юклатилган вазифани мукаммал адо қилувчи бўлишга даъват этади.

Ана шундай катта вазифалар юкланган инсон зурриёти Аллоҳ буюрганидай яшаш учун жони, соғлиги, ақли ва жисмининг соғлом бўлиши учун қайғуришга масъулдир. Шариатда инсон жони ва ақлини рисоладагидай сақлаш ўта долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бунинг учун у, ўзига фойдали нарсаларни қилиши, зарар келтирадиган ишлардан четланиши зарур. Афсуски айрим ёшлар виртуал ўйинларга бўлган қизиқишлари натижасида айрим ваҳший ўйинлар таъсири остида турли хил руҳий хасталикларга чалиниб қолмоқда. Ҳаттоки баъзи бир ёшлар ўз жонига қасд қилмоқда.

Агар ёшлар Аллоҳ таолонинг тавсияларига риоя қилса, унинг икки дунёда ҳаёти намунали кечади ва жамият олдида инсон деган улуғ номни эъзозлаган бўлади. Агар инсон бу борадаги мувозанатнинг бузилишига сабаб бўладиган ёмон йўлларга қадам қўйса, омонат қилиб топширилган жон ва ақл неъматига хиёнат қилган бўлади ва ўзини ҳалокат чўғига отган бўлади.

БИЛИБ ОЛИНГ!

Монитор қаршисида кўп ўтириш кўз қизариши ва оғриши, кейин эса кўриш қобилиятининг сусайиши, "қуруқ кўз" синдроми ва бошқа жиддий кўз касалликларига олиб келади.

Маълумки, ислом дини инсон зотини бу дунёда азизу мукаррам бўлиб яшашда давом этиши учун олти заруратни жорий этган. Улар:

• *дину диёнатни, соғлом эътиқодни сақлаш;*

• *жонни, соғлик-саломатликни муҳофаза қилиш;*

• *ақлни саломат сақлаш, онгни турли заҳарли ғоялардан асраш;*

• *насл-насабни покиза сақлаш;*

• *обрў-эътиборни, номусни сақлаш;*

• *мол-мулкни муҳофаза қилиш, ўз мулкини, умумий мулкни, халқ мулкини зое ва нобуд бўлишидан сақлаш.*

Мазкур олти зарурат Ислом динидаги барча буйруқ ва тақиқларнинг юзага келиш сабабчисидир. Санашда қисқагина бўлиб кўринган бу нарсалар инсониятнинг дунёю охиратда саодатманд бўлиб яшашига кафолат бўлади.

Маълумки, дину диёнатни сақлаган, соғлом ақидага содиқ қолган кишилар залолат йўлларига, турли-туман оқим ва фирқаларга кириб кетмайдилар. Шу боис ҳам динни сақлаш мазкур заруратларнинг биринчиси ҳисобланади.

Инсон жонини сақлаши, сиҳат-саломатликни муҳофаза қилиши лозим. Маълумки, жон, соғлиқ вақтинчага омонат қилиб берилган. Омонатни сақлаш вожиб. Турли зарарли иллатлар жонга, соғлиққа зарар кўрсатади. Жумладан, бугунги компьютер ўйинларига муккасидан кетиш инсон соғлигига ўта зарарли экани ҳеч кимга сир эмас. Шундай экан, сиҳат-саломатликка путур етказадиган ана шундай зарарли одатлардан сақланиш зарур.

Хато йўлдан юриб, қилмай орият,
Авлод-аждодингга келтирар уят.
Ноқобил фарзанддан ота қалби зор,
Ундан бегоналар яхшидир зинҳор!
(Бархурдор ибн Маҳмуд)

ОГОҲ БЎЛИНГ!

Компьютер ўйинларига муккасидан кетишнинг жамиятга зарарлари кўп. Аввало маънавий зарар бўлиб, компьютер ўйинлари жамиятимизни маънавий бузуқлик ботқоғига ботириб, инсонни ўзликни англаш бахтидан мосуво қилмоқда. Ислом дини таълимотларида ҳам бу каби амаллар қаттиқ қораланган: **"Ахир,** (қилган) **ёмон иши ўзига чиройли кўрсатилиб, уни гўзал** (иш) **деб ўйлаган кимса** (ҳидоят топган зот каби бўлармиди)?! **Зотан, Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кимсаларни йўлдан оздирур ва Ўзи хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур. Бас,** (Эй Муҳаммад!) **Уларга ҳасратлар чекиб жонингиз** (чиқиб) **кетмасин. Албатта, Аллоҳ уларнинг қилаётган сир-синоатларини билувчидир."** *(Фотир, 8).*

Шайтон васвасасига учраган айрим ёшларнинг виртуал ўйинлардаги хатти-ҳаракатлари ўзларига зийнатли кўринади. Ўйинлар қулига айланган бола ўзидан ўзи ажабланиб, қилган иши кўзини қувонтириб, борган сари ҳаддидан ошаверади.

Компьютер ўйинлари ёшларнинг вақтини ўғирламоқда. Интернет-клубларда ёшлар айни ўқиб илм ҳосил қиладиган пайтларида вақтларини бекорчи ўйинларга, ижтимоий тармоқларда мутлақо нотаниш шахслар билан танишишга сарфлаётгани ташвишли ҳолат. Бу эса жамиятда илмсизлик, жоҳилликнинг томир ёйишига олиб келади.

Бу борада Пайғамбар (алайҳиссалом) шундай деганлар: ***"Сенинг вақтинг сенинг уловинг, унинг тадбирини ўрнида қилмасанг, сени йироқларга олиб қочади".***

БИЛИБ ОЛИНГ!

Ким бош оғриққа агар қилмас илож,
Оқибат хавфга тушар буткул мизож.
(Фаридуддин Аттор)

Интернет ва компьютер ўйинлари асирига айланган ўсмирлар ҳаётдан, илм олиш, касб ўрганишдан ва маънавий қадриятлардан тамоман узилиб, бутунлай манқуртлашиб боради.

2.

Ҳозир компьютер ўйинлари орқали ўсмир ёшларга салбий таъсир қилиб, улар онгига ўз бузғунчи ғояларини сингдириш ёки уларни тўғри йўлдан оздиришга уринадиган яширин кучлар жуда кўп.

3.

Компьютер ўйинларига муккасидан кетган ўсмирлар ўзлари билмаган ҳолда яширин кучларнинг қўғирчоғига айланади.

4.

Компьютерга мутеъ бўлган ёшларнинг фикри-хаёли, бутун вақти, ҳатто уйқуси ҳам бемаъни ўйинлар билан банди бўлади.

5.

Охир-оқибат бундай манқурт ёшлар тенгдошлари, яқинлари ва ҳатто ота-онасига ҳам қурол ўқталишгача бориб етади.

УМРНИ ҒАНИМАТ БИЛИШГА ОИД ЎГИТЛАР

❁ ***"Икки неъмат борки, кўпчилик унинг қадрига етмайди: соғлик ва бўш вақтдир"*** *(Имом Бухорий ривояти).*

❁ *Муоз ибн Жабалдан ривоят қилинади: Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар:* ***"Банда қиёмат куни тўрт нарсадан сўралмагунча, бир қадам ҳам олдинга силжий олмайди. Бу саволлардан биринчиси – умрини нима билан ўтказгани; иккинчиси – ёшлик даврида нима билан машғул бўлгани; учинчиси – мол-дунёни қай йўсинда*** *(қайси касб орқали)* ***топгани ва нималарга сарфлагани; тўртинчиси – ўрганган илмига қандай амал қилгани ҳақида бўлади"*** *(Баззор ва Табароний ривояти).*

❁ *Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтадилар:*

"Беш нарсадан олдин беш нарсани ғанимат бил: кексаликдан олдин ёшликни, бетобликдан олдин саломатликни, фақирликдан олдин бойликни, бандликдан олдин бўш вақтингни, ўлимингдан олдин тирикликни ғанимат бил!".

❁ *Ҳасан Басрий айтадилар:* ***"Эй одам боласи, сен ташкил топган кунлардан иборатсан. Сен учун бир кунинг кетиши бир қисминг кетиши демакдир".***

❁ *Халил ибн Аҳмад айтганидек, вақтлар уч қисмга бўлинади:* ***"Сендан кетган вақт, у қайтмайди. Сендаги вақт, сендан қандай чиқиб кетишига назар сол ва сен кутган вақт, унга етиб бормаслигинг ҳам мумкин".***

❁ *Абу Ҳафс Найсобурий:* ***"Ҳар бир вақтнинг ўз одоби бор, ким вақт одобларига риоя қилса, улуғлар даражасига етади", деб айтган.***

❁ *Улуғларимиз:* ***"Инсоннинг вақти бу унинг умридир. Вақт исрофи умр исрофидир", деганлар.***

❁ *Олимлар:* ***"Нодонликнинг аломати вақтни зое кетказишдир", деб уқтиришган.***

❁ *Уламолар:* ***"Вақт бир қиличдир, агар сен уни кесмасанг, у сени кесади!" дейишган.***

Ўтилган мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Ҳозирда инсонни манқуртга айлантиришнинг қандай йўллари мавжуд?
2. Компьютер ўйинларининг болаларга қандай салбий таъсирлари бор?
3. Ёшларни руҳий ва жисмоний хатарлардан ҳимоялашда қандай йўл тутиш лозим?
4. Виртуал олам қуллари кимлар?
5. Виртуал тутқунликдан ҳимояланиш учун нималарга эътибор бериш керак?
6. Ислом динида компьютер ўйинлари каби зарарли амалларга мутеликнинг олдини олиш бўйича қандай тавсиялар бор?

Мустақил иш мавзулари

1. Виртуал ўйинларнинг зарарли оқибатлари.
2. Компьютерга муккасидан кетишнинг хатарлари.
3. Виртуал тутқунликка қарши кураш йўллари.

Фойдаланиш учун тавсия этиладиган манба ва адабиётлар

Ислом Каримов. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Т.: "Ўзбекистон", 1999.

Ислом Каримов. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: "Ўзбекистон", 2000.

Ислом Каримов. Ватан равнақи учун ҳаммамиз масъулмиз. – Т.: "Ўзбекистон", 2001.

Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: "Ўзбекистон", 2008.

Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва изоҳлар муаллифи Шайх Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2014.

Усмонхон Алимов. Оилада фарзанд тарбияси. – Т.: "Movarounnahr", 2014.

Айдарбек Тулепов. Ислом ва ақидапараст оқимлар. – Т.: "Sharq" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2013.

Айдарбек Тулепов. Интернетга ин қурган "ўргимчаклар". – Т.: "Movarounnahr", 2014.

Айдарбек Тулепов. "ИШИД фитнаси". – Т.: "Movarounnahr", 2015.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳиҳи Бухорий, – Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2008.

Ислом энциклопедияси. – Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2004.

Айдарбек Тулепов. Юқори баҳо ва юксак масъулият, "Ислом нури" газетаси, 2012 йил, 17-сон, 2–3,5-саҳифалар.

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг muslim.uz портали ва тизимдаги интернет сайтлари.

ziyonet.uz.

fikr.uz.

7-БОБ. АХБОРОТ АСРИ ТАҲЛИКАЛАРИ

7.1. Ахборот тўғрисида умумий тушунча.

7.2. Интернет тармоғидаги ахборот уруши.

7.3. Глобал тармоқдаги ғоявий хуружларнинг олдини олиш.

7.4. Жаҳон ахборот тизимидаги таҳдидларга қарши туриш.

7.5. Баркамол авлод мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш.

Дарснинг мақсади:

Ахборот ҳақида тушунча, турлари ва фойдали жиҳатлари ёритилади. Шунингдек, ахборотнинг салбий таъсирлари ва ғаразли мақсадда фойдаланишдан ҳушёр бўлиш таъкидланади.

Таянч сўзлар ва иборалар:

Ахборот, ахборот тахдидлари, ахборот уруши, визуал ахборот, аудио ахборот, оммавий ахборот, махсус ахборот, махфий ахборот, шахсий ахборот, ғоявий хуруж, ахборот истеъмоли маданияти.

7.1. Ахборот тўғрисида умумий тушунча

Дарснинг мақсади:

Ахборот ҳақида умумий тушунча берилиб, унинг турлари, ижобий ва салбий жиҳатлари ёритилади. Шунингдек, ахборотнинг салбий таъсирлари, ғаразли кучларнинг ғоявий таъсирига тушиб қолишидан огоҳлантирилади.

Ахборот – (лотинча *"informatio" – тушунтирмоқ, баён этмоқ*) замонавий фанларнинг асосий тушунчаларидан бири. У дастлаб кишилар томонидан оғзаки, кейин ёзма ва бошқа шаклларда узатилган.

Ахборот тушунчаси бугунги кунда глобал маъно касб этди. У инсон тафаккурига таъсир ўтказувчи, инсоният ҳаёти ва тақдирини у ёки бу томонга буриб юборувчи, гоҳ салбий, гоҳ ижобий моҳият касб этувчи воситага айланди. Ахборот тушунчаси барча билимлар соҳасида қадимдан мавжуд. Ҳозирги кунда ахборотни тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш, кўпайтириш ва тарқатиш алоҳида илмий соҳага айланди. Ахборот соҳасининг тез ўсиши компьютер яратилишига ва жамиятнинг шиддат билан компьютерлашувига олиб келди.

Ялпи ахборотлаштирилган тизимнинг вужудга келиши халқлар ва бутун инсоният тақдирини бир-бирига боғлаб қўйди. Ахборот олиш, уни ишлаш, сақлаш ва тарқатиш технологиялари тараққиёти бугун жиддий ташвишлар

БИЛИБ ОЛИНГ!

Ахборот урушининг асосий мақсади шахс ёки мамлакатнинг тинчлигига таҳдид солган ҳолда, босим ўтказишдир.

туғдирмоқда. Чунки ҳозирги замон компьютерларининг энг сўнгги авлоди ҳар бирининг процессорида 80–100 миллион транзистор бўлиб, ҳар сонияда икки миллиардгача вазифани бажара олади.

Ахборот тақдим қилинишига кўра: ёзувли, рақамли, графикли, овозли ва видеоёзувли каби турларга бўлинади. Ахборотлар вазифасига кўра: оммавий, махсус, махфий ва шахсий каби турларга бўлинади.

Телевидения, радио, босма нашрлар ва интернет инсонларнинг ички оламини шакллантиришда бош омил саналади. Инсон ўзини қизиқтирган маълумотларни айнан шулар орқали олади.

Инсон учун ахборот – энг таъсирчан восита. Ахборот етказишнинг энг оддий усуллари шу қадар катта кучга эгаки, унга ҳеч ким ҳеч нарсани қарши қўя олмайди. Инсоннинг табиати шундай яратилганки, у ахборотни қабул қилмасдан, уни тушунишга ҳаракат қилмасдан яшаёлмайди. Ҳар бир одам маълумотни кўради, эшитади, ўқийди. Энг муҳими, доимо, узлуксиз равишда, кечаю кундуз унга етиб турадиган ахборотлар таъсирида яшайди.

Ахборот истеъмоли маданияти – эзгулик ва тараққиётга хизмат қилувчи маълумотларни ахборот дунёсидан саралаб олишдаги билимлар, қобилият ва малакани ўзида ифода этади.

Шубҳасиз, зарур ахборотларга эга бўлиш давр талабидир. Бироқ бугунги кунда, ўзи ҳақидаги ахборот-

ОГОҲ БЎЛИНГ!

У ёки бу ахборотни қабул қилишдан олдин ёшлар албатта: “Бу ахборотни ким тарқатяпти?”, “Нима учун узатяпти?”, “Қандай мақсадни кўзлаяпти?” деган саволларни ўзларига беришлари керак.

ларни тарқатиш ҳам жуда муҳим. Биринчидан, интернетдан мамлакатимизнинг жаҳонда тутган ўрнини мустаҳкамлашда кенг фойдаланиш зарур. Иккинчи муҳим жиҳати, юртимиз ҳаётига доир нохолис ва бузғунчилик мақсадида тарқатилаётган маълумотларга жавобан тўғри, ҳаққоний ахборотларни тарғиб этиш ташқи ахборот хуружларига қарши ўзига хос қалқон вазифасини бажаради.

Бунинг учун ёшларда ахборот истеъмоли маданиятини шакллантириш зарур. Шунда турли маълумотларга кўр-кўрона эргашиш, уларни нотўғри талқин этишнинг олди олинади.

Интернет виртуал, аммо объектив ҳодисадир. Унинг ҳаётимизга кириб келишига тўсиқ қўйиб бўлмайди. Лекин ёшларни ундан оқилона фойдаланишга ўргатиш лозим.

Интернет орқали ижобий маълумотлар билан бирга ёшлар хулқу одобига салбий таъсир этувчи ахборотлар ҳам узатилаётгани аниқ. Ахборот истеъмоли маданиятини шакллантириш орқали бундай таъсирларнинг олдини олиш керак.

БИЛИБ ОЛИНГ!

“Ахборот уруши” иборасини илк қўллаган физик олим Томас Рон ҳисобланади. У 1976 йили ушбу масалага барча масъул кишилар эътиборини қаратди.

7.2. Интернет тармоғидаги ахборот уруши

Дарснинг мақсади:

Бугунги кунда шиддат билан ривожланаётган оммавий ахборот воситалари ва уларнинг хавф-хатарлари, инсонларни йўлдан оздиришни кўзлаган кимсаларнинг қилмишлари тўғрисида маълумот берилади.

Ахборот уруши – ахборот воситаларидан ғаразли мақсадда фойдаланиш, сиёсий ва иқтисодий ҳукмронликка эришиш, аҳоли онгига салбий таъсир ўтказиш йўлларидан бири. Ахборот урушининг асосий мақсади шахс ёки мамлакатнинг тинчлигига таҳдид солган ҳолда, босим ўтказишдир. Ахборот уруши ижтимоий, сиёсий, этник ва бошқа тизимларнинг ўз манфаатлари йўлида бир-бирларига очиқ ва яширин мақсадли ахборий таъсирларини ҳам қамраб олади.

Бугунги кунда ахборот оқимлари ҳаддан ташқари жадал ва кенг кўламли бўлмоқда. Бир мисол: охирги эллик йил ичида жамиятда айланадиган ахборот ҳажми миллион марта кўпайди ва кундан-кун янада ортиб бормоқда. Бу шундай бир катта рақамки, уни тўла даражада англаб олиш ҳам қийин.

Демак, техникавий жиҳатдан қудратли бўлган давлатлар кучли ахборот технологияларига эга. Шунинг эвазига улар ўзлари ишлаб чиққан ахборотни тарқатиш йўли билан бошқа мамлакатлар устидан олдин ғоявий,

Террорчилар халқ билан гўёки яқинлигини билдириш мақсадида уларнинг қийинчилиги ва ташвишига ўзларини "шерик" қилиб кўрсатадилар.

ОГОҲ БЎЛИНГ!

кейин эса сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳукмронлик ўрнатишга ҳаракат қилади.

Ахборий ҳукмронликнинг мақсади ахборот тарқатувчи мамлакат мафкурасини бошқа давлатлар ва халқлар ўртасида кенг ёйиш, тарғиб қилиш. Лекин бундай вазифа борлиги ҳақида улар асло очиқ-ойдин айтмайди, инсон ҳуқуқлари ёки демократик андозалар ниқоби остида яшираді.

Шунингдек, ҳозирги кунда ахборот хавфсизлигини таъминлаш ниқоби остида шовинистик[1] ҳаракатлар ҳам авж олдирилмоқда.

МИСОЛ:

"Жамоатчилик фикрини бошқариш" деб номланувчи "Publice Relation" тизими орқали Америка Қўшма Штатларида жамоатчилик фикрини махсус шакллантириш борасида 200 000 нафардан кўп киши доимий фаолият олиб боради. Биргина АҚШ мудофаа вазирлиги фаолиятини тарғиб этиш бўйича 15 000 мутахассис ишлайди.

Худди шундай тизим Англия, Франция, Италияда ҳам мавжуд бўлиб, бу мамлакатларда берилаётган ахборотларнинг таъсири, аҳоли турли қатламлари орасида уларнинг ижтимоийлашув кўламларини ўрганишга ихтисослашган социолог-психолог лавозимлари жорий этилган.

[1] Шовинизм— муайян шахс ёки миллатни бошқалардан устун қўядиган, уни мутлақлаштирадиган ҳаракат.

БИЛИБ ОЛИНГ!

Кўз ҳаромга қараганида виждонни, қалбни ғамаламлар, бузуқ заҳарли фикрлар, хароблик ва разолат қоплайди. Шаҳвоний кучлар ҳаракатга келгудек бўлса, одам ўзи билмаган ва сезмаган ҳолда ҳалокатга, разолатга ва бузуқ ўй-фикрлар гирдобига тушиб қолади. (Муҳаммад Нуруллоҳ Сайдо Жазарий)

МИСОЛ:

Рено заводининг Париждаги илмий лойиҳалаш ва моделлаштириш маркази (2,5 минг киши фаолият юритади)да 35 кишидан иборат социолог-психологлар гуруҳи доимий иш олиб боради. Шунга ўхшаш мисолларни бошқа кўплаб йирик мамлакатлар ахборот индустрияси иш тажрибаси орқали ҳам кўриш мумкин.

Собиқ шўролар даврида даҳрийлик сиёсатини назарий йўналишлар орқали жамоатчилик фикрига сингдирилар эди. Ана шу механизмни ҳаракатга келтириш учун эса давлат тизими марказлашган партия ва турли хил ташаббус гуруҳлари ниқоби остида мунтазам равишда фаолият олиб борарди.

Ўтган асрнинг бошларида мустамлакачилар олиб келган даҳрийлик тузумидан юрт аҳолиси етмиш йил мобайнида азият чекди. Улар мусулмонларга эътиқодлари, диний ибодат ва маросимларини эркин адо этиш ҳақида қуруқ ваъда бериб, амалда даҳрийликни кенг тарғиб-ташвиқ қилди. Динсизлик оғир кулфат экани ўша йилларда намоён бўлди. Бироқ совет тузуми даҳриёна ташвиқот юритиб ҳам инсонлар қалбидан Аллоҳнинг номини чиқаролмади.

Аммо динсизлик ҳалокатидан сўнг йиллар ўтса ҳам, айримлар бу бало асоратидан қутулолмай юрибди. Собиқ мустабид тузумнинг манфур қилмишларини айримлар ҳамон тан олгиси келмаяпти. Баъзи кимсалар бўлиб ўтган

Интернет тармоғида қора қузғун каби ўрнашиб, юртимиз ютуқларини кўра оламаётган ёвуз кучларнинг, бўҳтон ва ғийбат билан тўлиб-тошган маълумотларини айрим ёшлар ўқиб, баъзан уларга ҳамфикр бўлиб, адашиб кетмоқда.

ОГОҲ БЎЛИНГ!

ишларни кўриб-билиб ҳам, худосиз жамиятнинг тубан, охири вой эканини англаб етмаяптилар. Бошқа кимсалар эса бундан унумли фойдаланиб, ўша замонга қайтиш, турли иттифоқлар тузиш орқали ўзининг манфур ниятига эришиш ҳаракатида оммавий ахборот воситалари орқали хуружлар уюштирмоқда.

Эскилик сарқитини қўмсаш, иттифоқ тузиш шиори остида худосизликка етаклайдиган ахборот хуружларига умуман ён бермаслик керак, чунки ҳурлик ва имон-эътиқод эркига не етсин. Мўмин имонини жазирама саҳрода қолган кимсанинг муздек сувни яхши кўришидан ҳам зиёда суяди, ардоқлайди. Ундан ажралиб қолишни оловда ёнишдан ҳам ёмон кўради. Бу ҳақда Аллоҳ таоло: **“...Аллоҳ сизларга имонни суюкли қилди ва уни дилларингизга безак қилди ҳамда сизларга куфрни, фиск-фужурни ва итоатсизликни ёмон кўрсатиб қўйди. Ана ўшаларгина тўғри йўл топувчилардир.** (Бу) **Аллоҳ** (томони)**дан бўлмиш фазл** (марҳамат) **ва неъматдир. Аллоҳ билимли ва ҳикматлидир”,** – деб таъкидлаган *(Ҳужурот 7, 8)*.

Инсон неъматнинг қадрига етиши, шу неъматдан ўзгалар ҳам баҳраманд ёки бебаҳра эканини ўйлаши лозим.

БИЛИБ ОЛИНГ!

Ҳақиқатан ҳам устоз илм бериши билан кишининг номини улуғлаб, авлодлар оғзида қолдиради ва иккинчи ҳаёт бағишлайди. (Оғаҳий)

7.3. Глобал тармоқдаги ғоявий хуружларнинг олдини олиш

Дарснинг мақсади:

Жаҳон ахборот тармоғидаги мафкуравий ҳамлалардан ёшларни ҳимоя қилиш масалалари баён қилинади. Шунингдек, бундай таҳдидлардан сақланиш йўллари баён қилинади.

"Ахборот асри" деб аталаётган ҳозирги замонда маълумот олиш ва ахборот алмашишнинг қулай воситаси интернетдир. Бироқ бу тармоқда ҳамма нарса аралаш-қуралаш – оқ билан қора, эзгулик билан ёвузлик. Маълумот тарқатиш, бизнес ва реклама учун катта майдонга айланган глобал тармоқни назорат қилишнинг имкони йўқ. Шунинг учун ҳам "ўргимчак тўри"да бузғунчи ғоялар тарғиботи ва терроргa чақириқлар жуда кўп учрайди.

Бузғунчи фирқалар томонидан амалга оширилаётган хунрезликлар оммавий ахборот воситалари, айниқса, интернет орқали кўп намойиш этилмоқда. Жангарилар ўзларининг қабиҳ мақсади йўлида интернетдан усталик билан фойдаланмоқда. Масалан, ғаламисларнинг алдамчилик, кўзбўямачилик билан ишланган, сохталаштирилган видеотасвирлари ғўр ёшларни ўз домига тортмоқда.

Масалан, "Ироқ ва Шом ислом давлати" террорчи ташкилоти видеолавҳалари "ал-Ҳаёт" медиа студиясида

Кимнинг етакловчиси қарга бўлса, борган жойи ит ўлимтиги бўлади. (Араб мақоли)

ОГОҲ БЎЛИНГ!

тайёрланади. Улар юқори сифат ва профессионал маҳорат билан ишланган. Бу ишга катта малака, тажрибага эга бўлган европалик мутахассислар жалб этилган. Ҳар сафар жангарилар томонидан чиқарилган видеолавҳа аввалгисидан фарқ қилади. Бундай лавҳалар халқаро жамоатчиликка қандай таъсир этишини кўриб, кузатиб, шунга яраша иш тутилмоқда.

Дастлаб, ушбу жангарилар тарқатган видеолавҳаларда бегуноҳ одамларни қўйдек бўғизлаш каби ваҳшийлик акс эттирилган бўлса, энди бу қонхўрлар тарқатаётган сўнгги видеолавҳаларда бундай даҳшатли тасвирлар йўқ. Чунки жангариларнинг ушбу ваҳший тасвирларини халқаро ҳамжамият, хусусан, оммавий ахборот воситалари уларнинг зарарига қўлламоқда. Шунинг учун жангарилар, гўё Ислом йўлида "қурбон" бўлаётганлари акс этган фотосурат ва видеолавҳалардан тарғибот мақсадида фойдаланишмоқда.

Ёшларнинг бундай ғояларга алданмаслиги, залолат ботқоғига ботмаслигини таъминлаш ниятида зарур тавсияларни баён қиламиз. Мақсадимиз ёшларни интернетга ин қуриб, ўзларининг вайронкор ғояларини вирус каби бутун дунёга тарқатаётган жиноятчиларнинг асл башарасидан огоҳ этишдир.

Соғлом ақл эгалари интернет қулайликларидан ўз билимларини ошириш йўлида оқилона фойдаланади. Лекин баъзи ёшлар эса ушбу тармоқдаги ёвузликка, маънавий таназзулга сабаб бўладиган сайтларда "сайр қилиб", ўзлари

Ҳаё кишиларни ёмон йўлдан қайтарувчи ва яхшилик сари ундовчидир. Кимнинг ҳаёси бўлмаса, унинг уяти бўлмайди. Барча қабиҳ ишларни қилишдан ҳам қайтмайди. Кишида ҳаё бўлса, нафс унинг устидан ҳоким бўлолмайди ва ўз йўлига сололмайди. (Муҳаммад Жавҳар Заминдор)

ва атрофдагиларнинг онгини заҳарлаётганлари аниқ. Интернет бозоридан ҳар ким ўзига керакли нарсани олади, деб тарбияни ўз ҳолига ташлаб қўйиш ярамайди.

Пайдо бўлганига унча кўп бўлмаса-да, лекин аллақачон "ари уяси" каби энг гавжум электрон манзилларга айланган ижтимоий тармоқлар ёвуз кучларнинг виртуал қуролига айланди. Зеро, террорчилик кайфиятидаги шахсларнинг ижтимоий тармоқлар орқали олиб бораётган тарғибот-ташвиқотлари кун сайин авж олиб бормоқда.

Шунинг учун ҳам ёшларда хабар ва маълумотларни таҳлил эта олиш малакасини ҳосил қилиш зарур. Зеро, ҳар қандай хабар ҳам тўғри ва холис бўлавермайди. Ҳар бир маълумотни текшириш ҳақида Аллоҳ таоло шундай дейди: **"Эй мўминлар! Агар сизларга бирор фосиқ кимса хабар келтирса, сизлар** (ҳақиқий аҳволни) **билмаган ҳолингизда бирор қавмга азият етказиб қўйиб,** (кейин) **қилган ишларингизга пушаймон бўлмаслигингиз учун** (у хабарни) **аниқлаб** (текшириб) **кўрингиз!"** *(Ҳужурот, 6).*

Халқимизда *"Огоҳ бўлган абгор бўлмас!"* деган нақл бор. "Ўргимчак тўри"да ақидапарастликни тарғиб қилувчи сайтлар тобора кўпайиб бормоқда. Бундай таҳликали замонда ёшларга фақат "uz" доменидаги сайтлардан фойдаланиш тавсия қилинади. Зеро, эҳтиётсизлик билан кўр-кўрона олинган маълумотлар кишини адаштириб қўйиши аниқ. Диний эҳтиёжини эътиқод ва мазҳабга ёт веб-сайтлардан қондираётган кишилар

Сен ғафлатда қолганингдан сўнг, чора-тадбир кўриш фурсати ўтган бўлиб, ҳасрат ва надоматинг ёрдам бермайди! (Хожа Самандар Термизий)

ОГОҲ БЎЛИНГ!

бошқа манбалар орқали бошқалар, яъни ғанимлар қўлида тарбияланаётганини унутмасин!

Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг Нисо сураси 115-оятида шундай дейди: “**Кимга ҳидоят аниқ бўлгандан кейин Пайғамбарга мухолифлик қилса ва мўминлар йўлидан ўзгасига эргашса, Биз уни ўзи кетаётган йўлига қўйиб берамиз ва** (охиратда) **уни жаҳаннамда куйдирамиз. Нақадар нохуш жой у!**”. Ояти каримадан, ҳидоят аниқ бўлгандан кейин залолатга юрган кишиларнинг борадиган жойи жаҳаннам экани кўриниб турибди. Соф ақидани кимдан, қандай ўрганиш равшан бўлган бир замонда қандайдир интернет оламидаги ўзи билмаган ва танимаган кишилардан ақида ўрганаман, деб алданиб қолаётганлар бунга яққол мисол бўлади.

Интернетни бежиз “ўргимчак тўри” деб айтишмайди. Зеро, ўргимчак тўри қуёш нурида шунчалар жозибадор ва хилма-хил рангларда товланадики, беихтиёр инсон унга маҳлиё бўлиб қолади. Аксинча, қуёш нури йўқ жойда у жозибадорликдан асар ҳам қолмайди.

Шундай экан, жамият барқарорлигига таҳдид соладиган, хунрезлик, беҳаёлик, қаллоблик, бузғунчилик кайфиятидаги сайт ва гуруҳларни “ўргимчак тўри”нинг зулматдаги шаклига қиёслаш керак.

БИЛИБ ОЛИНГ!

Фазилатлилик шундаки, ярамас нопок ниятлардан воз кечиш эмас, балки улардан мутлақо холи бўлиш керак. (Донолар бисотидан)

7.4. Жаҳон ахборот тизимидаги таҳдидларга қарши туриш

Дарснинг мақсади:

Глобал тармоқдаги ғоявий таҳдидларнинг шакллари ва жаҳон ахборот тизимидаги турли хил таҳдидларга қарши туриш тўғрисида сўз боради.

Таҳдидлар турлича бўлиши мумкин: ички ва ташқи, катта ва кичик, узоқ ва яқин, иқтисодий, маданий ва бошқалар. Ахборот таҳдидининг барча соҳаларга салбий таъсир қилиш хавфи бор. Жумладан, шахс дунёқараши, жамият барқарорлиги, давлат тинчлигига рахна солишга ва жамоатчилик фикрини чалғитишга таъсир ўтказиши аниқ.

Ижобий ва салбий ахборотни фарқлаш, яхши маълумотни ўзлаштириш ва зарарлисини рад этиш учун ёшлар онги ривожланган, мустаҳкам иродали бўлиши зарур.

Ахборот таҳдидларига қарши курашнинг самарали йўлларидан бири мамлакатнинг ўзини ўзи зарур ахборот билан таъминлашидир. Албатта, бундай ахборот тўлиқ, сифатли ва ҳаққоний бўлиши шарт, акс ҳолда, жамият аъзолари нохолис манбаларга мурожаат этаверади.

Аслида ички ҳудудни ахборот билан етарли даражада таъминлаш қийин эмас, чунки бугунги кунда ахборот технологиялари жуда кенг ишлатилмоқда ва хоҳлаган

ОГОҲ БЎЛИНГ!

Марҳаматли бўлиш — ярамас туйғулар ва ниятларни енгиб ўтишдир.

маълумотларни бир зумда тарқатиш мумкин. Фақат бу ишда лоқайдлик ва ўзибўларчиликка йўл қўймаслик керак. Чунки инсон психологиясининг шундай бир хусусияти бор: агар у бирор-бир воқеа бўйича уч-тўрт соат ичида тўғри маълумот ололмаса, пайдо бўлган ахборот бўшлиғини ҳар хил уйдирма ва миш-мишлар билан тўлдиради.

Халқимизда *"Сарагини пучагидан ажрат"* деган ҳикматли ибора бор. Интернетда бузғунчиликларни тарғиб қилувчи веб-сайтлар, ижтимоий тармоқдаги гуруҳлар сони кун сайин кўпаймоқда.

Турли ёлғон маълумотлар кўпайган бир вақтда тўғри ва ҳаққоний ахборотни ажратиш йўлларини билиш лозим. Жумладан, бундай шароитда аждодлар тутган йўлни танлаш керак. Имом Бухорий ҳазратлари ҳадисларнинг саҳиҳ, заиф ва тўқималарини ажратишда жуда моҳир бўлганлар.

Ривоят қилинишича, Имом Бухорий бир ҳадиснинг ровийсини қидириб топадилар. Лекин ровий бир ҳайвонни қуруқ қўл билан алдаб, қўрага олиб кираётганини кўриб, суҳбатлашмасдан қайтадилар. Яна бошқа ривоятда айтилишича, бир ровий олди тарафига туфлагани сабабли, ундан ҳам ҳадис ривоят қилмаганлар.

Мана, аждодларимиз қандай йўл тутишган? Улар ислом динига хос бўлмаган маълумотлар у ёқда турсин, ҳатто мусулмонга ярашмаган бир сифат эгасидан ҳам маълумот олишмаган. Уларнинг динга тегишли масалалар борасида нақадар эҳтиёткор бўлишганини юқорида келтирилган мисолдан ҳам кўриш мумкин.

БИЛИБ ОЛИНГ!

Одамлар қулоғини ёпмасдан олдин ўз оғзини ёпган киши нажот топади. (Араб ҳикматларидан)

Афсуски, интернет тармоғида қора қузғун каби ўрнашиб, юртимиз ютуқларини кўра оламаётган ёвуз кучларнинг, бўҳтон ва ғийбат билан тўлиб-тошган маълумотларини айрим ёшлар ўқиб, баъзан уларга ҳамфикр бўлиб, адашиб кетаётганлари ачинарли ҳолатдир.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): ***"Кишининг барча эшитганларини гапиравериши унинг ёлғончилигига етарли далилдир"*** *(Имом Муслим).*

Кишининг ҳар бир эшитган гапини гапиравериши ёлғончи деб аталиб қолишига етарлидир. Чунки киши эшитган нарсаси рост ёки ёлғон бўлиб қолиши ҳам мумкин. Ҳар қандай эшитганини гапиравериши айтилган тўғри сўзни ҳам ёлғонга айлантириб юбориши мумкин. Ҳозирда интернет сайтларидаги маълумотларнинг ҳаммасини ҳам тўғри деб бўлмайди, аксинча, ростидан ёлғони кўп экани маълум. Расулуллоҳ (алайҳиссалом) бир ҳадисда: ***"Ким ёлғонлигини билатуриб, бир гапни гапирса, у ҳам ёлғончиларнинг биридир"***, – деганлар *(Имом Муслим).*

Шундай экан, ҳар бир киши гапираётган гапини аниқ билмасдан ва уни кимдан нақл қилаётганини аниқламасдан туриб, гапириши мумкин эмас. Чунки у эшитган маълумот ишончли ёки ишончсиз ҳам бўлиб қолиши мумкин.

Кишилар ҳавойи нафсига берилиб, миш-миш сўзларни кўп гапирадиган бўлиб қолган пайтда турли ёлғон сўзлар ҳам урчиб кетади. Бундай вақтда киши ҳар бир маълумотни аниқ билмасдан гапиравериши, ўзини ҳалокатга олиб бориши билан баробардир.

"Facebook", "Instagram", "Twitter" ҳамда "VKontakte" ижтимоий тармоқларида бузғунчилик ва ёт гояларни тарғиб қилувчи кўплаб гуруҳлар мавжуд.

Бундай пайтда энг яхши йўл ўша хабарни олиб келган кишини тасдиқ қилмасликдир. Чунки бундай гапларни ташувчи кишилар чақимчи кимсалар сингари бўлиб, уларнинг гап-сўзлари эса рад этилади.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): ***"Албатта, киши рост сўзлайди, ҳатто унинг исми сиддиқ деб ёзилади. Киши ёлғон гапиради, ҳатто унинг номи ёлғончи деб битиб қўйилади",*** – деганлар.

Баъзилар маълумотларни сараламасдан, дуч келган ахборотни тўғри деб қабул қилишади. Аслида эса, инсон ўзида яхши маълумотларни олиш ва эшитиш, фақат зарарсиз ахборотларни қабул қилиш кўникмасини шакллантириши лозим. Шунинг учун у ёки бу ахборотни қабул қилишдан олдин ёшлар албатта: "Бу ахборотни ким тарқатяпти?", "Нима учун узатяпти?", "Қандай мақсадни кўзлаяпти?" деган саволларни ўзларига беришлари керак.

Шунингдек, қуйидаги йўналишлар бўйича фаолиятни янада ривожлантириш зарур:

- ёшларда интернетдаги маълумотларни ажрата билиш саводхонлигини шакллантириш;
- ўсмирларга интернетдаги қандай маълумотни олиш керагу, қайсиларини қабул қилмаслик лозимлигини тушунтириш;
- ёш авлодга интернетдаги фотосуратлар, видеолавҳаларни кўриш, томоша қилиш юзасидан зарур тавсияларни бериш;

БИЛИБ ОЛИНГ!

Сирингни ошкор қилганнинг сирини ёйма. (Араб ҳикматларидан)

- ёшларнинг интернет тармоғига қизиқишларини мунтазам ўрганиш ва бу борада керакли маслаҳатлар бериб бориш;
- келажак авлодни миллий маънавиятга, одоб-ахлоққа салбий таъсир этувчи маълумотлардан ҳимоя қилиш;
- интернет хуружларига қарши мунтазам тарғибот ишларини олиб бориш.

Бугун "Ироқ ва Шом ислом давлати" террорчи ташкилоти бузуқ қарашларини тарғиб-ташвиқ қилишга жуда катта аҳамият бермоқда. Унинг «ал-Фурқон» деб номланган медиа агентлиги бор. "Ироқ ва Шом ислом давлати" ташкилотининг буюртмаси билан ишланган видеолавҳа, бадиий фильмлар “ал-Фурқон” каналида ёки интернетнинг ижтимоий тармоқларида намойиш этилмоқда. Масалан, 2014 йил май ойида унинг “Қилич овози” номли инсонийликка зид ғоялар сингдирилган фильми намойиш этилган эди.

2014 йил сентябрь ойида эса "Ироқ ва Шом ислом давлати" интернет тармоғига инглиз тилидаги “Уруш алангаси” номли фильмини жойлаштирган. Бу фильм “ал-Ҳаёт” студиясида суратга олинган. Ушбу фильм аввалги “Қилич овози”га нисбатан замонавий услубда ишланган бўлиб, унда "Ироқ ва Шом ислом давлати"га қарши курашаётган иттифоқчи кучларга таҳдид солишга уринилган.

Террорчиларга тегишли интернет сайтларини фарқлаб олиш ҳамда бундан ёшларни огоҳ этиш мақсадида, уларга

Яқинлар суҳбатини излаб, фисқу фужур аҳлидан қоч, сабр қил, шошқалоқликни одат қилма, сирингни ҳар кимга айтма, молингни ўйлаб харж қил. ("Махзан ал-улум")

ОГОҲ БЎЛИНГ!

тааллуқли бўлган саҳифаларнинг ўзига хос хусусиятларини келтириб ўтмоқчимиз:

- улар саҳифалари ва гуруҳларида ўзларини ягона тўғри йўлда юрувчилар деб ҳисоблаб, ўзларига эргашмаганларни кофир санайди;
- имон келтирмаган ёки бошқа динга эътиқод қиладиган ҳар қандай кишини душман деб атайди;
- ер юзида адолат ўрнатишнинг ягона йўли – гўё исломий давлат қуриш ва шу мақсадда "ҳижрат" ва "жиҳод" қилиш ғояларини илгари суради;
- ўзларининг жиноятчи тўдабошиларидан бошқа олимларни қоралаб, уларни ҳақоратлашади ва ёмонотлиқ қилади;
- давлат ҳокимиятига нисбатан норозилик кайфиятини уйғотиш ва мавжуд камчиликларни бўрттириб кўрсатиш орқали одамларни ваҳимага солади;
- халқ билан гўёки яқинлигини билдириш мақсадида уларнинг қийинчилиги ва ташвишига ўзларини "шерик" қилиб кўрсатадилар, аслида эса уларнинг диний туйғуларидан усталик билан фойдаланади;
- ихтилоф чиқарадиган масалаларни бўрттириб ўз саҳифалари орқали ёритиб, одамларда ўз қарашлари тўғрилигига ишонч ҳосил қилишга уринади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, бундай бузғунчи оқимлар эътиқодга рахна солган "раҳнамолари"нинг фикрларига кўп таянишади. Шунингдек, улар ўз саҳифаларида

БИЛИБ ОЛИНГ!

Суҳбатга арзимас ҳар бир қора дил,
Суҳбат учун яхши дўстлар пайдо қил!
(Муҳаммад Ҳусайн)

ёритилган фикрларини асослаш учун, асосан, ушбу "саноқли уламолардан" иқтибос келтиришади: Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб, Ҳасан ал-Банно, Саййид Қутб, Муҳаммад Илёс Кандеҳлавий, Тақиюддин Набаҳоний, Абдул Қадим Заллум.

Санаб ўтилган "раҳнамолар" томонидан илгари сурилган ғояларнинг умумий жиҳати – ислом динига сиёсий тус бериб, ҳокимиятни қўлга киритишга интилишдир. Шунингдек, ушбу раҳнамоларнинг ёшларимиз онгига кучли таъсир ўтказадиган: «Худо – идеалимиз, пайғамбар – доҳийимиз, Қуръон – конституциямиз, жиҳод – воситамиз, дин ва Худо йўлида қурбон бўлиш – эзгу орзуимиз» каби жарангдор шиорлари аслида сохта бўлиб, булар ғаразли мақсадга эришиш йўлидаги ниқобдан бошқа нарса эмас.

Ҳар куни бир неча ўн минглаб юртдошларимиз "uz" доменидаги диний веб-сайтларга мурожаат қилишади. Демак, уларда интернет тармоғи орқали ўз диний эҳтиёжини қондириш истаги кун сайин кучайиб бормоқда. Фуқароларнинг ушбу диний эҳтиёжларини қондириш мақсадида айни дамда интернет тармоғида Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги бир неча ўнлаб веб-сайтлар фаолият юритмоқда.

Агар сиз диний мазмундаги масалаларга дуч келсангиз ёки сизда қандайдир саволлар туғилса, аввало, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг muslim.uz порталига, шунингдек, "Ҳидоят" журнали, "Ислом нури" газетаси ҳамда диний идора тасарруфидаги қуйидаги сайтларга мурожаат қилишингиз ва саволларингизга жавоб олишингиз мумкин.

Нокас кимсалардан айлагин парҳез,
Сахийлар кўйида манзил тут ҳар кез.
Паст билан паст бўлгунг, ёмон-ла ёмон,
Яхшидан яхши-ю, марддан қаҳрамон!
(Муҳаммад Жавҳар Заминдор)

ОГОҲ БЎЛИНГ!

БИЛИБ ОЛИНГ!

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг muslim.uz интернет медиа портали барча диний саволларга тўғридан-тўғри жавоб беради.

Болалар тарбиясига оиланинг 50%, оммавий ахборот воситаларининг 30%, мактабнинг 10% ҳамда кўчанинг 10% таъсири бор.

ОГОҲ БЎЛИНГ!

7.5. Баркамол авлоднинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш

Дарснинг мақсади:

Бугунги таҳликали замонда таҳдидлардан келажак авлодни асраш ва ёшларда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилади.

Фан-техника ривожланиши ахборот технологияларининг беқиёс даражада тараққий этишини тезлаштириб юборди. Ҳаётга шиддат билан кириб келган глобаллашув ўз ортидан баъзи салбий оқибатларни келтириб чиқармоқда. Мураккаб бир даврда "ахборот хуружи" ўзининг салбий оқибатларини намоён этмоқда. Бугунги глобаллашув даврида ёшлар маънавиятини асраш, ёш авлоднинг қалби ва онгини турли зарарли ғоялар таъсиридан сақлаш ҳамда мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш долзарб вазифадир.

Албатта, ёшларни бузғунчи ғоялар таъсирига олишни истайдиган кучлар жуда кўп. Афсуски, хорижда бундай ҳаракатларни молиялаштираётган, "чироғига мой қуяётган"лар ҳам оз эмас. Шу боис ёшларни ёмон кўзлардан асраш, уларнинг бузуқ ғоялар билан заҳарланишининг олдини олиш доимий эътиборда бўлиши лозим.

Ёшлар – ҳал қилувчи куч ва она-Ватан келажаги эканини, аввало, ўзлари юракларидан ҳис қилиб, илм-

Ҳар бир ақл эгаси шарму ҳаё йўлида мустаҳкам туришни ўз ҳаёти равнақининг асоси қилиб олса, замонанинг катта-кичиги унинг ҳузурига ва суҳбатига харидор бўладилар. (Бархурдор ибн Маҳмуд)

маърифат олишлари керак. Ҳар бир фарзанд эътиқоди софлиги учун ақл-идрокини ишлатиши зарур. Бунинг учун ёшлар оқни қорадан, ҳидоятни залолатдан ажрата олишлари лозим.

Шундай экан, ёшлар доимо огоҳ бўлиб, турли ғояларга қарши туриши ва тўғри йўлдан юришлари зарур. Шу нуқтаи назардан қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қилиш тавсия этилади:

Биринчидан, ҳозирги глобаллашув даврида бузғунчи шахслар интернет орқали дунёнинг бир четида туриб, бошқа бир четидаги ёшларга ўз ғоясини сингдиришга интилмоқда ва айрим ёшлар бундай тузоқларга илинмоқда. Масалан, ИШИД қисқа муддатда 80 дан зиёд мамлакатдан келган минглаб кимсаларни ўз сафига оғдира олди.

Иккинчидан, динни ниқоб қилган бузғунчи кучлар "халифалик" ёки "ислом давлати" қуриш каби ғояларини интернет орқали бутун дунёга кенг тарқатмоқда. "Араб баҳори" фожиалари ҳам шундай йўл билан уюштирилгани ҳаммага маълум. Улар жанг майдонидаги ўта таъсирли лавҳаларни интернетга жойлаштириб, тарафдорларини кўпайтирмоқда. Шунинг учун бутун дунё ислом уламолари наздида бундай даъволарга эргашиш ботил эканини ёшлар тушуниб олишлари зарур.

Учинчидан, бундай фитналарнинг ортига теран кўз билан боқиш керак. Жангарилар ва уларнинг тўдабошисини ўйнатаётган учинчи қўл парда ортида ҳаракат қилмоқда. Икки томонни низо ва курашлар гирдобига ташлаб, бундан

Кибертеррорчилар ўсмирлар учун қизиқарли бўлган воситалар, ёшларнинг қизиқишига қараб, уларни турли видеолавҳалар ва фотосуратларни томоша қилишга жалб этмоқда.

ОГОҲ БЎЛИНГ!

усталик билан ғаразли мақсади йўлида фойдаланаётган учинчи қўл ҳақида бир неча йил олдин Президентимиз: *“Бундай нозик дамларда учинчи қўлнинг маккорона, пинҳоний ҳаракатини унутмайлик! Уларнинг тегирмонига сув қуймайлик”,* – дея огоҳлантирган эдилар.

Зеро, ихтилофлар, инсонларнинг қирпичоқ бўлиши, Ислом тарихидаги ҳассос, муқаддас тушунчаларни бузиб талқин қилиш, ислом дини ва мусулмонларни ёмонотлиқ қилиб кўрсатиш ортида фақат ва фақат ана шу учинчи қўлнинг манфаатлари ётганини барча, айниқса, ёшлар зинҳор унутмасликлари керак.

Бундай таклиф ва тавсияларни яна кўп келтириш мумкин. Бироқ интернет орқали барчани ташвишга солиб турган хатарларга қарши кураш самарасини ошириш учун, энг аввало, ёшларнинг ўзлари бундай хуружларга жавоб бера олишлари керак.

Имом Бухорий, Имом Мотуридий каби буюк бобокалонларимиз яшаган даврларда фақатгина шам ёруғи ёрдамида дунё тамаддунида ўчмас из қолдирган асарлар яратилган. Бугунги ёшлар эса ахборот технологияларининг энг сўнгги маҳсулотларидан фойдаланиш мумкин бўлган даврда яшамоқда. Шундай экан, ёшларнинг интернетдан оқилона ва тўғри йўлда фойдаланишларини таъминлаш давр талабидир.

БИЛИБ ОЛИНГ!

Бемаъни гаплар тингловчилар қалбида нафрат уйғотади ва натижада одамлар тезроқ ундан йироқлашишга, суҳбатидан қочишга ҳаракат қиладилар. Бундай ёмон одат сўзловчининг яккаланиб қолишига ва оқибатда руҳий азоб чекишига сабабчи бўлади.

Воқеий ҳикоя

Юрагимнинг парчасидан айрилдим...

Бошимдан ўтган воқеани сўзлаб берар эканман, кўз ёшларим қуйилиб келади, ўзимдан нафратланиб кетаман. Бундан уч йил муқаддам турмушга чиққан эдим. Фотиҳамдан олдин жуда шўх, ўта қизиқувчан эдим, турли ёмон одатларим ҳам бор эди. Айниқса, "Odnoklassniki"га муккадан кетган эдим. Аммо тўйга қадар онажоним мендаги бу хислатни ижобий томонга ўзгартирдилар. Тўй ҳам бўлди, орадан ойлар ўтди. Турмуш ўртоғим эс-ҳушли, топиш-тутиши яхши, энг муҳими, фаросатли инсон экан. Фарзандли бўлдик, қувончимиз чексиз эди. Кўнглим оналик бахтига тўлиб-тошиб, фарзандимни улғайтира бошладим. Умр йўлдошим кун бўйи ишда, мен эса уйда болам билан ёлғиз қолардим. Шу сабабли кўп ҳолларда зерикиш деб аталган ёқимсиз туйғу мени деярли тарк этмасди.

Худди шундай зериккан кунларимнинг бирида дугоналарим меҳмонга келишди. Уларни соғингандим. Дийдорларига тўйиб олиш насиб қилганидан қувониб кетдим. Гапдан гап чиқиб, мавзу зерикиш ҳолатига бориб тақалди. Улар: "нега "Odnoklassniki"га кирмаяпсан, сени "одно" соғинди", дея ҳазил қилишди. Турли баҳоналаримга қарамай, ўша куни дугоналарим мени яна "odnoklassniki" тармоғига қайтаришди. Турмуш ўртоғимдан буни сир тутишга қарор қилдим. Энди бутунлай бошқача бўлишини билгандим. Зерикиш мендан узоқлашган, дугоналарим,

ОГОҲ БЎЛИНГ!

Айрим ёшларнинг пул топиш илинжида хорижга чиқиб, қабиҳ тўдаларга алданиб қолиши ачинарли ҳолдир.

синфдошларим билан алоқам яна мустаҳкамлана бошлаганди. Ҳаётимга мазмун кирди, энди бошқалар каби овунадиганим бор, деб ўйлардим. Бироқ ҳаётимдаги энг азиз неъматим – боламдан айрилиб қолишимни билмабман. Ўша вақтларда яна "Odnoklassniki"га муккадан кета бошладим. Кун бўйи "одно"да ўтирар, баъзан рўзғордаги муҳим юмушлар ҳам ёдимдан кўтарилиб қоларди. Буларнинг барчаси мени ҳалокат томон яқинлаштираётганини билмай юраверибман.

Кунларнинг бирида ўша лаънати "одно"га бутун вужудим билан шўнғиб кетганимдан болам хаёлимдан кўтарилиб қолибди. У эндигина бир ёшни қаршилаган ва эмаклаб, тетапоя қилиб юришни бошлаганди. Компьютердан бош кўтариб, не кўз билан қарайки, ёнимда болам йўқ. Қидира бошладим, жоним бўғзимда. Ташқарига чиқдим ва бутун ҳаётимни ўзгартириб юборган мудҳиш манзаранинг гувоҳи бўлдим. Эндигина ерга илк қадамларини қўя бошлаган миттигина фарзандим ҳовлидаги ҳовузчада кўм-кўк бир тусга кириб, чўкиб ётарди. Ҳовуздан олиб чиқиб, овозим борича бақириб йиғладим. У эса жим!.. Шифохонага олиб чопдим. Болагинамни докторлар ичкарига олиб кириб кетганидан сўнг, турмуш ўртоғимга телефон қилдим. Бир оздан сўнг сал ўзимга келдим. Илк сўзим болам бўлди. Бироқ умр йўлдошим энди фарзандимиз йўқлигини айтиб, йиғлаганида бутун ҳаётим остин-устин бўлиб кетди. Илк фарзандимдан айрилдим ва бунда умрбод фақат ўзимни айблаб яшайман. Сўзим охирида "Odnoklassniki"га кирган

БИЛИБ ОЛИНГ

Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди. У киши: "Хоҳ чиндан, хоҳ ҳазил тариқасида ёлғон сўзламоқ ҳам, бирор нарса ваъда қилиб, уни амалга оширмаслик ҳам дуруст эмас", – дейдилар.

барча келинлар, опа-сингилларимдан ўтиниб сўрайман: "Огоҳ бўлинг, менинг кўзларимдан оққан ёшлар сизнинг ҳам кўзларингиздан оқмасин..."

Ҳозирги глобаллашув даврида хилма-хил шаклда намоён бўлаётган жаҳолат ва унинг оқибатларини олдиндан англаш ёшлардан доимо зийраклик ва ҳушёр бўлишни талаб этади. Шунингдек, мавжуд таҳдидларнинг ғоявий асосларини чуқур тушуниш учун ёшлар ҳар бир масалага теран фикр, синчков кўз билан қарашлари зарурдир.

Хусусан, ғаразли кучларнинг интернет саҳифаларида бузғунчи ғояларига эргаштиришга, улар билан бир сафда туриб "курашишга" даъват қилаётганларини ёшлар фаҳмлашлари лозим. Бундан ташқари, ёшлар заҳарли мафкуралардан қатъият билан ўзларини ҳимоя қила оладиган даражада билимга, соғлом қараш ва мустаҳкам эътиқодга эга бўлишлари керак.

Ёлгон гапиришдан сақланинглар, чунки ёлгончилик имондан айиради.

Интернетдаги бузғунчи материаллар, айниқса, видеолавҳалар учинчи қўл томонидан сунъий майдон ёки саҳналарда уюштирилаётганини ёшлар англаб етиши зарур.

Компьютер ўйинлари ва "ўргимчак тўри"даги тузоқлар ёшларни ўз исканжасига олиб, ҳалок этаётганидан барчани огоҳ этиш керак.

Мобиль алоқа воситаларига қарам бўлиб қолишдан ва ундаги зарарли иллатлардан сақланиш ҳар бир кишининг бугунги кундаги энг муҳим масъулиятидир.

Компьютер ўйинларининг зарари, бузғунчи ғоялар ва киберқаллобликдан ёш авлод доимо огоҳ ва ҳушёр бўлиши керак.

Ўтилган мавзу юзасидан савол ва топшириқлар:

1. Глобал таҳдидлар ҳақида гапиринг.
2. Электрон террорчилар кимлар?
3. Ахборот хуружининг олдини олиш йўлларини айтинг?
4. Бугунги таҳликали замонда ёшлар нималарни билиши керак?
5. Эътиқод қароқчиларининг ов усулларини айтиб беринг?

Мустақил иш мавзулари

1. Интернет тармоғидаги ахборот урушлари.
2. Глобал таҳдидларга қарши кураш чоралари.
3. Ёшларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш тадбирлари.

Фойдаланиш учун тавсия этиладиган манба ва адабиётлар

Ислом Каримов. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Т.: "Ўзбекистон", 1999.

Ислом Каримов. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: "Ўзбекистон", 2000.

Ислом Каримов. Ватан равнақи учун ҳаммамиз масъулмиз. – Т.: "Ўзбекистон" 2001.

Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: "Ўзбекистон", 2008.

Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва изоҳлар муаллифи Шайх Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2014.

Усмонхон Алимов. Оилада фарзанд тарбияси. – Т.: Movarounnahr, 2014.

Усмонхон Алимов. Ёшлар келажагимиз. Т.: "Movarounnahr", 2008.

Айдарбек Тулепов. Ислом ва ақидапараст оқимлар. – Т.: "Sharq" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2013.

Айдарбек Тулепов. Интернетга ин қурган "ўргимчаклар". – Т.: "Movarounnahr", 2014.

Айдарбек Тулепов. ИШИД фитнаси. – Т.: "Movarounnahr", 2015.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳиҳи Бухорий, – Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2008.

Шайх Абдулазиз Мансур. Ақоид матнлари. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2006.

Ислом энциклопедияси. – Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2004.

А. Ҳасанов ва бошқалар. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари: Ўқув қўлланма / Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2013.

А. Тулепов ва бошқалар. Тинчлик ва осойишталик – олий неъмат / Масъул муҳаррир Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: «Movarounnahr».

Ғойибназаров Ш. Халқаро терроризм: илдизи, омиллари ва манбаи. – Тошкент: "Ўзбекистон", 2009.

Сафарова Н.О. Терроризм (тарихий-фалсафий таҳлил) – Тошкент: "NOSHIR", 2009.

Иброҳимов А. ва бошқалар. Ватан туйғуси. – Т.: "Movarounnahr", 1996.

Очилдиев А. ва бошқалар. Ҳидоят ортига яширинган залолат. Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010.

Уватов У. Халқаро терроризм: тарихи ва замонавий муаммолари. – Т.: "Академия", 2002.

Шермуҳаммедов К. Жаҳолат тўри. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010.

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг muslim.uz портали ва тизимдаги интернет сайтлари.

ziyonet.uz.

fikr.uz.

8-БОБ. **ВИРТУАЛ МУЛОҚОТ ВОСИТАЛАРИ**

8.1. Виртуал мессенжерлар тўғрисида тушунча.

8.2. Виртуал мулоқот воситаларининг салбий жиҳатлари.

8.3. SMS хабарларининг ножўя таъсирлари.

8.4. Маънавий таҳдидлардан ҳимояланиш чоралари.

Дарснинг мақсади:

Виртуал мулоқот воситалари тўғрисида тушунча, фойдали ва зарарли жиҳатлари ёритилади. Виртуал мулоқот воситаларидан нотўғри ва беҳуда фойдаланиш оқибатида содир бўладиган иллатлар ва буларнинг олдини олиш ҳақида баён этилади.

Таянч сўзлар ва иборалар:

"WhatsApp", "Telegram", "Instagram", "Viber", "Skype", мессенжер, виртуал мулоқот воситалари, "WeChat", SMS, вақт исрофи, маънавий таҳдид, виртуал мулоқот, Ян Борисович Кум, Павел Дуров, Тальмон Марко, Игорь Магазинник.

8.1. Виртуал мессенжерлар тўғрисида тушунча

Дарснинг мақсади:

Виртуал мулоқот воситалари тўғрисида тушунча ва уларнинг зарарли жиҳатлари ёритилади. Шу билан бирга, салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун нималарга аҳамият бериш лозимлиги, фарзандларга бундай воситалардан тўғри йўлда ва эҳтиёжи бўлсагина фойдаланишлари зарур экани тўғрисида ҳам фикр юритилган.

Виртуал мулоқот воситалари ҳар хил турдаги файллар ва хабарларни алмашиш мақсадида тузилган. Фойдаланувчилар ушбу мулоқот воситаларини ишлатиш учун телефон рақамлари орқали рўйхатдан ўтишлари лозим. Виртуал мулоқотнинг жуда кўп турлари мавжуд. Масалан "WhatsApp", "Telegram", "Viber", "Instagram", "line", "KakaoTalk", "WeChat", "Nimbuzz" ва бошқалар.

"WhatsApp", "Telegram", "Instagram", "Viber", "Skype" каби мессенжерлар инсонлар узоғини яқин қилиш билан бирга жамиятда фитналар тез суратда тарқалишига, қанчаданқанча оилалар бузилиб кетишига сабаб бўлмоқда. Ёшлар бўш вақтларини бир-бирларига ҳар хил бефойда ёзишмаларни ёзиш билан ўтказиш натижасида мана шу ишга қаттиқ боғланиб қолиб, ўқиш ва ишларига бепарво бўлишмоқда. Энг ачинарлиси, ушбу воситалар орқали бир-бирларига ҳар хил беҳаё расмлар жўнатиш, ўзи танимаган ва билмаган кишиси билан суҳбатлашиш натижасида

БИЛИБ ОЛИНГ!

Ҳаё, номус имона далилдур,
Ҳаёсиз доимо хору залилдур.
(Абдулла Авлоний)

кўплаб оилалар парокандаликка юз тутмоқда. Кўплаб инсонлар, айниқса, ёшлар қимматли вақтларини исроф қилаётганларини ҳис этишмаяпти. Ҳозирда нотинч бўлиб турган мамлакатлардаги фитналар, асосан, мана шундай воситалар орқали тарқатилган.

Дунёда энг кенг тарқалган виртуал мулоқот воситалари қуйидагилар:

"WhatsApp" мессенжери асосчиси Ян Борисович Кум 1976 йилда Украина пойтахти Киев шаҳрида дунёга келган, дастурловчи мутахассис. У онаси ва бувиси билан 1992 йилда АҚШга кўчиб кетади. У Американинг "Yahoo" компаниясида ишлаб, жуда катта муваффақиятларга эришган.

Унинг энг омадли лойиҳаси – "WhatsApp" мессенжери 2009 йилда тузилган. Мессенжернинг бош қароргоҳи АҚШнинг Калифорния штатида жойлашган. Бу дастур орқали матнли хабар, расм, видео ва аудио хабар жўнатиш мумкин. "WhatsApp" орқали SMS алмашиш учун ҳар иккала томонда ҳам ушбу дастур ўрнатилган бўлиши лозим.

"WhatsApp"га оид қуйидаги фактларни келтириб ўтиш мумкин:

- 2012 йил апрель ойида кунига 2 миллиард хабар, август ойида кунига 10 миллиард хабар, 2013 йил июнь ойида эса кунига 27 миллиарддан кўп SMS хабар жўнатилган;

Одамлар устидан кулиш катта гуноҳлардан биридир. (Ваҳб ибн Мунаббаҳ)

ОГОҲ БЎЛИНГ!

- кунлик фаол фойдаланувчилари сони бўйича ҳам рекорд натижа 200 миллиондан кўп;

"Telegram" мессенжери 2013 йилда Николай ва Павел Дуровлар томонидан яратилган. Николай Дуров 1980 йил 21 ноябрда, Павел Дуров 1984 йил 10 октябрда Санкт-Петербург шаҳрида туғилган, дастурловчи мутахассислар. "Telegram" мессенжери ҳар хил турдаги файллар ва хабарларни алмашиш мақсадида тузилган. Ушбу дастурда ҳам фойдаланувчилар телефон рақамлари орқали рўйхатдан ўтишади. Ҳозирги кунда бу мессенжер жуда машҳур ҳисобланади. 2014 йил февраль ойида "Telegram" мессенжери фойдаланувчилар сони кўплиги бўйича дунёда машҳур "Viber" ва "WhatsApp" мессенжерларини ортда қолдирди. "Telegram"га оид қуйидаги фактларни келтириб ўтиш мумкин:

- 2013 йил 22 августда Андроид платформаси учун "Telegram" мессенжери тузилди;
- 2013 йил ноябрь ойида 1 миллион марта ўрнатилган;
- "Telegram" орқали 1 Гб ҳажмгача бўлган файлни жўнатиш ва бир вақтнинг ўзида 100 та фойдаланувчигача чатни амалга ошириш мумкин;
- бу мессенжер тузувчилари хавфсизликни бузиш бўйича ҳар хил мусобақалар уюштириб, соврин сифатида катта ҳажмдаги пул мукофотлари ваъда қилишади;
- мессенжернинг ишлаш тезлиги жуда катта бўлиб, бунга улар ҳар хил давлатларда серверлар жойлаштириш орқали эришишган;

БИЛИБ ОЛИНГ!

Мўмин киши мўмин биродарининг ойнасидир. *(Ҳадиси шариф)*

- серверлари дунёнинг 5 та давлатида жойлашган, Европа фойдаланувчилари учун Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида, Осиё учун Сингапур пойтахти Сингапур шаҳрида, мексикаликлар учун АҚШнинг Сан-Франсиско штатидаги марказлар хизмат қилади.
- "Telegram"нинг бош қароргоҳи Германия пойтахти Берлин шаҳрида жойлашган;
- 2015 йил январь ойидаги статистик маълумотларга кўра, мессенжер фойдаланувчилари сони 50 миллионга етган.

"Instagram" Нью-Йорк штатида 1983 йилда туғилган Кевин Систром ва Бразилиянинг Сан-Паулу шаҳрида 1986 йилда таваллуд топган Майк Кригерлар томонидан 2010 йилда ишга туширилган. "Instagram"да видеоёзув ва расмларни саҳифага юклаш мумкин. Бунда олинган суратларга ҳар хил кўриниш ва безакларда ишлов бериш, квадрат шаклда ўз саҳифасига жойлаш каби имкониятлар бор. Шунингдек, ушбу дастурда саҳифага жойлаштирилган расмларга изоҳ бериш ва муносабат билдириш учун сурат остида махсус жой ажратилган.

"Instagram"га оид қуйидаги фактларни келтириб ўтиш мумкин:

- 2012 йил Андроид версияси тузилди ва сутка давомида миллион мартадан кўп юклаб олинди;
- 2013 йил 21 ноябрда "Windows Phone" учун "Instagram" версияси ишлаб чиқилди;

"Эй одам фарзанди, агар дилингда қаролик, баданингда дангасалик ва ризқингда танглик бўлса, бас, билгинки, буларнинг сабаби беҳуда ва бемаъно сўзларни кўп сўзлашингдир, демак, бундан сақлан". *(Ҳадиси шариф)*

ОГОҲ БЎЛИНГ!

- дастлаб, жўнатиладиган видеолар ҳажмига тўсиқ бор эди (15 секунд), 2013 йил июнда бу тўсиқ олиб ташланди;
- дастур "iPhone", "iPad" va "iPod Touch", "Android" va "Windows Phone" тизимларида ишлайди;
- "AppStore" va "Google Play" орқали тарқатилади;
- 2010 йил декабрь ойида 1 миллион фойдаланувчилари бўлган, 2011 йил июнга келиб, 5 миллионга етган;
- 2012 йил апрель ойида "Facebook" бу дастурни 1 миллиард долларга сотиб олди;
- 2014 йил икки юз миллионинчи фойдаланувчи рўйхатдан ўтгани эълон қилинди;
- бир сонияда расм ва роликларга 8500 like (расм ёки видео ёққанини тасдиқлаш) қўйилади;
- 90% фойдаланувчилар 35 ёшдан кичик;
- 68% фойдаланувчилар аёллар;
- "Apple iTunes" версияси бўйича 2011 йилнинг энг яхши дастури деб эътироф этилди.

"Viber" мессенжерига 1973 йил Исроилда туғилган Тальмон Марко ва Россиянинг Нижний Новгород шаҳрида 1975 йилда туғилган Игорь Магазинниклар томонидан 2010 йил декабрь ойида асос солинган. Тальмон олийгоҳда интернет менежменти мутахассислиги бўйича таълим олган. Ушбу мессенжер телефон номери орқали рўйхатдан ўтиладиган VoIP (интернет-телефон) ҳисобланади. Ушбу

БИЛИБ ОЛИНГ!

Кўрдимки, энг ноёб неъмат ростгўйлик ва мардлик, энг оғир бало мунофиқ дўстлар экан. (Нажмиддин Кубро)

дастурнинг фойдали томони, дунёнинг исталган жойидан туриб, интернет трафик ҳисобидан қўнғироқни амалга ошириш мумкин. Бундан ташқари, ушбу мессенжер орқали матнли ва овозли хабарлар ҳамда видео ва расмларни жўнатиш, қабул қилиш мумкин.

Viber ҳақида қуйидаги фактларни келтириб ўтамиз:

- 2014 йилда Японияниг Ракутен компанияси томонидан 900 миллион АҚШ долларга сотиб олинган;
- "Viber" мессенжери 28 та тилда юритилади;
- "Viber" ўрнатилгандан сўнг, автоматик равишда телефондаги барча рақамларни тасниф этиб, кимда бу мессенжер бўлса, уларни кўрсатади;
- "Viber" мессенжерини телефон ва компьютерга ўрнатиб, синхрон ишлатиш мумкин;
- дастур эгалари томонидан эълон қилинган маълумотларга қараганда, 2014 йилда умумий рўйхатдан ўтган фойдаланувчилар сони 280 миллионга етган, улардан 100 миллиони бир ойда камида бир марта дастурдан фойдаланар экан;
- 2014 йилдан бошлаб бу мессенжер орқали видеоқўнғироқни ҳам амалга ошириш имкони пайдо бўлди.

"Skype" дастурига 1966 йилда Швецарияда таваллуд топган Никлас Зеннстрём ва 1976 йилда Дания пойтахти Копенгаген шаҳрида туғилган Янус Фриисомлар томонидан 2003 йилда асос солинган. Дастурни яратишга

ОГОҲ БЎЛИНГ!

Мельбурн университети олимлари SMS хабарлар орқали мулоқот қилишга иштиёқманд ўсмирларни кўрикдан ўтказиб, уларда руҳий муаммолар борлигини аниқлашди.

эстониялик Ахти Хейнла, Прийт Казесалу ва Яан Таллин жалб қилинган. Ушбу дастур компьютерларга, уяли телефонларга, планшетларга ўрнатилиши мумкин.

Дастурнинг афзаллиги шундаки, ундан уяли телефон, планшет ва компьютерларга маълум бир интернет трафик асосида видеоқўнғироқ қилса бўлади.

"Skype" ҳақида қуйидаги маълумотларни келтириб ўтиш мумкин:

- бу дастурий таъминот 25 тагача абонентни овозли конференция қилиши, видеоқўнғироқни амалга ошириши, 10 тагача мижозни видеоконференция қилиши, матнли конференция қилиши (чат) ва маълумотларни жўнатиши мумкин;
- 2005 йил "Skype" корхонаси "Ebay" томонидан 2,6 миллиард долларга сотиб олинди;
- 2011 йил Майкрософт корпорацияси "Skype"ни 8,5 миллиард долларга сотиб олди;
- 2015 йилга келиб 300 миллион киши аъзо бўлган;
- "Skype"нинг бош қароргоҳи Люксембург шаҳрида жойлашган. Унинг филиаллари Лондон, Прага ва Таллин шаҳарларида;
- "Skype"нинг фаол фойдаланувчилари сони 800 миллиондан ошиб кетди;
- "Skype" дастурчиларининг кўп қисми (44%) Эстонияда яшайди;
- ҳозирги кунда дастурда бир вақтнинг ўзида

БИЛИБ ОЛИНГ!

Кўп кишилар борки, улар ўз сирларини сақлай билмасликлари туфайли ҳалокатга дучор бўладилар. (Хожа Самандар Термизий)

ишлаётган фойдаланувчилар сони 20 миллиондан ортиб кетди;

- "Skype" орқали бўлаётган 25% алоқалар видеоқўнғироқ тарзида амалга оширилмоқда;
- бу дастур 28 тилга таржима қилинган.

Ушбу мулоқот воситаларининг ижобий жиҳатлари кўп. Жумладан, ушбу мессенжерлар орқали танишлар, қариндошлар, дўстлар билан матнли, тасвирли, овозли ҳамда видеомулоқотларни арзонгина амалга ошириш мумкин. Шунингдек, улар орқали исталган вақтда ахборот алмашиш ва маълумотларни танишларга улашиш мумкин. Анчадан бери сафарда юрган фарзандини соғинган ота-она видеомулоқот орқали фарзанди билан суҳбатлашади.

Таассуфки, ушбу виртуал мулоқот воситаларини ўзларига қурол қилиб олиб, ундан ёмон мақсадларда фойдаланаётганлар ҳам кўп. Масалан, ушбу виртуал мессенжерлар орқали экстремизм, терроризм, бузғунчилик, зўравонликни ва беҳаёликни тарғиб қилувчи маълумотларни тарқатаётганлар ҳам учрамоқда.

Воқеий ҳикоя

Интернет сабаб хиёнатга қўл урдим...

Ёшариш фасли баҳор келди. Ҳар доимгидек эрталаб дарсга шошиламан. Шошқалоқлик одатим бор. Ёшим йигирмада, исмим Мафтуна, ўша йили институтга грант асосида ўқишга қабул қилиндим. Институтгача

Оқил, доно киши ақл ишлатиб, маъносиз, беҳуда ишлардан четланади. Ақлсиз, нодон одам эса доимо ўзини мақтаб, сирларини очади. (Абдий)

ОГОҲ БЎЛИНГ!

йигирма дақиқалик йўл, трамвайда кетаман. Бугун яна дарсга кечикдим, дедим ўзимга ўзим. Ниҳоят, трамвайга чиқиб, манзилимга етдим. Аудиторияга кирарканман, дарс бошланганини ҳис қилиб турардим. Қарасам, домламиз йўқ экан. Ҳамма телефонига тикилиб олган, нималарнидир томоша қилишарди. Дугонам хурсанд, фақат куларди. "Нима бўлди?" – деб сўрадим, ҳайратланиб. Дугонам "Бугун учрашувим бор", деди ёниб. Уни "Ким билан, нимага шу пайтгача менга айтмадинг. Ўзини кўрганмисан, танийсанми?" каби саволларга кўмиб ташладим. Дугонам жилмайди-да: "Виртуал севгилим", – деди. "Хомхаёлга берилма, барибир узоққа бормайди муносабатларингиз", дедим. Дугонам бўлса: "Кел, сен ҳам интернетга кир, зарари йўқ, кўп танишларинг бўлади", – деб таклиф қилди. Менда ҳам қизиқиш пайдо бўлди. Энди ҳар доим шошилиб, трамвайга минар эканман, қўлимда китоб ўрнида қўл телефони турарди. Дарров интернетга кирардим.

Шундай қилиб, бир йигит билан танишиб олдим. Мен исмимдан бошқа ҳамма маълумотларни нотўғри бердим, кундан-кун у менга боғланиб борарди. Унинг исми Ойбек эди, икки йил интернетда гаплашиб юрдик, ҳар гал телефон номеримни сўраганида бир баҳона топардим. Кунлар ўтди, 3-курсни битириш арафасидаман, уйдагилар мени узатадиган бўлишди. Дадам маъқул топган йигитга унаштирилдим. Интернетга кириб турмушга чиқаётганимни, энди гаплаша олмаслигимни Ойбекка айтдим. Тўй ҳам бўлиб ўтди, турмуш ўртоғим билан

БИЛИБ ОЛИНГ!

Одамларга аста-секинлик билан ишон! (Ҳадиси шариф)

бир-биримизни тушунишга ҳаракат қилардик. Унинг исми Дилмурод эди, тўйдан сўнг умуман интернетга кирмай қўйдим. Мен учун ҳаётимда янги саҳифа очилганди, турмушимиз яхши бўлиши учун қўлимдан келган барча ишларни қилардим. Афсуски, турмуш ўртоғим билан тушунмовчилик сабабли тез-тез жанжаллашадиган бўлиб қолдик. Менинг эса хаёлим бузилди, яна интернетга кириб, таскин олмоқчи бўлдим ва Ойбекни излай бошладим. Ойбекни топдим, у олдинига мени танимади, унутиб юборган экан. Ўзимни таништирганимдан сўнг эслади. У билан деярли ҳар куни гаплаша бошладик, у менга суратларини юборди, келишган бола экан. Энди турмуш ўртоғим менга ёқмай бораётган эди. Гўё интернет менинг ҳаётим мазмунига айлангандек туюларди...

Интернетга кўп кирганим боис уй юмушлари ҳам қолиб кетар, уйдаги ҳамма нарсага бефарқ қарай бошлагандим. Шу орада ўқишга боролмай қолиб, институтдан ҳам ҳайдалдим. Кунларинг бирида Ойбек мени учрашувга таклиф қилди. Эрим ишга кетган вақтида меникига келиши мумкинлигини айтдим. Турмуш ўртоғимни ишга жўнатиб, Ойбекни кута бошладим. Ойбек келди, у билан узоқ вақт гаплашиб ўтирдик. У турмуш ўртоғим қачон келишини сўради. Кеч келишини билгач, тушликкача мен билан қолди. Шу тариқа кунлар ўта бошлади, турмуш ўртоғим ишга кетгач, деярли ҳар куни Ойбек келарди. Эрим энди менга умуман ёқмас, саволларига қўрс жавоб қайтарар, ҳаттоки овқатини ҳам қилиб бермас эдим. Мендаги бу ўзгаришларни кўрган

ОГОҲ БЎЛИНГ

Ким яширинча қилган ишини кўздан махфий қолиб кетаверади деб ўйласа, адашади, хоҳ яхши, хоҳ ёмон иш бўлсин, Аллоҳ уни барибир ошкор қилиб қўяди.

турмуш ўртоғим менга нима бўлаётганини сўрай бошлади. Мен доимгидек қўрс жавоб қайтариб, мен билан иши бўлмаслигини айтиб, жанжал қилдим. Ҳаммасига интернетдан топган севгилим Ойбек сабабчи эди. Бир куни Ойбек билан уйда гаплашиб ўтирганимда бехосдан турмуш ўртоғим келиб қолди. Мен билан Ойбекни бирга кўрган Дилмурод акам шу заҳоти стол устидаги пичоқни олиб, Ойбекка ташланганини эслайман, холос. Ўзимга келганимда шифохонада ётган эдим. Шифокорларнинг сўзларига қараганда, Ойбек кўп қон йўқотгани сабабли вафот этибди. Шифохонадан чиққанимдан сўнг эрим озодликдан маҳрум этилганини билдим. Мана, ҳозир на уйим, на оилам бор, интернет деб ҳаммасидан айрилдим. Шундай бўлишини билганимда интернетга кириб, номаъқул нарсаларга чалғимаган, оиламга хиёнат қилмаган бўлардим. Интернет йўлдан озишимга, ота-онамнинг юзига оёқ қўйишимга сабаб бўлди.

Шу ўринда таъкидлаш зарурки, ўзбек аёли ҳаё, андиша, вафо, садоқат, уят каби инсоний фазилатларни ҳеч қачон унутмаслиги лозим. Шунингдек, хотин-қизларнинг электрон шаклда бўлсин, ўзига номаҳрам эркак билан мулоқот қилиши, ундан илтифот кутиб, атайлаб эҳтиросини қўзғайдиган гап-сўзлар билан нимагадир шама қилиши ҳам – зинонинг бир туридир, улкан гуноҳдир!

БИЛИБ ОЛИНГ!

Бемаъни ишнинг зарари шундаки, у ўз ичига янги қабиҳликлар уругини яширган бўлади. (Донолар бисотидан)

8.2. Виртуал мулоқот воситаларининг салбий жиҳатлари

Дарснинг мақсади:

Виртуал мулоқот воситаларидан нотўғри фойдаланиш оқибатида содир бўладиган иллатлар ва уларнинг олдини олиш ҳақида баён этилади.

Вақт исрофи. Бу каби мулоқот дастурларига уланганлар доимий равишда телефон қурилмаси билан банд бўлади. Инсоннинг ақлий-илмий салоҳияти турлича бўлгани учун ҳамма ҳам вақтни керакли ишларга сарф қилиш лозимлигини онгли тушунавермайди. Мазкур бандлик чўзилиши, яъни телефонга жуда кўп вақт сарф этилиши мумкин. Фойдаланувчи бир марта ёзишма ёки расм алмашишни амалга оширса ҳам, бу алоқа бир неча соатлаб давом этади. Нариги хонадаги, ҳатто ёнидаги инсонларга ҳам эрмак кўринишида турли ёзишма ва тасвирлар жўнатилади.

Аллоҳ таоло умрни беҳуда ўтказишнинг оқибати хунук экани ҳақида: **“Улар у жойда: “Парвардигоро, бизларни** (азобдан) **чиқаргин – бизлар қилиб ўтган амалларимиздан бошқача яхши** (амалларни) **қилайлик!” – деб фарёд қилурлар. Ахир, Биз сизларга эслатма оладиган киши эслатма олгудек узун умр бермаганмидик?! Сизларга огоҳлантирувчи** (пайғамбар)

Ҳар қандай бўлмагур ишнинг айбдор елкасига туширадиган қамчиси бор. (Донолар бисотидан)

ОГОҲ БЎЛИНГ!

ҳам келган эди-ку! Бас, энди (жазоларингизни) **тотаверингиз! Золимлар** (кофирлар) **учун ёрдамчи бўлмас"** *(Фотир, 37),* – деб огоҳлантиради. Ушбу ояти каримада Аллоҳ таоло бандага берилган умрни насиҳат олиши ва тўғри йўлни топишига асосий сабаб экани таъкидланмоқда. Кишига берилган умр ҳам унинг ўзига қарши ҳужжат бўлиши маълум. Имом Қатода (раҳматуллоҳи алайҳ): *"Билингларки, узун умр ҳужжатдир, Аллоҳ таолодан узун умр сабабли таънага қолишдан паноҳ сўраймиз"*, – деганлар.

Ҳар қандай беъмани ишга сарфланган вақт исрофдир. Зеро, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): ***"Кишининг бемаъни нарсаларни тарк этиши унинг исломи гўзаллигидандир"***, – деганлар. Уламолар ўтаётган вақт ҳақида: *"Вақт бетараф бўлмайди, ё сенга қадрдон дўст ёки ашаддий рақиб бўлади"*, – деганлар. Яъни, ўтган вақт инсоннинг ё фойдаси, ё зарарига ҳужжат бўлади.

Ҳасан Басрий (раҳматуллоҳи алайҳ): *"Бошланаётган ҳар бир кун: "Эй одам боласи, мен янги кунман, сенинг амалингга гувоҳман, мендан фойдаланиб қол, агар ўтиб кетсам, қиёмат кунигача қайтмайман", деб нидо қилади"*, – деганлар.

Айрим ёшлар ана шундай олтиндан-да қиммат вақтларини ҳар хил фойдасиз ишларга сарфлашлари исрофдан бошқа нарса эмас.

Ёлғон гап ва миш-мишлар ўчоғи. Виртуал мулоқот воситаларидан фойдалана бошлаган киши

БИЛИБ ОЛИНГ!

Одам ўзини ўзи кўтара олмаганидек, ўзини ўзи мақтамаслиги ҳам керак. Аксинча, ўзини мақташга ҳар қандай уриниш кишилар кўзи ўнгида унинг обрўйини тўкади. (Донолар бисотидан)

дастлаб жиддий, секин-аста бўлар-бўлмас гап-сўзлар, мисол учун, "ҳозир чалқанча ётибман", "бугун кўчада пальтойимнинг тугмасини тушириб қўйдим" каби ҳеч кимга фойдаси йўқ нарсаларни ёзишга одатланиб қолади.

Машҳур инсонлар ҳақидаги асоссиз гаплар бир суҳбатдан бошқасига жойлаштирилади ва хабар текширилмасдан кейинги мулоқотлардаги танишларига юборилади.

Ислом динида асоссиз хабарга ишонмаслик, уни дастлаб текшириб кўриш лозимлиги уқтирилади. Зеро, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): ***"Кишининг барча эшитганларини гапиравериши унинг ёлғончилигига етарли далилдир"*** , – деганлар *(Имом Муслим)*. Инсон бир ёлғонни бир марта гапиради, икки марта гапиради, уч марта гапиради ва ёлғончига айланади. Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): ***"Ёлғончилар менинг умматим эмас"***, – деганлар.

Ушбу мулоқотлар орқали ростлиги аниқ бўлмаган қанчадан-қанча хабарларни бошқаларга жўнатиш ҳам ёлғон тарқатиш билан баробардир. Абдуллоҳ ибн Умардан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Пайғамбар (алайҳиссалом): ***"Мусулмон, унинг қўлидан ва тилидан бошқа мусулмонлар озор чекмайдиган кишидир..."***, – деганлар. Бир киши ҳақида нотўғри хабарни кўпчиликка тарқатиб, унинг обрўсини тўкиш ҳам унга берилган зарардир. Баъзи кимсалар ўзларининг ёзишмалари орқали кимларгадир зарар етказаётганларини ё билмайдилар ёки аҳамият бермайдилар.

Бизни яхши билмай туриб, биз ҳақимизда ёмон гапирадиган одамдан хафа бўлмаслик керак: унинг туҳматлари бизга эмас, ўзининг тасаввурида туғилган шарпага тааллуқлидир. (Донолар бисотидан)

ОГОҲ БЎЛИНГ!

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган ҳадисда Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қабрда азобланаётган икки кишининг овозларини эшитиб: ***"Улар ўзларининг наздиларида катта бўлмаган икки гуноҳ сабабидан азобланяптилар, бири ўз бавлидан[1] сақланмасди, иккинчиси инсонлар орасида чақимчилик қилиб юрарди..."*** деганлари таъкидлаб ўтилган.

Дарҳақиқат, инсон наздида кишилар орасида гап ташиш гўё унча катта бўлмаган иш саналади, лекин аслида бу иш катта гуноҳлар эшиги ҳисобланиб, келишмовчиликлар шу иш сабабидан юзага келади. Шунинг учун ҳам ҳадиси шарифда ўша гуноҳ сабабидан қаттиқ азобланаётган киши мисол келтирилган.

Кимнингдир бепарволиги сабаб тарқатилган биргина ёлғон хабар натижасида қанча оилалар барбод бўлиши мумкин. Бунинг олдини олиш жамиятдаги ҳар бир шахснинг бурч ва вазифасидир.

Чалғитувчи чақириқлар. Турли замонавий мулоқот дастурлари ёрдамида олинган расм ва видеоларни одамларга кучли таъсир этиши ҳамда уларда ички руҳий қўзғалиш (ачиниш, нафратланиш, кулги ва ҳ. к.)га сабаб бўлувчи тасвирлар қўшиб тайёрланади. Натижада, маълум тасвирлар таъсирида ушбу маълумотларга кўр-кўрона эргашилади. Соғлом ақл эгалари ўзлари билмаган, ноаниқ нарсаларга эргашмаслиги лозим. Зеро, Исро сурасининг 36-оятида: "(Эй инсон!) **Ўзинг** (аниқ) **билмаган нарсага эргашма! Чунки**

[1] Бавл—сийдик

БИЛИБ ОЛИНГ!

Белги бўлса, одам йўлда адашмайди,
Ақли бўлса, киши сўзда адашмайди.
(Маҳмуд Қошғарий)

қулоқ, кўз, дилнинг ҳар бири тўғрисида (ҳар бир инсон) **масъул бўлур** (жавоб берур)**”**, – деб огоҳлантирилади.

Фитна чиқарувчи хабарлар. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳозирги кунда виртуал мулоқот воситалари орқали юборилаётган маълумотлар фақат бошқаларни ҳайрон қолдиришга асосланади ва унинг тўғри ёки нотўғри экани аҳамиятсиз. Бунда асоссиз бир маълумот тарқатилади ва ушбу ҳолатни юзлаб, минглаб одамлар ўзларича муҳокама қилишади. Агар муҳокама мавзуси муайян шахс бўлса, у ҳақда уйдирма, бўҳтонлар қайнайди. Ахир, Ҳужурот сураси 6-оятида: **“Эй мўминлар! Агар сизларга бирор фосиқ кимса хабар келтирса, сизлар** (ҳақиқий аҳволни) **билмаган ҳолингизда бирор қавмга азият етказиб қўйиб,** (кейин) **қилган ишларингизга пушаймон бўлмаслигингиз** учун (у хабарни) **аниқлаб** (текшириб) **кўрингиз!”**, – деб огоҳлантирилади.

Ислом динида фитна чиқариш оғир гуноҳлардан, ҳатто одам ўлдиришдан ҳам катта гуноҳ саналади. Аллоҳ таоло: **“...Фитна қотилликдан ҳам ашаддийроқдир...”** (*Бақара, 191),* – деб огоҳлантирган.

Масхаралаш макони. Бу виртуал оламда мазах ва истеҳзоли гап-сўзлар талайгина. Жисмоний камчилиги бор одамларнинг расмлари ва видеоларини қўйиб, турли масхарали изоҳлар қолдиришади. Бир-бирларига турли лақаблар қўйишади. Улар борган сари бу ишларга ўрганиб қоладилар. Динда бировни масхара қилиш ва унинг

Ҳар қандай бузғунчи куч мамлакатдаги жузъий камчиликлар ва ўткинчи нуқсонларни бўрттириб кўрсатиб, жамоатчилик фикрини чалғитиши, унинг истиқболига халқ ишончини сусайтириб юборишга уринади.

ОГОҲ БЎЛИНГ!

устидан кулиш ҳамда унга турли лақаблар қўйишдан қаттиқ қайтарилади. Ҳужурот сурасининг 11-оятида: **“Эй мўминлар!** (Сизлардан) **бирор миллат** (бошқа) **бир миллатни масхара қилмасин! Эҳтимолки,** (масхара қилинган миллат) **улардан яхшироқ бўлса. Яна** (сизлардан) **аёллар ҳам** (бошқа) **аёлларни** (масхара қилмасин)**! Эҳтимолки,** (масхара қилинган аёллар) **улардан яхшироқ бўлса. Ўзларингизни** (бир-бирларингизни) **мазах қилмангиз ва бир-бирларингизни лақаблар билан атамангиз!..”**, дея огоҳлантирилади.

Абу Зарр (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган ҳадисда: ***“Мен бир киши билан жанжаллашиб қолиб, уни онаси билан ҳақоратладим. Шунда Набий (алайҳиссалом): "Эй Абу Зарр, уни онаси билан айблаяпсанми, сенда жоҳилият аломатлари бор экан...,"*** – деганлар. Ҳадиси шарифда Абу Зарр (розияллоҳу анҳу) ҳазрат Билолни: “Эй қора аёлнинг ўғли” деб чақирганида, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) у кишига бундай демаслиги, аслида ҳамма бирдек оға-ини эканини ўргатдилар. Бировни жисмоний камчилиги сабаб масхара қилаётган шахс аслида камчилиги бор одамни Аллоҳ таоло шундай яратганини ҳис этиши зарур.

Ноқулай ҳолатлар ошкор этиладиган “олам”. Виртуал мулоқот воситаларида оғир юк тагида қолган уловлар ёки ҳайвонлар суратларини кўп учратиш мумкин. Бу ёшларда ҳайвонларга нисбатан шафқатсизлик кайфиятини пайдо қилади. Шунингдек, бу мулоқот

БИЛИБ ОЛИНГ!

Мўмин кишида қуйидаги икки хислат бўлмаслиги керак: бахиллик ва ахлоқсизлик. *(Ҳадиси шариф)*

воситаларида инсон бошқалар кўришни истамайдиган ҳолатлар акс этган тасодифий суратлар ва видеолавҳаларни ўзгаларга юбориш авж олиб кетган. Бу эса ўша кишининг обрўсини тўкиш ҳисобланади. Динда бировни хижолат қилиб, уялтириш ҳаром.

Ахлоқсизлик авж олган маскан. Турли шаҳвоний латифалар, беҳаё расмлар ва видеолар ёшлар онгига салбий таъсир қилиши аниқ. Бунинг натижасида улар динда қаттиқ қайтарилган зинога қўл уришлари мумкин. Исро сурасининг 32-оятида: **"Зинога яқинлашманглар! Чунки у фаҳш ва ёмон йўлдир"**, – дейилган. Аллоҳ таоло ушбу ояти каримада "зино қилманглар" демасдан, "зинога яқинлашманглар" демоқда. Чунки зино қилиш динимизда қаттиқ қайтарилган катта гуноҳлардан саналади. Ояти каримада "зинога яқинлашманглар" дейилиши зино қилиш у ёқда турсин, унга олиб борадиган барча амалларни қилманглар, дейилмоқда. Чунки зино ўз-ўзидан содир бўлиб қолмайди, аввал унга олиб борадиган амаллар содир бўлади ва натижада оғир гуноҳ – зинога қўл урилади. Шунинг учун Аллоҳ таоло зинога олиб борадиган ҳар қандай ишдан сақланиш лозим эканини ўргатмоқда.

Маълумот қабул қилишда, ахборотга нисбатан мия чап қисми мантиқан, ўнг қисми ҳиссий жавоб беради ва ахборотга ортиқча безак ва ишловлар берилганлиги мантиқий фикрлашни сустлаштириши ҳамда ҳиссий-эмоционал кайфиятни пайдо этиб, ўша маълумот онг остида узоқ муддат сақланишига олиб келади. Вақти

Вақт, меҳнат, ҳалоллик, билим, ўзини қўлга ола билиш, кишининг жисмоний, ақлий ва ахлоқий фазилатлари – ҳар қандай бойликнинг сабабчисидир. (Донолар бисотидан)

ОГОҲ БЎЛИНГ!

келганда, вазият тақозосига кўра, онг остидаги маълумот жонланади.

Иш ва ўқишга салбий таъсир. Виртуал мулоқот воситаларидан фойдаланганда, тиббиёт ходимлари, дастгоҳлар билан ишлайдиган ишчилар, операторлар, талаба ва ўқувчилар ҳамда ҳайдовчи ва пиёдалар доимо ҳушёр бўлишлари талаб этилади. Мазкур дастурлардан фойдаланаётганда барча ўй-фикрлар қандай хабар келганини билишда бўлади. Фикрнинг чалғиши турли талафотларга сабаб бўлади.

Мия сустлашувига омил мулоқот. Фикр бўлмаса, мия ишламаслик дардига чалинади. Бу худди ёш боланинг қўли етадиган нарсани ҳам онасига олиб беришини талаб қилишига ўхшайди. Жуда жўн масалаларни ечишни ҳам бу каби дастурлардан фойдаланётган чоғда суҳбатдошидан сўрашга ўрганиб қолади. Натижада оддий нарсаларни ҳам фикрламай қўяди ва онги яхши шаклланмайди.

Худбинлик, бегоналашув. Айни пайтда бир жойда, бир хонада, битта йиғилиш-маросимга тўпланганларнинг аксари бир-бирларига ёки бошқа жойдаги одамларга телефон ёзишмалари жўнатиш билан банд бўлади. Аслида бу йиғилиш бир-бирларини узоқ муддатдан буён кўрмаганлар учун ташкиллаштирилган бўлади. Ёки ёнидаги суҳбатдошига эътиборсиз бўлиб, телефонига жўнатилган расмларни кўриш билан машғул бўлинади. Инсон фақатгина ўзини ўйлаши, бошқанинг

БИЛИБ ОЛИНГ!

Азизим, тинчлик тарафдори бўлган тил бир оғиз сўз билан юзлаб мушкул тугунни еча олади, айтилган фитна қўзғатувчи сўз эса сўзловчининг бўйнини сиртмоққа туширади. (Хожа Самандар Термизий)

ташвиши билан қизиқмаслиги натижасида жамиятда кишилардан ажралиб, одамови бўлиб қолади.

Бировлар айбини пойлаш касали. Кўпинча бу, бировлар ўламан деса, бировлар куламан, дейди қабилидаги нақлга асосан иш тутишни эслатади. Бу каби маълумотларни жойлаштирувчилар қилаётган ишлари бошқаларда салбий ҳиссиёт туғдириши ҳақида ўйлаб кўрмай, бир неча мулоқотдошига бировларнинг устидан куладиган тасвирларни олиб, қолганларга етказишни мулоқот юритишнинг оддий қоидаси қилиб олишган.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: "Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): ***"Ким бир мўминдан бу дунё машаққатларидан бир машаққатни аритса, Аллоҳ таоло ундан Қиёмат куни машаққатларидан бирини аритади. Ким бир камбағалнинг ишини енгиллатса, Аллоҳ унинг бу дунёю охиратидан ишларини енгиллатади. Ким бир мусулмоннинг айбини беркитса, Аллоҳ унинг айбини бу дунёю охиратда беркитади. Модомики, банда ўз биродарининг ёрдамида экан, Аллоҳ ҳам унинг ёрдамида бўлади. Ким илм талаб қилиш йўлига тушса, Аллоҳ унга жаннатнинг йўлини енгиллаштиради. Қайси бир қавм Аллоҳнинг уйларидан бирида жам бўлиб, Аллоҳнинг Китобини тиловат қилса, уни ўрганса, албатта, уларнинг устига осойишталик тушади, уларни раҳмат ўраб олади, фаришталар қуршаб олади ва Аллоҳ Ўз ҳузуридагилар қаторида зикр қилади. Кимни амали ортга сурса, уни***

ОГОҲ БЎЛИНГ!

Бутун умр бўйи ҳар бир ёмонликдан ва бекорчиликдан сақланинг. Инсон ўз уйининг эшигини бекитиб, вужудини сақлай олади-ю, лекин қалбининг эшигини бекитишдан ожиз бўлади. Қалбига қайғу ва алам кўп вақт ҳужум қилиб туради. (Абул Аъло ал-Маарий)

насаби олдга сура олмайди", – дедилар" (*Имом Муслим, Имом Абу Довуд ва Имом Термизий).*

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу ҳадиси шарифда ҳар бир мўмин-мусулмон қилиши лозим бўлган яхши амаллардан бир нечтасини ва уни бажарган инсонга бериладиган мукофотларни зикр қилмоқдалар. Шулар орасида бир инсоннинг бошқалардан яширадиган ишлари ва камчиликларини яшириш ҳам мусулмон одобларидан экани таъкидланмоқда. Уламолар айтишича, айбни беркитиш моддий ва маънавий жиҳатдан бўлади.

Моддий камчиликларни беркитиш, мисол учун, баданини беркитиш учун кийим олиб бериш бўлса, маънавийси эса, ёмон иш қилганини кўриб қолиб, ҳеч кимга айтмай, беркитишдир. Бу ҳам инсон ҳаётида доимо учраб турадиган ҳолат.

Инсон билиб-билмай турли хатоларга йўл қўйиши мумкин. У ўзи йўл қўйган хатони беркитишга ҳаракат қилмоқдами, демак, ўша одамда яхшилик бор. Шунинг учун унинг айбини очишга, ҳаммага ошкор этишга ҳаракат қилиш дуруст эмас. Агар биров гуноҳ ва айб ишларни ошкор қилса, ундан яхшилик кутиб бўлмайди. Бировнинг айбини беркитган одам аслида ўзининг айбини беркитади. Аллоҳ таоло шу қилган иши учун унинг бу дунёю охиратдаги айбини беркитади. Чунки у бировнинг айбини ошкор қилса, бошқа биров ёки ўша айби очилган киши унинг ҳам айбини очиши турган гап. Шу боис жамиятнинг ҳар бир аъзоси бошқасининг айбини

БИЛИБ ОЛИНГ!

"Агар уялмасанг, истаганингни қил!" (Имом Бухорий ривояти)

очиш учун ҳаракат қиладиган бўлиб қолади. Оқибатда жамият аъзолари орасида ўзаро келишмовчилик ва душманчилик кучаяди ҳамда жамият таназзулга юз тутади.

Маънавий қашшоқлик гирдобига тушиб қолиш омиллари:

• руҳий-ахлоқий носоғлом тарбия;

• қўпорувчи ва жангари экстремистик гуруҳларнинг ёлғон ваъдаларига ишониш;

• айрим ёшларнинг пул топиш илинжида хорижга чиқиб, қабиҳ тўдаларга алданиб қолиши;

• моддий манфаатни кўзлаш, яъни пул, кийим ва хориж буюмларига ўчлик;

• тўғри, объектив ахборот танқислиги;

• интернетда ваҳшийликни, диний мутаассибликни, беҳаёликни тарғиб этувчи материалларнинг кўплиги;

• миссионерлик кўринишлари (текин тарқатилаётган адабиётлар, ғаразли мақсадларда берилаётган "моддий ёрдам" ниқоби остидаги маблағлар, "ҳомийлар" кўмаги);

• баъзида ҳар хил тадбирларнинг юзаки ўтказилиши, самарасизлиги, хўжакўрсин ишга айланиб, тескари натижа бериши ва ҳоказо...

Кишидан ҳаё кетса, тезда бало етиб келади.
(Муҳаммад Зеҳний)

8.3. SMS хабарларнинг ножўя таъсирлари

Дарснинг мақсади:

Виртуал мулоқот воситалари орқали алмашинилаётган ва тарқатилаётган ёлғон ва асоссиз SMS хабарларнинг зарарлари ва улардан сақланиш йўллари баён қилинади.

Авваллари ёшлар қалбидаги нозик кечинмаларни акс эттирган ва энг камида савод талаб қилган хатлар бугунга келиб харфлар, сўзлар, тиниш белгиларидан иборат қисқа ва ҳиссиз хабарларга айланмоқда. Айниқса, янгиликка ўч ёшлар орасида SMS хабарларни иложи борича қисқартириш, янги сўз ва ибораларни "кашф қилиш", тил меъёрларини оёқости қилиш одати авж олмоқда.

Интернет пайдо бўлиши билан ёшларнинг аксарияти чатлар (инглизча *"чат" – сафсата*)га муккасидан кетди ва умуман нотаниш одамлар билан соатлаб гаплашиш, хабар алмашиш имконияти туғилди. Бунинг учун алоҳида сабаб ёки мавзу шарт бўлмай, техник қурилма ҳамда тармоққа уланишнинг ўзи етарли. Ёшларнинг интернетдаги сўзлашув услуби машҳур фильм қаҳрамонларининг иборалари, телевидение бошловчилари, эстрада хонандалари нутқи, компьютер жаргони ҳамда чет тилларидан озуқа олади.

SMS (инглизча *Short Message Service – қисқа хабарлар хизмати*)нинг афзаллиги шундаки, унинг воситасида сиз муҳим йиғилиш ёки мажлисда ўтириб ҳам дўстингиз билан хабарлашиш имконига эгасиз.

БИЛИБ ОЛИНГ!

Ёлғончиликдан четланиб, ростгўйликка ёпишган кишини бошқа одам у ёқда турсин, ёлғончининг ўзи ҳам севиб мақтайди. (Абу Райҳон Беруний)

Тадқиқотларга кўра, дунёдаги мобил телефон фойдаланувчиларининг тахминан 40 фоизи қисқа хабарлар хизматидан фойдаланади. Британиянинг ўзида ўнлаб мижозларга "SMS қарамлиги" дея ташхис қўйилган.

"SMSга муккасидан кетиш – чиндан ҳам ўта жиддий касалликлар сирасига киради. У инсоннинг ақлий қобилиятларига салбий таъсир кўрсатиш билан бирга, молиявий жиҳатдан ҳам зарарли", дейди олмон руҳшуноси Андреас Хертер. Унинг таъкидлашича, Германиядаги 380 минг нафардан кўп одам SMS хасталигига чалинган. Хертернинг мижозлари орасида ўзаро фақат қисқа хабарлар воситасида мулоқот қилган эр-хотин бор эди. Ажабланарлиси, улар ошхонада, рўпарама-рўпара ўтириб ҳам бир-бирига хабар йўллаган экан.

Руҳшунослар қисқа матнчалар ёрдамида кўп мулоқот қилиш салбий оқибатларга олиб келишини айтишмоқда. Инсон қулоқлари остида доимий телефон сигналининг жаранг сочиши ёки телефон вибрациясини мунтазам ҳис қилиш – руҳий хасталикнинг дастлабки белгилари, холос. Матнга муккасидан кетиш ҳолати SMS хабар олмаётган ёки уларни жўнатиш имкониятидан маҳрум бўлган ўсмирдаги безовталик билан изоҳланади. Бундай болалар кўп ҳолларда яқинларининг эътибори ва меҳр-муҳаббатини улардан келаётган хабарлар билан ўлчайди. Сир эмас, йўлда, транспорт воситаларида ва ҳатто дарсда ҳам аксарият ўсмирлар ўз телефонлари билан машғул бўлишади.

Ёлғончилик, эзмалик, такаббурлик, чақимчилик иззат-обрўни барбод қилади. (Жунайд Бағдодий)

ОГОҲ БЎЛИНГ!

Мельбурн университети олимлари SMS хабарлар орқали мулоқот қилишга иштиёқманд ўсмирларни кўрикдан ўтказиб, уларда руҳий муаммолар борлигини аниқлашди. SMS ишқибозларида безовталик, ишончсизлик ва ўзига паст баҳо бериш каби салбий ҳолатлар кузатилди. Тадқиқот раҳбари, шифокор Женни Кэрролл уларни умумийлаштириб, матнга қарамлик, матндан шикастланиш ва матнни суиистеъмол қилиш каби гуруҳларга ажратган.

Руҳшуносларнинг таъкидлашича, айтарли мазмун-моҳияти бўлмаган сон-саноқсиз SMS хабарларини йўллашдан мақсад, шунчаки кайфиятни кўтариш, эътиборни жалб қилишдан иборат.

Таҳлиллар билан шуғулланувчи "Nielsen" компанияси ўтказган тадқиқотдан маълум бўлишича, америкалик бир ўсмирга бир ойда 3339 та хабар тўғри келади. 18–24 ёш оралиғидаги одамлар бир ойда 1630 тагача SMS йўллайди, яъни бу ҳар соатда 3 та SMS дегани. Ёши улғайиб боргани сайин одамлар бир-бирига хабар йўллашга кам эҳтиёж сезиши, табиий ҳол. Зеро, кекса бобо-бувиларимиз мобил телефондан умуман фойдаланмасликни афзал билишади.

2012 йилнинг иккинчи чорагидан бошлаб SMS мавзуси ҳар доимгидан ҳам долзарб аҳамият касб этди. Британия телевидение, радио, алоқа ва симсиз коммуникация хизматларини назорат қилиш қўмитаси раҳбари фикрича, одамлар жонли мулоқот қилишга қизиқмай қўйишган.

Баъзан телефонга янги хабар келмаган бўлса ҳам, қулоқлари остида «SMS» хабари эшитилаверади. Тиббиёт

БИЛИБ ОЛИНГ!

Ҳар томонлама турли билим ва маърифатга эга бўлган маданиятли ва зиёли инсон ҳеч қачон шумланмайди. Зеро, яхшилик йўли ҳар вақт чиройли натижаларга олиб келади ва ёмонлик йўлининг ниҳояси қабоҳат бўлади.

ходимларининг айтишича, ҳар йили 4 миллионга яқин одам ушбу хасталикка дучор бўлади. Сўнгги 5 йил ичида «бемор»лар сони 38 фоизга ошган.

Одамларни бир-биридан узоқлаштираётган ва телефон экранидаги матнга михлаб қўяётган яна бир омил – смартфон эгалари сонининг кўпайишидир. Британия катта ёшли аҳолисининг асосий қисми бугун "ақлли" телефонлардан фойдаланмоқда. Тадқиқот натижаларига кўра, смартфон эгаларининг ярми ижтимоий тармоқлар ҳамда электрон почта орқали мулоқот қилишни афзал билишади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, ҳозирги кунда айрим ғарб давлатларидан кириб келаётган, бизнинг миллий қадриятларимизга буткул ёт бўлган ахборотлар ва қарашлар ҳамда инсонлар онгини заҳарловчи маълумотларнинг интернет тармоғи орқали ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатиши хавфи тобора ортмоқда.

Бундай бузғунчи хабарлар, асосан, интернет орқали ва SMS шаклида тарқатилмоқда. Жамиятимиз, қадриятларимиз, анъаналаримизга зид бўлган бу каби ножўя ахборотлар ёшларнинг онгини заҳарлаши ва уларни нотўғри йўлларга бошлаши аниқ. Шундай экан, бу каби хабарларга алданмаслигимиз, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлишимиз даркор.

Ёлгончи кишининг ўликдан фарқи йўқ. Чунки тирик кишининг фазилати унинг нутқидадир. Тирик киши ёлгон сўзлайвергани учун, унинг сўзларига ҳеч ким қулоқ солмай қўйгач, унинг энди ўликдан фарқи йўқ. (Оталар сўзи)

ОГОҲ БЎЛИНГ!

8.4. Маънавий таҳдидлардан ҳимояланиш чоралари

Дарснинг мақсади:

Интернетдаги беҳуда суҳбатлардан сақланиш, ҳеч ким билмайди қабилида иш тутмаслик борасидаги кўрсатмалар баён қилинади.

Интернетдаги мулоқотларда кўнгилсиз ҳолатлар юз бермаслиги учун бу борадаги одобларга қатъий риоя қилиш лозим. Аввало, ният тўғри бўлиши керак. Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади, "Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: ***"Албатта, амаллар ниятларга кўрадир..."***

Кишиларга хат-хабар ёзишда ҳам одоб-ахлоққа риоя қилиш шарт. Уятсиз, беҳуда, ҳаёсиз жумлаларни ёзиб, гуноҳ орттирмаслик лозим. Зеро, оғзаки нутқ билан ёзма нутқнинг гуноҳи баробардир.

Баъзи кишилар интернетдаги муомалаларига эътиборсиз бўлишади. Бу эса мутлақо нотўғридир. Аллоҳ таоло айтади: "(Гап) **шудир. Кимки Аллоҳ ҳаром этган нарсаларни катта гуноҳ деб билса, бас, бу Парвардигори наздида ўзи учун яхшидир..."** *(Ҳаж, 30).*

Интернет орқали ўзгалар билан алоқа қилишда яхшилик ва тақво йўлида ҳамкорлик қилиш ҳамда ёмонлик ва душманликда ҳамкорлик қилмаслик шиор қилиб олиниши

БИЛИБ ОЛИНГ!

Гар мард эрсанг тилингни сақла,
Ғийбату бўҳтону дилозорликдан асра. (Кошифий)

керак. Аллоҳ таоло амр қилади: **"...Эзгулик ва тақво** (йўли) **да ҳамкорлик қилингиз, гуноҳ ва адоват** (йўли)**да ҳамкорлик қилмангиз!.."** *(Моида, 2).*

Исломда ҳамкорликнинг бош шарти яхшилик ва тақводир. Агар мана шу шарт топилса, ҳамма билан ҳамкорлик қилинаверади.

Мусулмон одам ўзига берилган умр неъмати азиз эканини, ундан унумли фойдаланиш ўзининг муқаддас бурчи эканини, охиратда унинг ҳар бир лаҳзасидан сўралиш борлигини бир зум ҳам унутмаслиги керак. Шу эътибордан ҳам, интернетга кириб олиб, беҳуда нарсаларга соатлаб, кунлаб вақт сарфлаш қаттиқ қораланади.

Аллоҳ таоло айтади: **"Уларнинг кўп шивирлашиб гаплашишларида яхшилик йўқдир. Магар садақа беришга, эзгуликка ёки одамлар ўртасини ислоҳ қилишга буюрган бўлсалар, бу яхшидир. Кимда-ким Аллоҳ ризоси учун шу ишларни қилса, унга улкан мукофот беражакмиз"** *(Нисо, 114).*

Интернет имкониятларини баъзилар суиистеъмол қилиб, фақат ўз хоҳиши билан ёлғон хабарлар, суратлар ва видеолавҳалар тарқатишади. Уларнинг мақсади бирор натижага эришиш, мақтаниш ҳам, одамлар орасида машҳурлик ҳам, шунчаки эрмак ҳам бўлиши мумкин. Аммо бундай ишлар буткул ножоиздир.

Ҳар бир иш режа асосида бажарилса, унда олдинга силжиш бўлади. Шунингдек, ёшлар интернетдан фойдаланишда доимо қилмоқчи бўлган ишларини аниқлаштириб

Ростгўйлик (тўғрисўзлик) тинчлик-хотиржамлик (гарови), ёлғон сўз шак-шубҳа ва гумон (туғдиради). ("Жавомиъул калим")

ОГОҲ БЎЛИНГ!

олиши лозим, акс ҳолда, компьютер қаршисида узоқ вақт давомида қолиб кетиши турган гап.

Баъзи кишилар бирор хабарни эшитишлари билан ҳамма ёққа тарқатишга шошиладилар. Бундан фойда борми, зарар борми – ўйлаб ҳам ўтирмайди. Мазкур хабарни тарқатиш яхшими ёки тарқатмаслик яхшими – бош қотириб кўрмайди. Оқибатда баъзилар "совуқ уруш" (қуролсиз уруш) деб номланган қабоҳатни ишга солиб, турли-туман ёлғонларни тўқиб чиқарадилар. Агар чуқурроқ ўйлаб кўрсалар, бундай қилмас эдилар. Эшитган гапларини дарҳол оламга ёймас эдилар. Айниқса, бу одоб фитна ва нотинчликлар бўлиб турган ҳозирги даврда ғоят муҳимдир.

Кишига интернетдан тўғри фойдаланишда, унинг ёмонликларидан сақланишда энг катта ёрдамчи – Аллоҳ таолонинг бандасини доим кўриб турганини, У зот ҳамма нарсадан воқиф эканини ҳамиша ҳис қилиб яшашдир.

Оқил одам шу хитобни асло хаёлидан қочирмаслиги, Аллоҳнинг ҳузурида ғайб – яширин нарсанинг ўзи бўлмаслигини доим ёдда тутиши лозим. Шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки, ким яширинча қилган ишини кўздан махфий қолиб кетаверади деб ўйласа, адашади. Хоҳ яхши, хоҳ ёмон иш бўлсин, Аллоҳ уни барибир ошкор қилиб қўяди.

Ёш фарзандларнинг ижтимоий тармоқлардан фойдаланишларига рухсат беришда шошилмаслик лозим. Дарҳақиқат, жуда зарур эҳтиёж бўлсагина, унинг ушбу қўлланмада зикр қилинган одобларга қатъий риоя этишига кўз етсагина, ижозат бериш мумкин.

БИЛИБ ОЛИНГ!

Ишга шошиб киришма, сабр қил, эҳтиёт бўл, Шошилиб қилинган ишнинг охири вой бўлади, Шошилиб қилинган ишлар нечоғлиқ ярамас бўлади. Шошқалоқлик барча адашган кишилар иши. (Юсуф Хос Ҳожиб)

1.

Виртуал мулоқот воситаларида инсон бошқалар кўришини истамайдиган ҳолатда олинган тасодифий суратлар ва видеолавҳаларни ўзгаларга юбориш ҳолатлари авж олиб кетмоқда.

2.

Кўпинча бундай ҳолатлар, биров ўламан деса, биров куламан дейди қабилидаги нақлга асосан иш тутишни эслатади. Бу эса ўша кишининг обрўсини тўкиш ҳисобланади. Ислом динида бировни ҳижолат қилиб, уялтириш ҳаром.

3.

Бундай нодон ёшлар отахоннинг аҳволига парво қилмай, олинган суратни витуал мулоқот воситалари орқали интернетдаги ҳамтовоқларига юбормоқда.

4.

Глобал тармоқда тарқалган бундай суратлардан фақат айрим жоҳил кимсалар завқ олади. Ислом динида бировни масхара қилиш, унинг устидан кулиш ҳамда уялтиришдан қаттиқ қайтарилади.

Утилган мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Виртуал мулоқот воситалари деганда нимани тушунасиз?
2. Мессенжерлар ҳақида батафсил маълумот беринг.
3. Ҳозирги кунда виртуал оламда мессенжерларнинг қандай турлари мавжуд?
4. Мессенжерларга муносабатингиз?
5. Мулоқот воситаларидан нотўғри фойдаланиш оқибатидаги иллатларни айтиб беринг.

Мустақил иш мавзулари

1. Мессенжерларнинг турлари.
2. Виртуал мулоқот воситаларининг ижобий ва салбий жиҳатлари.
3. Мессенжерлар орқали тарқатилаётган маънавий таҳдидлардан ҳимояланиш асослари.

Фойдаланиш учун тавсия этиладиган манба ва адабиётлар

Ислом Каримов. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Т.: "Ўзбекистон", 1999.

Ислом Каримов. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: "Ўзбекистон", 2000.

Ислом Каримов. Ватан равнақи учун ҳаммамиз масъулмиз. – Т.: "Ўзбекистон" 2001.

Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: "Ўзбекистон", 2008.

Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва изоҳлар муаллифи Шайх Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2014.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳиҳи Бухорий. – Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2008.

Усмонхон Алимов. Оилада фарзанд тарбияси. – Т.: "Movarounnahr", 2014.

Усмонхон Алимов. Ёшлар келажагимиз. Т.: "Movarounnahr", 2008.

Айдарбек Тулепов. Ислом ва ақидапараст оқимлар. – Т.: "Sharq" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2013.

Айдарбек Тулепов. Интернетга ин қурган "ўргимчаклар". – Т.: "Movarounnahr", 2014.

Айдарбек Тулепов. ИШИД фитнаси. – Т.: "Movarounnahr", 2015.

Шайх Абдулазиз Мансур. Ақоид матнлари. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2006.

Иброҳимов А. ва бошқалар. Ватан туйғуси. – Т.: "Movarounnahr", 1996.

Ислом энциклопедияси. – Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2004.

Ғойибназаров Ш. Халқаро терроризм: илдизи, омиллари ва манбаи. – Тошкент: "Ўзбекистон", 2009.

Сафарова Н.О. Терроризм (тарихий-фалсафий таҳлил) – Тошкент: "NOSHIR", 2009.

Тўйчибоев А. Исломга ёт жамоа. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010.

Уватов У. Халқаро терроризм: тарихи ва замонавий муаммолари. – Т.: "Академия", 2002.

Шермуҳаммедов К. Жаҳолат тўри. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010.

Айдарбек Тулепов. Муқаддас динимиз софлигини асрайлик, "Ислом нури" 2012 йил, 22-сон, 4–5 саҳифалар.

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг muslim.uz портали ва тизимдаги интернет сайтлари.

ziyonet.uz интернет сайти.

fikr.uz интернет сайти.

9-БОБ. ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ТАҲЛИКАЛАРИ

9.1. "Flashmob" тўғрисида тушунча.

9.2. "Selfi" олишнинг нохуш оқибатлари.

9.3. Ёлғон маълумотларнинг зарарлари.

9.4. Чалғитувчи ахборотлар тарқалишининг олдини олиш.

Дарснинг мақсади:

"Flashmob" тўғрисида тушунча, унинг нохуш оқибатлари тўғрисида маълумот берилади. Ҳозирги кунда интернет оламида шиддат билан ривожланаётган бу каби ҳолатлар салбий оқибатларга олиб келаётгани таъкидланади. "Flashmob" натижасида кўплаб инсонларнинг ҳаёти хавф остида қолиши, жамиятлар барқарорлиги издан чиқаётгани баён этилади.

Таянч сўзлар ва иборалар:

"Flashmob", "Selfi", Жералд Донован, ёлғон маълумот, спам, хэппенинг, перформанс, тияда, ҳома, ғувл, шумланиш гуноҳ.

9.1. "Flashmob" тўғрисида тушунча

Дарснинг мақсади:

"Flashmob" тўғрисида тушунча, унинг нохуш оқибатлари тўғрисида маълумот берилади. Ҳозирги кунда интернет оламида шиддат билан ривожланаётган бу каби ҳолатлар салбий оқибатларга олиб келаётгани таъкидланади. "Flashmob" натижасида кўплаб инсонларнинг ҳаёти хавф остида қолиши, жамиятлар барқарорлиги издан чиқаётгани баён этилади.

"Flashmob" (флешмоб) инглизча сўз бўлиб, *flash* – учқун ва *mob* – оломон деган маъноларни англатади. Немис тилида "mob" сўзи ярамаслар деган маънода ҳам ишлатилади. Демак, "flashmob" сўзи "ярамаслар тўдаси" деган маънони ҳам ифодалайди.

"Флешмоб" маъно жиҳатдан илгари мавжуд бўлган "хэппенинг" атамасига яқин келади. Хэппенинг – (инг. *happening – содир бўлмоқ*) театр намойишида олдиндан дастурда бўлмаган ғоянинг авж олиши ёки қандайдир ҳодисанинг томошабинлар ҳамкорлигида бирданига тез ривожланиши тушунилади.

Бугунги кунда флешмоб атамасини реклама, ОАВ саҳифаларида турли дастурларда ҳар хил соҳа мутахассислари ишлатяпти. Ортида учинчи томоннинг ғаразли ғоялари беркингани учун ушбу атама ҳамон тўлиғича, батафсил ёритиб берилгани йўқ.

Флешмоб – бу бир тўда одамларнинг интернет орқали махфий келишган ҳолда тўсатдан бир ерда пайдо бўлиши ва олдиндан ўйланган тартибсизликни содир этиш биланоқ, тезда яна ғойиб бўлишидир.

ОГОҲ БЎЛИНГ!

Ташкил этилган ижтимоий-маърифий тадбирлар билан флешмоб ўртасида катта фарқ бор. Флешмоб қуйидаги хусусиятлари билан алоҳида ажралиб туради:

- тўсатдан юз бериш;
- марказлашган бошқарувнинг йўқлиги;
- ижтимоий-маърифий мақсадларнинг йўқлиги;
- "Flashmob" қатнашувчилари бир-бирини танимаслиги;
- ОАВда флешмобни ёритишни рад этиш.

Ғаразли кучларнинг қуролига айланган флешмоб кишилар ўртасида низо чиқариб, ички тартибсизликларга сабаб бўлмоқда. Миллатлараро ва дўстона муносабатларга совуқчилик солмоқда.

Флешмобчилар оломон тўдасини ташкил қилиб, норозилик ҳаракатларини четда турган ҳолда кузатишяпти. Оқибатда халқларнинг маънавияти, ўзлигини барбод этиб, уларнинг моддий бойликларини эгаллаб олишмоқда.

Флешмобчилар бутун дунё бўйлаб олиб бораётган ҳаракатларнинг бир қанча турлари мавжуд. Улар ҳеч кимга сездирмаган ҳолда интернет орқали оломон ичига йўл топиб, кириб боради. Ҳозирги кунда ёшлар ахлоқини, дунёқарашини бузадиган жуда кўп қилиқлар, асосан, флешмобнинг ватани бўлган ғарб давлатларидан тарқалиши ҳеч кимга сир эмас.

Флешмоб ўтказишнинг энг асосий шарти унинг кутилмаганда, қўққисдан содир этилишидир. Шунингдек, унда

БИЛИБ ОЛИНГ!

Флешмобчилар, аввало, халқ онгига ўз жирканч гояларини сингдириш, ёшларни унга мослаштириб, норозилик кайфиятида ушлаб туриш оқибатида қора мақсадларига етишга интилишади.

ташкилий раҳбар бўлмайди. Флешмобни ўйлаб топганлар, аслида унинг сиёсий ва реклама тадбирларидан холи бўлишини исташган эди. Шунинг учун ҳам компьютер ўйинлари каби нарсаларга муккасидан кетиб, жуда қизиқадиган ёшлар худди ўйин сингари, бу йиғинни ҳам ўйлаб топишган. Аксар ҳолларда бундай тадбирга тўпланадиганлар бир-бирларини умуман кўрмаган бўлади, фақат исмларини ғойибона билишади, холос.

Ҳозир флешмоб Ўзбекистон ёшлари маънавиятига ҳам сездирмаган ҳолда таҳдид солмоқда. Флешмоб ёшлар тарбиясига қуйидаги воситалар орқали салбий таъсир ўтказяпти:

- ғарб фильмлари, мусиқалари ва клиплари;
- интернетдаги ижтимоий тармоқлар;
- уяли телефонлар;
- ҳаёсизликни тарғиб этувчи ахборот воситалари;
- виртуал ўйинлар.

Терорчи ва бузғунчи кучлар томонидан флешмоб намойишларини содир этишнинг сабаб ва оқибатлари қуйидагилардан иборат:

1. Бугунги кунда флешмоб намойишини ташкил этишни тақиқловчи аниқ қонун ҳужжатлари мавжуд эмас. Агарда бундай ҳаракатлар содир этилган тақдирда, қатнашчиларга билвосита айблар қўйилади, лекин иштирокчиларнинг бир-бирига бегона эканлиги вазиятни янада чигаллаштиради. Масалан, бундай воқеани юзага келтиргани учун қатнашувчиларга оммавий намойишлар

Флешмоб ташкилотчилари, асосан, ёшларни, яъни ҳали оқни қорадан ажрата олмайдиган болаларни офат домига тортишга уринишади.

ОГОҲ БЎЛИНГ!

ўтказиш тартибини бузганлик айблари қўйилиши мумкин. Бироқ бунда барибир флешмобнинг асосий ташкилотчилари панада қолиб кетади.

2. Флешмоб намойишини ташкил этиш босқичлари юқори даражадаги махфийлик ва яширин тарзда амалга оширилади. Шунинг учун бундай ҳаракатни олдиндан аниқлаш ва аҳолини огоҳлантириш жуда мушкул.

3. Оддий флешмоб намойишида ҳам кўп одамларни бир жойга қўққисдан тўплаш имкони бор ва тўс-тўполонларни содир этиб, бир лаҳзада воқеа жойидан қочиб қолиш мумкин.

4. Флешмоб ташкилотчилари, асосан, ёшларни, яъни ҳали оқни қорадан ажрата олмайдиган, болаларни офат домига тортишга уринишади. Оқибатда, бундай ёшлар нопок кимсаларнинг ноғорасига ўйнаётганини ўзлари ҳам сезмай қолишади.

5. Флешмоб хабарлари иштирокчиларнинг бир-бирига зудлик билан тарқалиши ва қисқа фурсатда ўз-ўзидан кўпайиши бузғунчиларга жуда қўл келади.

Бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар шуни кўрсатмоқдаки, флешмоб намойиши ғаразли кучларнинг қора ниятига етиши учун асосий восита ролини ўйнамоқда.

Маълумки, ғарбдан интернет орқали кириб келаётган маълумотларда, асосан, ёшларни босқичма-босқич ўзлигидан айириш, миллий анъаналари ва урф-одатларига бегона қилиш, тарихий хотирасини қирқиш орқали

БИЛИБ ОЛИНГ!

Пайғамбар (алайҳиссалом): ***"Умрни фақат яхшилик узайтиради, қадарни фақат дуо қайтаради",*** *– деганлар.*

миллатлар устидан ҳукмронликка эришиш тамойили борган сари кучаймоқда

Хўш, мураккаб ва шиддатли кечаётган ахборот асрида, флешмобнинг ёшлар тарбиясига ўтказаётган салбий таъсирларидан қандай ҳимояланиш мумкин?

Фикримизча, бунинг учун қуйидаги йўналишларга катта эътибор қаратиш лозим:

- миллий ва диний қадриятларимизни ўзида акс эттирадиган интернет сайтлари, мультимедиа ва роликларни кўпайтириш;
- ижтимоий рекламаларни кўпайтириш ва унинг таъсирчанлигини ошириш;
- тарбиявий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда ёшларнинг истак ва хоҳишларини инобатга олиш, унда ҳар қандай мажбурлашлардан воз кечиш, ёшларнинг қизиқишини тартибга солиш ва тўғри йўналтириш;
- асрлар оша қон-қонимизга сингиб кетган диний қадриятлар – ота-онани улуғлаш, оилани муқаддас сақлаш, фарзанд бурчи, меҳр-оқибат, иффат, ор-номус, ҳаё каби фазилатларга содиқ қолиш;
- ёшларнинг жамият ва миллат олдидаги инсоний бурчларини тўлақонли англашлари, халқ бахт-саодати ҳамда юрт фаровонлиги йўлида меҳнат қилишларига эришиш учун барча шарт-шароитларни ташкил этиш.

Шунингдек, таълим-тарбия жараёнида ёшларда соғлом эътиқодни шакллантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиши, глобаллашув шароитида тарбия жараёнини

ОГОҲ БЎЛИНГ!

Агар киши баъзан ҳис-туйғуларини жиловлай олмаса ҳам, ҳар доим тилини жиловлай олмоғи керак.

тўғри йўлга қўя билиш лозим. Жамиятга таҳдид солувчи иллатларга қарши курашда бой маънавият ва муқаддас ислом динининг эзгу таълимотлари ёшлар учун жуда улкан халоскор куч вазифасини бажаришини унутмаслик керак.

Ибн Можа (раҳимаҳуллоҳ) ривоят қилган ҳадисда: "Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): ***"Менинг умматим залолатда жам бўлмайди. Агар ихтилофга дуч келсангиз, кўпчиликка эргашингиз",*** – дедилар.

Демак, бугунги кунда ҳар хил тартибсизликлар, қўпорувчиликлар ва тўс-тўполонларни келтириб чиқариш учун уришаётганларнинг йўллари нотўғри, даъволари пуч экан. Бундай ҳолатларнинг ортида фақатгина ўз ғаразли, қора мақсадларини кўзлаган кимсалар турибди.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай дедилар: ***"Илми бўлмай туриб, одамларни залолатга бошлаган одам Қиёмат куни энг қаттиқ жазога йўлиқади"*** *(Имом Аҳмад ва Табароний).* Оқибатини билмай туриб ёки билса ҳам қандайдир мақсадлар илинжида ёшларни флешмоб сингари тартибсизликлар чиқаришга чақираётган кимсалар Қиёмат куни Аллоҳ таоло ҳузурида қаттиқ азобга йўлиқади. Чунки улар ҳали оқ билан қорани ажрата олмайдиган ёшларни йўлдан уриб, жамият ва кишилар тинчлигига раҳна солмоқда. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун доим ҳушёр бўлишлари лозим.

БИЛИБ ОЛИНГ!

Маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружларни назарда тутиш лозим. ("Юксак маънавият – енгилмас куч")

9.2. Selfi олишнинг нохуш оқибатлари

Дарснинг мақсади:

"Selfi"нинг мазмун-моҳияти, салбий жиҳатлари ва у келтирган талафотлар аниқ мисолларда баён этилади.

"Selfi" инглизча сўз бўлиб, ўзини ўзи суратга олиши деган маънони билдиради. Оксфорд луғатини тузувчилар ушбу сўзни 2013 йилда "Йил сўзи" деб эълон қилишди. "Selfi" сўзи дастлаб ижтимоий тармоқлар фойдаланувчилари томонидан қўлланила бошланган.

Оксфорд луғатида "selfi" сўзи: "Кишининг смартфон ёки веб-камера ёрдамида олган ва ижтимоий тармоқларга жойлаштирган сурати", деб таърифланган. Ушбу сўз илк бор 2002 йилнинг сентябрь ойида Австралиянинг интернет форумларида қўлланган.

Mail.ru интернет портали берган маълумотга кўра, Огайо университети ўтказган тадқиқот натижаларида, ижтимоий тармоқларга кўп selfi жойлайдиган эркаклар телбалик (психопатия) ва худбинликка мойил бўлар экан. Тадқиқотда 18 дан 40 ёшгача бўлган 800 нафар эркак қатнашиб, анкета саволларига жавоб беришган. Шу тариқа уларнинг ижтимоий тармоқларга selfi жойлаш чоғидаги хатти-ҳаракатлари баҳоланди. Бундан ташқари, иштирокчилар хулқ ва худбинлик даражасини аниқлашда ёрдам берувчи қатор саволларга ҳам жавоб беришди.

Бугунги кунда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кучлидир. ("Юксак маънавият – енгилмас куч")

ОГОҲ БЎЛИНГ!

Selfининг ижобий жиҳатлари кўп. Масалан: унда икки ёки ундан ортиқ киши бировнинг кўмагисиз ўзларини расмга олиши ёки оилавий хурсандчилик кунларини фотолавҳаларга муҳрлаб қўйиши мумкин. Аммо ҳозирги пайтда ижтимоий тармоқлардаги ҳолатни кузатиб айтиш мумкинки, айрим қиз-жувонлар ўзини selfi қилишга шу даражада берилиб кетганки, бошқалар учун эриш, уятли ҳолатлар улар учун оддий ҳолга айланиб қолгандек, гўё. Масалан, айримлар аёлларнинг ўзини кўз-кўз қилиш учун лабини чўччайтириб, ётоқда ётган ҳолдаги, ҳатто ҳожатхонада тушган суратларини уялмай-нетмай, интернет саҳифаларига жойлаштираётгани хатарли ҳолат. Бу каби ҳолатлар бизнинг миллий урф-одатларимиз, азалий диний қадриятларимизга мутлақо зиддир. Шунингдек, бунга ўхшаш selfiлар ёшларимизнинг ахлоқан бузилишига ҳам сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, айримлар selfi олишга ўта берилиб кетишлари натижасида ўз умрларига зомин бўлишяпти. Уларнинг тийиқсиз қизиқишлари ҳалокат билан якунланмоқда. Фикримизнинг исботи сифатида selfi олиш оқибатида юзага келган айрим ҳолатларни келтириб ўтамиз.

МИСОЛ:

** Ҳиндистондаги "Тож Маҳал" мақбарасини зиёрат қилиш учун борган тўрт нафар дўст эсда қоларли сурат туширишга қарор қилади. Бунинг учун уларнинг уч нафари*

БИЛИБ ОЛИНГ!

Азизим, доно, ҳушёр одамларнинг ғафлат шаробидан маст бўлган ёшларга насиҳат ва танбеҳ жазосини беришлари муносиб ҳолдир. Билим майдонининг бедорлари эса ахлоқ кўчасидан адашган бехабар кишиларга адаб шапалоғини уришлари лойиқ ишдир. (Хожа Самандар Термизий)

поезд яқинлашаётганини кўриши билан темир йўлга чиқиб, selfi ола бошлайди. Тўртинчи йигит уларни четдан суратга туширади. Улар selfi олишга шунчалик берилиб кетадики, ҳатто поезд етиб келганида четга чиқишга улгурмай қолишади. Оқибатда, учала дўст ҳам ҳалок бўлади.

** Португалияда эр-хотин сайёҳлар жуфтлиги selfi туширмоқчи бўлиб, 80 метрли баландликдан тушиб кетиб, ҳалок бўлди. Фожиага уларнинг беш ва олти ёшли фарзандлари гувоҳ бўлди. Ноқулай об-ҳаво шароити туфайли мурдалар ҳодисанинг эртаси куни топилди.*

** Польшалик сайёҳ Силвия Райхел Испаниянинг Севиля шаҳридаги кўприк устида "selfi" га тушиш чоғида пастга қулаб, ҳалок бўлган.*

** 23 ёшли қиз ярим тунда бир кўприк панжараси устида selfiга тушмоқчи бўлган. Бир неча дақиқадан кейин мувозанатни йўқотиб, пастга қулаган. Тўрт ярим метр баландликдан йиқилган қиз кўприкнинг бетон устунига урилган. Афсуски, оғир аҳволдаги қиз шифохонада ҳаётдан кўз юмган.*

** АҚШнинг Вашингтон штатида темир йўл устида ўзининг севгилиси билан selfiга тушаётган йигитни поезд уриб кетади. Йигит билан суратга тушаётган қизга зарар етмайди. Лекин йигит воқеа жойида ҳалок бўлади.*

Ҳозирги пайтда оммалашиб бораётган selfi инсон ҳаёти учун жуда ҳам хатарли экани аниқ бўлди.

ОГОҲ БЎЛИНГ!

Турли гуруҳлар миллатни йўқ қилиш, илдизини қирқиб ташлаш мақсадида ахборот тизимидан фойдаланишга зўр бермоқда.

Масалан, британиялик фотосуратчи Жералд Донован дунёдаги энг баланд минора – Дубайдаги 830 метрлик "Бурж Халифа" тепасида туриб selfi туширди ёки Испаниянинг Памплона шаҳрида ўтказилган "Сан-Фермин" фестивали доирасида энсерро – шаҳар кўчаларида анъанавий буқалар билан югуриш маросими бўлиб ўтади. Фестиваль ташкилотчилари хавфсизлик нуқтаи назаридан қатнашчиларга югуриш вақтида расм ва видеога олишни тақиқлашди. Лекин Буюк Британиядан келган иштирокчи белгиланган қоидага риоя қилмай, буқалар юрган кўчада, улар орасида суратга тушди ва 3000 евро миқдорида жаримага тортилди. Яна бир мисол: 44 ёшли канадалик шахс қайнаб турган лава билан тўла вулқон оғзига тушиб, у ерда охирги selfini олди.

Бу каби ҳолатлар очиқдан-очиқ ўз ҳаётини хатарга қўйишдир. Исломда инсонлар ўзларини ўз қўллари билан ҳалокатга ташламасликлари қайта-қайта уқтирилади.

БИЛИБ ОЛИНГ!

"Интернет шундай ўрмонки, унда компассиз юриб бўлмайди".

9.3. Ёлғон маълумотларнинг зарарлари

Дарснинг мақсади:

Интернет тармоқларида тарқалаётган ёлғон хабарларнинг зарарлари ва нохуш оқибатлари баён этилади.

Ҳар қандай хабарни бошқаларга тарқатиш керак дейилса, тарқатавермаслик лозим. Баъзан исломий иборалар аралашган мактуб келади. Унда бу хатни шу кечанинг ўзида, бир неча кишига тарқатишингиз керак. Шундай қилсангиз, ундоқ бўлади, бундоқ бўлади, дейилади. Аллоҳнинг ҳузуридаги фалонча савобни сизга, ўзларича, ваъда қилишади. Аслида бу нарсаларнинг бари ёлғон. Ҳолбуки, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): ***"Кишининг барча эшитганларини гапиравериши унинг ёлғончилигига етарли далилдир",*** – деганлар" *(Имом Муслим).*

Воқеий ҳикоя

Бир йигит ёлғон хабарлар ҳақида бундай ҳикоя қилади:

– Яқинда уяли телефонимга SMS хабар келди, уни гўё Мадина шаҳридан Шайх Аҳмад юборгани ва бутун дунёга ушбу хабарни тарқатиш кераклиги айтилган эди. Кимга ушбу хат етиб борса, уни ўн кишига юборса, Аллоҳ унга ризқини кўпайтириб берар эмиш.

Охирги пайтларда интернет тармоқларида ҳар хил асоссиз ахборотлар, ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатадиган уйдирма маълумотлар жуда кўп тарқатилмоқда.

ОГОҲ БЎЛИНГ!

Ҳиндистоннинг Бомбей шаҳрилик Камол исмли йигит ушбу хабарни ўн кишига юборган экан, Аллоҳ унга 25 минг доллар етказган эмиш. Бошқа киши унга аҳамият бермагани боис, ўша куни боласини йўқотганмиш. Туркиялик Комрон исмли одам ушбу хатни олган ва котибига айтиб, тарқаттирган. Бир неча кундан сўнг уни омади келиб, ишлари юришиб кетган эмиш. Омади келмай юрган Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида яшовчи Анвар исмли киши шу хатни олган, уни эсдан чиқариб қолдирган, бир оздан сўнг ишдан бўшатилган, кейин ушбу хатни эслаган ва тарқатган. Натижада, орадан 5 кун ўтиб, ишлари яна юришиб кетган эмиш. Абдураҳмон исмли одам эса, ушбу хатни кераксиз нарса деб ҳисоблаган, орадан 9 кун ўтгач, вафот этган. Хуллас, кимга ушбу хабар етиб борса-ю, уни тарқатмаса, мусибатга дучор бўлар эмиш.

Хўш, бу каби хабарларнинг асл моҳияти нимада? Бу каби асоссиз хатларни ким тарқатяпти? Шу ўринда Юсуф Қаразовийнинг бундай мактублар тўғрисида айтган қуйидаги сўзларини келтириб ўтсак:

“Бу мактубларни ўзига сохта номлар қўйиб олган инсонлар тарқатишяпти. Аслида келган мактубдаги “Шайх Аҳмад” ҳам уйдирма исм экани маълум бўлди. Мадинада ҳатто бундай хабарни ҳеч ким эшитмаган. Лекин бошқа мусулмон ўлкаларида шундай ёлғон хабарлар урчиб бормоқда.

Эй танбал! Уйгон, дунё ва охират ишларида оқилона ҳаракат қил, ҳар икки дунёдан олажак насибангни топишда ожизлик ва хорликдан воз кеч! Ва бу дунёда гўзал ва пок ҳаёт кечир! Охиратда сенга бахт-саодат келтирувчи ишлардан бошқа (гуноҳ) ишларга кўнгил қўйма... (Маҳмуд Замахшарий)

Диний нуқтаи назардан ушбу мактубда баён этилган хабарнинг ҳеч қандай қиймати йўқ. Баъзи хабарларда "Шайх Аҳмад" тушида Пайғамбар (алайҳиссалом)ни кўрибди, у зот гўё қиёмат яқин қолди, деб огоҳлантирган эмишлар ёки шунга ўхшаш маънодаги хабарлар тарқатилган. Аслида Қуръони каримда қиёматнинг қойим бўлиши ҳақ эканлиги ҳамда унинг айрим аломатлари зоҳир бўлганлиги зикр этилган, унга Шайх Аҳмад ёки бошқа бировнинг васият қилишига эҳтиёж йўқ.

Кўриниб турибдики, бунга ўхшаш мактублар мусулмонлар ўртасида ҳар хил тушунмовчиликни авж олдириб, фитна қилмоқда. Исломни тўғри тушунган, ақлли мусулмон ҳеч қачон бундай ёлғон мактубларни тарқатмайди.

Шундай қилиб, фалончи шунча пулга эга бўлди, дейиш мусулмонларни тўғри йўлдан оздиришдир. Аллоҳ ризқ топиш учун сабабларни яратган, уларга мурожаат қилиш лозим. Дангасаликка ёки хурофотларга буюрмаган. Бундай хурофотларни тарқатиб бойиб кетаман, деб ишониш очиқ адашишдир. Мусулмонлар бундай хабарлардан огоҳ бўлишлари ва динларини тўғри шаклда ўрганиб, хурофотлардан узоқ бўлишлари жуда ҳам муҳимдир".

Шунингдек, бу турдаги мактубларда келтирилган сўзлар, жумладан, кишининг бахтли бўлиши, бахтсизликка учраши, қачон вафот этиши Ислом таълимотига кўра ақидавий масалалар ҳисобланади. Бу каби ҳолатларни

ОГОҲ БЎЛИНГ!

Аҳмоқлик — тарбиясизлик туфайли кишининг табиатига ўрнаб олган иллатлардан биридир. У мустаҳкамланиб олгач, ҳеч бир ҳийла ёки даво билан йўқотиб бўлмайди. ("Фавоқиҳ ал-жуласа")

қўрқмасдан одамларга етказаётганлар қаттиқ гуноҳкор бўлишади. Чунки ғайб илми фақатгина Аллоҳга маълум. Бу ҳақда Намл сурасининг 65-оятида: **"Айтинг: "Аллоҳдан бошқа осмонлар ва Ердаги бирор кимса ғайбни билмас"**, дейилади.

Агар тарқалаётган SMSларга эътибор берадиган бўлсак, улардаги жумлалар на Қуръон, на ҳадис ва на бошқа муътабар китоблар мазмунига мутаносиб эмаслигини кўрамиз. Ахир, бу Аллоҳ ва Расулига ёлғон тўқишнинг ўзгинаси-ку! Аллоҳ таоло бундай дейди: **"Аллоҳ шаънига ёлғон тўқиган ёки ҳақиқат** (Қуръон) **келган чоғда уни ёлғонга йўйган кимсадан кўра ким ҳам золимроқдир?! Кофирлар учун жаҳаннамда жой бор эмасми?!"** *(Анкабут, 68)*.

Охирги пайтларда SMS шаклида тарқатилаётган турли ёлғон хабарлар натижасида оилаларнинг ажралиш ҳолатлари, ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларнинг ёмонлашуви ҳамда ҳар хил хасталиклар кўпайиб бораётгани кузатилмоқда.

Бундай фириб ишларнинг ортида SMS орқали пул топишга уринувчилар туради. Шунингдек, динни ниқоб қилиб, қинғир ниятда бўлганлар ҳам шундай усул билан одамларга ўз таъсирларини ўтказмоқчи бўлади. Аввалига оддий, ҳамма учун маъқул шеър ва ҳикматли сўзларни тарқатишни буюради. Кейин ўзларининг асосий мақсади сари интилади. Оддий одам бундай кирдикорларни тушунмай, ҳайрон бўлиши мумкин. Айниқса, ёзилаётган хабарда араб ёзувлари ишлатилган бўлса. Сабаби оддий

БИЛИБ ОЛИНГ!

Керак тарбият ёшликдан керак,
Улуг бўлса лозим келур гам емак.
(Абдулла Авлоний)

халқ араб тилида ёзилган сўз ёки жумлани Қуръон ояти ёки ҳадиси шариф деб ўйлайди. Унутмайликки, араб тилида ҳам ёмон сўзларни ифодалаш, қинғир фикрларни билдириш мумкин.

Бировга хабар юбориб, буни етти нафар одамга юбормасанг, ундай бўласан, деб айтишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Шунингдек, Исломда шумланишдан қаттиқ қайтарилади. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): ***"Касаллик юқиши йўқ, бойқушдан шумланиш йўқ, навъу ёмғир ёғдириши йўқ, руҳларнинг қушга айланиб юриши йўқ, сафар ойида шумланиш йўқ",*** – деганлар *(Имом Бухорий ва Имом Муслим).*

Жоҳилият тушунчаларидан баъзилари "адво" ва "тияра"дир. Араб тилида "адво" деб касаллик юқишига айтилади. "Тияра" (ёки тийра) эса бирон-бир ишга киришмоқчи бўлганда маълум "белги", "ҳолат" ва ҳоказолардан шумланиб, ўша ишни амалга оширмасликдир. Демак, "тияра", деб умумий маънода, шумланиш, муайян ҳолат, вақт кабилардан ёмонлик, хавф-хатар дарагини кутиш ва уларни ёмонлик аломати деб билишга айтилади.

Исломдан олдинги замон кишилари яна кўп нарсалардан шумланишган. Жумладан, ҳижрий йил ҳисобидаги Сафар ойида сафар қилиш ёки бирон муҳим ишларини амалга оширишдан тийилардилар, Шаввол ойида тўй қилишни хосиятсиз деб билардилар. Шунингдек, уруш ҳаром қилинган ойлардан Муҳаррамни Сафарга

Одобсизлик ота-она уйини хароб қилади. (Оталар сўзи)

кечиктириб, ўрнини алмаштиришар эди. Баъзи манбаларда келишича, сафар деганда улар гўёки қоринда мавжуд бўлиб, очлик қўзғаладиган бир қуртни тушунишарди. Яна уларнинг "ғу(в)л", "ҳома", деган хурофий эътиқодлари ҳам бор эди. Кечаси саҳрода юрган одамга "ғу(в)л" кўриниб, йўлдан оздиради ва ҳалокатга олиб боради, деб ишонишарди. "Ғу(в)л"ни ўзбекчага "алвасти" ёки "ажина" деб ўгириш мумкин. Мазкур алвасти гўёки бир кўриниб, бир ғойиб бўлгани учун унга "тағаввала" (ҳар хил тусда кўринмоқ) феълидан олиб, "ғу(в)л" номини беришган.

"Ҳома" луғатда бошнинг энг юқори қисмини англатади. Жоҳилият кишиларининг эътиқодича, зулм қилиб ўлдирилган кишининг бошидан бир қуш учиб чиқиб, то қотилдан қасос олинмагунича кечалари ҳазин оҳангда сайрар эмиш. Баъзи манбаларда мазкур қушни бойўғли деб билишгани ҳам айтилади. Шунингдек, ўша қуш бирор одамнинг уйига келиб қўнса, бу уйдагилар учун ажал дарагини олиб келди, деб ўйлардилар.

Бу каби ишлар буткул нотўғри ва бу ҳолатлардан шумланиш ақидага зид экани юқорида келтирилган ҳадиси шарифдан очиқ маълумдир.

Ҳозирги кунда ҳар хил ёлғончи хабарларга алданиб "агар ушбу хабарни 7 ёки 20 кишига юбормасам, бахтсиз бўламан ёки ишим орқага кетади", деган шумланиш билан юрган инсонларнинг ушбу ҳадиснинг шарҳидан, ўй-хаёллари асоссиз, нотўғри экани аён бўлади. Шунингдек, баъзилар бирор жойга отланганда олдидан қора мушук

БИЛИБ ОЛИНГ!

Мафкуравий иммунитет – маънавий баркамол, иродаси бақувват, имони бутун шахсни тарбиялашда, ҳар қандай реакцион, бузғунчи характердаги ғоявий ташаббусларга бардош бера оладиган ёшларни тарбиялашда қўл келади

ўтиб қолса ёки режасидаги иш ҳафтанинг айрим кунларига, йилнинг маълум ойларига тўғри келиб қолса, ҳар хил беҳуда хавотирларга берилиб, режаларини йўққа чиқаришади.

Жоҳилият даври араблари бирон ишга киришмоқчи бўлсалар, яқин атрофларидаги қушларни ҳуркитиб, учириб юборардилар. Агар қуш ўнг тарафга қараб учса, "ишим баракали бўлар экан" дея ўша ишни қилардилар. Бордию чап томонга учса, буни шумлик белгиси билиб, қилмоқчи бўлган ишларидан қайтардилар.

Саҳл ибн Саъд (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: "Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): ***"Агар шумланиш бирон нарсада бўладиган бўлса, отда, аёлда ва масканда бўлади",*** – дедилар".

Бу ҳадисда зикр қилинган уч нарса ҳар бир киши ўз ҳаёти давомида доимий равишда бирга бўладиган нарсалар бўлгани учун зикр қилинган. Чунки бу уч иш олдидан ҳар бир инсон чуқур мулоҳаза қилиши ва текшириши лозим. Масалан, ҳар бир киши ҳовли олишда шарт-шароитни, қўни-қўшниларни яхшилаб сўраб-суриштириши керак. Акс ҳолда, билмай бирор-бир ноқулай, шум ҳолатга тушиб қолиши мумкин бўлади. Иккинчиси – эркаклар уйланаётганда, аёллар турмушга чиқаётганда бўлажак жуфти ҳалоли қандай одам, қандай оиладан эканини жуда зийраклик билан сўраб-суриштириши зарур. Билиб-билмай ноқулай одам билан турмуш қуриб қўйса, умр бўйи афсус-надоматда ўтиши, турли кўнгилсизликларга дучор бўлиши ёки ўша оила бузилиб кетиши мумкин. От (бу

Агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйиқ бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазйиқни, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб олиш ниҳоятда қийин. ("Тафаккур" журналидан)

ОГОҲ БЎЛИНГ!

ерда улов маъносида) танлаш ҳам худди шундай. Асосан, эркакларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қиладиган, доим бирга юриб, бирга турадиган уловнинг ҳам бирор ёмон сифати бўлса, бошига бирор кулфат келиб қолиши мумкинлиги назарда тутилмоқда. Олган улови ёнига борса, тишлаб, тепинса, минганида йиқитиб турса, кейин пушаймон бўлади. Бугунги кунимизда маркаб ҳисобланган автоуловларни ҳам кўриб, текшириб, олиш зарур.

Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: ***"Бир киши: "Ё Аллоҳнинг Расули! Биз бир ҳовлида яшар эдик. Ўша ҳовлида ўзимиз ҳам кўпайдик, мол-мулкимиз кўпайди. Сўнг бошқа ҳовлига кўчиб ўтдик. У ерда ўзимиз ҳам камайдик, молимиз ҳам камайди",*** – деди. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): ***"Уни тарк қилинглар, ёмон (ҳовли) экан",*** – дедилар".

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу ҳадисдаги гапни ҳовли эгаларининг кўнглига ўрнашиб қолган бадгумонликни йўққа чиқариш учун айтганлар. Чунки бу маскан уларга мусибат етишига сабаб бўлди. Агар улар мазкур маскандан кўчсалар, кўнгилларига ўрнашиб қолган ваҳм кетади.

Шундан маълумки, ислом дини ақидасига кўра, ҳадисда айтилган уч нарсадан бошқаси борасида шумланиб, ҳар хил бўлмағур хабарларни тарқатиш ярамайди. Акс ҳолда билиб-билмай, жамиятда фитналар тарқалишига сабабчи бўлиб қолади.

БИЛИБ ОЛИНГ!

Ким ўзини таниса, Раббисини танийди. *(Ҳадиси шариф)*

9.4. Чалғитувчи ахборотлар тарқалишининг олдини олиш

Дарснинг мақсади:

Чалғитувчи ахборотлар тарқалишининг олди олиниши, ёшларни турли хил шумланиш домига тушиб қолишдан асраши ҳақида сўз боради.

Ҳар бир техника имкониятларини салбий ёки ижобий томонларга буриш инсоннинг ўзига боғлиқ. Салбий томонга буриш салбий таъсирини кўрсатмай қолмайди. Турли кимсалар томонидан бизга ғоявий таъсир ўтказишнинг ўткир қуролига айланган интернет ва унинг тизимидаги барча мулоқот воситалари маънавий таҳдид қилишда баъзиларга қўл келмоқда.

Ёшлар ўртасида ҳануз динга заррача алоқаси бўлмаган баъзи бир хабарлар, ботил ақидалар ва ақлсиз одатлар учраётгани ачинарли ҳолдир. Булар борасида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): ***"Уч нарсадан менинг умматим ҳануз қутула олмайди. Бу – ҳасад, бадгумонлик ва иримдир. Шу нарсалардан қутулиш йўли шуки, ҳасад қилсангиз, зулмга ўтманг. Гумону шубҳа қилсангиз, уни ҳақиқат ҳисоб қилиб, унга асосан иш тутманг. Бирор ирим қилинадиган нарсага дуч келсангиз, Аллоҳ таолога таваккул қилиб, йўлингизда ва ишингизда давом этиб кетаверинг!"*** – деганлар.

Кўрдимки, вақтини «эсиз», «қанийди», «кошки»лар билан ўтказган кишининг умри энг қисқа экан. (Нажмиддин Кубро)

ОГОҲ БЎЛИНГ!

Маълумки, яхшилик ва ёмонлик, фойда ва зарар Аллоҳ таолонинг изн-ихтиёри билан бўлади. Ақида китобларида яхши ва ёмон ишларнинг барчаси Аллоҳ таоло иродаси билан бўлиши айтилади. Аллоҳ таоло ирода қилмаган бирор нарса бўлмайди. Яхшию ёмон Аллоҳ таолонинг иродаси билан вужудга келган бўлса-да, ёмон ишлар рози бўлинмаган, бандаларнинг хоҳишига мувофиқ яратилган ишлар ҳисобланади.

Турли нохушликлар қушнинг ўнг ёки чап томонга қараб учишидан, бир овозни эшитишдан ёки бир нарсани кўришдан ва кунлардан шумланиш орқали ҳосил бўлмайди. Аллоҳ таолонинг ирода ва қудрати олдида буларнинг барчаси ожиздир. Диний ва дунёвий илмлардан яхши хабардор бўлган бугунги куннинг маданиятли ёшлари бу каби турли хурофий тушунчалар ва маъносиз шумланишлардан йироқда бўлиб, комил инсонга хос яхши ният ва умид қилиш сифатлари билан ҳаёт кечиради. Зеро, Аллоҳ таоло инсонлар қилган яхши ният ва амални асло зое қилмайди ва унга улуғ ажр-савоблар беради. Кимки яхши амал қилса, ўз фойдаси учун қилган бўлади, кимки ёмон иш қилса, ўзига зиён қилган бўлади. Қуръони каримда: "**Бас, кимки** (дунёда) **зарра миқдорида яхшилик қилган бўлса,** (қиёмат куни) **уни кўрар. Кимки зарра миқдорида ёмонлик қилган бўлса ҳам, уни кўрар**" *(Залзала, 7-8),* – дейилган.

Пайғамбар (алайҳиссалом) ҳузурларида турли ҳайвон, қуш, ой ва кунлардан шумланиш ҳақида сўз борган вақтда

БИЛИБ ОЛИНГ

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтадилар: ***"Ҳаё қилиш имондандир. Имон жаннатдандир. Беҳаёлик жафодандир. Жафо дўзахдандир".*** *("Танбеҳул ғофилин")*

шундай дедилар: ***"Агар ёмон бир шумланишга борсангиз, ушбу дуони ўқинглар: "Ё Аллоҳ! Фақат Сен яхшиликни раво кўрасан ва фақат Сен ёмонликларни қайтарасан. Яхшиликка етишиш ва ёмонликдан сақланиш фақат Сен билангина бўлади"*** *(Имом Суютий).*

Агар инсон шумланган вақтда фақат ягона Аллоҳ таоло хоҳлаган нарса бўлади, деб қатъий ишонса ва қодир бўлганича зеҳнидан турли ёмон хотираларни узоқлаштирса, албатта у шумланишдан халос бўлади. Шунинг учун ҳам Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шумланишни қаттиқ қоралаб: ***"Ҳаётда ҳеч бир шумланмаганлар жаннатга ҳисоб-китобсиз киради"***, – деб башорат қилганлар *(Имом Бухорий ва Имом Муслим).*

Баъзи одамларнинг айрим ой, кун, жой ва одамлардан шумланишлари ва улардан ёмон фол очишлари нодонлик ва ислом шариати таълимотларидан бехабарликларидан далолат қилади. Зеро, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): ***"Шумланиш ширкдир! Шумланиш ширкдир! Шумланиш ширкдир!"*** – деб уч марта қаттиқ танбеҳ берганлар.

Шу каби, баъзи одамлар ҳафтанинг айрим кунларидан, баъзи қуш ва ҳайвонлардан ҳам шумланадилар. Оқил киши Парвардигорига эътиқод қилган ҳолда имонини мустаҳкамлаши лозим. Ҳар вақт ва ҳар бир амалда Аллоҳнинг ўзига таваккул этиши керак. Зеро, Аллоҳ таоло: **"...Кимки Аллоҳга таваккул қилса, бас,** (Аллоҳнинг) **ўзи унга кифоя қилар. Албатта, Аллоҳ ўзи** (хоҳлаган) **ишига**

"Улар (Раҳмоннинг суюкли бандалари) **ёлғон гувоҳлик бермаслар ва беҳуда** (сўз ё иш) **олдидан ўтган вақтларида олийжаноблик билан** (ундан юз ўгирган ҳолда) **ўтарлар".** *(Фурқон , 72)*

ОГОҲ БЎЛИНГ!

етувчидир. Аллоҳ барча нарса учун миқдор (меъёр ва муддатни тайин) **қилиб қўйгандир”** *(Талоқ, 3)*, – деб марҳамат қилади.

Айрим SMS хабарларини ўқиб кўрсангиз, “фалон ишни қилмасангиз, фалокат юз беради ёки шу ишни қилсангиз, хурсандчилик келади” каби гап-сўзларга гувоҳ бўласиз.

Бундай хабарлар ёлғон ва асоссиз бўлгани учун унга ишониш ва бошқаларга ҳам юбориш гуноҳ ҳисобланади. Чунки инсонни бахтли ёки бадбахт қилишга, ғайб ишларни билишга ёлғиз Аллоҳнинг ўзи қодир. Қуръони карим, Намл сурасининг 65-оятида бундай дейилади:

«Айтинг: **“Аллоҳдан бошқа осмонлар ва Ердаги бирор кимса ғайбни билмас”**. Улар қачон қайта тирилишларини ҳам сеза олмаслар».

Демак, ёш авлод ушбу иллатлар таъсиридан сақланиши лозим. Халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган ростгўйлик, тўғрилик каби инсоний фазилатлар моҳиятини ёшлар чуқур тушунса, бундай иллатларнинг исканжасига тушмайди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ҳанузгача турли гап-сўзларга ишониб, асоссиз ибораларни тарқатиб, бошқаларнинг ҳам фикрини чалғитиб, соф ислом таълимотидан йироқлаштириб қўяётган айрим кимсалар юқорида айтилганлардан тегишли, тўғри хулоса чиқариб олсалар, айни муддао бўлур эди.

БИЛИБ ОЛИНГ!

Беодоблик фақат қилмишда эмас, сўзда ҳам бўлади.
(Абул Фараж)

Ҳозирги пайтда оммалашиб бораётган selfi олиш оқибатида ёшлар ҳаётида жуда хатарли ҳолатлар учрамоқда. Бу каби ҳолатлар очиқ-дан-очиқ ўз ҳаётини хатарга қўйишдир. Ушбу икки ёш selfi олиш учун баланд бинога чиқиб, ўзларини суратга туширмоқда.

Суратдаги йигит-қиз тоғ тепасида туриб, selfi олишга ҳаракат қилишди. Уларни нималар кутаётганини англашганда қанийди...

3.

Selfi олишга берилиб кетишнинг даҳшатли оқибати!

4.

Selfi олиш натижасида юз берган бундай аянчли ҳолатнинг гувоҳи бўлган дўсти чуқур изтироб чекмоқда. Лекин бу бефойда, бу ҳақда олдинроқ ўйлаш керак эди.

Утилган мавзу юзасидан савол ва топшириқлар:

1. "Flashmob" деганда нимани тушунасиз?
2. "Selfi" ва унинг салбий оқибатлари ҳақида батафсил маълумот беринг.
3. Ҳозирги кунда кенг тарқалган алдамчи "SMS"лар ҳақида гапириб беринг?
4. "Flashmob", "Selfi", алдамчи "SMS"ларга шахсий муносабатингиз?
5. Бадгумонлик, шумланиш иллатини йўқ қилиш учун нималарни билиш керак?

Мустақил иш мавзулари

1. "Flashmob" ва "Selfi"нинг зарарлари.
2. Ёлғон маълумот тарқатишнинг оқибатлари.
3. Чалғитувчи ахборот тарқатиш – маънавий иллат.

Фойдаланиш учун тавсия этиладиган манба ва адабиётлар

Ислом Каримов. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Т.: "Ўзбекистон", 1999.

Ислом Каримов. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: "Ўзбекистон", 2000.

Ислом Каримов. Ватан равнақи учун ҳаммамиз масъулмиз. – Т.: "Ўзбекистон", 2001.

Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: "Ўзбекистон", 2008.

Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва изоҳлар муаллифи Шайх Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2014.

Усмонхон Алимов. Оилада фарзанд тарбияси. – Т.: "Movarounnahr", 2014.

Усмонхон Алимов. Ёшлар келажагимиз. Т.: "Movarounnahr", 2008.

Айдарбек Тулепов. Ислом ва ақидапараст оқимлар. – Т.: "Sharq" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2013.

Айдарбек Тулепов. Интернетга ин қурган "ўргимчаклар". – Т.: "Movarounnahr", 2014.

Айдарбек Тулепов. ИШИД фитнаси. – Т.: "Movarounnahr", 2015.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳиҳи Бухорий. – Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2008.

Шайх Абдулазиз Мансур. Ақоид матнлари. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2006.

Ислом энциклопедияси. – Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2004.

А. Ҳасанов ва бошқалар. Диний экстремизм ва тер-

роризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари: Ўқув қўлланма / Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2013.

Ғойибназаров Ш. Халқаро терроризм: илдизи, омиллари ва манбаи. – Тошкент: "Ўзбекистон", 2009.

Сафарова Н.О. Терроризм (тарихий-фалсафий таҳлил) – Тошкент: "NOSHIR", 2009.

Иброҳимов А. ва бошқалар. Ватан туйғуси. – Т.: "Movarounnahr", 1996.

Очилдиев А. ва бошқалар. Ҳидоят ортига яширинган залолат. Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010.

Тўйчибоев А. Исломга ёт жамоа. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010.

Уватов У. Халқаро терроризм: тарихи ва замонавий муаммолари. – Т.: "Академия", 2002.

Шермуҳаммедов К. Жаҳолат тўри. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010.

Айдарбек Тулепов. Тинчлик ва тотувлик – тараққиёт омили, “Ислом нури” газетаси, 2012 йил, 20-сон, 4–6 саҳифалар.

Айдарбек Тулепов. Имон неъматига не етсин!, “Ҳидоят” журнали, 2015 йил, 2-сон, 8–9 саҳифалар.

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг muslim.uz портали ва тизимдаги интернет сайтлари.

ziyonet.uz .

fikr.uz.

10-БОБ. **АХБОРОТ ХУРУЖИДАН ҲИМОЯ**

10.1. Глобал таҳдидларнинг хавф солиши.

10.2. Ёшларни тажовузкор ғоялардан асраш асослари.

10.3. Баркамол авлодни мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш.

10.4. Интернет қарамлиги белгилари.

10.5. Дин ниқобидаги таҳдидлардан ҳимоя чоралари.

Дарснинг мақсади:

Ахборот асри дея эътироф этилаётган бу даврда инсоният тинчлигига хавф солаётган таҳдидлар ва улардан ҳимояланиш борасида сўз юритилади. Ёшларни тажовузкор ғоялар тузоғига тушиб, қурбон бўлишдан асраш, баркамол авлодда мафкуравий хуружларга қарши иммунитет хосил қилиш ва дин ниқобидаги ҳар хил таҳдидлардан химояланиш чора-тадбирлари тўғрисида хам маълумот берилади.

Таянч сўзлар ва иборалар:

Глобал таҳдид, таҳдид, хуруж, хавф, психологик қурол, маънавий қашшоқлик, ахборот хавфсизлиги, моддий ёрдам, ахборот асри, эзгулик, ёвузлик, ахборот хуружи, интернет қарамлиги, мафкуравий хуруж, диний таҳдид.

10.1. Глобал таҳдидларнинг хавф солиши

Дарснинг мақсади:

Ахборот асри дея эътироф этилаётган бу даврда инсоният тинчлигига хавф солаётган таҳдидлар ва улардан ҳимояланиш борасида сўз юритилади.

Глобаллашиб бораётган бугунги кунда ахборот технологиялари, айниқса, интернет ёшлар кундалик ҳаётининг ажралмас қисмига айланди. Жаҳон ахборот тармоғи шиддат билан ривожланиб, имкониятлари кун сайин кенгайиб бормоқда.

Ёшлар интернетга маълумот олишнинг асосий манбаи деб қарайди. Улар интернетга, асосан, янгиликларни излаш, дўстлар билан мулоқот қилиш, мусиқа ёзиб олиш учун киради. Шу жараёнда ёшлар онгига "ўргимчак тўри" орқали кўз илғамас таҳдидлар кучаймоқда. Афсуски, кўплари бундай хатарларнинг қурбонига айланмоқда.

Таҳдид нима? Бу ўринда таҳдид ғаразли, ёлғон хабарларни ёки бузғунчи маълумотларни тарғиб этиш орқали ёшлар онгини заҳарлашдир. Оқибатда, ёшларнинг ўз кучи ва келажагига ишончи сусаяди ёки буткул йўқолади.

Таҳдид икки кўринишда бўлади – ички ва ташқи. Ички таҳдид жамият аъзоларида ёки бирор мамлакат

Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинди. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): ***"Рост гапиринглар, чунки ростгўйлик яхшиликларга бошлайди ва бу яхшиликлар эса жаннатга йўллайди. Киши рост гапираверса, у Аллоҳ таоло ҳузурида жуда ростгўй деб ёзилиб қолади. Ёлғон гапиришдан ўзларингизни сақланг, чунки ёлғон гапириш ҳамма бузуқликларга олиб боради, бузуқлик эса дўзахга етаклайди. Киши ёлғон гапираверса, Аллоҳ ҳузурида ёлғончи бўлиб ёзилиб қолади",*** *- деганлар.*

ОГОҲ БЎЛИНГ!

аҳолисида ўз тараққиёт йўлига ишончсизликни келтириб чиқаради ва парокандаликка олиб боради. Ички таҳдидлар худбинлик, лоқайдлик, бузуқлик, гиёҳвандлик, иқтисодий жиноятлар, порахўрлик, миллатчилик, маҳаллийчилик каби иллатларни қамраб олади.

Ташқи таҳдид эса хориждаги душманларнинг мамлакатда нотинчликни юзага келтириш ва ҳукмронликка эришиш йўлидаги фитналаридир. Бирор восита ниқоби остида бошқа халқларни тараққиёт йўлидан оғдиришга қаратилган ҳаракатлар бунга мисол бўлади.

Маънавий таҳдид деганда эса, дини ва эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан маънавий-руҳий дунёсини издан чиқариш ва манқуртлаштириш мақсад қилинган мафкуравий хуружлар тушунилади.

Маънавиятни бир уйга қиёсласак, ташқаридан кираётган шамол уй ичидаги нарсаларни остин-устин қилиб ташлашини ҳеч бир хонадон соҳиби истамаслиги аниқ. Худди шу каби биз ҳам вайронкор ғоялар ва мафкуралар салбий таъсир ўтказишига қарши ўз вақтида ҳимоя чораларини кўришимиз шарт.

Шундай ғоялар борки, улар "очиқ чеҳра" билан, эшигимизни тақиллатиб, кириб келади. Бошқалари эса ўғри каби кечаси туйнукдан тушади. Бизга таъсир ўтказаётган ёки таъсир ўтказмоқчи бўлаётган шундай ғояларнинг қай бирини қабул қилиш ва қай бирини рад этиш лозимлигини аниқлаш учун жиддий таҳлил

БИЛИБ ОЛИНГ!

Кишининг юрагида дунё хаёли ва охират хаёли юзма-юз келади. Қай бири ғолиб чиқса, иккинчиси унга тобе бўлади.(Сайёр ибн Ҳакам)

этиш лозим. Ана шундай таҳлил қилиш учун эса баъзан ёшлардаги эринчоқлик ёки уқувсизлик халақит бермоқда. Бунинг оқибатида қабул қилиш керак бўлган ғояларни рад этиш ва инкор этиш лозим бўлганларини қабул қилиш ҳоллари ҳам учраб турибди.

Бу ҳолат бевосита қандай ахборотни қабул қилиш, қандай ахборотдан фойдаланиш борасидаги салоҳиятни ҳам тақозо этмоқда. Чунки бозорнинг оддий ҳақиқати шуки, ҳар ким топганини савдога чиқаради. Жаҳон ахборот бозорида миллий хусусиятлар, анъаналар, турмуш тарзини менсимайдиган вайронкор ахборотлар ҳам пайдо бўлиши билан бирга, ҳаётимизга шиддат билан кириб келмоқда.

Албатта, ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг энг самарали йўлларидан бири ҳар қандай бузғунчи ғояларга, чалғитувчи фикрларга ва нохолис хабарларга асосли қарши курашишдир. Демак, бундай шароитда қуйидаги энг мақбул ва самарали усулларни ишга солиш зарур:

Биринчидан, жамоатчилик фикрини чалғитаётган, вайронкор ахборотлар ташқаридан келаётганини назарда тутиб, мунтазам уларга қарши туриш. Бефарқлик ва сукут сақлаш кайфиятига барҳам бериш.

Иккинчидан, ҳар қандай ҳужумкор ва бузғунчи ғояга қарши ўз вақтида, мўлжални аниқ олиб муносабат билдириш ва бунда эҳтиросга берилмаслик, ортиқча шов-шувларга йўл қўймасдан вазминлик ва босиқлик, айни пайтда, уддабуронлик билан кучли таъсир ўтказиш усулларини қўллаш.

Ўзларида кашф-ихтиро қуввати бўлмаган кишилар макр-ҳийла ва найрангбозлик санъати бўйича ўзларига очиқ-ойдин маълум бўлмаган турли жинсларни ёқлайдилар, ва шу жинсларга ёрдам бериб, турли таълимотларга қарши оёққа турадилар. (Абу Наср Фаробий)

ОГОҲ БЎЛИНГ!

Ахборот хуружи қизғин авж олган бир пайтда айни ана шу хуружлар моҳиятини, уларнинг манбаларини, ривожланиш омилларини чуқур ўрганиш лозим. Бундай ахборотлар мақсади, иддаоси, улар тубида ётган манфаатлар қанчалик мукаммал ўрганилса, уларга шунчалик аниқ зарба бериш мумкин.

Турли гуруҳлар миллатни йўқ қилиш, илдизини қирқиб ташлаш мақсадида ахборот тизимидан фойдаланишга зўр бермоқда. Мана шу жараёнда ёшлар ўзининг ақлий салоҳиятини ишга солиб, ўзини ўзи ҳимоя қилиш ва ҳар қандай тажовузларга қарши тура олиш иқтидорини шакллантириши лозим.

Охирги пайтларда интернет тармоқларида ҳар хил асоссиз ахборотлар, ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатадиган уйдирма маълумотлар жуда кўп тарқатилмоқдаки, буларнинг таъсирида ёшлар орасида бир-бирига нисбатан кескин адоватлар авж олиши кузатилмоқда.

Ахборот хуружлари — бирор шахсга, муайян ташкилот ёки давлатга қарши йўналтирилган ғоявий таъсир ҳисобланади. Унинг асл мақсади ўша шахс, ташкилот ва давлатнинг тинчлигини бузиш ҳамда қора ниятига етишдир.

Янги технологиялар орқали амалга оширилаётган ахборот хуружларининг ўзига хослиги шундаки, интернет тармоғида бутун дунёга тезкор етказилаётган маълумотларнинг аниқ манзили ва манбаини билиш жуда мушкул.

БИЛИБ ОЛИНГ!

Ислом динининг жаҳолатдан кўра каттароқ ва қўрқинчлироқ душмани йўқдир. (Муҳаммад Нуруллоҳ Сайдо Жазарий)

Бундай кимсалар тўдаси одатда йирик коммуникация тармоқларини бузиш билан шуғулланиб, банк ва жамоат тартибини сақлаш муассасалари тармоқларидаги ахборот тизимини ишдан чиқаришга ҳаракат қилади. Чунки бу ишларнинг тагида доимо вайронкорлик мақсади мавжуд. Бугунги кунда ҳатто АҚШ, Буюк Британия, Россия каби ривожланган давлатлар ҳам ана шундай электрон террорчилардан зарар кўрмоқда.

Ахборот — психологик қурол. У бутунлай янги турдаги қурол бўлиб, у оммавий ахборот воситалари, компьютер ўйинлари, интернет тизими ёрдамида инсон дунёқарашига кучли таъсир кўрсатишга мўлжалланган.

Тажрибалардан маълумки, хавфни бартараф этишнинг энг осон йўли, шу хавфни олдиндан аниқлаб, унга қарши эҳтиёт чораларини қўллашдир. Шу нуқтаи назардан, ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳам энг кучли таҳдид манбаларини аниқлаш ва уларга қарши ҳимоя чораларини кўриш асосий вазифа ҳисобланади.

Ахборот хуружининг олдини олиш йўллари:

- ёшларда ташқи таҳдидлар, бузғунчи таъсирларга қарши ўз вақтида тўғри муносабатни шакллантириш;
- ёшларнинг билимини ошириш, уларда воқеа-ҳодисалар моҳиятини таҳлил қилиш малакасини шакллантириш. Токи ёш авлод оқни қорадан ажратиб олиш имкониятига эга бўлсин;

Фожир (бузуқ) алдамчи, пасткаш кимсадир.

(Ҳадиси шариф)

ОГОҲ БЎЛИНГ!

- ахборот оқимида маҳаллий ахборотларнинг ёшларга тез етиб бориши ва ишончли бўлишини таъминлаш. Агар бу вазифа амалга оширилса, ташқаридаги ғаразли ахборотларнинг ёшлар онгига таъсир кучи кескин камайиб кетади;

Шунингдек, ахборот хавфсизлигини таъминлашда қуйидаги вазифаларни бажариш керак:

- миллий-маънавий қадриятларни тарғиб этиш орқали ёшларни тўғри эътиқоддан айирадиган бузғунчи ғоялардан асраш;
- маҳаллий ахборотлар таъсирчанлигини ошириш чоралари кўрилмаса, ёт ғоялар миллий қадриятларни барбод этиш орқали тарихан дўст бўлган халқлар ва миллатлар орасига низо солиши турган гап, бундай пайтда ҳар қандай воқеа ва ҳодисага ақл-идрок йўриғи билан ёндашиш лозим. Таҳдид қанча кўп бўлса, қўрқув, ҳадик ва ишончсизлик шунча кўпаяди. Ана шундай пайтда вазиятдан келиб чиқиб, ёшлар ахлоқини тартибга солиш муҳим аҳамият касб этади.

Ёшларда ахборотни саралай олиш, яъни ахборот истеъмоли маданиятини юксак даражага кўтариш учун, энг аввало, ёш йигит-қизларда соғлом эътиқод ва сезгирлик туйғуларини шакллантириш муҳим.

БИЛИБ ОЛИНГ!

Мўмин ишбилармон, зийрак, эҳтиёткор кишидир.
(Ҳадиси шариф)

10.2. Ёшларни тажовузкор ғоялардан асраш асослари

Дарснинг мақсади:

Ёшларни тажовузкор ғоялар тузоғига тушиб, қурбон бўлишдан асраш, баркамол авлодда мафкуравий хуружларга қарши иммунитет ҳосил қилиш ва дин ниқобидаги ҳар хил таҳдидлардан ҳимояланиш чора-тадбирлари тўғрисида маълумот берилади.

Маънавий тарбия орқали ёшларда яхши ахлоқ, шижоат, раҳмдиллик ва меҳнатсеварлик сифатлари шаклланади. Ислом динида ҳам фарзанднинг маънавий тарбиясига алоҳида эътибор қаратилади. Чунки бола нозик бир ниҳол кабидир, қай томонга эгса, шунга мойил бўлиб ўсади. Пайғамбар (алайҳиссалом): ***"Ҳар бир фарзанд фитратда[1] дунёга келади"*** *(Имом Бухорий),* – деганлар. Ушбу ҳадисдан маълум бўладики, бола покиза табиатда туғилгани боис, унинг шаклланиши айнан тарбияга боғлиқ бўлади.

Демак, фарзанднинг эътиқодини мустаҳкам қилиш энг асосий вазифадир. Буни Қуръон оятлари ва ҳадиси шарифларнинг мазмун-моҳиятидан ҳам кўриш мумкин, жумладан: **"Эй имон келтирганлар! Ўзларингизни ва оила аъзоларингизни ёқилғиси одамлар ва тошлар бўлмиш дўзахдан сақлангиз, унда дағал ва қаттиққўл, Аллоҳ буюрган нарсага итоатсизлик қилмайдиган,**

[1] Фитрат— яккахудоликка ишончнинг туғма ҳолати; исломий табиат.

Иродасини кучайтириш ниятидаги киши тўсиқларни енгиб ўтишга одатланиши лозим. (Донолар бисотидан)

ОГОҲ БЎЛИНГ!

фақат буюрилган ишни қиладиган фаришталар (хизмат қилурлар)" *(Таҳрим, 6).*

Ушбу оят нозил бўлганида ҳазрат Умар (розияллоҳу анҳу) Пайғамбар (алайҳиссалом)дан: ***"Ё Расулуллоҳ, ўзимизни дўзахдан сақлаймиз, бу тушунарли. Аммо аҳли оила ва фарзандларимизни қандай сақлай оламиз?",*** – деб сўради. Шунда Расулуллоҳ: ***"Аллоҳ сизни қайтарган нарсалардан уларни ҳам қайтарасиз ва уларни ҳам Аллоҳ сизга буюрган ишларга ундайсиз. Шу йўл билан уларни дўзахдан сақлаган бўласиз",*** – деб жавоб берганлар.

Мазкур оят шарҳида инсон аҳли аёли ва фарзандларини ҳам доимо эътиборда тутиши, бунда фақат моддий таъминот билан чекланиб қолмасдан, уларнинг имон-эътиқоди ҳам мустаҳкам бўлишига ҳаракат қилиши лозим, деб алоҳида таъкидланади.

Ҳусайн Воиз Кошифий "Ахлоқи муҳсиний" асарида фарзандлар тарбиясида муҳим бўлган исломий қадриятларга тўхталиб: *"Фарзанд Ҳақ таолонинг омонатидир. Ота-онадан маҳшар вақтида бу омонат ҳақи талаб қилинади. Бу омонат гўёки ойна – бутун борлиқ кўзгуси, аввалидир. Ҳақиқат жавоҳири уни нимага хоҳласа, ўшанга мойил қилиши мумкин. Демак, зарурат бўйича фарзандни тўғри тарбия қилиш керак, токи ёқимли сифатларга эга бўлсин. Аввало, унга чиройли ном бериш керак. Агар фарзанд номи муносиб бўлмаса, маълум муддат яшагандан сўнг унда ўз исмига нисбатан нафрат пайдо бўлади. Яна мўътадил*

БИЛИБ ОЛИНГ!

Ҳаётимиз – саёҳат, гоя эса – йўлчи юлдуз. Йўлчи юлдуз бўлмаса, ҳаммаси тўхтайди-қолади. Мақсад бой берилса, куч гўё мутлақо бўлмагандек. Ўз олдига мақсад қўйган ва шу мақсади учун бор кучини фидо этган кишигина бахтли бўлмоғи мумкин. (Донолар бисотидан)

табиатли, хушмуомала ва покиза кўринишли бўлсин”, деб ўз қарашларини баён этган.

Дарҳақиқат, гўзал хулқ, тўғри ақида асосида тарбияланган бола ҳаётда ақл-идрок билан иш тутади, имон-эътиқодида собит туради, эркин ва мустақил фикрлайди, ҳар хил алдовларга учмайди ҳамда ғаразли ташвиқотларга берилмайди. Демак, фарзанд ёшлигидан соғлом эътиқодли, билимли, одобли ва шижоатли бўлиб вояга етиши учун ёшлар фойдали илм ва кўникмалар билан банд бўлишлари муҳим. Бунда фарзанд, аввало, соғлом ақидага эга бўлишига алоҳида эътибор қаратиш керак.

Сўфи Аллоҳёрнинг “Саботул-ожизин” асарида ақида хусусида айтилган ушбу ҳикматли сўзларни яна бир бор таъкидлаймиз:

Ақида билмаган шайтона элдур,
Агар минг йил амал деб қилса, елдур.

Мазкур байтдан ҳам маълум бўладики, ақидаси соғлом бўлмаган фарзанднинг адашиб кетиш эҳтимоли кўп бўлади. Айниқса, ғоялар кураши авж олган бугунги кунда фарзандлар эътиқодига тажовуз солаётган таҳдидлар қаторида динни ниқоб қилиб, қадриятларни оёқости қилишга уринаётган бузғунчи ҳаракатларнинг фаолияти жиддий ташвиш уйғотмоқда. Бундай кучлар фарзандлар онгини забт этиш мақсадида ҳар қандай қабиҳ йўллардан фойдаланишга уринмоқда.

Исломда юрти, халқи ва ота-онасига хиёнат қилиш оғир гуноҳ саналади. Ислом дини нафақат ўз ота-онаси,

ОГОҲ БЎЛИНГ!

Оталар сўзи — ақлнинг кўзи.

балки бегоналарга ҳам яхшилик қилишга буюради. Ҳадиси шарифларда айтилганидек, ***"Ота-онанинг ризосида Аллоҳ ризоси бор, ота-она ғазабида Аллоҳнинг ғазаби бор".*** Лекин айрим ёшлар орасида бузғунчи оқимлар тузоғига илиниб, гўё "дин йўлида ҳижрат қиламан, жиҳодга бораман", дея ота-онасини норози қилиб, оиласини ташлаб қўйиб, ҳалокат тузоғига тушиб қолаётган ёшларнинг учраб туриши ачинарлидир.

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган ҳадисда шундай дейилади: ***"Бир киши Набий (алайҳиссалом)га юзланиб: "Мен ҳижрат ва жиҳод қилиш учун сизга байъат бераман. Бунинг савобини эса Аллоҳдан талаб қиламан", – деганида, у зот: "Ота-онангдан бирорталари ҳаётми?" – деб сўрадилар. У киши: "Ҳа, икковлари ҳам ҳаёт", – деди. Муҳаммад (алайҳиссалом): "Савобини Аллоҳдан талаб қиласанми?" – дедилар. У киши: "Ҳа", – деди. Шунда Расулуллоҳ: "Унда ота-онанг ҳузурларига бориб, уларга чиройли муомалада бўлиб, хизматларини қилгин",*** – дедилар".

Бу ҳадиси шарифдан шу нарса аёнки, фарзанд ўз гарданида бўлган вазифани, яъни ота-онанинг ҳақини биринчи бўлиб адо этиши лозим. Қиёмат кунида ҳам фарзанд ота-она ҳақларини адо этгани ҳақида сўралади. Бу ҳақда ҳазрат Али (розияллоҳу анҳу) Расули акрам (алайҳиссалом)дан ривоят қиладилар: "Расулуллоҳ (алайҳиссалом) дедилар: ***"Ҳар қачон ота-она фарзандини чақирган вақтда, фарзанд ҳамма ишини ташлаб,***

БИЛИБ ОЛИНГ!

Аҳмоқнинг нодон эканлигини жуда доно киши ҳам унга тушунтира олмайди.

уларнинг олдига бориб, айтганларини жону дили билан адо этсин. Агар бепарво бўлиб, уларнинг буюрганини қилмаса, мен ундай умматдан безорман".

Демак, ислом манбаларида жаннат ота-она ризосида дейилган экан, буни ҳар бир фарзанд ғанимат билмоғи керак.

Эътиқодга айланмаган ғояларнинг умри қисқа, бугуни бўлгани билан эртаси сароб.

ОГОҲ БЎЛИНГ!

10.3. Баркамол авлодни мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш

Дарснинг мақсади:

Мустақил фикрга эга бўлган инсон яхши ёки ёмон маълумотнинг моҳиятига етиши ва таҳдидларга қарши куч топа олиши мумкин эканлиги, ёшлар турли ёт ғоя ва нотўғри ахборот хуружларига берилмаслиги учун уларда тинмай соғлом эътиқодни шакллантириш зарурлиги ҳақида сўз юритилади .

Ҳиндистоннинг сиёсий арбоби Махатма Ганди ўз даврида шундай ёзган эди: *"Мен уйимнинг эшик ва деразаларини маҳкам беркитиб ўтира олмайман. Чунки унга тоза ҳаво кириб туриши керак. Шу баробарида эшик ва деразаларимдан кираётган ҳаво довул бўлиб, хонадонимни ағдар-тўнтар қилиб, ўзимни йиқитиб ташлайдиган даражада очиб ҳам қўя олмайман".*

Бу сўзларни бугунги ахборот асрида турли маълумотларнинг кириб келиши, у ёки бу минтақада тўғри эътиқодга салбий ёки ижобий таъсир этиши маъносида қўллаш ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам ёшларда интернетнинг яхши томонларидан унумли фойдаланиш, ёмон таъсирларидан ўзларини ҳимоя қила олиш имкониятини шакллантириш долзарб масаладир.

Яқинда сиёсатшунос Патрик Бьюкененнинг "Смерть Запада" номли китоби интернет тармоқларига жойлаш-

БИЛИБ ОЛИНГ!

Одамни тарбия қилиш уни жисмонан, фикран ва руҳан камолга етказиб, саодатга эришишга қобил этишдан иборатдир. (Фитрат)

тирилди. Муаллиф ушбу китобни Ғарбнинг маънавий инқирозларига, жумладан, оила, никоҳ ва туғилиш борасидаги таназзуллар таҳлилига бағишлаган. Европа жамиятига сингиб кетган "оломонча маданият"га қаршилик кўрсатиш жуда мушкул эканини муаллиф афсус билан қайд этган.

Бундай таназзул Европа халқларининг қадриятларига нисбатан салбий муносабатларда кўзга ташланади. Европада туғилишнинг кескин камайиб кетгани, аёллар соғлом зурриёт қолдиришни истамаётгани, фарзанд туғилиши ва уни тарбиялашга кетадиган маблағни қизғанаётгани, туғилаётган болаларнинг ҳар учтасидан биттаси никоҳсиз эканлиги мисол қилиб келтирилган.

Демак, ёшлар юртимизга четдан кириб келаётган "оммавий маданият"нинг бундай жирканч иллатларидан сақланишлари лозим. Ҳозирги кунда хорижнинг маданий қадриятларига эҳтиёткорлик билан ёндашишни ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда.

Зеро, мустаҳкам имон-эътиқод ёшларнинг замон синовларидан ўтишида суянч ва таянч бўлади. Шунда дуч келган ҳаётий ва маънавий муаммоларга жавоб бера олади.

Шунингдек, ёшларда ахборот хуружидан ҳимояланиш учун мустақил фикр бўлиши лозим. *Биринчидан,* ёшларнинг ўзини ўзи ҳимоя қилишига эътибор бериш лозим. Аввало, ҳар бир инсон учун мустақил фикр зарур. Мустақил фикрга эга бўлган инсонгина яхши ёки ёмон маълумотнинг моҳиятига етиб, уларга қарши куч топа олади.

Тарбия уч қисмдан иборат: бадан тарбияси, ақлий тарбия, ахлоқ тарбияси. (Фитрат)

ОГОҲ БЎЛИНГ!

Иккинчидан, ёшлар турли ёт ва бемаза ахборот хуружларига берилмаслиги учун уларда мустаҳкам, соғлом эътиқодни шакллантириш зарур.

Учинчидан, соғлом эътиқодли инсонда имон, инсоф ва диёнат тушунчалари шаклланади. Инсон қалби билан боғлиқ бу қадриятлар интернет оламида адаштирмайдиган "компас" вазифасини бажаради.

Тўртинчидан, ёвуз ниятли кимсаларнинг асл ниятларини, саъй-ҳаракатларининг охир-оқибати нима билан тугашини очиқ-ойдин англаш керак.

Юқорида қайд этилганидек, аввало, ёшларда мустақил фикрлашни шакллантириш муҳим. Бунинг учун ёшлар Набий (алайҳиссалом)нинг ***"Ким ўзини таниса, Раббисини танийди"***, деган ҳадисларини пухта ўзлаштиришлари лозим. Ҳақиқатда инсон ўзининг келиб чиқишини ўйлаб кўрса, ҳеч қачон зарар етказадиган иллатларга учмайди.

Инсон дунёга келган вақтдан бошлаб, атрофидаги борлиқни, ўзи учун керак бўлган манфаатларни, қўйингки, ҳар бир нарсани ўрганиш, билиш ва таниш учун ҳаракатда бўлади. Бу ҳолат инсоннинг ҳаётида йиллар давомида шаклланади, онги-савиясининг ўсишига далолат қилиб келади. Натижада инсоннинг онги ривожланиб боради ва охир-оқибат ўзининг ким эканини танийди. Бундай инсонлар маърифатли кишилар дейилади. Шунинг учун ҳам маърифат кишида имон-эътиқод, фидойилик ва қатъият фазилатларини шакллантиради.

БИЛИБ ОЛИНГ!

Дарс ила тарбия орасида бир оз фарқ бор бўлса ҳам, иккиси бир-биридан айрилмайдурган, бирининг вужуди бирига бойланган жон ила тан кабидир. (Абдулла Авлоний)

Маърифатсиз киши ҳеч нарса билан иши йўқ, мақсади ноаниқ бўлиб, ўзлигини йўқотади. У ўзининг хатти-ҳаракати билан нафақат ўзига, балки атрофдагиларга ҳам зиён келтиради. Киши маърифатсизлигининг оқибатида, инсон қалбидаги нур ўрнини зулмат қоплаб, унинг онги ва руҳияти хиралашади. Натижада киши нафси истаган ҳар қандай ишни тап тортмасдан қилаверадиган бўлади.

Инсон умри давомида ниманики ўрганган бўлса, маърифати ошади, бу унинг фойдасига, аксинча, ғўрлик қилиб, турли кимсалар алдовига учса, кони зарардир. Аллоҳ таоло бу ҳақда шундай дейди: **"Дарвоқе, унга** (нафсга) **фисқ-фужурини ҳам, тақвосини ҳам** (У) **илҳом қилиб қўйган.** (Мазкурлар билан қасамёд этаманки) **ҳақиқатан, уни** (нафсни) **поклаган киши нажот топур ва у** (нафс)**ни** (гуноҳлар билан) **кўмиб, хорлаган кимса эса** (Аллоҳнинг раҳматидан) **ноумид бўлур!"** *(Шамс, 8–10).*

Фужур — инсоннинг қиладиган ёмон амаллари бўлиб, дунё ва охиратда ўзи учун зарардир. Тақво – инсоннинг қиладиган яхши амалларидир, у ўз эгасини дунё ва охират бахтига етказади.

Оқил ва диёнатли кишиларга ёлгон сўзлардан тилларини сақламак ила баробар, авлодларини ёлгонга одат қилдурмасдан тарбия қилмаклари энг муқаддас вазифайи инсонияларидур. (Абдулла Авлоний)

ОГОҲ БЎЛИНГ!

10.4. Интернетга қарамлик белгилари

Дарснинг мақсади:

Интернетнинг инсон руҳиятига салбий таъсири ҳамда интернетга тобе бўлиб қолмасликнинг усуллари борасида сўз юритилади.

Интернетга қарамликни шифокорлар аллақачон руҳий касалликлар қаторига киритган. Кўпчилик ушбу хасталикка ҳанузгача беписанд қарамоқда. Компьютер қарамлиги ичкиликбозлик, гиёҳвандлик каби жиддий касалликдир.

Бир қарашда интернетда почтани текшириш ва ижтимоий тармоқларда мулоқот қилиш, ўйин ўйнаш оддий нарса бўлиб кўринади. Бу каби "хавфсиз" ҳаракатлар қандай қилиб шахснинг таназзулига олиб келиши мумкин? Аслида интернетда кўп вақт ўтказган киши вақт тушунчасидан узоқлашиб боради, яқинлари, дўстлари билан мулоқот қилишни орқага суради ҳамда организмнинг табиий эҳтиёжларини эътиборсиз қолдиради. Вақт ўтиши билан соғлом ҳаёт тарзи ўзгариб, одамнинг руҳияти ва соғлиғига салбий таъсир ўтказади. Интернетга қарам бўлиб қолган ёшларга виртуал мулоқот ёлғон эркинликни, гўёки ҳамма нарсага қодирлик ҳис-туйғусини бахш этади. Айни вақтда реал ҳаётда ҳал этилмаётган муаммолар ва ечилмаган масалалар йиғилиб бораверади.

БИЛИБ ОЛИНГ!

Агар назорат қилувчиси бўлмаса, ундай фарзанд ярамас ва нобакор бўлади. Бундай фарзанддан умидингни узавер. (Юсуф Хос Ҳожиб)

Интернетга қарамлик оддий касалликка ўхшаб ўз белгиларига эга:

Вақт тушунчасига эга бўлмаслик. Ярим соат ишлайман деган ният билан интернетга кирган киши аслида ҳар хил сайтларга киравериб, бир неча соат вақт ўтганини сезмай қолади. Чексиз интернет оламида сайр этган ёшлар долзарб муаммолар, реал ҳаёт масалаларидан қочмоқчи бўлади.

Табиий эҳтиёжларни қондирмаслик. Нима бўлишидан қатъи назар, ҳаёт тарзини яхшилаш мақсадида инсон ўз танасидаги эҳтиёжларга қулоқ солиши керак. Интернетга шўнғиган киши узоқ вақт таом емаслиги, кам ухлаши, ҳатто ҳожатга ҳам чиқмаслиги мумкин. Бундай ҳолатлар жиддий касалликларга олиб келади.

Ижтимоий ҳаётдан воз кечиш. Қизиқарли тадбирлар, йиғилишлар интернет касаллигига дучор бўлган шахс учун зерикарли бўлиб туюлади. Буларнинг ўрнига виртуал мулоқотни афзал кўради. Дўстлари ва яқинлари билан жонли мулоқот ўрнини виртуал мулоқотларга беради.

Интернетга қарамликни аниқлаш учун тест

Шахснинг интернет ва компьютер касаллигига мубтало бўлганини қандай билса бўлади? Қуйидаги тест саволлари орқали буни аниқлаш мумкин. Жами

Болаларга фикрлашда исбот бўлишини ўргатинг, яъни уларга доим тўғри ва рост маълумотлар беринг ва хотираларидан беасос, ботил фикрлар жой олишига йўл қўйманг. (Фитрат)

ОГОҲ БЎЛИНГ!

20 та саволдан иборат ушбу тест орқали интернет ва компьютер касаллигининг даражасини билиш мумкин. Саволларга жавоб бераётганда қуйидаги меъёр бўйича балл қўйиш керак:

– менга тегишли эмас	– 0 балл;
– камдан-кам	– 1 балл;
– вақти-вақти билан	– 2 балл;
– баъзида	– 3 балл;
– тез-тез	– 4 балл;
– ҳар доим	– 5 балл.

САВОЛЛАР:

1. Режадан ортиқ онлайн алоқада қанча ўтирасиз?
2. Интернетда кўпроқ қолай, деб уй вазифаларига эътиборсиз қарайсизми?
3. Интернетга оила аъзоларингизга нисбатан кўпроқ вақт ажратасизми?
4. Интернетда янги дўстлар билан мулоқот қиласизми?
5. "Интернет ёки компьютерда кўп ўтирасан", деган танбеҳ эшитасизми?
6. Кўп онлайн алоқанинг ўқишингизга салбий таъсири борми?
7. Муҳим иш билан шуғулланишдан олдин почтани текшириб оласизми?

БИЛИБ ОЛИНГ!

Фикр тарбияси – одамнинг ақлини камолга етказиш ва бахт-саодатга етишуви учун қобилиятли қилиб тарбиялашдир. (Фитрат)

8. Интернетда кўп ўтиришнинг ўқишингиз самарадорлигига таъсири борми?
9. "Интернетда нима иш билан банд бўласан", деган саволга жавоб беришда ҳимояланиш ёки яшириш ҳоллари бўлиб турадими?
10. Ҳаёт ташвишларини ўйламаслик учун интернет ҳақида хаёл сурасизми?
11. Онлайн мулоқотдан завқланиш туйғусини ҳис этасизми?
12. "Интернетсиз ҳаёт зерикарли ва маъносиз бўлади" деган фикр кўнглингиздан ўтадими?
13. Биров сизни интернетдан чалғитган пайтда ғазабланиш ҳолатлари учрайдими?
14. Интернет оламида сайр қилиш мақсадида, кечаси уйқудан воз кечиш ҳолатлари учрайдими?
15. Оффлайн бўлган пайтингизда интернет ҳақида ва унга тез уланиш ҳақида фикр юритасизми?
16. Онлайн мулоқотда ўтирган пайтингизда "яна озгина ўтирай", деб ўзингизга айтиб турасизми?
17. Сизда интернетда ўтиришни камайтириш учун муваффақиятсиз (ўтган) уринишлар бўлганми?
18. Виртуал мулоқотни ҳаётий мулоқотдан афзал кўрган пайтингиз бўлганми?
19. Дўстларингиздан ва яқинларингиздан интернетда қанча вақт ўтирганингизни яшириш ҳолатлари бўлганми?

Илм олиш дастлаб ахлоқий покликни талаб қилади. Шунингдек, таълим ва тарбия бир бутунликни кўрсатади, фақат шу бирликка амал қилган шогирдлар камолот сари бора олади. (Абу Райҳон Беруний)

ОГОҲ БЎЛИНГ!

20. Интернетда ўтирмаган пайтингизда ўзингизда ғазабланиш, тушкунлик ҳолатлари, интернетга уланган пайтингизда эса мазкур ҳолатлар йўқолишини кузатганмисиз?

ТЕСТ НАТИЖАЛАРИ

Саволларга жавоб берганингиздан сўнг балларни қўшиб, интернетга қай даражада боғланганингизни аниқлаб олишингиз мумкин.

Биринчи вариант: 20 баллдан 49 баллгача.

Хавотирга ўрин йўқ. Сиз, ҳозирча, энг оддий интернетдан фойдаланувчисиз. Баъзан одатдан ташқари интернетда кўп ўтирсангиз ҳам, ўзингизни назорат қила оласиз. Сизда интернет ва компьютер касаллиги йўқ.

Иккинчи вариант: 50 баллдан 79 баллгача.

Интернетда кўп вақт ўтказганингиз учун турли муаммоларга дуч келмоқдасиз. Бу босқичда бундай муаммолар вақти билан ёки тез-тез пайдо бўлиши мумкин. Компьютерга қарамлигингиз кундан-кунга кучайиб бормоқда. Ушбу ҳолат ҳаёт тарзингизга қай даражада таъсир ўтказаётганига, албатта, аҳамият беринг ва уни ижобий томонга ўзгартиришга ҳаракат қилинг. Ҳамма нарса ўз қўлингизда. Ушбу босқичда интернетга қарамликни камайтириш имкони бор.

Учинчи вариант: 80 баллдан 100 баллгача.

Тан оласизми-йўқми, лекин интернетда ҳаддан зиёд

Икки оламда ҳам одамга керакли ва фойдали нарса яхши феъл ва хуш хулқдир. (Юсуф Хос Ҳожиб)

кўп вақт ўтказганингиз учун талайгина муаммолар йиғилиб қолибди. Виртуал ҳаёт тарзингиз реал ҳаётингизга қанча салбий таъсир ўтказаётганини англаб етиш пайти келди. Мавжуд муаммоларни ҳал этишга киришмасангиз, ҳаётингиз таназзулга юз тутади. Балки сизга бу оғир келиши мумкин, лекин интернетдаги вақтингизни камайтириб, балки бир муддат интернетдан умуман фойдаланмай туришингиз керак. Чунки сиз компьютер ва интернет касаллигидан даволанишга муҳтож ҳолдасиз.

Интернетга қарамликдан мустақил халос бўлиш усули

Агар ўзингизда интернетга қарамлик белгиларини ҳис қилсангиз, дарров уни йўқотиш пайида бўлинг.

Биринчи босқичда виртуал ҳаётдан қисман бўлса ҳам воз кечиш учун ўзингизда куч, ирода топинг. Ўзингизда ирода, хоҳиш йўқ экан, қолган барча уринишлар бефойда.

Ўзингизга нисбатан шафқатсиз ва қаттиққўл бўлинг. Ижтимоий тармоқлардаги мулоқот вақтингизни қатъий чегаралаб, реал мулоқотни афзал кўринг. Тартиб-интизомга қаттиқ риоя қилинг, махсус қоидаларни ишлаб чиқиб, уларга амал қилинг. Компьютерда ўтирадиган вақтингизда соатга қараб, аниқ вақтни белгиланг. Вақтингиз тугаши билан компьютерни ўчириб, дарров ўрнингиздан туриб, бошқа ишлар билан шуғулланинг.

Интернетда ўтказган пайтларингиз қанча реал дўстлар суҳбатидан маҳрум қолганингизни ўйланг. Уларнинг

Биз кўпинча "ёшларимизнинг тарбияси бузилаётибди", - деймиз. Ҳолбуки, бузуқ тарбия осмондан тушаётгани йўқ, ўтмиш қолдиги маълум шарт-шароит бўлмаса, давом этолмайди. (Абдулла Қаҳҳор)

ОГОҲ БЎЛИНГ!

аҳволини тушунинг, қаердалигини ўйлаб кўринг, улардан хабар олинг. Ҳар хил тўгаракларга қатнашинг, кўчага чиқиб, дўстлар билан кинотеатрга боринг. Виртуал ҳаётда ўтказган вақтингизни чет тилларни ёки бирор касб ўрганишга бағишланг. Шуни англаб етингки, сизга халақит бераётган нарса иродасизлигингиз, ҳаётингизга бефарқ ва ҳаракатсиз бўлиб қолганингиздир.

Агар сиз ҳар куни виртуал ҳаётга шўнғиб юрган бўлсангиз, ундан воз кечиш жудаям оғир ва мураккаб иш бўлади. Шунинг учун бир-икки кунга бўлса ҳам, интернет йўқ жойга сайр қилишга отланинг. Интернетга асирликни енгибгина табиий ҳаёт гаштини ҳис қила оласиз.

Интернетга қарамликдан воз кечишнинг яна бир муҳим омилини айтиб ўтишни лозим кўрдик. Яқин дўстингиздан барча ижтимоий тармоқларнинг паролини, почта ва чат паролларини ўзгартиришини илтимос қилинг. Ҳафтада бир мартагина интернетдаги почта ва тармоқларингизни очишга изн берсин. Шу тариқа сиз фойдасиз сайтларга киришингизни камайтирасиз.

Албатта, бошида сизни интернетга кириш хумори тутади. Бу балки оғир бўлар. Бироқ бир-икки ойдаёқ бунга кўникасиз.

БИЛИБ ОЛИНГ!

Фикр тарбияси энг керакли, куп замонлардан бери тақдим қилинуб келган, муаллимларнинг диққатларига суялган, виждонларига юкланган муқаддас бир вазифадир. (Абдулла Авлоний)

10.5. Дин ниқобидаги таҳдидлардан ҳимоя чоралари

Дарснинг мақсади:

Дин ниқобидаги кишиларнинг найрангларига илиниб қолмаслик, интернетдан олинаётган маълумотларнинг ҳаммаси ҳам тўғри ва ишончли бўлмаслиги борасида сўз боради.

Ватан келажаги, инсон бахт-саодати учун қайғурар эканмиз, ёшлар тарбиясини издан чиқарувчи ёт таъсирлардан ёшларни ҳимоялаш, ахборот таҳдидларига қарши тура оладиган маънавий куч ҳосил қилиш – бугун сув ва ҳаводек зарур.

Интернетни чеклаш, ёпиб қўйиш ёки ахборот олишни тақиқлаш билан муаммо ҳал бўлмайди. Ёшларга миллий ва диний ўгитлар асосида гўзал тарбия бериш орқали муаммога ечим топиш керак. Шунингдек, ёш авлодни интернетдаги динни ниқоб қилган турли таҳдидлардан ҳимоялашда қуйидаги вазифаларни алоҳида таъкидлаймиз:

Биринчиси, ғаразли мақсадини амалга оширишда ҳеч нарсадан тап тортмайдиган кимсаларнинг қилмишларига, ҳатто уларнинг Аллоҳ каломи ва ҳадиси шарифларни ҳам ўз эгри йўлларига мослаб талқин қилишдек қабиҳ ишларига алданиб қолмаслик зарур. Бунда Пайғамбар (алайҳиссалом) нинг: ***“Ким менинг номимдан қасддан ёлғон гапирса, ўзига***

Сийратини гўзал сифат ва ҳусни хулқ безамаган кишини ҳеч қандай чиройли кийимлар кўркам қилолмас. (Маҳмуд Замахшарий)

ОГОҲ БЎЛИНГ!

дўзахдан жой ҳозирлаб олаверсин” *(Бухорий, Муслим),* – деганларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Аллоҳ таоло: **“Одамлар орасида шундай кимса ҳам борки, унинг дунё ҳаёти тўғрисидаги гапи Сизга қизиқарли бўлади. Дилидаги “имони”га Аллоҳни гувоҳ қилади, ваҳоланки, ўзи** (Исломга нисбатан) **душманларнинг ашаддийсидир”** *(Бақара, 204),* – деб баён қилади.

Яъни, нопок кимсалар мунофиқнинг ишини қилади ва ўзларини тақводор кўрсатиб, пуч даъвосини “Аллоҳ шоҳид”, деб исботлашга уринади. Ҳолбуки, улар ашаддий хусуматчилар бўлиб, ноҳақлик билан ботил нарсаларни эгаллашга тиришади. Улуғлардан бири: *“Хусуматдан кўра, динни кетказувчи, мурувватни камайтирувчи ва қалбни беҳуда нарсалар билан машғул қилувчи бирон нарсани кўрмадим”,* – дегани бежиз эмас.

Иккинчиси, ёшларда турли хабарларни таҳлил эта олиш, моҳиятига етиш малакасини ҳосил қилиш. Зеро, ҳар қандай хабар ҳам тўғри ва холис бўлавермайди. Ҳар бир маълумотни текшириш ҳақида Аллоҳ таоло шундай дейди: **“Эй мўминлар! Агар сизларга бирор фосиқ кимса хабар келтирса, сизлар** (ҳақиқий аҳволни) **билмаган ҳолингизда бирор қавмга азият етказиб қўйиб,** (кейин) **қилган ишларингизга пушаймон бўлмаслигингиз учун** (у хабарни) **аниқлаб** (текшириб) **кўрингиз!”** *(Ҳужурот, 6).*

БИЛИБ ОЛИНГ!

Фикр агар яхши тарбия топса,
Ханжар, олмосдан бўлур ўткур.
(Абдулла Авлоний)

Бу борада муҳаддисларнинг ҳадис тўплашда тутган йўллари бизга ўрнак бўлади. Улар ҳадисни атрофлича, синчиклаб ўрганишган ва ишончлилигига тўлиқ қаноат ҳосил қилгачгина, тўпламларига киритишган. Худди шу услуб ахборотларнинг сарагини пучагидан ажратиб олишда жуда асқотади.

Учинчиси, дин душманларининг Ислом равнақи ва юрт ободлигини ғаразли талқин этиб, ўзларининг ботил ақидаларини, пуч ғояларини турли сайтлар орқали жозибали қилиб кўрсатиш билан инсонларни гумроҳ қилиш пайида бўлаётганини чуқур англаш керак. Шунингдек, улар танлаган ушбу залолат йўллари ва мақсадлари нимаси билан эътиқод учун хавфли эканини ёки бугунги тинчликка рахна солишини билиб олишлари даркор.

Тўртинчиси, ёшларда ботил фикр ва таълимотларга қарши раддия бера олиш қобилиятини шакллантириш. Бунинг учун Аҳли Сунна вал-Жамоа ҳақлигини ва ҳанафийлик мўътадил мазҳаб эканини билиб олишлари лозим.

Бешинчиси, "оломонча маданият" таҳдидларидан сақланиш. Бунда диний-миллий ўгитлардан фойдаланиш айни муддао. Жумладан, Абу Дардо (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади, Набий (алайҳиссалом): ***"Қиёмат куни мўминнинг тарозусида чиройли хулқдан кўра залворлироқ нарса бўлмайди. Албатта, Аллоҳ фаҳш ва жирканч сўзлар айтувчини ёмон кўради",*** – дедилар.

Фикрнинг ойинаси олурса занг,
Руҳи равшан замир ўлур бенур.
(Абдулла Авлоний)

ОГОҲ БЎЛИНГ!

Олтинчиси, интернет сайтлари орқали қарама-қаршиликларни юзага келтириш, кишилар орасига фитна-нифоқ солиш улкан гуноҳ эканини ҳар томонлама тушуниш керак. Инсонлар орасида қасддан зиддият ва низо чиқишига сабабчи бўлиш одам ўлдиришдан-да ёмон, катта гуноҳ эканини англаш лозим. Бу ҳақда Қуръони каримда: **"Фитна қотилликдан ҳам ашаддийроқдир..."** *(Бақара, 191),* – деб очиқ айтилган.

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, интернет икки тарафлама – ҳам яхшиликка, ҳам ёмонликка хизмат қилиши мумкин. Ёшларнинг вазифаси унинг имкониятларини яхшиликка хизмат қилдириб, ёмонлигидан эҳтиёт бўлиш чораларини кўришдир.

Ёшлар онгини чалғитиш учун катта курашлар кечаётган глобаллашув даврида юксак маънавият, одоб-ахлоқ масаласига эътиборни кучайтириш долзарб вазифадир. Ушбу жараёнда, айниқса, ёшларни эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Вақт, имконият бой берилса, кейин кеч бўлиши аниқ.

Виртуал оламда бузғунчи кучлар тарғиб этаётган ғаразли даъватлар таъсирига қарши курашда юксак диний-миллий қадриятлар — диёнат, поклик, ҳалоллик, одамийлик, ҳаё ва иффат каби фазилатларнинг ўрни беқиёс, албатта.

Унутманг, ёшларимизнинг интернетдан оқилона ва тўғри йўлда фойдаланишларини таъминлаш давр талабидир.

Ушбу фазилатларни ёш авлод қалби ва шуурига чуқур сингдириш баробарида уларни ҳар хил заҳарловчи унсурлар ёмонлигидан асрашда асло сусткашликка йўл қўйиб бўлмайди.

Муҳтарам Юртбошимиз "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида алоҳида таъкидлаганларидек, *"Дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, аваллaмбор, уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади. Бинобарин, маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай таҳдид ўз-ўзидан мамлакат хафвсизлигини, унинг миллий манфаатларини, соғлом авлод келажагини таъминлаш йўлидаги жиддий хатарлардан бирига айланиши ва охир-оқибатда жамиятни инқирозга олиб келиши мумкин"*.

Шунинг учун ҳам, энг аввало, ёшлар бугунги кунда юртимизда барқарор бўлган тинчлик ва осойишталикнинг қадрига етиб, бу неъматни кўз қорачиғидай асраш мақсадида, тинмай ўқиш ва изланишда бўлишлари керак. Ёшлардан доимо огоҳлик ва зийраклик талаб этилади.

Демак, бугунги кунда энг муҳим вазифа ўсиб келаётган ёш авлодни диний-миллий қадриятлар асосида тарбиялаш, улар қалбида ўз халқи, Ватанига меҳр-садоқат туйғусини кучайтириш, уларни ҳар хил бузғунчи кучларнинг ахборот хуружларидан огоҳ этиш, муносиб ҳимоя қилишдан иборатдир.

Унутманг, ёшлар келажагимиз, уларни гоявий офатлардан асраш эса сиз-у бизнинг бурчимиздир!

ОГОҲ БЎЛИНГ!

1.

Огоҳ бўл! Кўча-кўйда кетаётганингда шубҳали даъватчилар билан мулоқотга киришма. Хоҳ улар башанг кийинган бўлсин, хоҳ ҳотамтой кўринишдаги инсон бўлсин. Улар чақирган йиғинларга борма!

2.

Ҳушёр бўл! Диний эътиқодинг борасида нотаниш кимсалар, ғаразли даъватчилар билан баҳс-манозара қилма! Улар ақидада нозик жойингни топиб, имон-эътиқодинг тўғрисида шубҳа пайдо қилишга уринади.

Зийрак бўл! Агар сенда ушбу даъватчиларга савол бериш фикри туғилса, кескинлик билан эмас, балки вазминлик билан сўра! Қизғин баҳсга киришадиган бўлсанг, улар кутмаган жойингга ҳамла қилиб сени ўз таъсирига олади.

Сезгир бўл! Даъватчилар сенга варақа, журнал, рисола ёки электрон маълумотларни тақдим этмоқчи бўлса, дарҳол уларни рад эт ва ҳеч нарса олма!

Алданма! Эътиқод қароқчилари веб сайтлар ва ижтимоий тармоқлар орқали сени ўз тузоғига туширишга ҳаракат қилишади. Шундай пайтларда сен доимо ҳушёрликни қўлдан бой берма.

Фаросатли бўл! Агар сени даъватчиларнинг йиғинига бориш истаги тинч қўймаса, аввал улар ҳақида ёки иддао қилаётган нарсалари тўғрисида ишончли уламоларнинг китобларини мутолаа қил! Сўнг устозларинг, дўстларинг, яқинларинг ва қариндошларинг билан маслаҳатлаш.

Иродали бўл! Бордию сен даъватчиларнинг йиғинларида иштирок этиб қолсанг, улар сени ақидангдан чалғитмоқчи бўлади. Шунда сен ўз эътиқодингда собит тур!

Ақлли бўл! Мободо, бундай йиғинларга боришга тўғри келиб қолса, ҳеч бўлмаса, дўстинг ёки яқинларинг билан бор. Агар улар билан борганингда, алоҳида-алоҳида суҳбатлашишни айтса, асло кўнма! Агар даъватчилар бунга рози бўлмаса, у жойни зудлик билан тарк эт!

Ўйлаб кўр! Руҳинг, жисминг ва оиланг тўғри йўлда бўлишини истасанг, юқоридаги ҳолларда айтилганларга риоя қил! Бундай даъватчилар йўлига киришингдан олдин ота-онанг, оиланг ва яқинларингни кўз олдингга келтир!

Маҳкам бўл! Ўз ҳаётинг, мақсадинг ва ақидангда маҳкам бўл ҳамда ўзлигингни, имон-эътиқодингни сақла! Шундагина икки дунё бахт-саодатини топасан!

ОГОҲЛИККА ЧОРЛОВЧИ ОЯТИ КАРИМАЛАР

❁ **"Ер юзида бузғунчилик қилиб юрадиган кимсалар ҳам борки, улар учун** (Аллоҳдан) **лаънат бўлур ва улар учун нохуш диёр** (жаҳаннам) **бордир"** *(Раъд, 25).*

❁ **"Эҳсон** (эзгулик)**нинг мукофоти фақат эҳсон** (эзгулик)**дир"** *(Ар-Раҳмон, 60).*

❁ **"Имон келтириб, солиҳ амалларни қилганлар учун "Тубо"** (хушнудлик) **ва гўзал оқибат** (жаннат) **бордир"** *(Раъд, 29).*

❁ **"...Албатта, Аллоҳ эзгулик қилувчиларни севади"** *(Моида, 13).*

❁ **"Ҳаммангиз Аллоҳнинг "арқони"ни** (Қуръонини) **маҳкам тутинг ва фирқаларга бўлинманг..."** *(Оли Имрон, 103).*

❁ **"Раббингиз, Унинг Ўзигагина ибодат қилишингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишни амр этди.** *(Эй, инсон!)* **Агар уларнинг бири ёки ҳар иккиси ҳузурингда кексалик ёшига етсалар, уларга "уф!.." дема ва уларни жеркима! Уларга** (доимо) **ёқимли сўз айт!**

Уларга, меҳрибонлик билан, хорлик қанотини паст тут ва (дуода) **айт: "Эй, Раббим! Мени** (улар) **гўдаклик чоғимда тарбиялаганларидек, Сен ҳам уларга раҳм қилгин!"** *(Исро, 23).*

❁ **"Аллоҳ эса, фасодни** (бузғунчиликни) **ёқтирмайди"** *(Бақара, 205).*

❁ **"Аллоҳнинг ризқидан еб-ичингиз, Ер юзида бузғунчилик қилмангиз!"** *(Бақара, 60).*

❁ **"Зеро, Аллоҳ бузғунчиларнинг ишини ислоҳ этмагай"** *(Юнус, 81).*

❁ **"Огоҳ бўлингки, айнан уларнинг ўзлари бузғунчилардир, лекин** (буни ўзлари) **сезмайдилар"** *(Бақара, 12).*

❁ **"Сизлардан фақат золимларгагина хос бўлмаган** (балки ҳаммаларингизга оммавий бўладиган) **фитна** (азоб)**дан сақланингиз ва билиб қўйингизки, Аллоҳ жазоси қаттиқ** (Зот)**дир"** *(Анфол, 25).*

Ўтилган мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Глобал таҳдидлар деганда нималарни тушунасиз?
2. Ёшларни тажовузкор ғоялардан асраш учун нималарга эътибор бериш керак?
3. Баркамол авлодни мафкуравий хуружлардан қандай йўл билан асраш лозим?
4. Ўзларига динни ниқоб қилиб олган кимсалар таҳдидларидан ҳимояланиш чоралари нималардан иборат?

Мустақил иш мавзулари

1. Ёшларни тажовузкор ғоялардан асраш асослари.
2. Дин ниқобидаги таҳдидларга қарши туриш йўллари.
3. Баркамол авлодни мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш омиллари.

Фойдаланиш учун тавсия этиладиган манба ва адабиётлар

Ислом Каримов. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Т.: "Ўзбекистон", 1999.

Ислом Каримов. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: "Ўзбекистон", 2000.

Ислом Каримов. Ватан равнақи учун ҳаммамиз масъулмиз. – Т.: "Ўзбекистон" 2001.

Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: "Ўзбекистон", 2008.

Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва изоҳлар муаллифи Шайх Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2014.

Усмонхон Алимов. Оилада фарзанд тарбияси. – Т.: "Movarounnahr", 2014.

Усмонхон Алимов. Ёшлар келажагимиз. Т.: "Movarounnahr", 2008.

Усмонхон Алимов. Имом ал-Бухорий баракоти. – Т.: "Movarounnahr", 2007.

Айдарбек Тулепов. Ислом ва ақидапараст оқимлар. – Т.: "Sharq" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2013.

Айдарбек Тулепов. Интернетга ин қурган "ўргимчаклар". – Т.: "Movarounnahr", 2014.

Айдарбек Тулепов. ИШИД фитнаси. – Т.: "Movarounnahr", 2015.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳиҳи Бухорий. – Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2008.

Шайх Абдулазиз Мансур. Ақоид матнлари. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2006.

Ислом энциклопедияси. – Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2004.

Иброҳимов А. ва бошқалар. Ватан туйғуси. – Т.: "Movarounnahr", 1996.

Тўйчибоев А. Исломга ёт жамоа. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010.

Уватов У. Халқаро терроризм: тарихи ва замонавий муаммолари. – Т.: "Академия", 2002.

Шермуҳаммедов К. Жаҳолат тўри. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010.

Ғойибназаров Ш. Халқаро терроризм: илдизи, омиллари ва манбаи. – Тошкент: "Ўзбекистон", 2009.

Сафарова Н.О. Терроризм (тарихий-фалсафий таҳлил) – Тошкент: "NOSHIR", 2009.

Айдарбек Тулепов. Биладиганлар билан билмайдиганлар тенг булурми?, "Ислом нури" газетаси, 2012 йил, 11-сон, 2–4 саҳифалар.

Айдарбек Тулепов. Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва озод Ватан!, "Ислом нури", 2012 йил, 15-сон, 2-3 саҳифалар.

Айдарбек Тулепов. Бирдамлик ва ҳамжиҳатлик – осойишталик асоси, "Ислом нури" газетаси", 2012 йил, 24-сон, 2–3 саҳифалар.

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг muslim.uz портали ва тизимдаги интернет сайтлари.

ziyonet.uz.

fikr.uz.

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Ўзбекистонда интернетдан фойдаланувчилар сони қанча?

А) 8 млн

Б) 9 млн

В) 10,2 млн

Г) 14,5 млн

2. Террорчи ғояларни тарғиб қиладиган интернет сайтларининг сони?

А) 5000 та

Б) 10 000 та

В) 1100 та

Г) 2500 та

3. "Ақида билмаган шайтона элдур...", деб бошланадиган сатрлар муаллифи?

А) Аҳмад Яссавий

Б) Боборахим Машраб

В) Сўфи Аллоҳёр

Г) Алишер Навоий

4. Ислом дини таълимотига кўра, агар кишининг ақидаси хато бўлса...

А) Амали беҳуда бўлади

Б) Ботил ғояларларга эргашиб кетади

В) Залолатга ботади

Г) Барча жавоблар тўғри

5. “Ал-Қоида” террорчи ташкилоти ўз тарғиботининг неча фоизини интернет орқали амалга оширади?

А) 89 фоиз

Б) 75 фоиз

В) 99 фоиз

Г) 95 фоиз

6. Британия ёшлари ўз диний эҳтиёжларини қондириш учун қайси террорчи ташкилот веб-саҳифасига мурожаат қилиши кузатилган?

А) Жамоати исломия

Б) Шўрои исломия

В) Толибон ҳаракати

Г) Ал-Қоида

7. Интернет бузғунчилар маконига айланишининг сабабларини кўрсатинг?

А) Интернетнинг тартибга солинмагани, интернетга кириш осонлиги

Б) Интернет майдонидаги фаолиятнинг махфийлиги, чексиз аудитория

В) Матн, тасвир ва овоз уйғунлигидаги ахборотни жойлаш каби қулайликлар, маълумотларни етказиш тезкорлиги

Г) Барча жавоблар тўғри

8. Террорчилар интернет орқали психологик курашда нималарга аҳамият беришади?

А) Интернет орқали аҳоли орасига қўрқув, ваҳима солиш

Б) Глобал тармоқ орқали қўлбола бомба ясашга ўргатиш

В) Одамларга руҳий таъсир ўтказиб, тартибсизлик келтириб чиқариш

Г) Барча жавоблар тўғри

9. Ўзбекистонда энг кенг тарқалган ижтимоий тармоқ қайси?

А) "Facebook"

Б) "Twitter"

В) "Odnoklassniki"

Г) "VKontakte"

10. "Араб баҳори" номи остида бошланган воқеалар дастлаб қайси давлатда бошланди?

А) Туркия

Б) Миср

В) Тунис

Г) Ливия

11. Мисрдаги тартибсизликлар қандай ном билан танилган?

А) "Facebook" ғалаёни

Б) "Twitter" инқилоби

В) "Instagram" хунрезлиги

Г) "Odnoklassniki" оқибати

12. "Шаҳид" сўзининг маъноси қандай?

А) Аллоҳ таолонинг сифатларидан бири "гувоҳлиги ишончли", "ҳар доим ҳозир Зот"

Б) "Гувоҳ" ёки "кўрган-билгани ҳақида хабар берувчи

В) Дин ҳамда Ватан ҳимояси йўлида жон фидо этган мусулмон

Г) Барча жавоблар тўғри

13. “Жиҳод” сўзига нотўғри таъриф берилган қаторни топинг.

А) Киши бор имкониятини ишга солиб, бирор иш қилишга ҳаракат қилиши

Б) Киши ўз ҳавойи нафсига қарши курашиши

В) Одамларни омматан қатл қилиш

Г) Илм ёки ҳунар олиш йўлида жидду жаҳд қилиш

14. Ҳозирги кунда юртимизда нечта ўрта махсус ислом билим юрти фаолият олиб бормоқда?

А) 9 та

Б) 10 та

В) 8 та

Г) 7 та

15. “Такфир” сўзининг маъноси нима?

А) Мусулмонни кофирга чиқариш

Б) Аллоҳ таоло қайтарган нарсани тарк этиш

В) Кўрган-билгани ҳақида гувоҳлик бериш

Г) Аллоҳ таоло йўлида уруш қилиш

16. Ҳозирги кунда юртимиз ёшлари ўртасида лоқайдлик, ҳаёсизлик, тубанлик тарғиботига “хизмат” қилаётган энг оммабоп ижтимоий тармоқ?

А) "Facebook"

Б) "Odnoklassniki"

В) "Twitter"

Г) "VKontakte"

17. Террорчилар глобал тармоқ орқали қўлбола бомба ясаш, ўзини ўзи ўлдириш, кўпчиликка талафот етказиш усулини ўргатиши қандай аталади?

А) Маҳоратни ошириш

Б) Янги аъзоларни илинтириш
В) Маблағ жамғариш
Г) Психологик кураш

18. Андерс Брейвик ўз террорчилик ишларини қаерда амалга оширган?
А) Норвегия
Б) Африка
В) Англия
Г) Германия

19. Қайси гуноҳ ишлари сабабли одамлар олдинги қавмларда бўлмаган касалликларга чалинади?
А) Ичкилик
Б) Ўғирлик
В) Фаҳш
Г) Зулм

20. Нимани тарк этиш киши исломининг гўзаллигидан?
А) Беҳуда ишларни
Б) Кўп гапиришни
В) Ортиқча овқат ейишни
Г) Бекор ётишни

21. Кўз билан қилинган гуноҳ қайси жиҳати билан хатарли?
А) Қалб касалланиши
Б) У қалб билан боғлиқлиги
В) Мияда кўриш қисми бўлгани
Г) Кўз кўр бўлиб қолиши

22. ... нинг улфати шайтон?
А) Ёлғиз

Б) Икки киши

В) Ёлғончи

Г) Бузғунчи

23. Беҳаё сурат ва видеолавҳани кўришнинг ислом динида ҳукми қандай?

А) Жоиз

Б) Қайтарилган

В) Ҳаром

Г) Макруҳ

24. Беҳаё сайтларга кирувчиларни, асосан, неча ёшлилар ташкил этади?

А) 25–30

Б) 12–17

В) 30–35

Г) 60–70

25. Бир кунда қидирувга берилаётган сайтларнинг неча фоизини беҳаё сайтлар ташкил этади?

А) 5 фоиз

Б) 25 фоиз

В) 50 фоиз

Г) 75 фоиз

26. 2006 йил болалар ва ўсмирлар келажаги учун ўта хавфли воситалар сифатида нималар ҳисобланган?

А) Телевизор

Б) Интернет ва уяли телефон

В) Радиоэшиттиришлар

Г) Газета ва журналлар

27. Аллоҳ таоло фаҳш ишнинг қандай турларига яқинлашишдан қайтарган?

А) Ошкорасидан
Б) Махфийсидан
В) Тўғри жавоб А ва Б
Г) Оммавийсидан

28. "Оломонча маданият" нималарга тарғиб этади?

А) Билимли бўлиш
Б) Бой-бадавлат бўлиб яшаш
В) Енгил-елпи, ахлоқсиз ҳаёт тарзи
Г) Қадриятларга амал қилиш

29. Жамиятшунос Шерри Теркл китобида ижтимоий тармоқлардаги суҳбатларни қандай таърифлаган?

А) Ижтимоий тармоқлардаги суҳбатлар одамларнинг, айниқса, ёшларнинг илмий салоҳиятини оширишга ёрдам берадиган воситадир
Б) Ижтимоий тармоқлардаги суҳбатлар барча инсонийликни йўқ қилаётган аҳмоқликнинг янги шаклидир
В) Ижтимоий тармоқлардаги суҳбатлар одамларни ўзига тортиб, манқуртга айлантирадиган улкан махлуқдир
Г) Ижтимоий тармоқлардаги суҳбатлар одамларга беҳаёликдан бошқа нарсани тақдим қилмайдиган аср вабосидир

30. Бугунги кунда АҚШда қайд этилаётган эр-хотин ўртасидаги ажримларнинг нечтасига ижтимоий тармоқлар сабаб бўлмоқда?

А) Учтадан иккитаси
Б) Бештадан бири
В) Ҳар иккитадан бири
Г) Ҳар бештадан тўрттаси

31. Бугунги кунда дунё аҳолисининг қанча қисми ижтимоий тармоқ аъзолари ҳисобланади?

А) 1,7 миллиард

Б) 2,08 миллиард

В) 2,6 миллиард

Г) 590 миллион

32. Ўзбекистонда интернетдан фойдаланадиган одамларнинг қанча қисми ижтимоий тармоқлар аъзолари ҳисобланади?

А) 3 миллион

Б) 800 минг

В) 2 миллион

Г) 5 миллион

33. Ҳозирда дунё бўйича "Facebook" ижтимоий тармоғида фойдаланувчилар сони?

А) 1 миллиард 366 миллион

Б) 800 миллион

В) 1 миллиард 500 миллион

Г) Аниқлаб бўлмайди

34. Баъзи мамлакатларда ўтказилган "Сиз учун интернет қай даражада аҳамиятли?" деган сўровномада энг кўп танланган жавоб қайси?

А) Кундалик эҳтиёж

Б) Ахборот олиш ва фикр алмашиш манбаи

В) Ҳаво, сув, овқат ва бошпана каби муҳим

Г) Ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас

35. Аҳоли интернет билан қамралгани даражаси бўйича етакчи давлат қайси?

А) АҚШ

Б) Буюк Британия
В) Франция
Г) Россия

36. Ҳар қандай хабарни эшитиб ёки кўриб, одамлар орасида уни гапириб юрадиганларни Пайғамбар (алайҳиссалом) **кимлар деб атаганлар?**

А) Ғийбатчилар
Б) Бўҳтончилар
В) Чақимчилар
Г) Ёлғончилар

37. Интернет орқали қимор ўйнаш ислом динида қандай амал ҳисобланади?

А) Жоиз
Б) Ҳаром
В) Макруҳ
Г) Мубоҳ

38. Энг оммавий қидирув тизими?

А) Yandex.ru
Б) Google.com
В) Yahoo.com
Г) Opera.com

39. Ҳозирда интернет сайтларининг сони қанча?

А) 1,03 миллиард
Б) 270 минг
В) 500 миллион
Г) 2 миллиард

40. Шайтон одам боласини қандай қилиб гуноҳга бошлайди?

А) Ёмон ишга мажбурлайди
Б) Гуноҳ ишни чиройли кўрсатади
В) Ёвузликка бошлайди
Г) Киши ихтиёрига ташлайди

41. Аллоҳ таоло Қуръони каримда қайси гуноҳ ишга яқинлашманг, деб буюрган?

А) Ароқ ичиш
Б) Ёлғон гапириш
В) Зино қилиш
Г) Қимор ўйнаш

42. Компьютер ўйинлари қайси ёшдаги одамлар учун катта салбий таъсир кўрсатади?

А) Қариялар
Б) 18–35 ёшдагилар
В) 10–16 ёшли болалар
Г) Барча учун тенг

43. Виртуал мессенжерлар қандай дастурлар?

А) Турли хил маълумотларни интернет тармоғидаги сайтлардан топишга мўлжалланган дастурлар
Б) Ҳар хил турдаги электрон китобларни ўқишга мўлжалланган дастурлар
В) Телефон рақами орқали рўйхатдан ўтиб, ҳар хил файллар ва хабарларни алмашишга мўлжалланган дастурлар
Г) Керакли маълумот ва ахборотларни қидиришга ихтисослашган дастурлар

44. "WhatsApp" мессенжери асосчиси ким?

А) Ян Борисович Кум
Б) Николай ва Павел Дуровлар

В) Кевин Систром

Г) Павел Антонович

45. "WhatsApp" мессенжери нечанчи йил ишлаб чиқилган?

А) 2005 йил

Б) 2012 йил

В) 2009 йил

Г) 2006 йил

46. Виртуал мулоқот турлари тўғри кўрсатилган жавобни белгиланг.

А) WhatsApp, Google, Viber, Instagram, Mail, WeChat

Б) WhatsApp, Telegram, Viber, Instagram, KakaoTalk, WeChat,

В) Instagram, Yahoo, KakaoTalk, WhatsApp, Google, Telegram

Г) Telegram, Yandex, Yahoo, KakaoTalk, Opera, Google

47. "Telegram" ким томонидан тузилган?

А) Кевин Систром

Б) Ян Борисович Кум

В) Николай ва Павел Дуровлар

Г) Антон Ким

48. "Instagram" қачон ишга туширилган?

А) 2010 йил

Б) 2009 йил

В) 2005 йил

Г) 2007 йил

49. "Instagram" асосчилари ким?

А) Николай ва Павел Дуровлар

Б) Кевин Систром ва Майк Кригерлар

В) Ян Борисович Кум

Г) Жон Рид

50. Қайси дастур орқали ҳар хил файллар ва хабарларни алмашиш билан бир қаторда телефон қўнғироғини ҳам амалга ошириш мумкин?

А) Telegram

Б) Instagram

В) Viber

Г) Facebook

51. "Skype" дастурининг штаб-квартираси қайси шаҳарда жойлашган?

А) Люксембург

Б) Берлин

В) Москва

Г) Лондон

52. "Flashmob" қандай маънони англатади?

А) Ярамаслар тўдаси

Б) Махфий тўда

В) Қароқчилар тўдаси

Г) Вайронкор тўда

53. "Flashmob" қатнашувчилари бир-бирлари билан таниш бўладими?

А) Ҳа

Б) Йўқ

В) Битта тўда аъзолари бўлади

Г) Аралаш бўлади

54. "Flashmob" қаерда пайдо бўлган?

А) Осиё

Б) Европа

В) Австралия

Г) Африка

55. "Selfi" сўзи илк бор қачон ва қаерда пайдо бўлган?

А) 2002 йил, Австралияда

Б) 2004 йил, Австралияда

В) 2010 йил, АҚШда

Г) 2002 йил, АҚШда

56. "Selfi" қандай маънони англатади?

А) Ҳайвонларни суратга олиш

Б) Инсон ўзини ўзи суратга олиши

В) Табиат манзарасини суратга олиш

Г) Фалокатни суратга олиш

57. Ижтимоий тармоқларга кўп "Selfi" жойлайдиганлар қандай нуқсонга йўлиқади?

А) Лоқайдлик, бепарволик

Б) Худбинлик ва телбалик

В) Паришонхотирлик

Г) Хотира сусайиши

58. Ахборот хавфсизлиги деганда нимани тушунасиз?

А) Ахборот соҳасида амалга ошириладиган ахборот хавфсизлиги субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, ахборот ресурслари, ахборот инфратузилмаси

Б) Маълумотларни етказишда турли ташқи зарарлардан ҳимоялаш

В) Ахборот ресурслари яхлитлигини сақлаб, воқеа-ҳодисаларни тўлиқлигича оммага етказиш

Г) Маълумотлар базасининг антивирус тизими орқали текшириб борилиши

59. Брандмауэр нима?

А) Антивирусларнинг умумий базасини назорат қилувчи дастур

Б) Компьютер қурилмасидаги операцион тизим созлигини текшириб борувчи дастур

В) Ташқаридан компьютерга ёки компьютерлар гуруҳидан эркин фойдаланишни назорат қилувчи ва ҳужумларни бартараф қиладиган дастур

Г) Интернет браузерларидан фойдаланишда келиб чиқадиган турли саволлар ва тушунмовчиликларни бартараф этишда фойдаланувчига ёрдам берувчи асосий дастур

60. "Веб-браузерлар" сўзи нимани англатади?

А) Интернет ресурслари ва маълумотларидан фойдаланишни таъминловчи дастурлар

Б) Интернетдаги маълумотлар базаси

В) Компьютер қурилмасида интернет ишлаш тезлигини ошириб, юклаш ва юборишларни сақловчи ягона маълумотлар базаси

Г) Интернет орқали юбориладиган электрон хатларни текширувчи махсус дастурий таъминот

61. Домен номи деганда нимани тушунасиз?

А) Интернетнинг ҳудудий тизим бирлиги

Б) Интернет сайт номлари

В) Интернет браузери

Г) Интернет маълумотларини юклаб олувчи дастур

62. Интернет хизматлари нималардан иборат?

А) Электрон почта, файлларни қабул қилиш ва узатиш, веб-ҳужжатларни ўқиш

Б) Воқеа вақтдаги мулоқот (чат), терминал орқали эркин фойдаланиш, тармоқда ҳужжатларни сақлаш ва ишлаш

В) А ва Б жавоблари тўғри

Г) Тўғри жавоб кўрсатилмаган

63. Мессенжер нима?

А) Интернетдан фойдаланувчилар кичик матн кўринишидаги хабар ёки ўзаро файл алмашишлари мумкин бўлган махсус дастур

Б) Мобил қурилмалардан фойдаланувчиларга ишлаб чиқилган фото-видео созлаш дастури

В) Интернет тармоғида маълумотларни кўчириб олиш дастури

Г) Турли ижтимоий тармоқ дастурларининг яхлит кўринишда акс этиши

64. Спам нима?

А) Почта қутисида электрон хатлар кескин кўпайиб кетиши

Б) Электрон почта орқали келган хатларни мавзусига қараб ажратувчи дастурий таъминот

В) Электрон почта орқали берухсат оммавий равишда жўнатилган, кўпинча реклама характеридаги хабарлар

Г) Интернет саҳифаларидаги реклама баннерлари

65. Ижтимоий тармоқларнинг мақсади нималардан иборат?

А) Интернетда ўзаро қизиқиши ва фаолиятига эга

шахслар билан мулоқот ўрнатиш

Б) Интернет фойдаланувчиларига турли видео ва аудио хабарларни қисқа фурсатда етказиш

В) Фойдаланувчи дўстларига ўзи ҳақида тўлиқ ва тўғри маълумот беришини таъминлаш

Г) Барча жавоблар тўғри

66. Ижтимоий тармоқ маданияти деганда нимани тушунасиз?

А) Турли номақбул суратларни қўймаслик

Б) Рўйхатдан ўтаётганингизда ўзингизга тегишли бўлмаган номларни қўймаслик

В) Ўзаро мулоқотда ҳурматда бўлиш

Г) Барча жавоблар тўғри

67. Қандай баённома асосида WWW хизмати гиперматнни узатади?

А) TCP/IP

Б) FTP

В) UDP

Г) HTTP

68. Портал нима?

А) Турли хил ресурс ва хизматлардан тизимли тарзда кўп поғонали бирлашма сифатида ташкил қилинган сайт

Б) Турли қўшиқ ва клипларни юклаб олиш учун мўлжалланган махсус тармоқ

В) Ижтимоий тармоқлар ва турли кўнгилочар сайтларни ўзида бирлаштирган сайт

Г) Компьютер буйруқларини бажарувчи ва таҳлил қилувчи қурилма

69. Бутун дунё ўргимчак тўри деганда нимани тушунасиз?

А) HTTP баённомасига кўра, маълумотларни тақдим этишни

Б) Замонавий ахборот технологиялари орқали дунёнинг исталган бурчаги билан алоқа ўрнатишни

В) Интернет ресурсларини ташкил этиш ва ундан фойдаланишни таъминлаб беришни

Г) Барча жавоблар тўғри

70. Фойдаланувчиларни интернетга улайдиган ташкилот?

А) Провайдер

Б) Виртуал сервер

В) Хостинг

Г) Прокси сервер

71. Сервер хотирасидан бўш жойни ижарага бериш хизмати?

А) Ажратилган сервер

Б) Виртуал сервер

В) Хостинг

Г) Прокси сервер

72. Глобал тармоқ нима?

А) Бир-биридан анча узоқ масофада жойлашган компьютерларни ва локал компьютер тармоқларини боғловчи тармоқ

Б) Компьютерларнинг бир хонага жойлаштирилиши

В) Бутун дунёдаги компьютерларнинг ўзаро маълумот алмашиш мақсадида ягона тармоққа бирлашиши

Г) Бирор-бир ташкилотдаги компьютерларнинг ўзаро маълумот алмашиш мақсадида ягона тармоққа бирлашиши

73. Глобаллашув тўғрисидаги қуйидаги фикрлар кимга тегишли: "Мен уйимнинг эшик ва деразаларини маҳкам беркитиб ўтира олмайман. Чунки унга тоза ҳаво кириб туриши керак. Ва шу баробарида, эшик ва деразаларимдан кираётган ҳаво довул бўлиб, хонадонимни ағдар-тўнтар қилиб, ўзимни йиқитиб ташлайдиган даражада очиб ҳам қўя олмайман".

А) Франклин

Б) Махатма Ганди

В) Амир Темур

Г) Рузвельт

ГЛОССАРИЙ

АБДУЛЛОҲ ИБН МАСЪУД – саҳобий, буюк фақиҳ ва мужтаҳидлардан бири, Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хизматларида турган зотлардан. Унинг тўлиқ исми Абу Абдураҳмон Абдуллоҳ ибн Масъуд ибн Рофия ибн Ҳабиб ал-Хузалий (590–653 й.).

АБУ ҲУРАЙРА – машҳур саҳобий, ровий, фақиҳлардан бири. Асли исми Абдураҳмон ибн Саҳр ал-Давсий Абдушамс (602–679 й). Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Абдурраҳмон деб исм қўйганлар. Мушукларни жуда севган. Бир кун унинг этагида бир мушук боласини кўрган Расули Акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), «Абу Ҳурайра» – мушукнинг отаси дея лутф этган ва у ҳам бундан ифтихор этиб, ушбу лақаб билан шуҳрат топган.

АВЛИЁ – [араб. – *"валий" сўзининг кўплиги, Худога яқин одам*]. Тасаввуфда Аллоҳнинг зоти ва сифатларини яхши таниган, унинг буйруқларини бажариб, гуноҳ ишлардан ўзини сақловчи, дунё лаззати ва шаҳвоний ишлардан юз ўгирувчи киши. "Авлиё" сўзи «азиз» сўзи билан бирга ҳам ишлатилади. Ислом анъанасида авлиёлар қайсидир бир иши, хизмати ёки хислати туфайли Аллоҳга яқин бўлиб қолган, дуолари мустажоб, солиҳ, қобил, камтар кишилардир.

АЖР – [араб. – *тўланадиган ҳақ, мукофот*] исломга кўра, одамлар бу дунёдаги хайрли ишлари учун охиратда ажр олади, мўмин-мусулмонларга савобли ишлари эвазига турли мақом ва мартабалар, нозу неъматлар берилади.

АҚИДА – [араб. – *ишонч; қараш, нуқтаи назар; ғоя, идеология*] – балоғатга етган киши эътиқод қилиши, имон келтириши, ислом динининг заруратлари шаклида тасдиқ қилиши, қалбига муҳрлаб, ундан ажралиши мумкин бўлмаган шаръий эътиқодий ҳукмлар.

АҚИДАПАРАСТЛИК – [араб. – *ишонч, форс.–берилиш*] муайян шароитда бирон-бир ғоя ёки тамойилга қатъий ишонч ва уни мутлақлаштириш асосида шаклланган қоида ва тартибларни шароит, ҳолат, вазиятни ҳисобга олмаган ҳолда кўр-кўрона қўллаш.

АЛЛОҲ – арабча сўз бўлиб, ўзбекчага таржима қилсак, Тангри деган маънони билдиради. Форс-тожик тилида Худо дейилади. Аллоҳ лафзи деярли барча тилларда, Тангри сўзи эса фақат туркий тилларда қўлланилади. Худо сўзи форс-тожик, ўзбек, ҳинд, урду, дари ва туркий тилларда ишлатилади. Аллоҳ, Худо, Тангри сўзларига, одатда сифат қўшиб, Аллоҳ таоло, Худои таоло, Тангри таоло шаклида ишлатилади. Таоло – улуғ, олий деган маънони билдиради. Ўз мақомига қараб бошқа сифатлар ҳам қўшилади. Масалан: Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло, Ҳақ таоло, Аллоҳ таборака ва таоло, Аллоҳ жалла жалолуҳу, Аллоҳи карим, Худои бузруг, Парвардигори олам, Изид таоло ва ҳоказо.

АЛ-МИЙСОҚ КУНИ – Аллоҳ таоло келажакда яратиладиган барча бандаларининг руҳларини яратиб, улардан аҳд олган кун.

АХБОРОТ ТАҲДИДИ – ижтимоий субъектга унинг эҳтиёжларини, қизиқишларини ва мақсадларини мос равишда ўзгартиришга, йўққа чиқаришга қаратиладиган реал ахборий таъсир этиш хавфи.

АХБОРОТ – манбалари ва тақдим этилиши шаклидан қатъи назар, шахслар, предметлар, фактлар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотлар.

АХБОРОТ ҚУРОЛИ – рақибнинг ахборот ва бошқарув тизимларига таъсир этувчи махсус мослама ва воситалар.

АХБОРОТ РЕСУРСИ – ахборот тизими таркибига кирувчи электрон шаклдаги ахборот, маълумотлар банки, маълумотлар базаси.

АХБОРОТ СОҲАСИ – субъектларнинг ахборотни яратиш, қайта ишлаш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ фаолияти соҳаси.

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯСИ – ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ва уни тарқатиш учун фойдаланиладиган жами услублар, воситалар, қурилмалар, усуллар ва жараёнлар.

АХБОРОТ УРУШИ – ижтимоий, сиёсий, этник ва бошқа тизимларнинг моддий ютуққа эга бўлиш мақсадида бир-бирига очиқ ва яширин мақсадли ахборий таъсирлар.

АХБОРОТГА ТАҲДИДЛАР – ахборотнинг яхлитлиги, конфиденциаллиги, тўлалигини ва ундан фойдаланишни бузишга қаратилган ҳаракат.

АХБОРОТЛАШТИРИШ – юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ҳамда ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда шароит яратишнинг ташкилий ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий жараёни:

АХБОРОТНИ МУҲОФАЗА ЭТИШ – ахборот борасидаги хавфсизликка таҳдидларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш чора-тадбирлари.

АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ТАЪСИР – (салбий маънода) – бевосита инсон руҳиятига таъсир ўтказиш орқали уни ўз ақидаларидан, муқаддас идеалларидан, эътиқодидан айиришга қаратилган ҳаракат:

АҲКОМ – [араб. – *ҳукмнинг кўплиги*] – Исломдаги тушунча. Шаръий аҳком саккизта – фарз, вожиб, суннат, мустаҳаб, мубоҳ, ҳаром, макруҳ, мустакраҳ. Булардан ташқари қилса, савоб бўладиган – одоб, мандуб, фазилат, нафл, татаввуъ каби категориялар ҳам бор.

АҲЛИ БАЙТ — (синонимлари: оли ал-байт, оли ан-Наби) "Хонадон аҳли", "Пайғамбар оиласи". Бу сўз Қуръони каримда келган. У мусулмон муаллифлар томонидан ҳар хил шарҳланади. Уламолар бу тушунчани кенг маънода қўллаб, Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га яқин бўлган одамларни ҳам киритадилар.

АҲЛИ ҚИБЛА – бир тарафга (қиблага) қараб намоз ўқийдиган ва Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) келтирган барча нарсаларни тасдиқ қилганларга нисбатан ишлатилади.

АҲЛИ СУННА ВАЛ-ЖАМОА– мусулмонларнинг асосий ва жумҳур оммаси эътиқод ва амал қилиб келаётган икки ақидавий ва тўрт фиқҳий мазҳаб (ҳанафийлик, шофиъийлик, моликийлик, ҳанбалийлик)нинг умумий номи.

АҲЛИ КИТОБ – [араб. – *китоб аҳли, мазмунан, ўз диний китобига эга бўлган халқлар*] – Ислом ақидасига кўра, мусулмонлардан олдин илоҳий китобга (Таврот, Забур, Инжил) эга бўлган умматлар. Аҳли китобга насронийлик ва яҳудийликка эътиқод қилувчилар киритилган. Ҳозирги кунда Забурга эътиқод ва амал қилувчилар бўлмаганлиги сабабли аҳли китоблар дейилганда насоро ва яҳудийлар тушунилади.

БАНДА – [форс. – *қул, итоаткор*] – Аллоҳ яратган, тақдири Унинг измида бўлган киши; Аллоҳнинг қули.

БИДЪАТ – [араб. – *янгилик киритмоқ*] номаъқул янгилик; дин ақидаларига хилоф янгилик. Қуръон ва суннатга хилоф равишда пайдо бўлган ҳар бир одат ёмон бидъатдир. Унинг акси эса бидъати ҳасана – яхши бидъатдир.

БОТИЛ – [араб.–*ёлғон, сохта; бефойда*] – сохта, ёлғон, асоссиз; фойдасиз.

БУЗҒУНЧИ ҒОЯ – мамлакат ва миллат манфаатларига зид бўлган, ўз номи билан бузғунчиликка қаратилган вайронкор ғоялар.

ВОЖИБ – [араб. – *мажбурият, бурч*] – Исломда бажарилиши зарур бўлган амал тури. Ҳанафийлик мазҳаби нуқтаи назаридан, вожиб фарздан кейин, суннат талабларидан олдин туради. Бошқа уч мазҳабда вожиб алоҳида тушунча сифатида қабул қилинмай, фарздан кейин бевосита суннатга ўрин берилган. Вожиблар эса, фарзларга қўшиб юборилган.

ГЛОБАЛ – (французча – *global — умумий*, лотинча – globus — шар) – 1) Бутун Ер шарини қамраб олувчи; 2) Ҳар томонлама, тўлиқ, ялпи, универсал.

ГЛОБАЛ ДАВР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ – телевидение, реактив самолёт, космик йўлдош, компьютер, уяли телефон, интернет каби алоқа воситалари.

ГЛОБАЛ МУАММОЛАР – умумбашарий ҳаёт ва тараққиёт билан боғлиқ ҳозирги замон муаммолари. Улар жумласига жаҳон термоядро урушининг олдини олиш, халқаро террорчиликка қарши кураш ва барча халқлар учун тинчликни таъминлаш кабилар киради.

ГЛОБАЛИСТЛАР – глобаллашув тарафдорлари.

ГУНОҲ – [форс. – *айб*] – шариат қонунларига, диний ақидаларга хилоф иш; одоб-ахлоқ доирасига сиғмайдиган иш, ножўя хатти-ҳаракат; жиноят; айб.

ДАҲРИЙ – [араб. – *асрий; материалист, худосиз, атеист*] – дунё ҳодисаларини табиат қонунларидан деб билувчи, охиратга инонмайдиган киши; материалист. Аллоҳнинг борлигига ишонмайдиган худосиз, шаккок.

ДАҲРИЙЛИК – [араб. *даҳр – вақт, тақдир, фалак*]. Ислом пайдо бўлмасдан илгари араб жамиятида кенг тарқалган ақида. «Ўлим», «тақдир», «ажалнинг етиши»

маъноларини англатган. Даҳрийларнинг ақидасига кўра, ўлимдан сўнг ҳамма нарса тугайди, шунинг учун бугунги кун билан яшаб қолиш керак. Бундай ҳиссиёт Қуръондаги қуйидаги сўзлар билан ифодаланган: «**Улар** (қиёматни инкор этувчилар): «(Ҳаёт) **фақат шу дунёдаги ҳаётимиздир.** (Биримиз) **ўлиб,** (биримиз) **яшаб юраверамиз. Бизларни** (Аллоҳ эмас, балки) **фақат замон** (ўтиши)**гина ўлдиради», – дедилар. Ҳолбуки, уларда бу тўғрида бирор билим** (ҳужжат) **йўқдир. Улар фақат** (ўзларича) **гумон қилурлар, холос»** *(Жосия, 24)*. Даҳрийлар дунё ҳодисаларини вақт, замон, давр, фалак, тасодиф каби нарсаларга нисбат берар эдилар ва оғир кунларда мазкур нарсалардан шикоят қилиб, барча айбни ўшаларга юклардилар. Шунинг учун ҳадисда: «*Даҳрни (фалакни) сўкмангиз! Зеро, унинг айлантириб турувчиси Аллоҳдир. Яъни, фалакдан нолиш Аллоҳдан нолиш демакдир*», – дейилган.

ДАЪВАТ – [араб. – *чақириқ, ундаш; ташвиқот*] – бирор-бир ҳаракатга, маънавий, мафкуравий, диний маслакка ундаш, чақириш; рағбатлантириш.

ЖАМИЯТНИ АХБОРОТЛАШТИРИШ – ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати.

ЖАҲОН АХБОРОТ МАКОНИ – глобаллашган ахборот макони, жумладан, интернет тизимида пайдо бўлган ахборот макони.

ЖИҲОД – [араб. – *ғайрат қилиш, бор кучни ишга солиш*] – дастлаб «жиҳод» дейилганда Исломни ҳимоя қилиш ва Исломга қарши тажовуз қилувчилар билан курашиш тушунилган. Аллоҳнинг динига сўз билан даъват қилиш, инсоннинг ҳавойи нафсини енгиш, илм ё ҳунар эгаллаш учун жон-жаҳди ила ҳаракат қилиши ҳам жиҳоддир. "Жиҳод" сўзи луғатда уруш маъносини англатмайди, бунинг учун араб тилида «қитол» сўзи ишлатилади.

ЖОИЗ – [араб. – *ижозат берилган, йўл берилган*] – шариатдаги «мубоҳ» тушунчасига маънодош бўлиб, «рухсат этилган» деган маънони англатади.

ЖОҲИЛИЯ – [араб. – *жоҳиллик, нодонлик*] – араб тарихининг Исломдан олдинги, диний-маърифий ўзгаришлардан холи даври.

ЖУЗЪИЙ – [араб. – *қисм, бўлакка оид, оз, кам*] – унчалик муҳим аҳамиятга эга бўлмаган, жиддий эмас; аҳамиятсиз.

ЗАЛОЛАТ – бу сўз араб тилидан олинган бўлиб, ҳақиқатдан юз ўгириш, гумроҳлик, ҳақиқий эътиқоддан адашиш, айниш маъноларини англатади. Ҳидоятнинг қарама-қаршиси.

ЗИКР – [араб. – *эслаш, ёдлаш; хотира*] – Худони эсга олиш. Тасаввуфда Аллоҳни ёдга олиш билан боғлиқ маросим. Зикр овоз чиқариб ва махфий равишда айтилади. Овоз чиқармай зикр тушиш Ўрта Осиёда кенг тарқалган.

ИБОДАТ – [араб. – *бандалик қилиш; сиғиниш, топиниш*] – Аллоҳга сиғиниш, топиниш ва Унга қуллик қилиш. Аллоҳга яқинлик ҳосил қилиш учун қилинадиган барча хайрли амаллар.

ИЖТИҲОД– [араб. – *ғайрат қилиш, интилиш*] фақиҳ томонидан шаръий ҳукмни ҳосил қилиш учун барча билим ва тоқатини ишга солиш. Ижтиҳод шаръий ҳукми келмаган ишнинг махсус қоидаларни ишга солиб шаръий ҳукмини аниқлаш учун қилинади. Тўрт мазҳаб уламолари ижтиҳод тўғрисида шундай бир умумий фикрга келганларки, Исломнинг тўртта асосий манбалари – Қуръон, Сунна, ижмо, қиёс асосида фарз, вожиб, суннат, мустаҳаб, мубоҳ, ҳаром, ҳалол каби шаръий аҳкомларнинг асосийлари ҳижратнинг II–III асрларида ижтиҳод билан белгиланиб бўлинган. Лекин ижтиҳод жараёни ҳеч қачон тўхтамайди. Чунки заруратга,

одамлар онгига, урф-одатларига, ҳатто иқлимга қараб турли шаръий ҳукмлар чиқаришга эҳтиёж туғилади. Лекин бу иш фақат кучли ҳуқуқшунос уламоларнинг ижтиҳоди ёки фатвоси билан амалга оширилиши керак.

ИЛОҲИЁТ – [араб. – *Худо тўғрисидаги таълимот*] – Аллоҳ, Унинг гўзал исм-сифатлари, Уни таниш тўғрисидаги таълимот. Муайян диний ақида ва улар ҳақидаги илоҳий кўрсатмаларни ўргатади.

ИЛОҲИЙ КИТОБЛАР – Аллоҳ таоло ўтган пайғамбарларнинг баъзиларига саҳифалар, баъзиларига эса китоблар нозил қилган. Одам, Шис, Идрис, Иброҳим (алайҳимуссалом)га нозил бўлган илоҳий ваҳийлар бир неча саҳифалардан иборат бўлса, Мусо (алайҳиссалом) га Таврот китоби, Довуд (алайҳиссалом)га Забур китоби, Исо (алайҳиссалом)га Инжил китоби ва Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га Қуръон китоби нозил бўлди.

ИММУНИТЕТ – (лотинча “immunitas”) – бирор нарсадан халос, озод бўлиш, қутулиш.

ИМОН –[араб. *ишонч*]. Шариатда пайғамбар Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Аллоҳ таоло тарафидан келтирган барча хабарларига тил билан иқрор бўлиб, дил билан тасдиқлашга айтилади. Имоннинг турлари: 1. Таҳқиқий имон. Бу энг олий даражадаги имон саналиб, илоҳий маълумотларни эшитганда ёки ўқиганда уларга худди кўргандек ишонувчилар, яъни пайғамбарлар имонидир. 2. Истидлолий имон, яъни далилли имон. Аллоҳнинг борлигига кўп ёки лоақал биргина ақлий ёки зоҳирий далил келтира оладиган мўминлар имони. Бу уламолар имони ҳам дейилади. 3. Тақлидий имон. Бу ота-оналарига ёки бошқаларга тақлид этиб ўзини мусулмон сановчи, Аллоҳнинг борлигига далил айтолмайдиган мусулмонлар имонидир.

ИНТЕРНЕТ – (лот. inter – аро ва net (work) – *тармоқ*] – катта (глобал) ва кичик (локал) компьютер тармоқларини ўзаро боғловчи бутунжаҳон компьютер тизими. Унда географик ўрни, замон ва макондан қатъи назар, айрим компьютер ва майда тармоқлар ўзаро ҳамкорликда глобал ахборот инфратузилмасини ташкил этади.

ИНФОРМАЦИОН ЖАРАЁНЛАР – ахборотни қидириш, йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш ва тарқатиш жараёнлари.

ИХТИЛОФ – [араб. – *ҳар хиллик, тафовут; қарама-қаршилик, келишмовчилик*] – қарама–қарши ҳолат, келишмовчилик, зиддият, низо, бир-бирига зид фикрлар.

КАЛОМ – (араб. – *равон нутқ, жумла, гап, сўз*) ислом илоҳиёт илми. VIII асрда араб халифалигида пайдо бўлган. Калом ислом таълимотини асослашга ҳаракат қилади. Калом тарафдорлари мутакаллим дейилади. Калом турли диний-сиёсий гуруҳлар (хорижийлар, қадарийлар, жабарийлар, муржиийлар ва ҳ.к.) пайдо бўлиши билан боғлиқ баҳслар жараёнида вужудга келди ва тараққий этди. Имом Абу Ҳанифа илми каломда "ал-Фиқҳул акбар" номли китоб ёзган.

КАЛИМА – [араб. – *сўз, жумла, қисқа гап*] – диний калималар 6 та: калимаи тоййиба, к. шаҳодат, к. тавҳид, к. тамжид, к. радди куфр, к. истиғфор.

КАЛИМАИ ТАВҲИД ВА КАЛИМАИ ШАҲОДАТ – "Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Муҳаммад (алайҳиссалом) унинг элчиси", "Гувоҳлик бераман, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва гувоҳлик бераман, албатта, Муҳаммад унинг бандаси ва элчисидир". Ушбу икки калима тавҳид ва шаҳодат калималари дейилади. Бу калималар билан инсон Исломни қабул қилган ҳисобланади.

КУФР– [араб. – *сатр, тўсмоқ; инкор этмоқ*] имонсизлик. Куфр уч хил бўлади: 1. Ҳақиқий куфр. Дилида ҳам, тилида

ҳам ўзининг кофирлигини иқрор этувчи кофирлар куфри. Бундай одамлар ҳақиқий кофирлардир. 2. Инодий куфр. Аллоҳнинг ҳақлигини, Муҳаммад (алайҳиссалом)нинг ҳақиқий пайғамбар эканликларини яхши била туриб, қайсарлик ва арзимаган сабабларни кўрсатиб, имон келтирмайдиганларнинг куфри. 3. Ҳукмий куфр. Яъни ҳақиқий эмас, балки баъзи бир шариатга хилоф ишларни қилиш ёки куфр сўзларини билиб-билмай, гапириб қўйиш сабабли куфрга ҳукм қилинувчи ҳолат.

МАКРУҲ–[араб.–*рад этилган, қораланган, номақбул*]– шариат ҳукмларидан бири, жазога сабаб бўлмайдиган, аммо ислом қонун ва меъёрларига уйғун келмайдиган, номақбул ҳисобланган амаллар.

МАФКУРА – (араб. — *фикрлар мажмуи*) — муайян ижтимоий гуруҳ, қатлам, миллат, жамият, давлатнинг манфаатлари, орзулари, мақсадлари ифодаланган қарашлар ва уларни амалга ошириш тизими. Унда манфаатлари ифодаланаётган гуруҳ ва қатламларнинг ўтмиши, бугунги куни ва истиқболи ўз ифодасини топади.

МАФКУРАВИЙ БЎШЛИҚ – жамиятга зарур ахборотлар етарли даражада етказилмаган тақдирда одамлар онгида пайдо бўладиган ғоявий, мафкуравий бўшлиқ ҳолати.

МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТ – биз учун ёт бўлган бузғунчи ғоялардан ҳимояланиш, керак бўлса, уларга қаршилик кўрсатиш.

МАФКУРАВИЙ ТАҲДИД – ҳукмронлик, мустабидлик, тажовузкор, босқинчилик, экстремистик, ақидапарастлик, вайронкорлик ғоялари ифода этилган ҳаракат.

МАХЛУҚ–[араб. – *яратилган нарса*]. Аллоҳ яратган олам, шу жумладан, инсон ва бутун жониворларнинг, ашё, ўсимлик олами, барча мавжудотнинг умумий номи.

МАХФИЙ АХБОРОТ – фойдаланилиши қонун ҳужжатларига мувофиқ чеклаб қўйиладиган, ҳужжатлаштирилган ахборот.

МАЪНАВИЙ ТАҲДИД – тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзлаган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружлар.

МИЛОДИЙ ЙИЛ – милодий тақвимга асос бўлган «милод» [араб. – *туғилиш*], янги эра, бизнинг эра – кўпчилик мамлакатларда қабул қилинган йил ҳисобининг боши ва йил ҳисоби тизими. Исо (алайҳиссалом)нинг туғилган кунидан бошланади: Исо (алайҳиссалом) туғилган кун 1 йилнинг 1 январи деб қабул қилинган. Тарихнинг мана шу санасигача даври эски эра (милоддан аввал), кейинги даври янги эра, бизнинг эра (милодий) деб аталади.

МИССИОНЕРЛИК – бирор динга эътиқод қилувчи халқлар орасида бошқа бир динни тарғиб қилиш.

МИССИОНЕР – [фр. *missionnaire,* лот. *mission – жўнатиш, топшириқ*] – муайян бир диндаги кишилар ўртасида бошқа бир динни тарғиб этувчи шахс. Одатда черков томонидан ҳукумат ёрдамида бошқа диндаги кишиларни ташвиқот қилиб, насроний динига киритиш учун юборилган тарғиботчи. Тарихда ғарб давлатлари томонидан колония ва қарам давлатларга юборилган насроний тарғиботчилари.

МУЖТАҲИД – [араб.–*интилувчи, ғайрат қилувчи*] ўрта асрларда Исломда ижтиҳод ҳуқуқига эга бўлган, яъни, мустақил равишда диний, ақидавий ва ҳуқуқий масалалар бўйича хулоса бера оладиган ва ҳукм чиқара олган шахс.

МУКАЛЛАФ – [араб.–*масъул қилинган, вояга етган*]– балоғатга етган, ақли расо ҳамда шариат томонидан белгиланган вазифаларни бажаришга масъул мусулмон киши.

МУНКАР ВА НАКИР – Ислом дини таълимотига кўра, ўлганларни: Раббинг ким, дининг нима, пайғамбаринг ким, деб қабрда дастлабки сўроқ қилувчи фаришталар. Мункар ва Накир тақводор бўлган маййитларни то қиёмат бўлгунга қадар тинч қўяди, гуноҳкорларни эса, аксинча, Аллоҳ қанча хоҳласа, шунча азоблайди. Мункар ва Накир номлари ҳадисларда эслатилади, Қуръонда эса бу фаришталар тилга олинмайди.

МУНОФИҚ – [араб.–*товламачи, иккиюзламачи;*] мунофиқ деб дилида имони йўқ, лекин жонини ва молини сақлаб қолиш учун ёки сотқинлик, хиёнат мақсадида мусулмонлар сафига қўшилган, тилида имон калимасини айтиб, дилидаги куфрини яшириб юрувчи кимсага айтилади. Бундай одамларни то тили билан куфрини очиқ баён этмагунича ёки хиёнат ишлари фош бўлмагунча зоҳирига қараб мусулмонлар қаторига қўшиб турилади. Чунки Исломда шубҳа билан ёки ноаниқ далил билан қатъий ҳукм чиқарилмайди. Шунингдек, ҳар бир ишда зоҳирий далиллар билан иш қилишга буюрилган.

МУРТАД – [араб. – *ислом динидан қайтган, ундан воз кечган*]. Агар бир мусулмон ўзининг ислом динидан бутунлай воз кечганини ёки бошқа динга ўтганини билдирса, у муртад ҳисобланиб, мусулмонликда қилган барча амаллари барбод бўлади.

МУСНАД – [араб. – *асосланган, далилланган, яъни иснодга асосланган*] – ҳадис тўпламларининг илк тури. Унда ҳадислар ровий саҳобийларнинг исмлари, фазилатлари, Исломни қабул этиш тарихларига кўра жойлаштирилган бўлади.

МУТААССИБ – [араб. – *ўта берилган, муккасидан кетган*] – динга қаттиқ берилган, унга кўр-кўрона, онгсиз равишда қаттиқ берилиб амал қилувчи. Ўз ғоясини «тўғри» деб, бошқаларни эътироф этмайдиган, таассубга мойил шахс.

МУТААССИБЛИК – ўз эътиқоди тўғрилигига ўта қаттиқ ишониш, бошқа диний эътиқодларга муросасиз муносабатда бўлиш. Мутаассибликка йўлиққан одамлар ёки уларнинг гуруҳлари жамиятда барқарорликни бузишга уринади. Инсоният тарихида мутаассибликдан ғаразли мақсадларда кўп фойдаланилган. Мутаассибликнинг пайдо бўлишига диний зиддиятлар, шунингдек, ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий муаммоларнинг ҳал қилинмагани ҳам сабаб бўлиши мумкин. Ислом дини мутаассибликка хайрихоҳлик билдирмайди. Аксинча, теран ўйлашга, бошқаларга нисбатан муросали бўлишга чақиради.

МУФТИЙ–[араб.–*фатво берувчи, диний масалаларда қарор чиқарувчи*]–шариат пешвоси. Муфтий диний-ҳуқуқий масалаларни изоҳлаш, талқин қилиб бериш, шариатни татбиқ этиш борасида ҳал қилувчи ҳуқуққа эга. Одатда унинг фикр ва қарорлари фатволарда баён этилиб, мусулмонлар учун қўлланма ҳисобланади. Ҳар бир мусулмон мамлакатда бош муфтий диний масалалар бўйича қарорлар чиқаради.

МУҲАДДИС – [араб.–*ҳадис ривоят қилувчи*] – ровийларга берилган хос номлардан бири бўлиб, ҳадисларни тўплаш, саралаш ва шарҳлаш билан шуғулланган олим. Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) вафотларидан кейин ҳадисларни тўплаш кенг анъанага айлана бошлаши натижасида бир тур олимлар бу соҳага ихтисослашган ва улар "муҳаддислар" деган ном олганлар.

МУҲОЖИР – [араб. – *кўчиб ўтган*] Макка фатҳига қадар Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га эргашиб Мадинага кўчиб борган мусулмон.

МУШРИК – мушриклик [араб. – *шериклик*, – *Аллоҳга шерик нисбат бериш*] кўпхудоликнинг араб қабилалари ўртасида Ислом вужудга келишидан олдин кенг тарқалган содда шакли. Мушрикий қабилалар турли санам, тош ва ҳ.к.га, шунингдек, бир қанча эркак ва аёл худоларга эътиқод қилган. Мушрик тушунчаси Қуръонда Аллоҳни якка деб эътироф этмай, унинг шериклари бор, яъни худолар кўп, деб тасаввур қилинадиган қабилавий динлар таълимотига эътиқод қиладиган кишига нисбатан ишлатилган.

МЎМИН – Аллоҳнинг борлигига иқрор бўлган, дилида ва тилида имон келтирган киши; мусулмон.

НАБИЙ – (араб. – *кўплиги анбиё, илоҳий хабар келтирувчи*) пайғамбар, Аллоҳнинг буйруғини инсонларга етказиб берувчи шахс. Набийларга ишониш ислом дини ақидаларидан бири ҳисобланади. Ўзларига махсус китоб ва шариат берилмай, бир расулга (яъни Аллоҳ элчисига) ато этилган китоб ва шариатга амал қилмоққа буюрилган пайғамбарлар набийлар дейилади. Набийларнинг ҳеч бири расул бўла олмайди, аммо расулларнинг ҳар бири "Набий" номи билан ҳам аталади. Аллоҳдан ваҳий олиб турувчи шахс Қуръонда Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг расул (элчи) деган исми билан бир қаторда энг асосий сифатларидан (номланишларидан) бири. Қуръонда, шунингдек, аввал ўтган қадимги пайғамбарлар, жумладан, биринчи пайғамбар Одам Ато ҳақида кўп зикр қилинган. Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эса, энг охирги пайғамбар бўлиб, “Хотам ан-набийин” – “Пайғамбарлар муҳри” деб аталганлар. Пайғамбарлар Аллоҳга имон келтиришга чақирганлар ҳамда Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг дунёга келишларини башорат қилганлар. Қуръонда 25 нафар пайғамбарнинг номи зикр қилинган.

НАМОЗ–[форс., араб.–*салот*]–Ислом кўрсатмалари бўйича бажариладиган махсус ибодат тури; Исломдаги беш рукндан бири. Меърож кечаси мусулмонларга беш маҳал намоз ўқиш фарз қилинган. Намоз қиблага – Маккадаги Каъбага қараб ўқилади.

НОМАИ АЪМОЛ–[форс., араб.– *амаллар, ишлар номаси, дафтари*]–Ислом таълимотига кўра, икки фаришта ҳар бир кишининг савобли ишларини ва гуноҳларини ёзиб борадиган дафтар.

НУБУВВАТ – набийлик, пайғамбарлик – Аллоҳ билан башар ўртасида воситачилик, Аллоҳнинг амри ва истакларини, рисолатни инсонларга етказиш.

ОММАВИЙ АХБОРОТ – чекланмаган доирадаги шахслар учун мўлжалланган ҳужжатлаштирилган ахборот, босма, аудио, аудиовизуал ҳамда бошқа хабарлар ва материаллар:

ОСИЙ – (араб. – *исён қилувчи, итоатсиз, гуноҳкор*) диний ақидага кўра, Аллоҳнинг буйруқлари, Пайғамбар (алайҳиссалом)нинг суннат ва кўрсатмаларига риоя қилмайдиган, буюрилган вазифаларни бажариш ўрнига уларни бутунлай ёки қисман тарк этадиган, шаръан тақиқланган ишларни қиладиган шахс. Осий бандаларнинг тақдири Аллоҳга ҳавола этилади. Аҳли Сунна вал-Жамоа ақидасига кўра, осий банда агар куфр ёки ширкка кетмаган бўлса, катта-кичик гуноҳларига қарамай, мўмин-мусулмон саналади, яъни кофир бўлиб қолмайди, балки гуноҳкор ҳисобланади. Осийнинг қилган баъзи гуноҳлари учун бу дунёда шаръий жазо белгиланган. Мисол учун, ароқ ичганга дарра уриш. Осийнинг қилган ҳар бир гуноҳи учун у дунёда алоҳида жазолар белгиланган. Осий ўз гуноҳларидан чин дилдан тавба қилиб, уларни қайта такрорламаса, кечирилиши ваъда қилинган.

ОХИРАТ – [араб.–*сўнг, ниҳоя, тамом бўлиш; нариги дунё; охирги кун*]–одам вафот этгандан кейин борадиган дунё, олам; дунёнинг тугаши. Диний ақидага кўра, бу дунё фоний, яъни қачондир тугайди ва ундан кейин қиёмат қойим бўлади, охират – боқий дунё бошланади. Барча одамзод қайта тирилиб, Аллоҳ ҳузурида фоний дунёда қилган яхши-ёмон ишлари тўғрисида ҳисобот бергандан сўнг жаннат ёки дўзахга маҳкум бўлиши охират ишларидан деб талқин этилади.

ОЧИҚ АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ – оммавий ахборот воситалари (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар, теле-, радио, видео, кинохроника дастурлари, умумфойдаланишдаги телекоммуникация тармоқлари веб-сайтлари)дан ташқари рекламалар, қўл телефонлари, электрон почталар ва бошқа ноқонуний ахборот тарқатиш тизимлари.

ПАЙҒАМБАРЛАР – пайғамбарларнинг адади Қуръон, ҳадис ёки тарихий китобларда қатъий белгиланмаган. Баъзи манбаларда уларнинг сони 124 минг дейилса, бошқа жойда ундан ортиқроқ ёки камроқ адад кўрсатилади. Аллоҳ таоло ўтган пайғамбарларнинг аниқ ададини айтмаган. Қуръони каримда 25 пайғамбарнинг номи очиқ ва равшан зикр этилган. Улар: Одам, Идрис, Нуҳ, Ҳуд, Солиҳ, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб, Юсуф, Лут, Айюб, Зил-Кифл, Юнус, Мусо, Ҳорун, Шуайб, Илёс, ал-Ясаъ, Довуд, Сулаймон, Закариё, Яҳё, Исо ва Муҳаммад (алайҳиссалоту вассалом)лардир.

ПЕШВО – [форс.– *раҳнамо; раҳбар, устоз*]–маълум бир соҳа ёки ишда етакчи, илғор киши. Шариат пешволари – дин, шариат қонун-қоидаларини ҳимоя қилувчи руҳонийлар, уламою ҳукамолар.

ПСИХОЛОГИК УРУШ – бир давлат махсус органларининг ўз сиёсий ва ҳатто соф ҳарбий мақсадларга

эришиш учун бошқа давлатнинг фуқаролари ва ҳарбий хизматчиларига психологик таъсир ўтказиши.

РАСУЛ – (араб. – *элчи*) ислом анъанасида Аллоҳ томонидан танлаб олиниб, вакил қилинган ва тарғибот юритиш, даъват қилиш вазифаси топширилган, илоҳий китоб нозил қилинган пайғамбар. Муҳаммад (алайҳиссалом)га нисбатан доимо расул номи қўлланиб келинади, бу ҳатто ташаҳҳуд (калимаи шаҳодат)да ҳам ифодаланган. Набий эса – китоб нозил қилинмаган пайғамбар. Шу боисдан ҳам ҳар бир расулни набий деб аташ мумкинлиги, аммо набийларни расул деб бўлмаслиги қайд қилинган.

РИЗҚ – [араб. – *улуш*]. Қуръонга кўра, Аллоҳнинг ҳар бир инсонга берган улуши, барча банданинг ризқини Аллоҳ белгилаб берган, ўлчаб қўйган бўлиб, уни фақат Аллоҳ таолонинг ўзигина беради.

РУКН – [араб.– *асос, устун*], аркон ад-дин (дин асослари) Исломда энг муҳим саналган бешта вазифа. Унга «калимаи шаҳодат», намоз, закот, рўза ва ҳаж ибодатлари киради. Рукн талабларини бажариш исломда ҳар бир мўмин-мусулмон учун фарз ҳисобланади. Лекин баъзи истисно ҳолатларда бу мажбурият зиммадан соқит бўлади. Масалан, бойлиги маълум миқдорга (нисобга) етмаган киши закот бермайди ёки қодир бўлмаган мусулмонлар зиммасидан ҳаж ибодати ҳам соқит бўлади.

САҲИҲ – [араб. – *соғлом, ҳақиқий, ишончли, тўғри*] – мақбул ҳадисларнинг биринчи тури; исноди бошидан охиригача адолатли, аниқлик эгаси бўлган кишининг ўзи каби бўлган кишидан ривоят қилинган, ўзидан кучлироқ ровийга зид бўлмаган иллатсиз ҳадисдир.

САҲОБИЙ – [араб. – *суҳбатдош, сафдош, ҳамроҳ*] – имон келтирган ҳолида Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни кўрган ва мусулмон ҳолида вафот топган

кишидир. Саҳобийлар Пайғамбар (алайҳиссалом)нинг сафдошлари ва яқин ёрдамчилари бўлиб, рисолатни ёйишда жонбозлик кўрсатганлар.

СУННАТ – [араб. – *одат, анъана, хатти - ҳаракат тарзи*] – Исломда мусулмонлар учун ибрат ҳисобланган Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг сўзлари, амаллари ва хатти-ҳаракатлари.

СУФИЙ – [араб. – *жун пўстин кийган*] – тасаввуф тариқатига мансуб шахс, мурид. Илк суфийлар орасида зуҳд белгиси сифатида жун пўстин кийишга одат қилганлар кўпчиликни ташкил қилгани учун шундай номланган.

ТАВҲИД – (араб. – *яккахудолик*) умумий маънода яккахудолик ҳақидаги таълимот. Шаръий истилоҳда эса, тавҳид – Исломда Аллоҳга ширк келтиришнинг турли кўринишларидан воз кечиш ва Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг зотида ҳам, сифатларида ҳам, ишларида ҳам, исмларида ҳам, ҳукмларида ҳам шериги йўқ, деб этиқод қилишдир.

ТАКФИР – бу ибора араб тилидаги «куфр» сўзи ўзагидан олинган бўлиб, луғатда инкор қилиш, ёпиш, диндан қайтиш каби маъноларни англатади. Истилоҳда эса мўмин кишини асоссиз сабаблар билан кофирга чиқариш демакдир.

ТАҚВО – [араб. – *сақланиш, парҳезкорлик, Худодан қўрқиш*] Исломда диндорликни ифодаловчи тушунча. Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда тақво бир неча мазмунларда келади. Масалан, Аллоҳдан қўрқиш, дўзахдан сақланиш, парҳезкорлик ва бошқалар. Аллоҳга тақво қилиш Ундан қўрқишдир. Ҳазрат Умар (розияллоҳу анҳу)дан тақво нима, деб сўралганда: "Араблар сертикан майдондан ялангоёқ бўлиб, тикандан сақланиб ўтиб кетишни тақво деб атайдилар", деганлар. Ҳаётда гуноҳ

ишлар ҳам худди тиканларга ўхшайди, ким улардан эҳтиёт бўлмаса, озор чекади, улардан сақланиб юрган киши эса, тақво қилган бўлади.

ТАРКИДУНЁЧИЛИК – одамлардан, ташқи дунёдан, шунингдек, жамият ва оиладан ажралиб яшаш, кимсасиз жойларга бош олиб кетиш, дарбадарликда ҳаёт кечириш. Йирик динлар (браҳманизм, буддавийлик, яҳудийлик, насронийлик)га хос хусусиятдир. Таркидунё қилганлар одамлардан узоқда ва ғорларда ҳаёт кечиришган, ўзларини хилма-хил уқубатларга дучор қилганлар, оч-яланғоч яшаганлар. Айниқса, уйланиш, авлод қолдиришга, кундалик ҳаёт ташвишлари билан яшашга нафрат билан қарашган. Ислом динида бу каби роҳиблик йўқлиги ҳадисларда айтилган.

ТАСАВВУФ – [араб. – *пўстин кийиш, суфийлик йўли*] – исломда инсоннинг руҳий оламига боғлиқ, қараш ва амалиётлар мажмуи. Тасаввуф таълимоти асосий эътиборни инсон қалби, унинг руҳияти, кўнгил ҳоллари, нафс тарбияси, комил инсон, юксак маънавият, гўзал одоб-ахлоқ, руҳий камолот каби мавзуларга қаратган.

ТАФСИР – [араб. – *баён қилиш, очиб бериш ва равшан қилиш*] – Пайғамбар (алайҳиссалом) ҳадислари, араб тили грамматикаси қоидалари ва балоғат илмининг усулларига таяниб Қуръон оятларининг мазмунини ёритиб берадиган илмдир. Мазкур илмда оятлардаги сўзларнинг маъноси, оятлар нозил бўлиш сабаблари, ишоралар, носих ва мансух оятларни бир-биридан ажрата билиш, турли қиссалар таҳлили ҳақида сўз боради.

ТАҲДИД – маънавий ёки моддий зиён етказувчи ҳаракатлар.

УММАТ – [араб. – *халқ, миллат; динга эътиқод қилувчилар жамоаси*] – «Муҳаммад уммати» дейилганда, мусулмонлар тушунилади.

ФАРЗИ АЙН – барча мусулмонлар билиши, бажариши шарт бўлган, қатъий буюрилган асосий диний амаллар.

ФАТВО – [араб. – *тушунтириш, изоҳ, ҳукм, қарор*] – исломда муфтий ёки уламолар кенгаши томонидан диний, ҳуқуқий, сиёсий ҳамда ижтимоий масалаларда бериладиган қарор, ҳукм ёки изоҳ.

ФИҚҲ – (араб. – *чуқур тушуниш, билиш*) мусулмонларнинг ибодат қоидалари, хулқ-атвор тўғрисидаги ислом ҳуқуқшунослиги, ислом ижтимоий меъёрлари мажмуаси (кенг маънода, мусулмон ҳуқуқи).

ФИСҚ – [араб.–*бузуқлик, ахлоқсизлик, фаҳш*] ахлоқий бузуқлик, фаҳш; бировнинг орқасидан ёмонлаб тарқатилган уйдирма; ғийбат, иғво; тўғри йўлдан адашиш.

ФОЖИР – фоҳиш, уятсиз; бетавфиқ, гуноҳкор, бузуқ; ёлғончи.

ФОСИҚ – [араб. – *йўлдан адашган, ахлоқсиз*] – ислом анъанасида диний мажбуриятларни адо этмаган гуноҳкор; ахлоқий маънода – фоҳиш, бузуқ одам. Бир сўз билан айтганда, куфр ва ширкдан бошқа гуноҳ ишларни қилувчи.

ФУНДАМЕНТАЛИЗМ – [лот. *Fundamentalis – асос бўлувчи*] бирор таълимот ақидаларининг, жумладан, илоҳий китоблардаги тушунчаларнинг дастлабки, соф ҳолатини сақлаб қолишни астойдил ҳимоя қиладиган, уларни бошқа (мажозий) маънода, замонга мослаб талқин этишни рад этадиган ижтимоий, мафкуравий диний йўналиш.

ХАВФСИЗЛИК – хавфсиз (яъни, хавф туғдирмайдиган, хатарсиз), бирор нарса ёки кимсага хавф бўлмаслиги, осойишталикни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракат.

ХАТИБ – [араб. – *нотиқ, воиз, ваъзхон*] – масжидда жума ва ҳайит намози пайтида хутба ўқийдиган, ваъз айтадиган домла, имом; воиз.

ХОРИЖИЙЛАР ВА АЗРАҚИЙЛАР – Ислом тарихида илк адашган оқимларнинг номлари.

ХУДКУШ – [форс. – *ўзини ўзи ўлдириш*] – турли хил воситалар ва йўллар билан ўзини ўлдирган шахс.

ХУРУЖ – тўсатдан ҳужум қилиш, ҳужум.

ҚАБИҲ – [араб. – *жирканч, ярамас; дағал; қўпол; ахлоқсиз*] – ахлоқ-одоб, инсонийлик меъёрларига зид; жирканч, разил, ярамас.

ҚИБЛА – [араб. – *тараф*] Саудия Арабистонининг Макка шаҳридаги "Каъба", "Байтуллоҳ", "Масжидул Ҳаром" каби номлар билан аталувчи муқаддас бино бўлиб, у ер юзидаги барча мусулмонларнинг қибласидир. Яъни, намозда юзини қаратадиган томон шу марказ ҳисобланади. Каъба номларининг маънолари қуйидагича: 1. Каъба – баландлик, дўнглик, Ернинг энг баланд жойи. 2. Байтуллоҳ – Аллоҳнинг «уйи». 3. Масжидул Ҳаром – уруш, жанжал ва фисқу фасод ишлари унда ва атрофида ҳаром қилинган масжид. 4. Байтул-атиқ – қадимий уй. 5. Қибла – намозда юзланиладиган жиҳат, томон.

ҚИЁМАТ – [араб. – *ўриндан туриш, тик туриш*]– инсонларнинг қайта тирилиш куни, бу дунё тугагач, у дунёда ҳамма тирилиб, сўроққа тўпланадиган кун; охират, маҳшар.

ҚИЁС – [араб. – *таққослаш*] Қуръон, сунна, ижмодан кейинги шариат манбаи. Қиёс аввалги манбаларда ҳукми келмаган бирор ҳуқуқий масала бўйича улардаги шунга ўхшаш масалада берилган кўрсатмага асосан таққослаш йўли билан ҳукм чиқаришдир.

ҚИРОАТ – [араб. – *ўқиш*] – Ислом анъаналарида Қуръон оятларини тажвид қоидаларига риоя қилган ҳолда, ўзига хос услубда ўқиш.

ҚУРЪОН – [араб. – *ўқимоқ*] – Аллоҳнинг пайғамбар Муҳаммад (алайҳиссалом)га нозил қилган каломидир.

ҒАЙБ – [араб. – *йўқлик, барча кўринмас нарсалар, келажак*] ғойиблик, инсон сезги аъзолари билан ҳис эта олмайдиган, билиш имконлари билан идрок эта олмайдиган ҳодисалар. Мусулмонлар ғайбга имон келтирадилар.

ҒАЙРИДИН – [ғайри + дин] – бошқа динга эътиқод қилувчи, бошқа диндаги (киши).

ҒОЯЛАР КУРАШИ – турли давлатлар ва миллатлар манфаатларига хизмат қиладиган ғоялар, мафкуралар бошқа давлат ва миллатлар манфаатига мос тушмаслиги мумкин. Улар ўртасида бўладиган мафкуравий кураш ғоялар кураши ҳисобланади.

ҲАДИС – [араб. – *сўз; суҳбат; ривоят, янги*] – Ислом динида Қуръондан кейинги муқаддас манба, Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг сўзлари, фаолият ва кўрсатмалари ҳақидаги ривоятлар.

ҲАЛОЛ – [араб. – *рухсат берилган, эркин, боғланмаган, «тугунни ечиш»*]–қонуний, ижозат берилган; фарз, мандуб ва мубоҳ тушунчаларига кирувчи рухсат этилган хатти-ҳаракатлар. Шариатда ҳаромлик тугуни ечилган, яъни ҳаромлик сифати йўқ нарсага, ҳалол дейилади.

ҲАРОМ – [араб. – *ман қилинган, тақиқланган*] – шариатда очиқ-ойдин равишда ман қилинган нарса. Нажосат тушган сув, маст қилувчи ичимликлар, чўчқа гўшти ва бошқа айрим нарсалар ҳаромдир. Ўзи ҳалол бўлган нарсаларга шариатда ман қилинган йўл билан эга бўлса, улар унга ҳаромга айланади. Уламолар ҳаромни – ўзида ҳаромлик сифати бор ёки ман қилинган йўл билан топилган нарсадир, деб таъриф қиладилар. Мусулмон инсон учун ҳаромдан ҳазар қилиш фарздир. Ота-онага

оқ бўлиш, зинокорлик, судхўрлик, сеҳргар ва фолбинларга ишониш, ўғрилик, қароқчилик, порахўрлик, жосуслик, чақимчилик, ёлғончилик, қотиллик, ноҳақ қон тўкиш, хиёнаткорлик, савдо-сотиқда ғирромлик, ғийбат, туҳмат кабилар ҳам ҳаром амаллардир.

ҲИДОЯТ – [араб. – *тўғри йўл*] – чин эътиқод йўлидан юриш. Ҳидоят – Аллоҳ Ўз бандаларига кўрсатган энг тўғри йўл бўлиб, ўзи хоҳлаган, танлаган кишиларнигина унга етаклайди.

ҲИЖРИЙ ЙИЛ – (ҳижрий-қамарий тақвим) Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг Маккадан Мадина (Ясриб)га ҳижрат қилишлари (кўчишлари)дан (622 милодий йилнинг 16 июлидан) бошланган йил ҳисобининг номи. Ҳижрий йил ҳисоби Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу) томонидан 638 йилда жорий этилган.

ШАРИАТ – [араб.– *тўғри йўл; остона ва сув ичиш жойи, диний ҳукмлар мажмуи*] – ҳар бир самовий диннинг барча ахлоқий, эътиқодий ва ҳуқуқий меъёрлари мажмуи.

ШАФОАТ – [араб. – *ҳимоя қилиш*] – бошқа бировга қўшилиб, унга ёрдам бериш ва ёнини олиб, бирор нарсани унинг учун сўраш. Кўпинча, шафоатда мартабаси ва ҳурмати юқори шахснинг ўзидан паст одамнинг тарафини олиши тушунилади. Қиёматда анбиёлар, фаришталар, шаҳидлар, қорилар, Қуръон ўз қорисига, кичик бола ўз ота-онасига, рўза рўзадорга, мўминлар бир-бирига шафоат қиладилар.

ШАҲИДЛИК – Ислом динига кўра, Аллоҳнинг ризоси йўлида фидойилик қилган, имони, эътиқоди, номусини сақлаш йўлида золим душман қўлида қатл қилинган кишиларга Аллоҳ томонидан бериладиган даража демакдир. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ички касалликлар хуружи билан ўлган, жони, моли, ор-номуси ҳимояси йўлида ўлдирилган ва турли сабаблар билан фожиали ҳалокатга учраган кишиларга ҳам шаҳидлик

мақоми берилади, деб башорат берганлар. Демак, Ислом нуқтаи назарида бошқа савобли ишлар каби шаҳидлик ҳам мусулмон кишининг ихлосу эътиқоди, амали ва мусибатларга сабр-тоқат қилиши эвазига бериладиган мукофотдир. Аммо бизнинг асримизда ўзларини портлатиб, террор амалиётини амалга ошириш йўли билан бегуноҳ кишилар ҳаётига зомин бўлаётганлар ҳеч қачон шаҳид бўлмайдилар, балки улар оғир жиноят содир этган гуноҳкори азим бандалардир. Уларнинг шаҳидликни даъво қилишларига ҳеч қандай шаръий асос йўқ.

ЭКСТРЕМИСТ – экстремизм тарафдори, жамиятда қабул қилинган қадриятлар ва меъёрларга зид қарашларни илгари сурувчи, кескин қарашлар ва чораларни ёқловчи, амалга оширувчи шахс.

ЭЪТИҚОД – [араб. – *ишонч, ишониш; кўнгилда тасдиқлаш; имон, маслак*] – қаттиқ ишонч, дилдан эътироф этиш, қалбда тасдиқлаш, нуқтаи назар, қараш. Бирор ақида, кимса ёки нарсага бўлган ишонч ва ихлос.

ЭЪТИМОД – [араб. – *таянч, суяниш; ишониш, ишонч*] – самимий, тўғри, одил деб ҳисоблаб, қаттиқ ишониш, шунга асосланиб иш кўриш. Кўзда тутилган, ишонилган кимсадан кутилган, унга боғланган умид, ишонч.

МУНДАРИЖА

КИРИШ 4

1-БОБ. СОҒЛОМ ЭЪТИҚОДГА ТАҲДИД 7

1.1. Эътиқод тўғрисида тушунча 8
1.2. Глобал тармоқдаги таҳдидлар 15
1.3. Соғлом эътиқоддан адашганларга муносабат 20
1.4. Миссионерлар ёки "эътиқод овчилари" ҳамлалари 25
1.5. Террорчиларнинг интернетдан фойдаланиш йуллари 32
1.6. Исломда бузғунчиларга муносабат 39

2-БОБ. ЖАҲОН АХБОРОТ ТАРМОҒИДАГИ ФИТНАЛАР ХУРУЖИ 46

2.1. Фитнанинг мазмун-моҳияти ва хатарлари 47
2.2. Диний тушунчаларни ғаразли мақсадда талқин этишнинг зарарлари 54
2.3. Тўғри йўлдан адашганларнинг қисмати 72
2.4. Мусулмонни кофир дейиш оғир гуноҳлиги тўғрисида 76
2.5. Фитна чиқарувчиларга муносабат 81

3-БОБ. БЕКОРЧИЛИК ВА БУЗУҚЛИК ТЎРЛАРИ **89**

3.1. Бекорчилик ва унинг аянчли оқибатлари 90
3.2. Бузуқлик ўчоқлари 97
3.3. Бузуқликка берилганларга муносабат 106
3.4. "Оломонча маданият" офатлари 110
3.5. "Оломонча маданият" тобеларига муносабат 118

4-БОБ. ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАР ТАҲДИДЛАРИ **125**

4.1. Ижтимоий тармоқлар тўғрисида тушунча 126
4.2. Ижтимоий тармоқларнинг зарарли оқибатлари 129
4.3. Глобал тармоқнинг замонавий исканжалари 137
4.4. Ижтимоий тармоқлардаги иллатларнинг олдини олиш йўллари 145

5-БОБ. КИБЕРТЕРРОРЧИЛИК **157**

5.1. Кибертеррорчилик тўғрисида тушунча 158
5.2. Виртуал жиноятчиликка қарши кураш йўллари 162
5.3. Кибертеррорчилар келтирган зарарлар 165
5.4. Глобал тармоқ қаллобларига муносабат 172

6-БОБ. КОМПЬЮТЕР ЎЙИНЛАРИ МАНҚУРТЛИК ВОСИТАСИ **179**

6.1. Виртуал ўйинларнинг зарарлари тўғрисида 180
6.2. Манқуртга айлантиришнинг замонавий воситалари 184
6.3. Компьютер мутелигининг руҳий ва жисмоний хатарлари 188
6.4. Виртуал ўйинларнинг асоратлари 192
6.5. Виртуал тутқунликка қарши кураш чоралари 197

7-БОБ. АХБОРОТ АСРИ ТАҲЛИКАЛАРИ **205**

7.1. Ахборот тўғрисида умумий тушунча 206
7.2. Интернет тармоғидаги ахборот уруши 209
7.3. Глобал тармоқдаги ғоявий хуружларнинг олдини олиш 213
7.4. Жаҳон ахборот тизимидаги таҳдидларга қарши туриш 217
7.5. Баркамол авлоднинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш 226

8-БОБ. ВИРТУАЛ МУЛОҚОТ ВОСИТАЛАРИ **235**

8.1. Виртуал мессенжерлар тўғрисида тушунча 236
8.2. Виртуал мулоқот воситаларининг салбий жиҳатлари 247
8.3. SMS хабарларнинг ножўя таъсирлари 258
8.4. Маънавий таҳдидлардан ҳимояланиш чоралари 262

9-БОБ. ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ТАҲЛИКАЛАРИ **268**

9.1. "Flashmob" тўғрисида тушунча 269
9.2. "Selfi" олишнинг нохуш оқибатлари 275
9.3. Ёлғон маълумотларнинг зарарлари 279
9.4. Чалғитувчи ахборотлар тарқалишининг олдини олиш 287

10-БОБ. АХБОРОТ ХУРУЖИДАН ҲИМОЯ **294**

10.1. Глобал таҳдидларнинг хавф солиши 295
10.2. Ёшларни тажовузкор ғоялардан асраш асослари 301
10.3. Баркамол авлодни мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш 306
10.4. Интернетга қарамлик белгилари 310
10.5. Дин ниқобидаги таҳдидлардан ҳимоя чоралари 317

ХУЛОСА 320
ТЕСТ САВОЛЛАРИ 325
ГЛОССАРИЙ 343

Муҳаммад Амин Яҳё

ИНТЕРНЕТДАГИ ТАҲДИДЛАРДАН ҲИМОЯ

ЁРДАМЧИ ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Нашриёт лицензия рақами: AI 146. 2009.14.08.

Босишга 2016 йил 10 мартда рухсат этилди. Қоғоз бичими 60×90 1/16.
Ҳисоб-нашриёт т.: 11,34. Шартли б.т.: 23,5 Адади: 3000 нусха 108 сон буюртма.

"Movarounnahr" нашриётида тайёрланди.
Нашриёт манзили: 100002, Тошкент шаҳар
Зарқайнар 18-беркқўча 47а-уй.
Электрон почта: m-nashr@yandex.ru
Тел: (0-371) 227-34-30

«Print Line Group» ХК босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳкўчаси 44-уй.